

Владимир Брагин

---

ДОКТОР  
ДУМЧЕВНИНГ  
КАШФИЁТЛАРИ

РОМАН-ЭРТАК

Қайта ишланган ва тўлдирилган  
2-нашридан Ҳайдар ИБРОҲИМОВ  
таржимаси

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш Гвардия» нашриёти  
— Тошкент — 1977

## АВТОР ДАН

Бу ўлкада ажойиб жониворлар яшайди.

Улардан баъзилари овга чиққанда найзасини ўлжага шу қадар аниқ санча оладики, бу ўлжа чалажон бўлиб, қимир этолмай қолади.

Бошқа жониворлар шўнчалик ажойиб тус оладики, ёнида турган мушандаси уни сезмайди. Гўё улар кўзга кўришмай қолади.

Бу ўлкада яшовчиларнинг баъзилари ўн йилгача яширин яшайди, уларнинг мавжудлигини хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Сўнгра улар ҳаёт тарзини ўзгартиб, қисқа вақтга пайдо бўладилар-да, ҳалок бўладилар.

Бу ўлкада яшовчилар ўнлаб километр узоқдан йўл топиб келадилар.

Бу ерда баъзи жониворлар ўз шўҳрларига кириб қолган чақирилмаган меҳмондан қутулиш учун унга ташланиб, тирмайдим деворга чаплаб ташлайдилар.


Бу ерда нималардан уй қуришмайди, дейсиз! Егочдангина эмас, қоғоз ва ипакдан, цемент ва япроқдан уй қурадилар. Бу ўлкада картон ва ип, беланчак ва сопол тувак, мум, пахта, спирт шўлаб чиқарадилар...

Бу ўлкага келиб қолган кишининг ҳаёти ва саргузашти турли даврларда, турли тилларда тасвирланган.

Ун йилдан зиёдроқ аввал «Доктор Думчевнинг кашфиётлари» китобида (Детгиз, 1948) бу ўлкада қирқ йилча яшаган Сергей Думчев деган кишининг тақдири ва у Ченск шаҳрига қандай қайтиб келгани тўғрисида ҳикоя қилиб берилган

...дилар мобайнида китобхонлардин кўп хат олдим. Улар қизиқарли маслаҳатлар берганлар, шунингдек «Доктор Думчевнинг кашфиётлари» баъзи ноаниқликларни кўрсатганлар. Ёнди романимни иккинчи нашрга тайёрладим, китобхонларнинг янги мулоҳазаларини қўтаман.

Думчев қайси ўлкада бўлган? У қаерда жойлашган? Мен ўз қиссамни шу ўлкада бўлганлар номидан ҳикоя қиламан. Аммо у сал галатироқ бўлади...



## БИРИНЧИ ҚИСМ

# БИРОВНИНГ ГУЛДАСТАСИ

### ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ЙУЛГА!

«Албатта, Қуёшнинг киши билан иши йўқ. Аммо нисон Қуёш билан доимо қизиқади. Икки минг йилдан зиёдроқ вақт аввал Эратосфен Қуёш сояси ёрдамида ер куррасининг ҳажмини ҳисоблаб чиқди. Ернинг айланаси экваторда 250 минг стадий, тахминан 38000 чақиримга тенглигини ҳисоблади! Ахир қадимги грек географни Эратосфен билиши мумкин бўлган олам шу қадар тор эдики!..

Мен қум устига Эратосфен билган оламни чизаман: унда Америка, Австралия йўқ. Уртаер денгизининг ис-

сиқ соҳиллари... Эрон... Скифия... Дунё шу қадар тоғ эди! Эратосфен олдида ҳайратга соларли рақам — 250000 стадий пайдо бўлди. Инсон қалбини қўрқув, ожизлик эмас, балки шижоат, бплиш, кашф этиш, кўриш иштиёқи қамраб олди. Математик ҳисобларни шошилмай ечган сари Эратосфен олдида олам кенгая борарди. Аммо менинг олдимда олам ва буюмлар бирдан улғайди. Бирданига! Ҳа, юз, икки юз барабар улғайди! Оғир ва тушуниб бўлмайдиган дақиқа!

...Бугун сафар халтасини тўлдирдим. Унда бу ўлкадаги қузатишларим ва кашфиётларим ҳақидаги кундалик дафтарим бор. Юк ҳайвони билан босиб ўтадиган йўл чексиз, яланглик эса поёнсиз. Мени ташвиш ва қўрқув қамраб олмоқда.

Зулмат қумдаги чизиқларни яширмоқда. Ухлайдиган вақт бўлди. . .»

«2876 рақамли бу сўнгги варақни эрта тонгда ёзиб тугатаяпман.

Кеча, қумдаги чизиқларни тун яширгандан кейин, юлдузларга узоқ тикилдим. Негадир, улар ўз осмонида ёлғиз ва ғамгин яшайдилар, деб ўйладим. Уларга раҳим келди. Мен уларга «Зерикманглар!» дедим. Ниначи ғумбаги сувни отиб — итарилиш натижасида ҳаракат қилади. Катта байрамлар ва халқ сайилларида отилган мушак ҳам шу принцип асосида ҳавога учади. Одамлар шу усул ёрдамида самовий кемаларини Ердан Ойга ва, олисдаги сайёралар, сизларга йўллайдилар. Улар инсон овози ва кулгусидан жозибали бўлиб қолади. Нима? Сизлар жуда олисдамисизлар? Ҳечқисси йўқ, инсон сизга ҳам учиб боради! Ниначи ғумбаги — жонли ракета двигатели! Уни мен бу ерда ҳаракат қилаётган пайтида кўрдим. Бу кундалик дафтаримга ёзиб қўйган кашфиётлардан биттаси, холос. Мен бу кундаликни одамларга олиб бориб бераман.

Уйимнинг туйнугини тош билан бекитар эканман, юлдузларга «Хотиржам ухланглар!» дедим. Улар менга жавобан янада кучлироқ порлади ва ҳатто нур киприкларини қоқиб қўйди. Бугун кашфиётлар кундалигига шу варақни ҳам қўшиб қўяман. Яхши! Кўнглим тинч. На журъатсизлик, на қўрқув бор. Юк ҳайвонлари боғлиқ турибди. Дижонваль... Дижонваль... Унинг

барометри орқали об-ҳаво қандай бўлишини билиш учун кетяпман. Етиб боргунимча Поливанов тўғрисида ўйладим... Барометр ҳаво очиқ, иссиқ бўлишини кўрсатяпти.

Шундай қилиб, йўлга! Бу барометр кўп йиллардан бери мени бир марта ҳам алдагани йўқ...»

Ченск педагогика институтининг директори Степан Егорович Тарасевич мийғида кулди:

— Ғалати ёзув, номаълум барометр системасини эслатиш, бунинг устига кимдир, нима сабабдандир бизга номаълум усул билан ўнлаб марта кичрайтириб ёзгани туфайли, ушн кучли луна орқали ўқиб машинисткага айтиб туришга тўғри келди. Буларнинг ҳаммаси ҳар қандай одамнинг бошини айлантириб қўяди.

Шундай деб, Степан Егорович майда ёзувли митти, гоят юпқа қоғоз солинган гугурт қутисига тикилди.

— Айтмоқчи, бу варақлар меҳмонхонадаги хонагизга тасодифан ташланган гулдаста ичида экан, дедиңгизми? Шундаймиди? Лекин бу ҳазил! Ҳозир ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Ҳозир студент Белянкини чақираман, у дўстларига ҳазил қилиб, нега бундай ғалати усул ва ғалати ёзувни танлаганини бизга тушунтириб беради.

— Ёзувни фотоаппарат ёрдамида кичрайтириш ҳам ҳазилми?

— Албатта!

— Аммо студент Белянкин бушн ёзмаганини, варақларини кичрайтирмаганини айтди.

— Шундай дедими? Сизга-я? Студентлар олдида-я?!

— Ҳа!

— Биласизми нима?.. Сиз институтга янги, тасодифан келган одамсиз.— Профессор Тарасевич бармоғини букиб, столни шошилмай, бир меъёрда тақиллатди-да, билинар-билимас киноя билан менга қаради.— Сиз москвалик ёзувчисиз шекилли? Институтда одатдаги ҳаёт давом этяпти, шунда... тўсатдан... гулдаста ва гугурт қутисини кўтариб нотаниш киши— сиз пайдо бўлдингиз. Қутичада варақлар бор, уларда эса Белянкининг афсонавий уйдирмаларию туйғулари тасвир этилган. Ингит уялиб, довдираб, йўқ, мен ёзган эмасман, деб жавоб қилганига ажабланмаса ҳам бўлади.

— Лекин ҳозир биз ўқиган хатда бирорта ҳам куту-  
гили, ҳазил сўз йўқ, аксинча, қандайдир саёҳат ва Эра-  
тосфен ҳақида, қандайдир юк қайвонлари тўғрисида  
ҳаяжон билан ҳикоя қилинади...

— Гапнингизга кўшиламан, ҳақиқатан ҳам галати.  
Лекин уни ёзган, фотоаппарат ёрдамида кичрайтирган  
ҳам Белякиннинг ўзи деб ўйлайман. Ҳазил учун қилган!  
Ҳозир уни чақираман. Директор эшикни очди:— Ири-  
на Сергеевна, марҳамат қилиб... Кечирасиз.— У мен  
томонга ўгирилди:— Секретарь жойида йўқ. Ҳозир сту-  
дентларга буюраман.

Директор чиқиб кетди.

Институтнинг узун коридорида «Белякин, директор  
чақиряпти... Белякин, директор чақиряпти!» деган бў-  
ғиқ овоз такрорланди.

### ТАШВИШЛИ ШОДЛИК

Бу қандай содир бўлди? Ахир мен Ченскга атайлаб  
келмаганман. Кассадан кемага билет олиб, денгиз ор-  
қали курорт шаҳарлардан бирига боришим керак. Мен  
эса Педагогика институти директорининг кабинетида  
чарм креслода ўтирибман. Денгиз тўлқинлари жилваси  
эмас, китоб жовонлари ойнаси ялтираяпти; поёнсиз  
денгиз ўрнига деразалардаги бир оз ранги ўчган ашия  
пардалар. Студент Белякин билан институт директо-  
ри Степан Егорович Тарасевични нега кутиб ўтириб-  
ман? Сочлари оппоқ, босиқ, бир оз ҳорғин бу киши  
студентлар билан очиқ, эркин гаплашиб, институт ҳаёти-  
нинг икки-чикиригача аралашади.

У тез қайтармикин?

...Москвада пьесам муваффақият қозонармикин деб  
хавфсизраб, тишим билмай ўтказган сўнгги кунларим  
жуда чарчатиб қўйган эди мен. Поездга ўтирдим. Уч  
кун йўл юрдим. Поезддан кемага чиқиш учун Ченскда  
тушдим.

Поезд кеча саҳар пайтида келди. Вокзалдан тўғри  
пристанга йўл олдим. Кема қачон келишини сўрадим.

— Кутиш! Сиз борадиган томоннинг кемаси эртага  
келади,— деб жавоб қилишди менга.

Кейин шаҳарни томоша қилдим. Тушда овқатландим.  
Шундан сўнггиша меҳмонхонага йўл олдим. Катта кўча-  
дан, катта витриналари устига матодан соябон қилин-  
ган магазин ёнидан тоққа қараган кўчага бурилдим.

Кўчага асфальт ётқизишаётган экан. Ҳавони қизиган асфальт дуди ва чап қоплаган. Аммо йўл бўйи гулзорлардан қалампиргулнинг ёқимли ҳиди, левкойнинг майин пси, атиргуллар анқиб турарди.

Қаердодир эрранинг шифиллаши эшитилди. Гоҳ ба-раварига, гоҳ бирин-кетин болталар тақ-туқ уриларди.

Икки қаватли меҳмонхона биноси, қадим вақтларда қурилган бўлса керак. У анча бачкана кўринарди. Биринчи қават гиштдан, иккинчи қават ёғочдан қурилган эди. Бир вақтлар биринчи қаватда икки хўжайиннинг дўкони бўлган: чунки бионинг икки томонида эшик бўлиб, иккаласи ҳам иккинчи қаватга олиб чиқади. Энди бир эшикдан меҳмонхонага кирилади: бу эшикнинг устига «Тўлқин» деб ёзиб қўйилган. Иккинчи эшикдан квартираларга кирилса керак.

Меҳмонхонанинг ёруғ йўлагидега стол ёнида бир қиз ўтирарди. Қиз фарқини тўғри очиб, сочини чамбарак қилиб олган эди.

— Жой олсам бўладими?

Қиз китобдан бошини кўтармай гапирди:

— «Кечиринг, Эдмон... мен учун, сизга бўлган муҳаббатим учун кечиринг!»

— Мен Эдмон эмасман, граф Монте-Кристо ҳам эмасман.— дедим китоб ўқиётган қизга.

— «Оилали аёл нафсонияти ўртанган қалб талпинишини тийди»,— қиз овозини чиқариб ўқиди ва кўрсаткич бармоғини сатр устига қўйиб менга қаради: — Кечирасиз, граждаши; ҳеч ўзимни тўхтатолмаяман.

— Бўш хона борми?

— «У пешанаси ерга тегкудек бўлиб энгашди».

— Менга бир кунга жой керак. Эртага кетаман...

— «Граф ўзини унга ташлади...»

Мен чамадошимни кўтариб эшик томонга бурилдим. Бу қиз Дюманинг «Граф Монте-Кристо» романини овозини чиқариб ўқийверсин, деб чиқиб кетмоқчи бўлдим—у, лекин яна сўрадим:

— Бўш хона борми?

— «Граф ўзини унга ташлади...»— яна такрорлади қиз ва қўлини деворга чўзди. Деворда кичик ясси жовонча осиглиқ бўлиб, ойнали эшиги очиқ эди.

Жовончада номерли қалитлар илмоқларда осиглиқ турарди. Навбатчи қиз китобдан бошини кўтармай, илмоқдан қалитни олиб менга узатди ва:

— Биринчидан, форма варақасини тўлдириш, ик-

кничидан, саккиз сўм ташлаб кетинг. Учинчидан... Ҳа... «Вой худойим, мен сизни Эдмонд деб атаяпмай, неча сиз мени Мерседес деб чақирмаяпсиз?»— деди.

— Кечирасиз, Мерседес,— дедим навбатчи қизга,— мен граф Монте-Кристо эмасман...

— Ҳа, — қиз менга диққат билан қараб хўрсинди,— сиз граф Монте-Кристо бўла олармидигиз... Меҳмонхонада бир кундан кўпроқ турадиган бўлиб қолсангиз мени огоҳлантириб қўйишни унутманг.

Мен нимадир демоқчи, ниманидир сўрамоқчи бўлдим у бефойдалигини тушундим — меҳмонхона навбатчиси китобга шўнғиб кетган эди.

Калитни олиб узун йўлакдан кета бошладим.

Хонада гардероб, гул тикилган оқ дастурхон ёзилган стол, умивальник, бир неча стул. Пол тахталари ювилган, ярқирайди.

Деразани очиб, тоқчасига суяндим. Рўпарадаги уйлар бунчаям кичкина! Деразалари кичкина, тўртбурчак, чиройли дарпардалар осилган. Дераза эшикларига юрак шакли ўйиб солинган.

Пешайвонларда кампирлар ўтиришибди. Улар нима-ларни гаплашишаётгани эшитилмайди. Лекин улар суҳбатни оҳиста, шошилмай давом эттиришмоқда. Сўзлари ҳам содда ва раван... Нима ҳақда гаплашишяпти?.. Бақлажон икрасига нима қўшиш кераклиги, узумни қандай қуриштиш, бел огриғига нима шифолиги ҳақида гаплашишаётгандир, балки кунлар совиб қолди, тез-тез ёмғир ёғадиган бўлиб қолди, деб шикоят қилишаётгандир.

Шу ерда, шу шаҳарда, 19.. йили, ёзининг сокин оқшомларидан бирида, атиги бир неча дақиқадан сўнг ҳақиқатлигига кейинчалик ўзим ҳам зўрға ишонадиган воқеалар иштирокчиси бўлишим хаёлимга ҳам келмаган, тахмин ҳам қилмаган эдим.

Муюлишда бир йигит ва бир қиз кўринди. Улар жуда секин келишяпти. Балки кўпроқ бирга бўлиш учун секин юришаётгандир. Улар индамай бир-бирига унутилмас сўзни айтишмоқчи-ю, оғиз очишга ботинишмаётганга ўхшайди. Мана, улар деразам остида тўхташди. Қизнинг гаплари қулоғимга чалинди:

— Раҳмат, Павлик, мен етиб келдим. Ойингиз берган фикус кўчати қанчалик ўсиб кетганини қаранг.

Қизнинг квартираси деразаси менинг деразам ёнги-



насида эди. У фикусни кўрсатганда менга қараётгандек туюлди.

— Лена, мен сизга айтсам...

Лена кулди.

— Биласизми, мен нимани ўйлаяпман? Ажойиботлар ҳақида. Деразамдаги манави фикус, сопол тувакка ўтказилган оддий фикус. Мен эса унга қараб ўрмонда баҳайбат фикус ёнидан йўғон илон ўрмалаб кетаётганини сезаётгандек бўламан. Ўйчан фил боласини эргаштириб, меш қорни билан фикусга тегиб ўтганини кўраман. Эҳ, Павлик! Фикус деразада сопол тувакда эмас, тропик ўрмонда ўсади. Уни қачонлардир ўрмондан олиб келинган. Павел... Павлик, ҳар бир ўсимлик сирли бир ажойибот.

— Тушунаман... тушунаман... Чанглиниш...

— «Чанглиниш» эмиш! Жуда зерикарли бу! Гултож, гулчанг. Бўёқлари-чи? Ҳиди-чи? Шаҳар четида дала гуллари бирам кўпки!.. Сиз ўша ерда яшайсиз-у, битта ҳам гулдаста олиб келмайсиз, битта ҳам...

— Мен сен билан кўпроқ бирга бўлишга шошиламану... гул теришга вақтим бўлмайди... Доим сизга бир гапни айтмоқчи бўламану...

Улар бир-бирларига гоҳ сизлаб, гоҳ сенлаб гапиришарди.

— Ҳув қиш вақтида худди шу ерда... эсингдамн... Қаттиқ бўрон кўтарилганди ўшанда. Қишда... Худди ҳозиргидек... «Лена, сизга бир гап айтмоқчиман»,— деб бошлагандингиз.

— Мен ўшанда айтолмадим, чунки, — деб жавоб қилди Павел,— чунки ўшанда қўлинг музлаб қолганди, уйга кириб, тезроқ қўлингизни иситиб олишингизни истагандим.

— Энди бўрон халақит бермайди, айтавер!

— Ўзим ёлғиз қолганимда сенга кўп нарсаларни айтаман.

— Аммо мен эшитмайман.

— Сизга бир неча марта узундан-узун хат ёздим.

— Лекин хат олганим йўқ.

— Хатларни жўнатишга ботинолмадим. Кўрқдим. Бир институтда бирга ўқиб, бир-биримизни ҳар куни кўриб туриб, яна хат ёзсам...

— Лена, Ленажон!— қўшни деразадан овоз эшитилди. — Овқат тайёр!

— Ҳозир бораман, ойи!.. Хайр. Ажойиб хатларингизни ва гулшигизни, дала гулларини кутаман. Катта гулдаста бўлсин!

Кўп ўтмай хонамнинг ёгон девори орқасида бўғиқ овоз ва идиш-товоқнинг тарақлаши эшитилди...

Шаҳар уйқуда. Сукунат. Бирдан Лена яшайдиган хонанинг нариги ёғида кимдир пианино чала бошлади. Ёқимли таниш куй. Охиригача чалишмади — куй бўлиниб қолди. Чалаётган одам ғоят ғамга чўмди, ёки ниманидир эслаб, ўйланиб қолди. Мен пианино яна тилга кирармикин, деб кутдим. Умидим пучга чиқди. Ёш бўлсанг, ҳали ёшлик ўтмаган бўлса — қандай яхши. Ленанинг гулларни кутиши... Павелга эса гул териш, ҳаяжонланиш... келтириш, қўлига топшириш нақадар яхши. Менинг эса ухлашим керак.

Қўшни хонада чироқни ўчиришди: тахта йўлканинг нариги ёғида ойнадан ерга тушиб турган тўрт бурчак ёруғлик сўнди. Хонадаги чироқни ўчирдим. Шу заҳоти тахта йўлкада шошилишча қадам товушларини эшитдим. Кимдир деярли югуриб келарди. Мана, тўхтади. Хонамга нимадир учиб кириб, полга тушди. Оёқ товуши тез узоқлашди. Чироқни ёқдим — гулдаста! Дарҳол тушундим. Дераза томон югурдим:

— Павел! Павел!

Кўчада ҳеч ким йўқ эди.

Кўзачага оҳиста сув қўйдим. Бегона кишининг гулдастасини унга авайлаб солдим. Бегона гулдаста!

### БИРОВНИНГ ГУЛДАСТАСИ

Тонг отиб, қуёш қиздира бошлади, қуёш нурлари деразаларда, эшикларда аке этиб ўйнарди. Дераза олдида шиддатли учиб ўтаётган тоғ қалдирғочлари чийиллашарди, столдаги думалоқ чойнак ялтирар, узоқдаги гудок ҳам энди дадил, қаттиқ ва кескин эшитиларди.

Павел адашиб менинг деразамга ташлаб кетган гулдаста — ёввойи наъматакнинг пушти гуллари, мовий бўтакўз гуллар сув солинган кўзачадан менга майин боқиб турарди.

Ҳа, қўшни хонага кириб, гулдастанга эгасига топшириш керак.

Гулларни авайлаб олдим, суви кўзачага томсин деб

оҳиста силкитдим. Шунда... оплоқ дастурхонга иккита митти тўрт бурчак қоғоз тушди. Бу нима экан? Ҳайрон бўлиб тикилдим. Ҳар бир варақчада қандайдир белгилар кўринарди. Хатмикин? Дераза остидаги кечаги гаплар эсимга тушди: «Бир неча марта сизга узундан узоқ хат ёздим». — «Лекин олганим йўқ». — «Юборишга ботинмадим...» — «Ажойиб хатлар билан дала гулларини кутаман».

Бу хатни лупа остига қўйиб ўқиш ҳам қийин эди. Аммо қўлимда лупа бўлганда ҳам бировнинг хатини ўқимаган бўлардим. Варақчаларни олиб, гугурт қутисига солдим. Ҳаммасини эгасига бериш керак...

Ленанинг уйидагилар у институтда эканлигини айтишди. Гулларини қолдирайми? У ҳолда гул кимдан эканлигини қандай айтаман? Митти варақларни нима қилиш керак? Бошим қотиб, институтга жўнадим.

Бировнинг гулдастаси билан, йўловчилардан Педагогика институтига қандай борилади деб сўраб, бегона шаҳарда юриш, кўчалар номини ўқиш ва... бировларнинг муҳаббати ҳақида ўйлаш — ҳавас қиладиган иш эмас.

Павлик ҳамма туйғуларини шу варақчаларда ифодалаган бўлса керак. Қандай қилиб ёздийкин? Микрофотография ёрдамида? Шу икки хатни ёзиш, уни суратга тушириш, суратни қоғозга тушираётганда кичрайтириш учун озмулча меҳнат сарфламагандир. Худди фотоаппарат ёрдамида кичрайтирилган сўзлар хотиржам ва аниқ жараёнлайдигандек... Яхшисен, бу хатни институтда Ленага эмас, Павелнинг ўзига топшираман.

Шаҳарнинг сердарахт боғидан ўтиб, қўрққанимдан бирдан тўхтаб қолдим: микрохат солинган гугурт қутиси тушиб қолгандек туюлди. Йўқ, мана, турибди!

Павел Лена билан ҳар гал учрашганда ўзини йўқотиб қўйса керак, натижада ўртада бир тўсиқ вужудга келиб, Павел ундан сакраб ўтинга ботинмас.

Мана, Педагогика институти: қора эмандан ясалган катта эшик, силлиқ мис тутқичлари қуёш нурида ялтирайди.

Институт қоровули — чолга кеча кечқурун кўрган йигитимнинг ҳамма белгиларини ҳафсала билан тасвирлаб бердим, лекин қоровул бу белгиларга қараб қайси Павелни чақришини билмай қолди.

Институтда ўқийдиган Павел деган йигитлар ким дейсизми? Уна бир дақиқа ўтса, ноқулай аҳволда қолганим турган гап эди. Павел деган йигитлардан беш-ўнгаси мени ўраб олса, мен уларга гулдаста узатсам— бу кулгили ҳол эмасми? Нима қилай? Шундан кейин қоровулга кеча кечқуруш студент қиз Ленани уйигача кузатиб қўйган Павелни айтдим.

— Ҳа-а, Павел Белянкини кўргансиз,— деди қоровул чўзиб.

Бир минутдан сўнг Павел рўпарамда ҳозир бўлди. Мен исмимни айтдим. Йигит ажабланиб менга тикилди.

— Мана гулдастангиз. Тасодиф бўлиб, меҳмонхонадаги менинг хонамга тушди. Кечирасиз, бир оз сўлиб қолди...

Йигит гулдастани ўнғайсизланиб олди. У ҳайрон эди:

— Шунга овора бўлиб юрибсизми? Гул ҳамиша сўлйди...

«Қизик, — ўйладим мен, — нега у хатини суриштирмаяпти?»

Мен гугурт қутисини узатдим:

— Манаву микрохатларингиз.

— Нима, қанақа хат?

— Сиз деразага ташлаган гулдастада фотохат бор экан.

— Фотохат?.. Мен фотография билан шуғулланмайман.

— Ахир фотохатлар сизнинг гулдастангизда экан! Сизнинг фотохатларингиз...

Павелнинг юзи гезариб кетди. Кечани уятчанлик ва тортинчоқликдан асар ҳам қолмади. У менга шубҳаланиб қаради.

— Гражданин, бировларинг хатини менга ёпиштирманг!

— Ахир... Ахир...

— Мени тинч қўйинг! Биласизми нима... Хайр!

Нима дейишимни билмайман. Кулгили, ноқулай аҳволга тушиб қолгандим: институтнинг нимқоронғи вестибюли, тўсиқ ортида қатор бўш илгаклар, мен микрохат солинган қутичани узатганимча турибман, Павел эса залнинг нариги четида мен кўчаларда авайлаб кўтариб келган гулдастани туфдонга тикипти.

Тўсатдан аудиториялардан бирининг эшиги очилиб, студентлар шовқин кўтариб залга киришди. Улар ҳозиргина бўлган консултациядан сўнг ҳали ўзларини босиб олинмаган, зўр бериб баҳслашишарди.

— Павел, нима бўлди? — Ленанинг овозини танидим.

Мен тушунтирмоқчи бўлдим. Ҳамма жим, менга ажабланиб қараб қолди.

— Кабинетга қирмайсизми?— деди бир киши хотиржам, дадил ҳаракат билан. Студентлар четланиб йўл беришди.

Ана шундай галати аҳвол туфайли кемада — денгизда бўлмиш ўрнига Педагогика институти директори Степан Егорович Тарасевич кабинетига кириб қолдим. Утирибман-у, микрохат ёзилган икки варақчадан кўз узмайман, унинг ёнида оддий қоғоз варақлари. Қатта лупа орқали ўқилган текстни машинистка шу қоғозга ёзган.

Кутиб ўтирибман. Ҳозир институт директори билан бирга микроёзув автори студент Белянкин киради. У, буларнинг ҳаммаси менинг шахсий ишим, Степан Егорович айтганидек, ҳазил, дейди. Уларнинг келишини кутаман, сўнг пристанга жўнайман.

### ПРОФЕССОР ТАРАСЕВИЧНИНГ УЧ САВОЛИ

Директор варақачалар солинган гугурт қутисини ва машинкада кўчирилган ёзувни студентнинг олдига қўйди.

— Белянкин, марҳамат қилиб, уч саволимга жавоб берсангиз. Биринчи савол: микрофотография ёрдамида ёзишма олиб бориш — бу қанақа одат? Иккинчи савол: нега ўз хатингиздан воз кечиб, одамгарчилик юзасидан уни қайтариб бераётган кишига қўполлик қиляпсиз? Энди учинчи саволим: хатингиздан маълум бўлишича, сиз узоқ саёҳатга чиқмоқчи бўляпсиз. Мен туризмга қарши эмасман, лекин, айтинг-чи, Дижонваль барометри қанақа барометр?

— Степан Егорович, бу хатларни мен ёзган эмасман! Боя кийим ечадиган жойдаёқ бу ҳақда айтганман.

— Бу қанақаси? Гулдаста сизники-ю, унинг ичидаги хат бировникими?

— Степан Егорович, росдан ҳам бу гулларни мен терганман, лекин хат ёзганим йўқ. Бир кун олдин хат ёзиб, уни бермоқчи бўлгандим. Мана ўша хат! Лекин уни сизга кўрсатолмайман, бу фақат... хуллас шахсий...— Белянкин уялиб, жим бўлиб қолди.

Унинг жавобида ҳақиқат ва ёшларга хос самимият, гапини тугата олмаганида эса ташвиш сезилиб турарди: унинг хатини Ленадан бошқа бировнинг ўқиши мумкинми, ахир? Рўпарамизда студент хатни маҳкам ушлаб, жим турарди. Ҳали вестибюлда унга гулдаста билан бирга митти варақчаларни топширишга уринган пайтимдагидек, бу ерда, кабинетда ҳам унинг оқариб кетган юзида газаб ва норозилик аломатларини кўрдим. Бегона, нотаниш одам менинг ҳаётимга нега аралашади, деб ўйларди у.

— Яхши, Белянкин, сизни ортиқча ушлаб турмайман,— деди директор.

Белянкин эшик олдига етиб қолганда Тарасевич кутилмаган қизиққонлик билан хитоб қилди:

— Бу ғалати варақачалар студентим гулдастасида қандай пайдо бўлиб қолдйкин?

— Степан Егорович,— Белянкин биз томонга ўғирилди,— менимча кимдир бу варақачаларни йўқотган-у, у гул устига тушиб қолган.

— Гулдастанн қаерда терган эдингиз?

— Дарахтзор ортидаги эски ташландиқ шийпон ёнида. Кечкурун... У ёққа ҳам, орқага ҳам йўловчи машинада борганман. У ерда район озиқ-овқат савдоси идорасининг базаси ҳам бор.

Студент эшикни бекитиб чиқиб кетгач, директор:

— Энди равшан,— деди. — Сизга бу ҳазилни қилган одам менинг студентим эмас.

Степан Егорович микрохат солинган қутини қўлига олди, сўнгра шу хат ёзилган варақларни икки буклаб, пилтифотли табассум билан менга узатди:

— Ўз эгасига қайтаришга ижозат берсинлар.

«Эратосфен... янаичи гумбаги... Дижонваль»— деган сўзлар яна кўзга ташланди. Шартли ёзувмикин?

— Яхшиси, айтинг-чи, янги мавсумда Москва Бадиий театри қандай янги нарсa кўрсатади? Нега? Сизнинг пьесаингизни қўйишмайдами? Афеус...

— Кечирасиз, Степан Егорович, студент Белянкин гулларни қандайдир хароба шийпон атрофидан терганини айтувди.

— Яхши, тушунаман. Мен у ерда Белянкинни ва бошқа студентларни юбораман.

— Ўтлар орасидан бошқа шунақа варақачаларни қидиришгами?

— Уларни гул ичига тушириб қўйган-кишини қидиришга. Студентлар бориб, бунақа галати ҳазил билан ким шуғулланишини суриштириб билиб келишади. Афсуски институтдан бир дақиқага ҳам чиқолмайман. Бўлмаса ўзим ҳам бирга борардим. Йўл серманзара, илмий ходимларнинг дача посёлкасига олиб боради. Посёлкага Ломоносов номи берилган.

— Степан Егорович! Нима дейсиз, бутун жумбоқнинг калити «Дижонваль» сўзида эмасмикин?

— Ҳа, ҳа, сизга айтиш ёдимдан чиқипти... Мен эринмай, физика кафедрасига кириб чиқдим. У ерда Дижонваль барометри борлигини эшитмаган эканлар. Бу ерда гап бошқага ўхшайди... Наҳотки Бадний театр замонавий водевилни саҳналаштира?..

### МУЛОҲАЗА ВА ШУБҲАЛАР

Белянкин ва унинг ўртоқлари шийпон ёнида из йўқмикин, у ерда жумбоқли варақаларни тушириб қолдирган кишининг бирор ишонаси топилаётгани деб қидиришди, излашди, атрофдаги одамлардан суриштиришди, деярли ҳар бир бутани, ҳар бир ўт-ўланни кўздан кечириб чиқишди. Лекин студентлар ҳеч қандай хабар ва ҳеч нарса топишолмади.

«Кетадиган вақт бўлди!» — дейман ўзимга. Бу шаҳарчи жуда чиройли, лекин биров қолдирган жумбоқли счаман деб, шу ерда қолиб кетайми? Ҳа, кетиш керак! Эртагаёқ кетаман. Аммо бу ёғи қизиқ: профессор Тарасовнинг микроёзувли варақалар кимнингдир ҳазили, деган фикрига қўшиламан. Ҳа, қўшиламан. Лекин галати варақанинг самимийлиги, унинг жиддийлиги мени ундан қандайдир бошқа маъно излашга, кутубхонага кириб, справочникларни ўқишга мажбур қилади. Қуилар шу тариқа ўтаверди. Ҳамон шаҳарчадан кетолмайман. Бу варақаларда кимнингдир тақдири, оғир йўл-

га чиққан сайёҳнинг қисмати яшириниб ётгандек туюлади менга.

Одамлар ресторанга кириб, чиқиб кетишяпти. Ҳар бирининг ўз ҳаёти, ўз тақдирини бор. Эстрадада машшоқлар ўтиришяпти. Чалиншяпти. Қираётганларга бепарво қарашади. Аммо куйлари бир хил эмас. Торлар гоҳ қувноқ, гоҳ муңгли сайрайди.

Микроёзувнинг айрим сўзларидан сайёҳ бегона мамлакатда узоқ вақт қолиб кетгани, кўп кашфиётлар қилгани кўриниб турибди. У ерда кундалик тутган. Бу кундалики...

Сайёҳ узоқ ўтмишдаги олим ҳақида гапириб, Эратосфен олдидаги дунё шовилмай санаш давомида катталашиб борганини кўрсатади. Эратосфен жуда қадим замонда (эраиздан олдинги 276—194 йиллар) яшаган ва нисоният тарихида биринчи марта ер куррасининг айланасини узунлигини аниқлаган. Лекин микроёзув авторини олдида олам нега бирдан юз ёки икки юз баравар катталашиб кетганини қандай тушуниш мумкин?.. Яна, варақда Дижонваль тилга олинади. Дижонваль барометри!

Жуда қизиқ, Дижонваль барометри ҳақида Чарушинга юборган телеграммамга нега жавоб келмаяпти. Эски дўстимнинг номлар ва терминлар бўйича ажойиб картотекаси бор-да! Мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ киришган бу ишга, кунма-кун тўлдириб борган. Унинг картотекасида жавоб топиб бўлмайдиган савол йўқдир.

Мия Чарушин айтганини қиладиган одам, ўз картотекасини жон-дилидан севади. Унинг қатъий қондаси бор: савол билан мурожаат қилган ҳар бир кишига телеграф орқали жавоб беради ёки саволни равшанроқ ёзишни сўраб батафсил хат ёзади. Аммо Чарушин жавоб бермаяпти. Менинг «Дижонваль барометрим» ушга қулғили туюлмадикан?

Бугун кутубхонада яна иккита справочникни кўриб чиқдим, лекин Дижонваль барометри ҳақида ҳеч нарса топмадим. Қизиқ, нега варақачада «чақирим» деган сўз бор? «38 000 чақирим...» Нега чақирим, нега километр эмас? Демак хатни кекса киши, масофани эскичасига чақирим билан ўлчашга ўрганиб қолган киши ёзган... Бинобарин, варақачаларнинг номаълум авторини — кекса киши.



Балки бу варақачалар бир қанча йиллар аввал ёзил- гандир? Лекин, ҳар ҳолда ёзув гулдастадан варақача- лар топилган кунни ёки бир кун олдин фотография ёр- дамида кичрайтирилган. Акс ҳолда митти варақалар би- ришчи ёмғирдаёқ йўқ бўлиб кетарди.

Тарасевич, буларнинг ҳаммаси бировнинг ҳазили, деди. Гани тўғри чиқар.

Хаёл суриб, шаҳарчанинг тун оғушидаги кўчалари- да оҳиста кезиб юрибман. Ғалати варақачалар сирини қандай очиш, уни қандай ўқиш мумкин? Ниҳоят, унинг автори ким?

Шаҳарча уйқуда. Тун шаҳарча устида шошилмай, аста сузмоқда. Йўлининг икки четида кўп нарсаларни кўрган тераклар мудрамоқда. Атрофда жимлик, сокин- лик. Чўнтагимда эса гугурт қутисига солинган варақа- чалар.

Мен тўхтаб, варақачаларни даставвал ўқиганда жу- да ғалати туюлган бир неча жумлани хаёлан такрорла- дим. Бирдан шу ерда, шаҳарчанинг сокин кўчасида ҳазил учун бу тариқа ёзмайдилар, деган фикр келди хаё- лимга. Ундай бўлса, бу сайёҳ ким? Бу сайёҳ узоқ йўл- га чиқиш зарурлигини, «юк ортилган ҳайвоним би- лан ўтишим лозим бўлган масофа жуда бепоён. Мени ташвиш ва қўрқинч босмоқда...»— деб ёзган. Унга нима бўлганикин?

Бу қанақаси? Эртага шаҳарчадан кетаман, синчик- лаб ўқиб чиқмаган ва нима учун уни кичрайтирганла- рига ақлим етмаган варақачаларни гугурт қутиси билан чамадон тагига солиб, олиб кетаман. Туида меҳмонхо- нага қайтиб келаётиб шу ҳақда ўйлардим ва помаълум сайёҳ мен учун қадрдон бўлиб қолганини сезардим.

Меҳмонхона навбатчиси ҳар галгидек, китобдан кў- зини узмай туриб:

— Сизга хат келди. Хонангизда. Яна неча кун ту- раси?— деди.

### ДИЖОНВАЛЬ БАРОМЕТРИ БОР

«Қадрли Григорий Александрович!

Дижонваль барометри ҳақида сўраб юборган теле- грамманинг келганда мен Москвада йўқ эдим. Новгород- га кетгандим. Бир аjoyиб сайёҳ ~~келган~~ келган эдим. Бугун Москвага, қайтиб келдим. ~~Дижон~~ Дижон.

валь барометри ҳақида ҳеч нарса биласанми, деб сўрабсан. Шунин биласанки, Дижонваль барометри ҳеч қачон ишлаб чиқарилмаган, сотилмаган ҳам. Шу ҳолосми? Йўқ! Шундай барометр бўлган, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади. Нима, ҳазил, латифа деб ўйлаясанми? Ҳеч-да. Шундай барометр бор. Билсанг керак, Наполеон Бонапарт генераллари ичида биттаси бор эди. Наполеон Елена оролида ўша генерални саркардалар орасида энг истеъдодлиси деб ёзган. Бу — Пишегрю. Унинг таржиман ҳоли маълум жиҳатдан ҳам қизиқарли, ҳам фожиали, лекин ҳозир бу ҳақда тўхталмайман. Бевосита сенинг саволингга жавоб беришга ўтаман.

Ҳап бундай. 1794 йил декабрида Пишегрю ҳарбий юришида эди. У Франция республикачи қўшинларини Голландияга бошлаб борар ва муваффақиятли равишда олға ҳаракат қиларди. Лекин Пишегрю учун кўнгилисиз бир кунда табиат унинг режаларини бузди. Ёмғир, лойгарчилик, ҳамма йўллар ўйилиб кетган, дарёлар тошган, қўшин олға юролмасди. Бутун юриши барбод бўлиши мумкин эди. Пишегрю ҳужум ҳаракатларидан воз кечишга қарор қилади. Бирдан Голландиянинг Утрехт шаҳридан хат олади. Унда совуқ тушадиган — қаттиқ совуқ туриб, ер ва дарёлар қаттиқ музлаб, қўшиннинг олға юришига имкон берадиган кун аниқ кўрсатилган эди. Бу хат ўша вақтда ҳеч ким эътиборга олмаган барометрга асосланиб ёзилган бўлишига қарамай, Пишегрю унга ишонади. Чиндан ҳам хатда кўрсатилган кун ҳамма нарса музлайди. Пишегрюнинг пиёда ва отлиқ қўшинлари йўлга чиқали. 29 декабрда Пишегрю музлаб қолган Ваал дарёси устидан ўтади. Лекин 7 январда ҳапо кескин ўзгаради. Яна ёғишгарчилик, лойгарчилик бошланади, муз эриб кетади. Пишегрю мамлакат ичкарисига анча кириб боргач, янада қийинроқ, фалокатли аҳволда қолади. Лекин Утрехтдан яна 13 январда ёзилган хат олади. Унда музлаган дарё ва йўллардан қўшин қачон йўлга чиқиши мумкинлиги аниқ ёзилган бўлади. 14 январдаёқ шимолдан шамол эса бошлайди, 15 январда ҳарорат бирдан пасайиб кетади. 16 январда эса Пишегрю Утрехтга кириб боради! Шу ерда у об-ҳавонинг қапдай бўлишини елдиндан айтиб берган Батавил республикасининг генерали Дижонваль Катремерни турмадан озод қилади.

Голландияда Дижонвални 1787 йилда қамоққа олишди, у етти йилча, Пишегрю озод қилгунча турмада ётади. Дижонваль об-ҳавонинг қандай бўлишини турмада, ўргимчакларнинг ҳаракатига қараб аниқлар экан.

Кейинчалик у Парижда қуйидагиларни ёзади:

«Доира шаклида ин қўядиган ўргимчаклар ин ясамаса, унда ҳаво айнийди, бу барометр ёмғир ва шамол бўлишини билдиради; агар ўргимчак айланасига ин торта бошласа, унда ўн-ўн икки соатдан сўнг бўрон тинади деб ҳисоблаш мумкин; агар улар тўрнининг чорак ёки учдан бир қисмини бузиб, озгинасини қолдирса, демак шамол бўлиши турган гаи. Умуман ўргимчаклар катта тўр торта бошлаганда ҳавонинг яхши келишини куттиш мумкин; агар кичикроқ тўр тортса, ҳаво ўзгарувчан бўлади; ниҳоят, ўргимчаклар бутунлай яшириниб олса, ҳаво ёмон келишига тўла асос билан ишонтиш мумкин».

Илтифотли, лекин аломат дўстим, галати саволинг билан менга қанчалик роҳат бахш этганингни хаёлингга ҳам келтиролмайсан. Ўзини тўсатдан қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин бўлган киши билан «жанг» қилишни истаган шахматчини нега ҳамма маъқуллайдилар? Меҳмонга борганда торт тайёрлашнинг янги усулини эшитиб, уйга келгач ҳаяжон билан бу қийин вазифани бажаришга киришадиган уй бекасини нега мақтаймиз? Мен, кутубхона справка-библиография бўлимининг ходими, ўзимга тегишли саволини эшитиб, жавоб беришга тайёрланаётганимда, фанининг турли соҳалари, адабиёт, санъат фактларини қисқартганимда, сўзловчиликларини, қадимги нашрларини, энциклопедия лугаларини, архив ҳужжатларини қидириб, уларни ярақлатганимда нақадар ижодий қувончга тўлганман!

Қайрили дўстим! Дижонвалнинг ўргимчакни кузатишларини пилвий жиҳатдан текширишимни кутмаётган бўлишиг керак. Энди қулоқ сол: номлар ва терминлар — картотекаси — менинг фахрим эканлигини биласан. Уни ўнлаб йиллар давомида тузайман. Картотека менга панд берган бирор воқеа бўлмаган ҳали. Хўш, сохта камтарлик қилмай айта оламан: саволларга берган жавобимнинг ҳисоби йўқ, мен ҳал қилган турли жумбоқларнинг ҳисобига етиш қийин. Ҳозир эси Дижонваль сени нега бирдан қизиқтириб қолганини ақлим ҳам етмаяпти, сабабини ҳам тополмаяп-

ман. Ўргимчаклар ҳақида илмий-бадий сценарий ёзмоқчи эмасмисан? У ҳолда ўн саккизинчи аср охиридаги Голландия ва Франция ўрнига ўзининг Поливановни эсласанг бўлмайдими? Утган асрнинг етмишинчи йилларида халқ эрки жамияти аъзоси бўлган Петр Сергеевич Поливанов чор ҳукумати томонидан абадий қамоққа ҳукм қилинган. Бир куни, Петербургнинг эрта баҳорида, булутли тонгда абадий ёлғизликка маҳкум этилган одам камерасида жонли мавжудотни кўриб қолади. Бу оддий ўргимчак эди. Улар — инсон ва ўргимчак дўст бўлишади: инсон ўргимчакка гамхўрлик қилади, уни боқади, қўлига олади. Ўргимчак унинг бармоғига ўрмалаб чиқадиган бўлади. Одам унинг оёқларига тегса, ўргимчак тортиб олади. Одам, ўргимчак семириб кетмадимикин, семизлик соғлиқка зарар, деб ташвишланади. Меҳнат қилсин, озсин — бу фойдали деб, маҳбус ўргимчак тўрини бузади. Ўргимчак-чи? У ҳам ўз навбатида маҳбусга эрмак бўлади, овутади. У ҳар гал тўр тўқиганда бирор янгилик киритади, маҳбус уни томоша қилади. Баъзан ўргимчак нимадандир кўнгли тўлмагандек, ишини тўхтатиб, тўрнинг бир қисмини бузиб ташлайди. Кейин қайта тўқийди. Шу сабабли Поливанов ўргимчак ҳақида «У оқсуяк» эди, деб ёзган...

Бу қанақаси? Сен курортга кетган эдинг-у, қандайдир Ченскда «Ўргимчаклар олами»га тумшугингни тикиб юрибсан! Ўз истеъдодингни озмунча поймол қилиб, бўлмаган ишларга сарфладингми. Яна ўргимчак! Бу сенинг ишинг, баҳслашиб ўтирмайман. Сенинг истеъдодли бетоқатлигинг, миёнда минг хил хаёлнинг чарх уриши менга ёқади. Хайр. Яхши дам олиб қайтасан деб умид қиламан. Салом билан дўстинг Д. Чарушин».

### **БОҒИЧЛАР... ЎРГИМЧАКЛАР**

Эрта саҳарда шаҳардан чиқиб, студент Белянкин гулдаста терган жойга йўл олдим. Ичида варақачалари бўлган бу гулдаста менинг оромимни бузиб, ташвишга солиб, Ченскда ушланиб қолишимга сабабчи бўлди.

Чарушиннинг хатини меҳмонхонада чироқ ёруғида қайта-қайта ўқиб чиқдим. Бу хат менга нимани ўргатди? Номаълум сайёҳ об-ҳаво қандай келишини билиш учун, ўргимчакларни кузатишга мажбур бўлганига ишондим.

Ҳозирги кунда об-ҳавони билиш учун ўргимчакни кузатиладими? Бизнинг кунларимизда-я! Ҳа майли. Чарушиннинг хати микроварақадаги бир печа сўзнинг мазмунини тушуштириб берди. «Дижонваль барометри», «Полливановни эсладим»... Лекин, энди, бу изоҳлардан кейин микроварақачалар мен учун янада жумбоқлироқ бўлиб қолди.

Гул терилган жойга нега бордим? Узим. Тунда ҳам, тошда ҳам кўзимга уйқу келмади. Ҳаво дим эди. Чарушиннинг хатини олиб, Тарасевичнинг институтига фақат куннинг иккинчи ярмидагина бориш мумкин эди. Бунинг устига Чарушиннинг хатини ўқиганимдан кейин ўргимчакларни «асли ҳолида» кўргим, албатта, ёзув тешилган жойда бўлгим келиб қолди.

Студент Белякин институтда ўша машҳур гулдастани қаердан терганлигини батафсил гапириб берган эди. Шунинг учун у ерга қандай боришни яхши тасаввур қилгандим.

Иўл асфальтланган. Икки томонида ёш тераклар. Асфальт қилиниши биланоқ экилган бўлса керак.

Иўл ёқалаб сўқмоқдан кетяпман.

Денгиз буталар орасидан гоҳ кўринади, гоҳ гойиб бўлади. Иўл тобора тепаликка кўтарилади. Сўнг пастлаб, яна кўтарилади. Узоқларда илмий ходимларнинг ёзда турадиган ошпоқ уйлари кўрилади.

**Пастда, тор остидаги водийда, асфальт иўлнинг чапдаги дала иўли ялон ичи бўлиб дарахтзорга тақалади.** Унинг нариги томонида кўринаётган қанақа хароба экан?

Тепаликдан тушиб, дала иўлида аёл ва етти-саккиз ёшлардаги болага дуч келдим. Улар оқсоқ отни етаклаб келишарди. Улар билан гаплашдим. Аёл илмий ходимларнинг ёрдамчи хўжалигида ишлашини айтди. От оёғини молани уриб олибди. Ветеринарга кўрсатиш учун олиб кетишадиган экан.

— Дарахтзор орқасида, чап томондаги қанақа вайрона?— деб сўрадим.

— У ерда революциягача кўрган бўлган. Ҳалати помешчик яшарди,— деди аёл.— У тептакнамо ишлар қиларди, ер остидан ҳар хил иўллар қурдирди, ётоқхонасидан шу иўл орқали тўғри денгизга чиқадиган қилди. Ўзгани обдин тувларда денгиз соҳилида бирдан пайдо бўлиб қолар, меҳмонлар ва музикачиларни ҳам бирга

бошлаб борарди. Қарияларимизнинг айтишича: «Музикани эшитиб, улар денгизга боришаркан, яқинлашинганда музика эшитилмас, одамлар ҳам кўринмас, музикачилар билан яна ер эстига кириб кетишаркан...»

Аёлнинг гапларини охиригача эшитмай, хайрлашиб йўлимда давом этдим.

Йўл-йўлакай ўргимчакларни ўйлаб боряпман. Лекин боғич ҳақида ўйламай қололмасдим. Ҳа, боғич ҳақида. Вотинкам бсғичи ечилиб кетаверди, тўхтаб, энгашиб боғлаб олишга тўғри келарди, бир оз юрганымдан кейин яна ечилиб кетарди.

Боғичлар... Боғичлар... Қора ва оқ, қўнғир ва саряқ, увун ва қисқа, йўгон ва ингичка — темир учли боғичлар. Ченскда этик мойловчининг дўқонида осиглиқ турарди. Унинг олдига борганимда гоҳ бир оёғини, гоҳ иккинчисини узатиб, этигини мойлаётган эди. Ишини тугатгач, этигининг ярқирашига ҳавас билан қараб қўйди, шундан кейингина менга эрнчоқлик билан бир жуфт боғич узатди.

Қисматимга нақадар қайсар, жойида турмайдиган боғич тушган экан!

Биринчи галдаёқ, шошилиб ўтказаётганимда чигал тушиб қолди. Тешикдан ҳеч ўтмайди. Мен куч билан тортган эдим, боғич қурғурнинг темир учи тушиб кетди. Бир кундаёқ боғич титилиб, узилди.

Лекин кеча кечқурун боғич роса жаҳлимни чиқарди. Вотинкамни тезреқ ечмоқчи бўлиб, боғичнинг учини тортдим, бошқа учини тортган эканман, ечилмади, қаттиқ тугилиб қолди. Тугунни кесиб ташладим, боғич калта бўлиб қолди. Ҳозир йўл ёқасидаги сўқмоқдан кетаётганимда боғич ҳадеб ечиливериб безор қилди. Боғич ҳақида шунчалик кўп гапирганим кулгили эмасми? Ҳеч-да! Ғалати ҳам эмас, кулгили ҳам эмас! Кейинги саргузаштларимнинг ҳаммаси нима учундир мандан ўчини олмоқчи бўлгандай ечилиб, мени тез-тез энгашишга мажбур қилган боғич билан боғлиқ.

Хаёлим тез-тез Чарушиннинг хатига қайтарди: «Дижонваль... ўргимчаклар... «Уша дақиқаларда энг оддий ўргимчакни кўргим келарди. Унга ҳозир бошқача назар билан қарайдигандек эдим. Аввалгиларидан бутунлай бошқача кўз билан қарайман. Атрофга қарадим, буталар

ёнига бордим. Лекин ҳеч қаерда ўргимчак тўрини топмадим.

Дарахтлар қалнилашиб, атроф қоронғироқ бўлиб қолди. Дала йўли ўнгга бурилди.

Қаровенг, унутилган нимқоронғи ва салқин каштанлар хиёбонидан, тўппа-тўғри, қорамтир дарахтлар ерасидан борардим. Хиёбон кенгайиб, ёғочдан қурилган ва ярим хароба шийпонга бориб тугади. Шу ерда бузилган эшик ҳам ётарди.

Одамлар шийпонга келмай қўйганларидан сўнг ўсиб чиққан акация кириш жойини тўсиб қўйганди.

Мен синиқ скамейка четига ўтирдим.

Скамейка тагида ва устулар оралиғида оч яшил ўтлар қалин ўсган. Шийпон устуллари оралиғидаги ўргимчак тўрига кўзим тушди. У сарғайган, йиртилган, майда чўплар илашиб қолганди. Ургимчак инини анча олдин ташлаб кетган бўлса керак.

Бирдан итнинг қаттиқ вовиллаши эшитилди. Ит овози келган томонга юрдим. Гуллаб турган қалин наъматак буталари йўлимни тўсди. Бу гуллар нақадар чиройли! Аҳ-ҳа, гуллар шу ерда экан! Ғалати варақалар илашиб қолган наъматак шохларини студент Белякин шу ердан синдирган... Гулдастада бўтакўз ҳам бор эди. Мана улар — ариқчада четига гуллаб ётибди.

Буталар орқасида ертўлага ўхшаш нарсани кўрдим. Яқингинамда эди. Ертўлага тушиладиган жой устига йўшилган ёғочлардан соябон қилинган. Соябон устига бурчак чим ётқизилган. Соябон наридан-бери қилинган бўлса керак, ёпилган жойидан ёғоч кўриниб турибди. Ертўлага борадиган йўл юзтекис, чуқурчалар, тошлар кўн. Ертўладан итнинг вовиллаши эшитилди.

Ертўла олдига бориб, пастга оҳиста, эҳтиёткорлик билан туша бошладим. Бир неча тош зинадан кейин супача келди. Супачага стол, иккита стул қўйилган.

Стол устида фонус турибди, счетлар ва қандайдир китоб ҳам бор.

Зина яна пастлаб кетди, у ердан итнинг калта-калта вовиллаши эшитилди.

— Ким бор?— деб қичқирдим қоронғиликка қараб.

— Ким у?— деган жавоб эшитилди ертўладан.

Ит баттароқ вовиллади.

— Жим бўлсанг-чи. Жингалак,— кимдир итга дўқ қилди.

Ит жим бўлди.

— Ким бор бу ерда? Чиккилар!

Аввал ҳеч қандай жавоб эшитилмади. Кейин... яна товуш эшитилди:

— Ким у?

Бу икки сўзга жавоб бергандай ит яна жаҳл билан вовиллай бошлади. Сўнгра сушачага ит сакраб чиқди. Сакради-ю, турган жойида қотиб қолди; малла ит, сағрини қора. Менга пахмоқ думини ликилатиб қараб турарди.

Кимдир инқиллаб-синқиллаб зинадан чиқа бошлади. Қсронги ертўладан чироқ ушлаган қўл кўришди.

Рўпарамда пахталик ва катта резина этик кийган барваста аёл пайдо бўлди.

— Салом!— деди у йўгон овоз билан ва сўнг илова қилди:— Келдингизми? Чақиргимиз бўйича келдингизми?

— Келдим,— дедим ҳайрон бўлиб.

— Транспортингиз қани?

— Қанақа транспорт?

— Транспортсиз бўлмайди.

— Лекин мен... мен...

— Шун айтяпман-да, одамлар кўн келади, аммо...

— Кўл одам дейсизми?— қайта сўрадим.

— Сиз нима, топишмоқ айтгани, бошқаларга ўхшаб гул тергани келганмисиз ёки сабзавотгами? Пиёз, савзи, лавлаги. Сабзавотга келган бўлсангиз нега машинангиз, юклайдиган идишингиз йўқ? Кимсиз ўзингиз?

— Кимлигимни сўраяпсизми?

— Ҳа-ҳа, базага қандай сабаб билан келдингиз?

Шошилиб, саволлар тазйиқидан ўзини йўқотиб, нега келганини бу жаҳлдор аёлга қандай тушунтиришимни билмай, тўнгилладим:

— Ўзингиз кимсиз? Қанақа база?

— Кимсизингиз нимаси? Мен район озиқ-овқат савдоси бўлими базасининг мудирни Анна Ивановна Черниковаман.

— Хайр!— дедим-да, ўгирилиб пари кетдим.

Ун қадамча юргач орқамга ўгирилдим ва буталар орасидан Анна Ивановна Черникованинг итини етаклаб изимдан келаётганини кўрдим.

Кичик ариқдан сакраб ўтдим. Лаъпати боғич! Яна... яна ечилиб кетди. Нечанчи марта ечиляпти! Энгашиб,



боғичнинг иккала учини тортдим. Боғичнинг титилган учига тиканак ёпишиб қолибди. Уни ола бошладим. Тиканакка ўлган ўргимчак ёпишиб қолган экан.

Йўл бўйи ўргимчаклар, Чарушиннинг хати ҳақида ўйлагандим,— тўғри, худди шунинг учун ҳам ўргимчакни кўриб, уни гугурт қутисига яширдим.

### ЎЛИК ЎРГИМЧАК

— Дижонваль барометри бор экан! Мана хат, мана-ву эса «бузилган» барометр!— хитоб қилдим, институт директори Степан Егорович Тарасевичнинг кабинетига кираётиб, ва стол устига Чарушиннинг хати билан ўлик ўргимчак солинган гугурт қутисини қўйдим.

Профессор совуққина саломлашди, ажаблангандек қаради ва мени доцент Серафима Васильевна Воронцовага таништириб, илова қилди:

— Ёш мутахассисимизнинг иштироки топилган ёзувлар ҳақидаги жўшқин мулоҳазаларингизнинг ривожланишига тўсқинлик қилмайди, деган умиддаман. Бўёқчилар йўлак билан баъзи кабинетларни бўяшни чўзиб юборишди, шунинг учун Серафима Васильевна микроскопи билан кабинетимда ишлаяпти.

Кўзойнакнинг катта ойнаси орқасидан мевий кўзлар менга тикилди. Назаримда истеҳзо билан қарагандек бўлди. Сўнг Серафима Васильевна яна микроскопга қаради, ўнг қўли билан оқ қоғозга нималариндир тез-тез ёза бошлади.

Степан Егорович Чарушиннинг хатини диққат билан ўқиб чиқди-да, қўлларини ёзди:

— Шундай ҳам бўлсин! Ўргимчак Дижонваль барометри деяйлик ҳам. Бу билан нима ўзгаради?

— Ҳаммаси! Ҳаммаси ўзгаради! Дижонваль барометри бор экан, демак...

— ...Демак,— Тарасевич кулиб юбсрди,— ўргимчак ҳам бор!

— Бинобарин, сайёҳ ҳам бор, у об-ҳавонинг қандай келишини ўргимчакка қараб билишга мажбур!

— Хом хаёл!

— Нима? Ёзув-чи? Мен боғлиқ турган юк ортилган ҳайвонни, қопни ортиб қўйиб, кундалигига охириги сатрларни ёзаётган сайёҳни кўриб турибман...

— Шакллар, ноталар ва бошқа белгилар билан ифодаланган жумбоқ ребус деб аталади,— секин гапирди Воронцова микроскопдан кўзини узмай туриб.

— Нима демоқчисиз?— сўрадим.

— Қандайдир ҳазилкаш ребус, кроссворд тузган. Унда «ўргимчак» деган оддий сўзни «Дижонваль барометри» деган икки сўз билан алмаштирган, Эратосфен сўзи ёнида эса «Ишачи гумбаги»... Сиз эса жон куйдириб, шу ребусни ечиш билан оворасиз.

«Ребус, кроссворд» — такрорладим ичимда ва бу оддий, жарангдор сўзлар, ёзувнинг сирлилигини чиппакка чиқарибгина қўймай, уни эрмакка айлаштириб қўйишини сездим. Лекин бу туйғу бир дақиқагина давом этди. Йўқ! Ким, қачон, қаерда ва нима учун бунақа кроссворд тузарди.

— Степан Егорович, қандайдир кроссворд ва ребуслар билан вақтингизни олиш учун Ченскда қолиб, Чаушига хат ёзганим йўқ. Бугун эрталаб студент Белякин гулта қўшиб ғалати варақачаларни олиб келган жойга бордим,— дедим.

— Бу экспедициядан нима топиб келдингиз?

— Экспедиция бенатижа бўлди. Қатта ўргимчак топдим, у ҳам ўлик.

— Улик ўргимчак!..— доцент Воронцова ўзини орқага ташлаб кулиб юборди. У тебора хахолаб куларди:— Улик ўргимчак! Вой, ичагим узилиб кетади! У... У... лик! Қани бир кўрай-чи!

Воронцова гугурт қутисыдаги ўргимчак олдига келди. Кўзойнагини олиб артди, яна тақиб, ўргимчакка қаради.

— Изланишлар, жумбоқлару тахминлар, Москвага ёзилган хатнинг тапталли яқини — ўлик ўргимчак бўпти!.. Степан Егорович,— у профессор Тарасевичга мурожаат қилди,— наҳотки сиз бунинг шу қадар содда, сон эканлигини ўйламаган бўлсангиз: дачада яшовчиларнинг бирортаси қизиқчилик қилиб кроссворд тузган, москвалик ёзувчи эса тикандан олмас олмоқчи бўлган.

— Дачада яшовчи?! Рухсат этсинлар?— хитоб қилдим.— Варақачалар топилган жойда дачанинг ўзи йўқ!

— Шамол-чи?— Воронцова мен томонга шартта бурилди.— Баъзи бировларга ўхшаб, шамол вақтини бекорга ўтказмайди. Шувиллаб эсан-у, дераза тоқчасидаги шу кулгили ёзувларни учуриб кетган.

— Биласизми,— деди Степан Егорович,— бу гапда жон бор. Биз.. Биз эса ошириб юбордик.

Мен нима деб жавоб қила олардим? Қандай эътироз билдирай? Олдимда ўлик ўргимчак ва ғалати ёзувларгина ётарди.

— Ҳа, жим бўлиб қолдингиз-ку!— деди Воронцова масхараомуз.— Чунки гапиришга арзыйдиган ҳеч нарса йўқ. Бекорга тўс-тўполон қилиб юбордингиз, шундай эмасми?

— Хом хаёллик қилдим, тан оламан, хом хаёллик..

Воронцова микроскоп ёнига қайтиб келиб, нималарнидир тез-тез ёза бошлади.

— Ҳа, сиз билан биз адашдик,— деди Степан Егорович оқиста.— Ёш мутахассис эса хатомизни тўғрилади.

— Нима ҳам дердим, хайр-маъзур вақти келди,— дедим-да, хайрлаша бошладим.

— Биласизми нима?— деди бирдан Воронцова самимий табассум билан.— Эсдалик учун ўргимчагингизга ёрлиқ ёпиштириб бераман, турини, хилини аниқлаб ёзиб қўяман. Оёғига нима ёпишибди?

Кейин нима бўлганини биласизми? Мен эшик олдида турардим. Степан Егорович Москвадаги уйим адресини ёзиб олаётганди, бирдан..

— Вой, нима бу? Наҳотки!— хитоб қилди Воронцова.— Тезроқ бу ёққа келинглар!.. Қаранглар!.. Варақача! Сўзлар!

Иккаламиз микроскоп ёнига югурдик.

— Нима бўлди?

— Нима, нима?

Воронцова стул таянчиғига суянди, кўзойнаги бурнининг учига сурилди. Юзида қўрқув, ҳаяжон, ҳайрат акс ётарди.

— Қаранглар! Уқинглар!

«1022-барақ

...Шундай қилиб ҳаммаси равшан. Сил касаллигини даволаш мумкин. Врач сифатида бир қанча кузатишлардан кейин шу хулосага келдим. Бу кузатишларим тўғрисида кундаликнинг олдинги бетларида батафсил ёзганман.

Сил бацилласи юпқа парда билан қопланганлигини ҳамма билади. Химик ва физик хоссалари жиҳатидан бу парда мумга ўхшаб кетади.

Протеолитик ферментлар, гидролизловчи оқсиллар ва полипептидлар сил бацилласи пардасига таъсир этолмайди, шу сабабли инсон организми бу бацилла кучига бардош беролмайди. Бацилланинг мум пардасини парчалаб юборадиган дори йўқ. Бу ҳамма врачларга маълум. Лекин шу кунларда мен мум билан озиқланиб, уни ҳазм қиладиган ҳашаротни кузатдим. Бу ҳашаротда сил бацилласи мум пардасини, парда ёғини парчалаб ташлай оладиган фермент борлиги равшан. Бу ҳашарот — болари куясининг қурти *Galleria mellonella*. Мен сил билан оғриган беморларга шу қурт қошиси қўйишни таклиф қиламан. Шубҳа қилмайман: қурт қошидаги ферментлар бацилланинг мум-мой пардасини парчалаб юборди ва киши организми бацилланинг мойсиз танасини осон енгади. Инсоният кушандаси — сил тугатилади! *Galleria mellonella* ни кўнайтириш осон, тегишли ҳарорат ва кўп миқдорда мум бўлса бас. Лекин 2—12 варақларда ёзган ғалати қисматим, гайритабиий тақдирим...»

Доцент Воронцева микроскопдан кўзини узмай, бу хатни хотиржам, дона-дона қилиб ўқиди. Шу хатни ёзган врачнинг ғалати қисмати, гайритабиий тақдир ҳақидаги жумлани ўқиб бўлгач микроскопдан бошини кўтарди:

— Ёзув шу ерда бўлиниб қолган!

Микроскоп устига энгашиб, Степан Егорович ўша ёзувни ичида ўқиди-да, сўнг деди:

— Энди буни студент Белякин гулдастага қўшиб олиб келган ёзув билан солиштириш, таққослаш керак... Худди шундай, раҳмат. Ёрунги кўнайтириш. Серафима Васильевна, негадир фекуста тушмагани... Раҳмат. Ҳа, бир қўл билан ёзилган, бир кишининг хати, фотоаппарат ёрдамида кичрайтириш усули ҳам бир хил.

Ҳаяжонланиб, бирор нарса кўришга, ўқишга уриниб, микроскоп устига энгашидим, ҳеч нарса кўрмадим.

Степан Егорович ёнимда туриб, гапирарди:

— Шуниси шубҳасизки, сил касалини шу усулда даволаш фикри чиндан ҳам оригинал фикр. Буни ҳаваскор ёзмаган. Врач, мутахассис ёзган... Силни ҳозир стрептомицин, писк ва бошқа дорилар билан муваффақиятли даволашяпти. Муваффақиятли равишда хирургик операциялар ўтказиляпти. Буни қайси врач билмайди? Бу ер-

да эса силни болари куяси қурти ферменти билан даволаш ҳақида гапириляпти. Такрор айтаманки, бу таклиф жуда оригинал, лекин жуда кечиккан таклиф.

— Дачада турган ёш болага микрофотоаппарат софга қилингану катталаштирадиган қисмини унутиб қўйишган,— кулиб деди Серафима Васильевна.— Мана энди ёш фотографимиз эрмак топиб олган. Дуч келган нарсанинг суратини оляпти. Эратосфен ҳақидаги турли ребуслар, эски хатлар, ёзувлар, эски медицина журналларидан кўчирмалар... Тезакал кишиларнинг сочини ўстириш ҳақидаги рецент қўлига тушиб қолса, ўша рецентни ҳам суратга олган бўларди.

Уларнинг ганини эътиборсизлик билан тингладим, микроскоп устига энгашиб, унинг қандайдир бир мурватини бурашга уриндим, лекин яна ҳеч нарса кўролмадим ва сабрсизлик билан ёнверимга қарадим.

— Нима, кўринмаяптими?— Воронцова ниҳоят сизди. У индамай, олдин микроскопнинг бир винтини, кейин иккинчисини буради.— Энди яхшими?

— Ҳа, ҳа! Раҳмат!

— Манави бошқа варақача, бугун ўргимчак билан бирга олиб келганингиз.

Микроскоп ойнаси остида ингичка қилиб, эски услубда ёзилган хатни кўрдим.

«Меънинг ғалати тақдирим, ғайритабiiий қисматим»,— деган сўзларни ўқиб, улардан кўзимни узолмасдим. Қайта-қайта ўқиб, кўздан кечираётганимда сўзлар жаранглаётгандек, уларни биров ёнгинамда бўғиқ, кексаларга хос тевуш билан айтаётгандай туюлди. Гўё микроскоп қоғозда сўзларнигина катталаштирмай, товуш ҳосил қилаётгандек, одамнинг иссиқ нафасидан ҳарорат олиб, ташқарига чиқаётган, жаранглаётгандек бўлади, тингловчиларнинг юрагини ларзага солиб, ўйлашга, сезишга мажбур қилади.

«Ғалати қисматим ва ғайритабiiий тақдирим...»

Ченскка келаётган куним кечаси поездда эшитган бир воқеа шу заҳоти кўз олдимда гавдаланди. Нотаниш бир йўловчи бир вақтлар Ченскда яшаган қандайдир бир докторнинг ғалати қисмати ҳақида ҳикоя қилганди. Бу ҳикоя бошдан-оёқ ишонарли, ҳақиқатдек туюлса ҳам, у шу қадар ғайритабiiий ва кутилмаган эдики, беихтиёр ҳикоя қилувчига нисбатан ишончсизлик тугдирарди. Эни

ди эса, унинг сўзлари бу ерда бирдан жонланиб, микроскоп остидаги ёзувларга алоқадор бўлиб қолди.

«Ғалати қисматим, ғайритабiiй тақдирим...»

— Рухсат этинг,— дедим мен Серафима Васильевна билан Степан Егоревичга қараб,— Ченскда яшаган бир доктор воқеасини айтиб берай. Менимча бу воқеа ёзувлар сирини ойдинлаштиради. Бу воқеани тунда поездда эшитганман.

— Уйқи аралаш эшитганмисиз?— Воронцова киноя билан сўради.

— Гапингизда жон бор. Вагоннинг юқори ўрнидигида ётгандим, уйғониб кетдим кулсғимга чалинди... Биласиз-ку, кемага чиқиб, курортга жўнаш учун бу ёққа, Ченска келаётган эдим.

### ТУНГИ СУҲБАТ

Туртки. Уйғониб кетдим. Поезд тўхтади. Вагоннинг юқори ўрнидигида деразадан қарасам, қора-мовий осмонда ой тўхтаб тургандай.

— Нега тўхтаб турибмиз?— пастдаги полкадан ёш кишининг овози эшитилди.

Кулоқ ссла бошладим. Қаттиқ ухлаб қолиб, бу йўловчилар кунега кирганини ҳам сезмабман. Пастда кимдир қариларга хос йўтал билан сўзларни бўлиб-бўлиб жавоб қилди:

— Қаршидан келаётган поезднинг ўтиб кетишини кутяпмиз...

Сукунат чўкди. Бундай жимлик ярим тунда поезд йўлда тўхтаб, жонли мавжудотдек ниманидир кутаётганда бўлади.

— Алексей Митрофанович, сиз уни танирмидингиз?— ўша ёш йигитнинг овози жимлиكنи бузди.

— Ҳатто, кўн марта шахсан гаплашганман. У вақтда Ченск худо қарғаган шаҳарча эди. Подшо замонасида эди-да! У вақтда ҳали янонлар билан уруш бўлмаганди. Темир йўл ҳам Ченскдан етмиш чақирим наридан ўтарди. Хуллас, унутилган кичкина шаҳарча эди. Бу ерда ҳамма бир-бирини танирди.

— Доктор донм шунақа ғалати эдимми?

— Уни шаҳарчада нега тентак дейишарди? Москвадан хат келишидан қўрққани учун. Почталъон Москвадан келган хатни узатса, у қўлига ҳам олмасди. Конверт

ичида илон бордек кўрқарди. Хатни очмай, қайтариб юборишини ҳамма биларди. Тасодифан доктор ҳаётидаги мушкул даврининг гувоҳи бўлмаганимда мен ҳам буни тентаклик деб ҳисоблаган бўлардим... Шундан кейин менга ҳаммаси равшан бўлди. Уша дақиқадан кейин шаҳарда докторни ҳеч ким учратмади. Ер қаърига кириб кетгандек гейиб бўлди! Кейин ҳар хил миш-мишлар тарқалди...

— Эҳ-ҳа... Бунақа воқеалар ҳақида китоб ёзишади,— деди қоронғида бошқа бир киши.

— Нима бўлган?— ёш йигит сабрсизлик билан сўради.

Чол узоқ қақшаб йўталди. У нимадир демоқчи бўлиб, йўтални босинга уришарди. Мен бу воқеанинг хотимасини эшитиш учун юқори полкадан пастга энгашдим. Узоқ йўл юрганингда кемалар палубасида, вагонларда қанақа ажойиботларни эшитмайсан. Ҳамиша ғайритабиий воқеалар шохиди бўлган чол топилади, ундан миниатдор тингловчилар ҳам топилади.

Аввалгидек ойна орқасида осмонда ой жим турибди. Чўл дарёси ой ёруғида ҳаракатсиздек туюлади. Қора буталар ярқироқ сув устига оҳиста энгашган.

Ниҳоят чол гапира бошлади.

— Сиз докторга нима бўлганини сўраяпсизми? **Айтиб бераман. Шошилтирманг.** Бир эслаб кўринг: қанақа **вақт эди ўшанда?** Биров сал бешқача яшаса — ҳамма уш тентакка чиқариб қўярди. Доктор билан ҳам шундай бўлган. Нима учун дейсизми? Биринчидан — солиқ йиғувчи чиновниклар билан ўтириб карта ўйнамагани учун: иккинчидан — аппарат ясаб, ҳавода учмоқчи бўлгани учун. Ҳар хил тажриба ўтказарди. Даволагани учун пул олмасди, маоши эса ё тажриба ўтказишга кетар, ё беморларга дорихонадан ўз пулига дори олиб беришга сарф бўларди.

Чолнинг ҳикоясини эшитиб ётиб, бешланган воқеа охиригача айтилмай қолади, деб ўйлардим. Бу воқеа тўқиб чиқарилган. Ҳикоянависсининг ўзи охириин билмайди, докторга нима бўлганини билмайди, узоқ ўтмиш хотираларига берилиб кетган, холос. Балки чолнинг гапларига уйда қулоқ солишмас, гапиравериб уларнинг жонига теккандир? Ҳатте неваралари ҳам чолнинг гапларидан кулишар, бу ерда, ойнаси ортида чўл сукунати чўккан вагонда унинг гапларини қизиқиб тинглашади. Ҳақиқа-

тан ҳам чол ўзи бошлаган воқеадан тобора узоқланиб борарди: У шаҳарча чиновниклари, савдогарларининг табиати ҳақида гапирар, чироқ шишасини тозалаш, пилигини қирқиш учун қанча вақт кетиши тўғрисида вайсарди. У тўхтовсиз гапирарди.

— Ҳа, ўша кунни дўстимникида ушланиб қолдим. Эсимда, қаттиқ момақалдирок бўлганди. Сел билан. Ёмғир тингач, уйимга кетдим. Теналикда, монастирда соат ўн бирга занг урилгани ҳам эсимда.

Бирдан скрипка! Кетяпману яқин жойдан скрипка овози эшитилади. Шундай маънос чалиниятиники, гўё бировни уйғотиб юборишдан қўрқса ҳам, аламинини яшира олмаётгандек.

Мен тўхтаб қолдим. Сирен бутаси орқасидан қараб, доктор скрипка чалаётганини кўрдим. Стел устида шам ёниб турибди. Куйга шундай берилиб кетдимки, бутун дунёни унутиб юбордим. Кўчада, ёнгинамда кўнгироқ жиригламаганда эрталабгача тинглаган бўлардим. Қарасам — докторнинг уйига файтун келяпти. Отларни дарров танидим. Ченскда Иван Федосеевич деган одам бўларди, отларини ижарага берарди. Ҳафтада икки марта файтунда етмиш чақирим йўл босиб, Москва поездини кутиб олиб, йўловчиларни шаҳарга олиб келарди. Қарасам, новча жансб файтундан тушди. Фуражкасида кокардаси бор. Тўғри уйга қараб юрди. Доктор скрипка чалапти, ҳеч нарсани кўрмайди, йўловчи эса унинг олдида турипти, қўлини скрипкага узатяпти.

«Салом»

«Кечирасиз, мен сизни танимайман»...

«Сиз хатларимизни қайтариб юборардингиз. Мана улар, ўқинг! Жавобини бериш! Мен кутиб турман».

«Мени ўз ҳолимга қўйинг!»

«Мен «Ака-ука Дутовлар» савдо-саноат банкининг ишончли вакилиман. Сизга эслатиб қўйишга рухсат этинг, Москва университетининг сўнгги курсида ўқиётганингизда турли лойиҳалар ёзилган дафтарингизни йўқотиб қўйгансиз. Бу ҳақда эълон ҳам бергансиз. Топиб келтирган кишига мукофот ваъда қилгансиз».

«Ҳа, шундай бўлган эди»,

«Кейин-чи? Гапираверинг!...»

«Лойиҳалар қўлёзмасини қовоқхона эгаси қайтариб берган. Ўша ерда тушириб қолдирган эканман».



«Уша хўжайини сизга бундай деган: «Мана лойиҳаларингиз... Мен уни ақли етадиган кишиларга кўрсатдим, уларнинг гашига қараганда бу кашфлардан катта пул ишласа бўлади. Афсуски, бирортаси ҳам поёнига етказилмаган. Бошлангану чала қолган, бошлангану — чала қолган. Ҳар қандай лойиҳани уни ўйлаб топган кишигина фойда берадиган даражага етказа олади». Яна хўжайини сизга тартиб юзасидан лойиҳалар рўйхати олиниб, нусха кўчирилганлигини айтган. Лекин бундан нима фойда? Буларнинг ҳаммаси ҳозирча бефойда юк. Шундан сўнг хўжайин лойиҳаларингизни қайтариб берган. Шундай эмасми?»

«Ҳа!»

«Мукофот-чи? Векселингиз бўйича банкка сиздан пул тушмади-ку?»

«Ўз ишларим ҳақида бировга ҳисоб беришга мажбур эмасман»

«Эсингизга солиб қўяй: ўша вақтда пулингиз йўқ эди. Ҳозир ҳам пулингиз йўқ. Қовоқхона хўжайини сизга раҳми келиб, минг сўмлик вексель олишга рози бўлган».

«Ҳа, шундай бўлган эди. Лекин сизга нега мен билан бу ҳақда гаплашяпсиз, қандай ҳақингиз бsr?»

«Мана вексель. Тўланг!»

«Мени тинч қўйинг, жаноб! Векселни сизга эмас, қовоқхона эгасига бергаман. Ушанда келишиб олганмиз. У кутади».

«Келишиб олганмиз!.. Мана, векселни ўтказини ҳақидаги хати. Энди вексель эгаси — «Ака-ука Дутовлар банки». Тўловга чақирилди. Тўланг!»

«Муҳлат беринг... Сабр қилинг! Мен тўлайман... Бир ой ичида»

«Муҳлат берилмайди!»

«Бир ҳафта, бир ҳафтагина! Тўлайман!»

«Ишонмайман!»

«Бир кун... Фақат бир кун муҳлат беринг!»

«Биласизми нима? Банк векселни сизга қайтариб беради, сиз эса ёзма равишда ўз лойиҳаларингиздан банк фойдасига воз кечасиз. Сиздан яширмайман: чет элда бир лойиҳани ишга мослаштиришмсқчи. Кутиб туришибди».

«Муҳлат беринг... Мен ўйлаб кўраман, бир кун...»

«Ҳозир чорак кам ўн икки. Эрталаб соат тўққизда

шу ерда бўламан. Ё лойиҳалар, ё вексель бўйича пул тўлайсиз!»

Йўловчи уйдан чиқди. Пешайвон зинаси гичирлади. У фойтунга ястаниб ўтирди. Қўнгироқлар жиринглади. Сўнг сукунат чўкди.— Ёмгир яна шаррос ёға бошлади. Мен уйга шошилдим.

Эрталаб шаҳарда ҳамма ҳайрон бўлиб қолди — доктор ғойиб бўлибди. Ер қатърига кириб кетгандек ғойиб бўлди. Қидиришди, суриштиришди. Подачи саҳар пайтида кимдир шаҳар четидан асалари ичи қўйилган жойдаги шийпон томонга ўтганини кўрган экан. Асаларичидан сўрашди. У: «Кўрдим! Саҳар пайтида ўтди... Ким эканлигини таниёлмадим... Ҳаво айвонган, арилар ичидан чиқмаган эди, мен ухлаб қолувдим. Ҳеч нарсадан хабарим йўқ»,— деб жавоб қилди.

Шундан кейин изма-из боришди. Ёмгирдан сўнг из яхши кўринади. Лекин ариқчадан ўтгандан кейин из йўқолди...

Ҳикоянавис чол йўталди. Купе ҳамон қоронғи эди. Лекин узоқ-узоқда уфқ оқара бошлади, дарё бўйидаги буталар ёришди, дарё суви эса ярқирамай қолди.

Мен қаҳрамоннинг сирли ғойиб бўлганини бу воқеанинг энг яхши якуни деб ўйладим. Лекин настлаги тингловчилар тафсилотини суриштира бошладилар.

— Хат ёзиб қолдиргандир?

Чол батафсил тушунтирди.

— Аввал доктор денгизга чўкиб кетган деб ўйлашди. Лекин кейин чала куйган хатни топиб олишди. Унда шунақа жумбоқ ёзилган эканки, ҳар хил миш-мишлар тарқалиб кетди. Ҳеч нарсани тушуниб бўлмайдди. Агар асалчи бўлмаганда мен ҳам ҳаммасини унутиб юборардим. Бир куни у қутулиши учун кўрмадим, ухлаб ётган эдим, деб айтганлигини ёрилиб қолди. Аслида эса ўша сдам ариқ томонга югуриб кетганлигини ўз кўзи билан кўрган экан...

Рўпарадан келаётган поезднинг узун гудоги ҳикоянависнинг овозини босиб кетди. Тезюарар поезд шовқин билан ўтди, купе деворида сароқ нурлар ялт-ялт этиб туғади.

Бизнинг поездимиз ҳам жавоб гудоги чалиб, жойидан қўзғалди, кўприкдан гумбурлаб ўтиб, шпалларни тарақлата бошлади. Осмондаги ой ҳам жойидан қўзғалди. Анча хиралашиб қолган ой поезд кетидан қува кетди. Сал-

қин чўл шамоли эса бошлади. Тасодифий йўловчиларнинг сўзларига қулоқ солмай, гилдиракларнинг аллалаб бир маромда тақиллатиши таъсирида ухлаб қолдим.

— Гражданин, кўзингизни очинг! Туринг!— олдимда вагон провондиги турарди.— Ченскка келябмиз...

Юқори полкадан пастга тушдим. Купе бўм-бўш эди.

### ҲИКОЯ ТУГАМАЙ ҚОЛДИ

— Иккиламиз ҳам ҳикоянгизга берилиб кетдик!— хитоб қилди Воронцова.— Сиз тўқиб чиқарган докторнинг тақдири бизни ҳаяжонга солди. Жуда ажойиб тўқигансиз! Лекин нега охири йўқ? Ҳикоя қилганингиздан кейин охирини ҳам ўйлаб топишингиз керак эди.

— Бу тўқима эмас! Ўйлаб чиқарилган воқеа эмас!— дедим қизишиб.— Нега? Нима, кўрмаяпсизми?.. Бу доктор воқеаси... У микроскоп остидаги сил ҳақидаги ёзув билан боғлиқ эмасми?

— Мен Ченскда анчадан бери яшайман, лекин қандайдир докторнинг ғойиб бўлгани ҳақида ҳеч нарса эшитганим йўқ.— Степан Егорович бош чайқади.

У темир сандиқ олдига ҳорғин ва оҳиста бориб, уни шошилмай беркита бошлади. Воронцова микроскоп оқулярини авайлаб артиб, қутичага солди. Мен-чи? Мен нима қилишимни билмасдим. Жим туравердим. Иш билан банд кишиларнинг вақтини олганимдан ўзим уялдим... Хаёлан Ченскда ўтказган кунларимни бирма-бир кўздан ўтказдим. Синовлар, имтиҳонлар ҳақида ўйлаши лозим бўлган студент Белякиннинг олдига нега гулдаста кўтариб келдим? Нега энди, мана, нечанчи марта профессор Тарасевични ишдан қолдириб, қандайдир варақачаларни олиб келяпман? Нега мени деб машинисткани программа ўрнига микроскоп остига қўйиб ўқилган қандайдир ребусни кўчириб ёзишга мажбур қилишди? Уз айбимни, поқулай иш қилганимни сезиш туйғуси мени ҳолдан толдирди.

Институтда ремонт кетарди. Биз узун қоронғи коридордан бораётиб, пақирлар ва бошқа нарсаларга урилардик. Нақ шифтда, сим тўр ичида оқ бўёқ сачраган электр лампочка хира ёниб турибди. Оёқ товуши бўғиқ эшитилиб, аллақачон бўшаб қолган институтдаги тунги сукунатни бузади. Лампочкага қараб ўйланиб қолдим: «Мен етарли ёруғлик бермаётган шу лампочкага ўхшай-

ман. Лекин бу лампочканинг ёруғ нур сочмаслигига пошуд бўёқчилар ва бепарво фаррош айбдор. Менга ким халақит беряпти? Менинг жўшқин яшашимга ким тўсқинлик қиляпти? Ўзим! Фақат ўзим».

Институтдан чиқиб, хайрлаша бошладик. Ёз тунидим ва мунгли эди.

Хайрлашаётиб, профессор Тарасевич менга таскин берди:

— Йўқолган доктор ҳақидаги тўқиб чиқарган ҳикоянгизни топиб олган варақачаларга алоқаси берлигини билдирмаётган бўлсангиз ҳечқиси йўқ. Хафа бўлманг! Ҳикоянинг ўзи ҳам қизиқ. Фақат охири йўқ.

Воронцова қўлимни қувноқ силкиб хайрлашди.

Мен институт эшиги рўпарасида қолиб, фикрларимни тартибга солишга ҳаракат қилдим. Асфальтда Воронцованинг пошпаси қаттиқ тақиллар, профессор Тарасевичнинг ботниқаси бардам ва хотиржам шипилларди.

Сўнг қоронғиликдан Воронцованинг масхараомуз овози эшитилди.

— Ченсклик йўқолган доктор воқеасининг охирини ҳам ўйлаб топиб қўйинг, эртага эрталаб айтиб берасиз! Оёқ товушлари эшитилмай қолди. Овозлар тинди.

— Охирини ўйлаб чиқариш мумкин эмас,— ёнимда кимнингдир қариларга хос хотиржам овози эшитилди.— Сергей Сергеевич Думчев гойиб бўлгандан буён у ҳақда Ченскда ҳеч қандай хабар йўқ...

— Ким бу? Ким гапираётган?

## МИНОРАЛИ УЙ

### УЙҚУСИЗ ДЕРАЗА

Деразалардаги оқ пардалар уйқуга кирди, оқарди, ялтиради: шаҳар устида тўлин ой сузарди. Томлар, деворлар, қурилиш кранлари, дарахтлар сояси тош йўл устида кутилмаган қиёфада мудрапти. Менинг соям эса жилиб, тебраниб, гоҳ ғойиб бўлади, гоҳ яна пайдо бўлади; мен минорали уйни излаб юрибман.

Минорали уйми?

— Ҳа!

Бир вақтлар ғойиб бўлган докторнинг оти Сергей Сергеевич Думчев эканлигини қоронғида тўсатдан эшитиб, ҳайрон бўлдим, сесканиб кетдим. Кейин ўзимга келиб:

— Ким бу? Ким бу гапираётган?— деб сўрадим.

— Бу мен, Андрей Варфоломеевич, институт қоровулиман. Тунги навбатчиликка келганимдан буён стулни олиб чиқиб шу ерда ўтирибман. Тун илиқ. Олдин шаҳар боғидан эшитилаётган ҳар хил вальсларни тинглаб ўтирдим. Кейин сизлар чиқдиларинг, гапингизни охирини эшитиб қолдим. Бўлган, Ченскда шунақа доктор бўлган. Лекин ғойиб бўлиб қолган...

— Қандай қилиб? Қанақа шароитда? Унга нима бўлган?— қоровулни саволга кўмиб ташладим.

Қоровул жавоб қилди:

— Ҳурматли йигит, бу ҳақда мендан сўраманг. Ҳар хил миш-мишлар бўлган. Уша пайтдаги одамлардан шаҳарда балки икки-уч киши қолгандир. Мисол учун, Булай Полина Александровна. Анча ёшга бориб қолган.

Мендан ўн ёшча кичикроқ, холос. Уша билан гаплашинг, ундан кўп нарсани билиб оласиз. Жуда хушмуомала аёл. Бир вақтлар шаҳарда уни «Абадий қаллик» деб аташарди. Сергей Сергеевич Думчев чиқиб, ғойиб бўлган минорали уйда унинг қайтиб келишини кутгани учун шундай дейишган. Ҳозир ҳам ўша ерда яшайди.

— Адреси қанақа?

— Қанақа адрес бўлсин! Шу ердан чапга юрсангиз, тор кўчага етасиз, тор кўча сизни майдонга олиб чиқади, у ердан хнёбон бошланади. Хнёбондан иккинчи кўчага чапга буриласиз. Шу кўчадан бораверсангиз ўнг томонда учинчи тор кўчада. Шу тор кўчанинг ўнг томонида, девордан кейинги муюлишдан ўтгач тўртинчи уй. Минорали. Сизга қандай тушунтирсам экан — настак болохонали уй. Атрофида нешайвони бор. Кичкина зинаси ҳам бор.

— Кўчанинг номини билмайсизми?

— Илгарди Верхнестроицкий дейиларди, ҳозир қанақалигини билмайман. Унингсиз ҳам топиб оласиз. Мен айтгандек кетаверинг... Азизим, тунда одамларни безор-та қилиб нима қиласиз?— деб қичқирди орқамдан Андрей Варфоломеевич, чапга, тор кўчага бурилганимни кўриб.

Албатта тунда бегоналарнинг эшигини тақиллатмоқчи ҳам, ярим кечада бегона кишиларни уйғотмоқчи ҳам эмасдим.

Ундай бўлса, минорали уйни нега қидиряпман? Қандайдир бир уйга ой ёруғида тикилиб қараганим билан микроёзувлар сири ойдинлашиб қоладими? Умуман бир вақтлар минорали уйдан ғойиб бўлиб қолган киши билан бундан икки ҳафта олдин шаҳар четидан терилган гулдастадан топилган ва яхши сақланган ёзув ўртасида бирор боғланиш бормикми?

Аммо қидиришим керак! Ченскда шундай уй борлигига, бинобарин поездда мен эшитган тунги суҳбат тўқима эмаслигига ишонч ҳосил қилишим керак.

Ғалати ёзувни минорали уйда яшайдиган аёлда сақланиб қолган бирор рецепт билан солиштириш мумкин, албатта. Бу ёзувни ғойиб бўлган доктор ёзганлигига ишонч ҳосил қилиш керак... Ушанда ўз тахминларим билан бошқаларга кулги бўлмайман. Аммо, гап фақат шундами? Бу арзимас нарса. Мухими — бир одамнинг ғойиб бўлиши жумбоғи ечилади. Аммо каш-

ниётлар кундалиги ва сил тўғрисидаги микроёзувни ду ерда, Ченскда, мен ҳозир қидириб кетаётган уйда шаган киши ёзганлигига ишонч қаёқдан келди?

Хиёбондан чапдаги иккинчи кўчага бурилдим. Бу кўчадан эса ўнгдаги учинчи тор кўчага бурилиш керак. Мана, девордан кейинги тўртинчи — минорали уй!

Богчадаги дарахтлар енгил шабададан шитирлайди. Бу дарахтларнинг қалин барглари орасидан битта дераза нур сочиб турибди. Зинадан оҳиста кўтарилиб, эмалланган тахтачадаги ёзувни ўқидим: «Тиш врачл П. А. Булай. Якшанбадан бошқа ҳамма кунлари қабул қилинади».

Бир оз турдим. Қулоқ солдим. Уй жимжит. Тераклар оҳиста шивирлайди. Битта бедор дераза нур сочиб турибди. Кимдир кимнидир кутяпти.

### ЯНГИ ТАНИШ

Кун чиқиши биланоқ минорали уйга етиб бордим. Эмалланган тахтача тагида бир бўлак қоғозга сиёҳ билан ёзиб қўйишибди: «Қўнғироқ жирингламайди — тақиллатишингизни сўрайман».

Мен тақиллатдим. Эшикни очишмади. Яна тақиллатдим. Яна жимжитлик.

Соатимга қарадим: етти. «Жуда эрта эмасми?»

Вақтни ўтказиш учун вокзалга бордим. Перронга чиқиб, узоқдан келадиган поездни кута бошладим ва нима учундир перрондан ўтиб кетаётган станция навбатчисидан поезд қачон келишини сўрадим.

Мана, поезд ҳам келди. Сукунат ичидаги станция гала-товурга тўлди. Одамлар югуриб қолишди. Дўконлар олдида тўпланишди. Паравоз гудок чалди. Атроф яна бўшаб қолди.

Минорали уй олдига қайтиб келдим. Тор кўчадан у ёқ-бу ёққа юриб, у гўё бирор томонга қочиб кетишидан, жойидан қўзғалиб, яшириниб олишидан қўрққандай тез-тез қараб қўяман.

Соат тўққиз. Вақт бўлди!

Эшикни оҳиста тақиллатдим, шошилишч овоз эшитилди.

— Ҳозир!

Эшик қия очилди. Кичкинагина қирра бурун аёл бир вақтлар мовий бўлган, лекин оқариб кетган рўмод,

Ураган бошини чиқарди. Ҳаракатчан, синчков кўзлари менга диққат билан тикилди.

— Аҳ-ҳа! Менинг Зинам проводниклик қиладиган вагонда келган йиғит сиз эмасми-сиз? Қизим ярим кечагача сизни кутмаганмиди? Чироқни ўчирмади. Марҳамат, кириг! Мен уни уйғотаман.

— Йўқ, йўқ, мен тинч врач Полина Александровна Булай ҳузуринга келдим.

— Булай? Полина Александровнагами? Марҳамат, кириг. Анави ерда ўтириб туриг,— аёл йўлақини тўлдириб турган баланд жавонлар, гулдор сандиқлар орасидаги ягона стулни кўрсатди.— Ҳозир тақиллатаман.

У бир эшикнинг олдига бориб тўхтади, нимагадир қулоқ солди ва қайтиб келди.

— Шу ерда қанчадан бери яшаётган бўлсам ҳам унинг ҳаётини билмайман. Қачон ётиши, қачон туриши номаълум. Ҳозир ҳам ухлайптими, уйғоқми — билиб бўлмайди. Қасаллар кўпроқ тушдан кейин келишади.

— Ҳа майли,— ўрнимдан турдим.— Мен ҳам тушдан кейин келаман.

— Бу ерлик эмасга ўхшайсиз-а?— сўради у.

— Ҳа.

— Қаердан келгансиз? Анча турасизми? Врачнинг олдига тез-тез келиб турасизми?

— Бирданига шунча савол берасизми?

— Эҳ, гражданин,— деди аёл оҳиста,— қизиққанимдан эмас, қўрққанимдан сўраяпман! Қўрқаман! Қанчалик қўрқишимни билсангиз эди! Бу уйдаги ҳамма нарсадан қўрқаман.

— Нимасидан қўрқасиз?

Аёл овозини яна пасайтирди, ҳали олдига бориб қайтган эшикни кўрсатиб деди:

— Ундаи қўрқаман.

Шу дақиқада эшик очилди.

— Ана ўзи! Майли, кейин, ҳаммасини кейин айтиб бераман.

Остонада баланд бўйли, оппоқ сочлари силлиқ таралган, эскича қора кўйлак кийган аёл турарди. Афтидан олтинчи беш ёшларда эди.

— Полина Александровна Булай сизмисиз?

— Марҳамат, кириг!— Полина Александровна, хона эшигини очди.



«Тиш-докторининг галати кабинети» — ўйладим хонага кираётиб.

Хона бошдан-оёқ кўпдан-кўп кичик тортмали эскича жавонлар билан жиҳозланган, пастак креслолар қўйилган, стол усти арзимас безаклар билан ясатилган. Қувноқ оила муҳити тасвирланган эски суратлардан репродукциялар ва гравюралар деворларга тартибсиз осиб қўйилган. Суратлар олтин суви югиртилган, вақт ўтиши билан қорайган ва бурчаклари учган гардинларга ўрнатилган. Дераза олдида тиш даволаш креслоси турибди, унинг ўриндигига, бош қўядиган суяничига қопланган гунафша духобашич туки тўкилиб кетган.

Ҳамма нарсада эскилик, қариллик изи бор, лекин заррача ҳам чапг йўқ.

— Креслога ўтиринг, — деди Булай ва офтоба олдида бориб, қўл юва бошлади.

— Полина Александровна, мен касал эмасман.

— Бўлмаса нега келдингиз?

— Думчев тўғрисида гаплашиш учун.

— Сергей Сергеевич тўғрисидами? — қайта сўради у оҳиста ва хотиржам, лекин қандайдир илиқлик билан. Аммо у ҳеч ажабланмади.

Эшик аста тақиллади ва хонага қўшни аёл кирди.

— Полина Александровна, ошхонадан эмадли кастрюлимни олмадингизми? — сўради у.

— Йўқ, Авдотья Васильевна, олганим йўқ.

— Олмадингизми? Яхши. Балки Зинагшам беркитиб қўйгандир. Кейин сўрайман. Ҳозир ухлаб ётибди бечора... Сизга айтиб қўймоқчийдим, ошхонадаги сандиқда сичқон туни билан тиқиллатиб чиқди. Ҳозир ҳам ичида бўлса керак. Очиб, ҳайдаб юборсак бўлармиди...

— Сичқон дейсизми? Хат турадиган сандигимда-я?..

Булай хонадан чиқиб кетди.

Авдотья Васильевна хонада қолиб гапира кетди.

— Мен қўрқаман... Қўшнимнинг ҳуши жойида эмас, шунисидан қўрқаман. Зиночкам поездда бир ҳафтага жўнаб кетади. Квартирада Полина Александровна билан ёлғиз қоламан. У жим юради, кам гапиради. Аллақачон, бу ерга кўчиб келмасимдан олдин у ҳақда миш-мишлар юрарди — доим йўлга қараб ўтирармиш, қаллиғини кутармиш. Унга қарайман-у: «Келиннинг ўзига кафан тикадиган бўлиб қолипти», — деб ўйлай.

ман. Қизим эса «Ойи, нимадан ташвиш қиласиз? Одам жим яшайпти, ўз ишини бажарайпти. Сопна-соғ кам-пир», дейди. Мен эса ишонмайман. Бу ерга қатнайди-ган бўлсангиз, кузатиб юринг, ундан қўрқишим керак-ми, йўқми — фикрингизни айтасиз...

Булайнинг оёқ товуши эшитилди. Қўшни аёл чиқиб кетди.

Мен яна Полна Александровичга мурожаат қилдим:

— Сиздан ниятимос... Ташвишга солганим учун кечиринг... Сергей Сергеевич ҳақида ҳамма билганларингизни айтиб берсангиз. У қандай ғойиб бўлгани туррисида...

— Йўқ, йўқ, бу сўзни оғзингизга олманг! У чиқиб кетган, холос... бу уйдан чиқиб кетган.

— Чиқиб кетган? Қачон?

Саволим поўришигини сезиб қолиб, уялиб, жим бўлдим.

Булай нафасини ростлаётгандай жим турди-да, кейин гапирди:

— Кечирасиз, сизнинг отингиз нима?

Мен исминни айтдим.

— Григорий Александрович, сизни бу ерга нима олиб келди? Ахир Думчевни ҳамма унутиб юборган.

— Тасодифан бир ҳикояни эшитиб қолдим. Бу ҳикоя мени Думчев тақдир билан қизиқтириб қўйди. Лекин ҳозирча мендан ҳеч нарса сўраманг.

— Яхши. Сизга ишонаман. Бир вақтлар мени Сергей Сергеевичнинг қаллиги деб аташганди. Чет ўлкада бир вақтлар зерикувчи кишилар қандай вақти хушлик қилганликларини сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз! Лекин гап бу ҳақда эмас. Ҳозир Думчев ҳақида қандай гапириб берсам яхшироқ бўларкин, деб ўйлаяпман. Нимадан бошлашни билмайман: уни биринчи марта галати шаронгда кўргангиздан бошласамми ёки у билан учрашувларимиздан, суҳбатларимиздан бошласамми?

— Мумкин бўлса, бир бошдан гапириб беринг.

— Аммо сиз ручкангизни четга қўйинг! Ҳар бир сўзингни ёзиб туришганда хотиржам эслаб, гапириб бўладими.

Итоаткорлик билан авторучка ва ён дафтаримни чўнтагимга солиб қўйдим, креслога қулайроқ жойлашиб, тинглашга шай бўлдим.

— Шундай қилиб, бу воқеага анча вақт бўлган...— деб бошлади Полина Александровна.

Эшик орқасидан товуш эшитилди.

— Парво қилманг, Гибралтар мебелни суриб, **эшик** олдини супурапти.

— Нега Гибралтар дейсиз?

— Қўшим Авдотья Васильевнага шунақа от қўйганман. Кема Гибралтардан сездирмай ўтолмагандек, унинг олдидан ҳам билинтирмай ўтиб бўлмайди. Ҳар қандай кишини обдон ўрганеди. У доим, ҳамма нарсадан кўрқади.

— Шундай қилиб, бу воқеага анча вақт бўлган эди...— такрорладим.

### ИКАР ЯРМАРКАДА

— Ҳа, анча бўлган,— такрорлади Полина Александровна.— Ушанда ўн етти ёшда эдим. Сергей Сергеевич Думчевни биринчи марта кўрган ўша кун, ўша соат ва ҳатто ўша минут ҳам ёдимда. Бу ҳавода парвоз қиладиган куни тонгда эди. Йўқ, тўғриси, кўкка парвоз тонги деса бўлади... Якшанба куни, тўққизинчи июнда. Ярмарка очилганди.

**Кекса, сочлари оппоқ аёл сўзларди, мен эсам унинг қарилганини унутдим. Бу воқеага анча бўлганига ишонгим келмасди. Бу йилларни амалга ошмаган орзу алангаси куйдириб юборгандек туюларди. Утмин қайтиб келди. Мен уни кўрдим, эшитдим...**

Мана ярмарка. Жануб ярмаркаси чошгоҳ қуёши остида. Сершовқин, хилма-хил, жарангдор ва ясанган ярмарка.

Уйғониб, деразани очсанг, ярмарка шовқини хонани тўлдиради: у гувиллайди, одамлар оқими шовқин-сурон солади, хотин-халажнинг ранг-баранг рўмоллари, юбкалари кўзни қамаштиради. Ярмарка увиллайди, бақирик-чақириклар, кишнаш, маърашлар қулоқни қоматга келтиради.

Янги рандаланган тахталардан шоша-пиша ясалган дўконларда ленталар, читлар, рўмоллар, мунчоқлар қуёш нурида тобланади, кўзни қамаштиради.

Шарманканинг ноласи, ҳар хил рангга бўялган аравачаларда ўтирган қизларнинг қийқириқлари, ёғочдан ясалган жийрошларга минган, шапкаларини чапанилар-

ча чаккасига қўндириб олган қувноқ, ҳазилкаш йиғитларнинг ҳуштаклари остида отуғин гичирлаб айланади.

Қуёш эса тобора тик кўтариляпти, жазирама иссиқ. Жануб ярмаркасида одамлар кўнаиб, шовқин кучаймоқда.

Бирдан узоқдан узун ва чўлиқ овоз эшитилади: «Учяпти! Инсон осмонда учяпти!»

Овоз бозор шовқини-суронига қўшилиб кетди.

Ҳеч ким қайрилиб қарамади, бу овозга ҳеч ким парво қилмади. Бозор шовқини давом этаверди.

Ялтироқ соябонли картуз кийган бир киши арава устига чиқиб, қўл силкитди.

«Биродарлар!— деб бақирди у арава устида туриб.— Биродарлар! Уни қараңглар! Қараңглар, ҳавозада нималар бўляпти!»

«Қаерда, қаерда?»

«Хув анави ҳавозада! Ҳавозадан одам парвоз қилмоқчи!»

«Инсон кўкка учади!»

Аралаш-қуралаш, ҳангаматалаб, томошага ташна оломон кўришиб турган тепалик устидаги ҳавоза томон ташланди.

Ҳавозанинг кеңгина майдончасида ишачига ўхшаш учқич турарди. Унинг ёнида бир йиғит қандайдир узун қайишларни тўғрилаш билан овора эди.

Йиғит қийиқ ёқа кўйлак, қора плаш кийиб олган. Юзлари қонсиз, бармоқлари узун, лабларини қаттиқ юмган, қаддини ростлаганда унинг кўзлари майдончани қуршаб турган кишилар оша узоқларга тикилди.

Сершовқин, безанган жануб ярмаркасида бу киши ғалати, тушуниб бўлмайдиган ва жуда ёлғиз эди. У ўз учқичига шу қадар берилиб кетгандики, атрофда нималар бўлаётганини ҳам сезмасди.

Тепалик устига ҳавоза қурган хўжайини тўсиқдан ўтган ҳар бир кишидан бир миридан йиғиб оларди.

Минора атрофидаги тўсиқ ичи одамга тўлиб кетди.

Хўжайин минорага бир неча зина кўтарилиб эълон қилди:

— Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Ҳозир одам кўкка парвоз қилади. Ўз кўзларингиз билан кўрасизлар. Тўланган ҳақ эвазига бу одамга савол берадиганлар борми? Ҳар ҳолда бу ердан одам кўкка парвоз қилиб, яна қайтиб келади!

Хўжайин ялтироқ калини катак рўмолчаси билан артди.

Оломон орасида овозлар эшитилди, улар минорадаги йигитга савол беришарди:

«Кимсан, отингни айт».

«Қанақа одамсан?»

«Касбинг қанақа? Дининг-чи?»

«Осмонга учяпти — унда қанақа дин бўлсин?»

«Мен Сергей Сергеевич Думчев, русман» — жавоб берди йигит.

«Майли, учавер» — дейишди оломон ичидан.

Узини Думчев деб атаган йигит учқич олдида куйманишда давом этди.

«Хурматли томошабинлар! — хўжайин оламонга мурожаат қилди. — Сабр қилинглар! Беш-ўн минутдан сўнг учади!..»

«Мен ҳавоза яқинида турардим, — Полина Александровна ҳикоясини давом эттирди. — Думчевнинг қўли қалтираётганини кўриб турдим. Мени ташвиш, ҳаяжон, кўрқув қамраб олди. Ахир, ҳавоза жуда баланд! Наҳотки бу одамлар жасур йигит ҳозир чил-парчин бўлишини тушунишмаса?»

«Уни қайтар, учмасликка кўндир!» — деб ялиндим студент акамга.

У политехника институтида ўқирди. Биласизми, кўк костюм кийиб, чиройли эполет тақиб юришарди. Техникани у яхши биларди. Акам донм менга ҳамроҳ бўларди. Эҳ-ҳе, қанча вақт ўтди шунгайм! У вақтда соябони кенг похол шляпа киярдим. Сочим узун эди.

«Ҳамкасб! — деб бақирди акам кашфиётчига. — Сизга ёрдам берайми?»

У ҳавозага кўтарила бошлади.

Лекин кашфиётчи рад этиб бош чайқади. У учқич ёнида куйманаверди.

Атрофда одамлар бири олиб, бири қўйиб гапиришарди:

«Ҳеч қачон учмайди!»

«Қуш нега учади? Унинг бутун кучи патларида, — деб изоҳларди семиз бир савдогар. — Унинг учқичи қанотларида пати йўқ».

«Кўршапалак учадими ёки учмайдими? — акам уларга ўғирилди ва илова қилди: — Демак, гап патда эмас!»

«Бўлмаса, нега учмаяпти? Қоронғи тушгунча ги-  
мирлаб чўзади-да, учмайди».

«Вақт кетяпти, вақт!»

«Тезроқ! Бошла! Вақт бўлди!»— деб қичқирарди  
оломон сабрсизлик билан.

Думчев учқичнинг кенг қанотларини ёзди ва уни  
ҳавоза четига олиб келди.

Оломон жим бўлиб қолди.

Иигит оёқларини қайишга тикди, учқични камарига  
боглади. Сўнг қўлларини қанот остига суқа бошлади.  
Қанотлар тол хивичидан ясалган, енгил бўлиб, мато  
билан қопланган, жуда ҳаракатчан, золдирга ўриятил-  
ган эди.

«Ҳозир учад!»— деган овоз эшитилди.

«Тўхта! Тўхта!»— хўжайин бирдан бақириб қолди.—  
Тўхта!»

Хўжайин ҳаминша бир жойда турмас, гоҳ ҳавозага  
кўтарилар, гоҳ тушган пулдан хабар олиш учун эшик  
олдига югурарди.

«Тўхта!»— қичқирди у, оломонни ёриб, ҳавоза ол-  
дига қандайдир бир чиновникни хотини билан бошлаб  
келаркан.

Чиновник Думчевга қичқирди:

«Қулоқ солинг! Хотиним савол бермоқчи, сиз эса,  
жаноб, жавоб беринг!»

Чиновникнинг хотини кўзига лорнет тутди:

— Иигитча, мен қизиқиб қолдим, бу қанотлардаги  
қанақа мато? Пастдан менга муслиндек кўрिनяпти.  
Айтинг-чи, бунақа чиройлигини қаердан олдингиз? Ҳар  
газига қанчадан тўладдингиз?

Думчев бу саволга батафсил жавоб қийтарди.

«Энди учавер!»— қичқирди хўжайини.

Акам қулогимга оҳиста деди:

— Поля! Манави шеър ёдингдами:

«Қабиҳлик жазмалари тўқ,  
Хурсандлик, бойлик қиёмати.  
Икарнинг эса қўллари мажор,  
Бу — қуёшни қучмоқ қиммати».

Оломон эса гувилларди:

«Шамолни мўлжаллаяпти!»

Бирдан Думчев ҳавозадан ўзини ташлади ва пар-  
воз қила кетди! Ҳамма нафасини ютиб, жимиб қолди.  
Бирдан унинг орқасидан югура бошладилар.

Тўсиқлардан сакраб, ошиб ўтиб югуриб боришарди. Индамай, осмонга қараб югуришарди.

Учқич кутилмаганда қийшайиб кетди. Одамлар ўзини четга отди.

Елпинчсимон думга биркитилган узангига боғланган оёғини шиддат билан силтаб, Думчев мувозанатни тиклади.

Нивачи тўғри уча бошлади.

«Ура-а-а!!!» садолари янгради атрофда.

Лекин мувозанат бир-икки минутгина бузилмай турди, холос.

Шамолдан хотинларининг рўмоллари ҳиллиради. Довжурак ортидан югуриб бораётган кишилар шамол учириб юбормаслини учун шапкаларини ушлаб боришарди. Шамол кучлироқ эса бошлади.

Ёнида югуриб бораётган акам:

«Иш чатоқ! Шамол унга халақит беряпти! Рус Икаримиз шамол билан олишяпти!»— деб қичқирди.

Мен кўриб турибман: ниначининг қаноти қийшайди. У гоҳ ўннга, гоҳ чапга қаттиқ оғар, ҳозир қулаб тушадигандек эди.

— Қаранглар! Шамол аппаратни чапга оғдирса, Думчев ўнга ташлаяпти,— деб бақирди акам.— Шамол ўннга бурса — Думчев чапга буряпти! Аппарат тўғриланяпти!

Лекин шамол нисонининг ҳийласини пайқагандек, тенадан урилди. Учқич пастга шўнгиди.

Шундан сўнг Думчев қўли билан қанотларни кўтариб, тушириб, қуш каби ҳаракат қила бошлади. Учқич яна вақтинча тўғриланди. Ёнгинамда эса:

«Чарчаб қолди! Ҳавога тирмашиб бўлмайди!»— деган овозлар эшитилди.

Учқич пастга туша бошлади. Қанотларни қоқиш фойда бермасди. Уни шамол денгиз томон учуриб борарди.

Оломон ларзага келди:

«Чўкиб кетади! Чўкиб кетади!»

Аёллар чуввос кўтаришди. Қимдир чўқинди. Нақ денгиз қирғоғида учқич қумга тушди.

«Ўлди! Ҳалок бўлди!»— оломон шундай деб бақирар ва денгиз томон югурарди.

Мен ҳаммадан ўзиб кетдим. Похол шляпам қийшайиб, тасмада зўрға илиниб турарди. Думчевнинг ёнига биринчи бўлиб етиб бордим. Мендан кейин — акам.

«Тирикмисиз?»— бақирдим.

Думчев қимирлади. Қайишларни ечиб, қумга ботиб қолган учқич остидан чиқишига ёрдамлашдик.

Одамлар етиб келинди. Улар Думчевни безовта қилишдан қўрққандек жим, оҳишта яқинлашар эдилар. Ҳатто яланг оёқ, сочлари ҳурнайган болалар ҳам учқичдан одамлар олдига, оламондан учқич олдига югуришар экан, ўзаро шивирлаб гаплашар эдилар.

Акам одамлардан тарқалишни илтимос қилди. Кўзада сув келтиришди, Думчевнинг пешанасини ҳўлладим. Акам извош олиб келгани кетди.

Думчев ўзига келди. Лекин у ҳеч кимни сезмасди. Вақт ўтиб борарди. Одамлар тарқала бошлади. Бирдан у ўрнидан туришга уринди.

Мен ёрдамлашдим. У ўрнидан туриб, ўгирилди-да, мажақланган учқични кўрди.

«Мен яна парвоз қиламан! Учаман!»— деди у оҳишта ва қайсарлик билан.

Устимиздан чағалай пастлаб учиб ўтди.

«Шу қуш кабини?»— мен чағалайни кўрсатдим.

«Қушми?»— такрор сўради у.

«Шу чағалай каби учасизми?»— деб такрорладим.

У фикрларини бир жойга тўйлаётгандек анчагача жим турди.

«Йўқ! Йўқ!»— деб қичқирди у бирданига.— Қушдан ҳам яхшироқ учаман! Пашша каби! Учишгина эмас, осмонда муаллақ туриш керак! Инсон ерда қанчалик мустаҳкам турса, ҳавода ҳам шундай туриши керак!»

Мен у жинни бўлиб қолдим, деб қўрқиб кетдим. Кейин сўрадим:

«Қанақа пашша? Нима деяйсиз? Ахир пашша ҳавода муаллақ турадимиз?»

У жавоб қилмади. Кейин оҳишта деди:

«Ҳаммасини бу ерда эмас, ўша ерда... Фақат ўша ерда ўрганаман!»

«Қаерда?»

Лекин у жавоб бермади.

Мени даҳшат босди. Извошга кетган акам ҳалиям қайтиб келмаганди.

Думчев қўлимга суяниб, шаҳар томон оҳишта юрди. Денгиз бўйида мажақланган учқич қолди. Атрофни тун қоронғилиги боса бошлади. Бу галати одамнинг юришига мен ёрдамлашдим...



Унинг ёнида денгиз шовқинини бошқача, янгича эшитдим, ботиб бораётган қуёшнинг ётиқ нурлари қандай бўлишини эди бошқача кўз билан кўрдим.

У эса ёнимда, бошини қуйи солиб борарди. Менга бир марта ҳам қарамади. Тинмай:

«Бошқа йўл йўқ! Бошқа йўл йўқ! Фақат уларнинг орасида! Улардан ўрганиш керак»,— деб шивирлаб борарди.

Мен бу сўзларни эшитсам ҳам, ҳеч нарса тушунмасдим, ҳеч нарсани сўрамасдим ҳам. Қуёш эса денгизга ботиб борарди.

### АНДРЕЙ БУЛАЙНИНГ ХАТИ

Коридорнинг қаеридадир қўшни аёлнинг супургиси гоҳ тақиллайди, гоҳ шипиллайди.

Полина Александровна ҳикоясини бошлаган пайтдаёқ: «Тезроқ текшириш керак. Микроёзувларни доктор Думчев ёзмаганмикин? Ушанинг қўлимикин? Ёзувини таққослаш керак! Бу энг муҳими»,— деб ўйладим.

Лекин ҳикоя чўзиллиб кетди ва қалбимни бошқа туйғулар, фикрлар чулғаб олди. Мен ҳаво тўлқинини, биринчи самолётлар қаноти остидан отилиб чиққан шиддатли шамолни сездим. Ҳаво бўшлиғини бўйсундиришга дастлаб уринган кишиларнинг орзуси нақадар ёрқин ва шижоатли эди!

Тиш даволаш креслосида ўтириб, оёқ билан босиб ишлатиладиган эски бормашини ва ярқироқ металл асбобларга қараб, уларни кўрмаслик, Думчев ўзи ясаган аппаратда ҳавога кўтарилиб, ҳайқираётган ярмарка устида парвоз қилган вақтда уни қамраб олган орзунинг ҳарорати ва нурини қалбдан ҳис этиш — бу ғалати ҳолат эмасми?

Аммо муваффақиятсиз парвоздан сўнг Думчевнинг «Ҳаммасини бу ерда эмас, у ерда, фақат ўша ерда ўрганаман», деган сўзларининг маъноси нима? Шу жумлани тўғри тушуниб, унинг ҳақиқий маъносини оча олсам эди!

Коридорда қўшни аёл супургиси шитирлайди, тақиллайди. Полина Александровна хаёлимни бўлди.

— Петербург Политехника институтида ўқийдиган акам ҳам Думчевнинг парвозини кузатиб турган эди,— деб сизга айтгандим. Уша парвоздан кейин акам Думчев ҳузурига тез-тез борадиган бўлиб қолди. Кейинги

йилларда ҳар сафар Ченскга келганда албатта Сергей Сергеевичникига борарди.

Акам менга Сергей Сергеевич ғойиб бўлгандан кейин мана бу хатни ёзганди.

Полина Александровнадан хатни олиб ўқидим:  
«Азизим Поли!

Думчев ҳақидаги хабарингдан ҳаяжондаман, ўзимни йўқотиб қўяёздим. Унинг кийими денгиз соҳилидан топилганини ёзибсан. Наҳотки чўкиб кетган бўлса? Ҳеч ақлимга сиғдира олмайман. Бу одамнинг қиёфасини кўз олдимга бир-бир келтираман. Уни энди ҳеч қачон кўра олмайман. Унинг нимаси кўпроқ ҳайратга соларди? Қизиқишларининг, илмий изланишлари ва тажрибаларининг хилма-хиллиги! Бир куни унинг тажрибасини кузатиб туриб: «Бунга ақл бовар қилмайди! Шу қадар хилма-хил ва бир-биридан йироқ илмий қизиқишлар бир кишининг миёсига қандай сиғаркин? Бу вақтинчалик итилишигина эмасмикин?» деб ўйладим ва ўзимни туголмай, бу ҳақда Думчевнинг ўзига айтдим. Унинг жаҳли чиқмади. «Ҳа, тушунаман! Четдан қараганда шундай туюлиши мумкин... Лекин кимга эргашяпман? Қимдан ўрганипман?»— деди.

Мислсиз чаққонлик билан китоб полкасн олдиға борди ва Пушкин китобини олиб ўқиди:

«Тарихчи, нотик, механик, химик, минеролог, рассом ва шоир, у ҳаммасини синаб кўрди, тагига етди...»

Бу ким ҳақида айтилган? Ломоносов тўғрисида! «Унга эргашиш, фаннинг турли соҳаларини эгаллашни ундан ўрганиш керак».

«Бир вақтлар шундай бўлган эди...— дедим мен.— Узоқ ўн саккизинчи асрда!»

«Бир вақтлар? Табиий фанлар ва техника бир-бирига чамбарчас эканлигини мен исботлайман, кўрсатиб бераман. Самолётни қандай ясашни ҳавода муаллақ турадиган пашшадан ҳам ўрганиш керак. Турли фанлар — турлича эмас. Ҳатто математика билан поэзия ҳам ягона!»

Шу ерга келганда ўзимни тута олмадим: «Математикларнинг шеър ёзишига, шоирларнинг... шунга ўзингиз ишонасизми?»

«Лобачевский мен севган шоир Тютчев каби шеърлар ёзган. Уларнинг иккаласи ҳам шоир! Улар руҳан ҳам, услубда ҳам бир-биринга яқин».

«Хўш,— дедим мен, — бўлмаса Лобачевский шеърларидан ўқиб беринг-чи».

«Олдин Тютчевдан ўқийман, кейин Лобачевскийдан»,— деди у.

Уларчун қуёш ҳам, ўликдир, балким  
Денгиз пўртаналарида йўқ ҳаёт  
Қалбига қуёш нури тегмаган унинг  
Гулламаган баҳор кўнглида унинг.  
Улар ҳузурда ўрмонлар бўлар гуниг  
Тилсиз бўлур юлдузлар тўла тунг

Энди Лобачевскийдан тингланг:

«Лекин, сизлар, мавжудлигингизни адолатсиз тасодиф бошқаларга оғир юк қилиб яратганлар, ақли занфлашган, туйғулари сўнган кишилар, сизлар ҳаётдан завқ ололмайсиз! Сизлар учун табиат ўлик, поэзия нафосати сизлар учун ёт, гўзал меъморлик ҳам сизларга нафосат эмас, асрлар тарихи ҳам қизиқарли эмас...»

Бу сатрларни Думчев тантанавор ўқиди. Лекин мен Тютчев билан Лобачевский ўртасида қандай ўхшашлик борлигини тушуна олмадим.

Мана, энди, Думчев ғойиб бўлгач, Тютчев номини ва Лобачевский асарларини қўлимга олдим, ўша парчаларни ўқиб чиқдим ва: «Ҳа, Думчев ҳақ экан. Уша кунлари уни тушунмаган эдим. Бунинг учун ҳозир ўзимдан нафратланаман»,— дейман.

Нима учундир ҳозир Сергей Сергеевич билан бир суҳбатни эсладим. Бу мен Ченскдан жўнаб кетадиган куним эрталаб хайрлашгани Думчевникига борганимда бўлган эди.

«Сиз фаннинг турли соҳаларида тажриба ўтказасиз,— дедим. Лекин мақсадингиз нима? Асосий вазифа нимадан иборат?»

«Микроскоп бўлиш, жонли микроскоп бўлиш!»

«Ҳазил қиласиз, Сергей Сергеевич».

«Асло, — деб давом этди Думчев жиддий ва оддийгина қилиб.— Нега сиз тасаввур қилишни хоҳламайсиз: инсон турли тажриба ўтказди ва энг ғаройиб ферментларни кашф этади. Шундай бўлиши мумкинми?»

«Мумкин»,— дедим.

«Худди шундай ферментлар ҳозир шу ерда, олдин-

ғиздаги стол устида кукун ҳолида туриши мумкин деб ҳисоблайсизми? Инсон шу кукунни ичади. Сўнг...»

Думчев ўйланиб қолди.

«...Сўнг, — деб унга эслатдим, — инсон оламни гўё микроскоп ойнаси орқали кўргандек кўрадиган бўлади».

«Нега гўё? Бу инсон олдида олам катталашади, чунки бу одамнинг ўзи... — Думчев ганини тугатмади ва қувноқ ханда отди: — Роса бошлаб ҳазил қилдимми? Микроскоп — одам... қудратли ферментлар... Уринсиз, кулгили гап, шундай эмасми? — Думчев тобора қувноқ куларди. — Сиз эса гапларимга ишонай-ишонай деб турибсиз».

У скрипкани олиб, Венявский мазуркасини чала бошлади.

Азизим Поля! Сергей Сергеевич ҳамма пулларини тажрибага ёки беморлар учун дори-дармон сотиб олишга сарфлаганини биламан. Менинг боримда уй эгаси Думчевнинг олдига келиб:

«Доктор, ўзингизни денгизга ташлашдан бошқа чорангиз қолмади, ўтган йилги ижара ҳақини ҳам тўлагингиз йўқ», — деган эди.

Полина, хатини олишинг биланоқ хўжайинини ҳақини тўлаб қўй. Ойим билан ўша уйга кўчиб ўтинглар. Лабораторияни қулфлаб қўй. Борганимдан кейин Думчевнинг ёзувлари, ишлари ва тажрибаларини тартибга солиб қўяман.

Хатини тугатяпман, тунги соат беш бўлиб қолди. Бу воқеанинг қандайдир ғалати, тушуниб бўлмайдиган жойи бор... Ўз-ўзини ўлдиришми? Шунча изланишларни бошлаб қўйиб-а! Думчев олдида қандай улуғвор илмий вазифа турарди! У ўз жонига ўзи қасд қилмагандир. Бундан ташқари, ўз жонига қасд қилиш — кўр-қоқлик. Мен эса Думчевни, ярмарка майдонидида телбаларча парвозга тайёр турганда қандай хотиржам, дадил, иродали кўрган бўлсам, ҳозир ҳам шундай кўриб турибман.. Азизим Поля, менга ҳаммасини муфассалроқ, аниқроқ ёзиб юбор. Тезроқ ҳузурингизга боргим, сизларни жуда кўргим келяпти!

Аканг Андрей  
Бул ай.

— Лекин мен акамга жавоб қайтара олмадим, — Полина Александровна секин, ғамгин гапирди. — Прово-

катор акамни жандармга сотиб қўйди. Андрей бир революцион ишда қатнашган эди. Бадарга қилиб ҳайдаб кетаётганларида йўлда ўлди. Мен акам айтганини қилдим,— шу уйга кўчиб ўтдим. Лабораторияни қулфлаб қўйдим. Сергей Сергеевич сўнгги марта кўз ташлаганда қандай бўлса, лаборатория ҳозир ҳам шундай сақланган... Сиз балки лабораторияни кўришни хоҳларсиз? — кекса аёл стол тортмасидан заңглаган кафта калитни олди.

### ДУМЧЕВ ЛАБОРАТОРИЯСИДА

Полина Александровнанинг орқасидан лабораторияга кириш учун эшикни кенг очдим. Булай мис шамдонга ўрнатилган шам ва гугурт олди.

Остонада, рўпарамизда Полина Александровнанинг қўшиниси Авдотья Васильевна пайдо бўлди. У менга бирор муҳим гап айтмоқчи бўлгандек маънодор қаради-ю, ҳеч нарса демади.

Биз тор пиллапоядан зиналарни гичирлатиб юқорига чиқа бошладик. Думчев лабораторияси олдидаги тор жойда тўхтадик. Булай эшикка осиглиқ заңглаган қулфни очди.

Шамнинг ҳилираб турган нури лабораториядаги хилма-хил буюмларни — колбалар, китоблар, шишачалар, поталар, гилофга солиб қўйилган скринка, пробиркали штатив, портретлар, микроскоп, стакан, тақсимча турган, чой ташиладиган мис патисени, сиртовка ва лупани гира-шира ёритди.

Полина Александровнанинг қўлидан шамни олиб бу кичик хонани айланаиб чиқдим, деворларни, шифтни кўздан кечирдим. Бу сал думалоқроқ шаклдаги болохона эди. Ташқаридан у минорага ўхшаб кўринарди. Деразаларнинг дарчаси зичлаб ёпилган. Бу ерда Полина Александровнанинг қайғуси янгиланса керак. Шунинг учун дарров мени ёлғиз қолдириб, чиқиб кетди. Унинг қандай чиқиб кетганини: оҳиста билинтирмай қадам қўйганини яхши эслайман.

Алоҳида стол устида ғалати қурилма турарди. Менимча бу ўчиб бораётган ҳашорат модели эди. Шу ерда хат ҳам бор эди. Чангни артиб, ингичка, жим-жимадор, қадимий ёзувни кўрдим. Таниш хат! Бу худди ўша

қўлнинг ўзи! Мен институтда микроскоп ёрдамида ўқиган микрохатни ёзган қўл шу.

Қўлимда шамдонни ушлаганча жим туриб ўйлардим: бу кашфиётлар кундалигини тоншириш учун қандайдир саёхатга чиқаётгани ҳақида ёзган Сергей Сергеевичнинг ўзгинаси. Бу қандай саёхат? Хатни у нега кичрайтирган? У аллақачонлар ёзган хат қандай қилиб ҳозир шийнон олдидаги гул ичига тушиб қолдикин? Еки Думчевнинг эски кундалиги варақларини бошқа биров фотография ёрдамида кичрайтириб, сўнг гул ичига тушириб қўйганмикин?

Нега қулоғимга Венявский мазуркаси эшитилгандек бўлди? Бу куй ҳаёлимда нега пайдо бўлди-ю, нега кетмаяпти? Чунки Думчев ферментлар, кукун ва микроскоп одам тўғрисида гапириб, скрипка чалган эди.

Уша кукун қасрда?

Лабораториядан қидириш керак. Учиб бораётган ҳашарот моделига ўхшаш қурилма ёнида ётган хатда шу қурилма «мавзуси»га изоҳ берилган экан.

Текстни тўла келтираман.

«Ҳашарот парвозини сунъий такрорлаш.

Ҳашарот қаноти ҳаракатини ва унга ҳаво қаршилиги таъсирини кўргазмали қилиш учун мазкур ашарат ясалган.

Ушбу шакл икки сунъий қанотни тасвирлайди, қанотнинг қаттиқ пайига орқа томондан ичак пардаси ёпиштирилган, бу пардани нишиқ ва ингичка иплар таранг қилиб туради. Бу қанотлар юзаси горизонталь жойлашган; мурватлардан иборат бўлган асбоб уларга ҳеч қандай ёплама ҳаракат бермай, кўтариб туширади. Қанотлар митти мис барабан-компрессор ёрдамида ҳаракатга келади. Компрессордаги ҳаво насос ёрдамида гоҳ қисилади, гоҳ камайтиради. Барабан сатҳи иккала қанотга ричаг билан бириктирилган бўлиб, каучук пластинкадан ясалган; барабандаги қисилган ёки камайтирилган ҳаво эгилувчан пардага кучли ва тез ҳаракат бағишлайди ва бу ҳаракат бир вақтнинг ўзида иккала қанотга ҳам узатилади. Тош боғлаб мутаносиб қилинган горизонталь най аппаратга горизонталь ўқ атрофида айланишга имкон беради ва шу билан бир вақтда насосдаги ҳавони ҳаракатлантирувчи барабанга ўтказишга хизмат қилади. Уқ симоб газометрдан ясалган бўлиб, у ҳаво найларининг герметик бекили-

шини таъминлайди ва шу билан бир вақтда асбобга горизонталь йўналишда эркин айланишга имкон беради.

Аппаратнинг бундай тузилишида ҳавонинг қаршилик кўрсатиш кучи қанот ҳаракати билан қўшилиб, ҳашаротнинг олдинга учишига имкон берадиган механизми ўрғаниш мумкин.

Чиндан ҳам, ҳаво насоси ёрдамида сунъий ҳашорат қаноти ҳаракатга келтирилса, аппарат ўз ўқи атрофида тез айланишини кўриш мумкин.

Ҳашарот ҳаракати механизми бинобарин шу тажриба билан изоҳланади».

Думчев худди мунозара қилаётган, қурилманинг бошқа киши ясаган лойиҳасига қўшилмагандек ва ўз чизмаларига мувофиқ учиб бораётган ҳашаротнинг бошқа моделини ясамоқчи бўлгандек, ғаройиб ёзувлари, суратлар ва катта чизмалар шу ерда ётарди.

Думчевнинг хати ўзига хос ақл-заковатли кишининг излавишларини ифодалар эди. Ҳақиқатан ҳам, бирор киши ҳашорат бир секундда неча марта қанот қоқишини санаб чиқади, деб тахмин қилиш мумкинми ахир? Думчев лабораториясидан мана бу жадвални топдим:

Оддий пашша секундига 330 марта қанот қоқади.			
Қовоқари	—«—	240	—«—
Асалари	—«—	190	—«—
Чумақари	—«—	110	—«—
Узуи тумшук	—«—	72	—«—
Ишачи	—«—	28	—«—
Қапалак (карам капалаги)	—«—	9	—«—

Шу ерда, жадвал остида ҳашарот иккала қанотининг бир-бирига тўла мослиги: иккала қанот баравар ҳаракат қилиб, баравар пириллаши таъкидланган эди.

Думчевнинг хатида: «Ҳашаротнинг учиш кучининг ҳақиқий сабабини топаман, албатта топаман», деган жумла бир неча марта такрорланган.

Алоҳида варақда жуда қизиқ ҳисоб қилинган: «Қуш кўкрак мушакларининг вазни бутун вазнининг олтидан бир қисмига тенг, одамда эса юздан бирига тенг. Ҳашаротда-чи?»

«Муҳими — ҳашарот парвози вақтида мушак кучини текшириш. Ҳашарот қаноти қанча юк кўтара олишини аниқлаш».

Кейин яна бир ёзув бор:

«Топдим! Мана! Ҳашарот учиш кучининг сабаби мана шу! Ҳашаротнинг кўндаланг ва тик узунасига жойлашган мушаклари, кўндаланг мушак кучи қанотини кўтаради, узунасига жойлашган мушак кучи — туширади. Қанот силкинса — ҳаво оқими орқага итарилади ва Ҳашарот олдида босими кам ҳаво пайдо бўлади. Унинг ҳар қанақасига кўтарила олиши сабаби шу эмасми?»

Ёнида бошқа ёзув ҳам бор:

«Энди сўнгисини топиш қолди: у (чамаси гап Ҳашарот устида боряпти) қандай қилиб ва нима учун ҳавода бир жойда тура олади?»

Перонинг тез, шиддатли излари. Шундай бўлса ҳам жуда аниқ ва мақсадли ёзув, чизмалар, фотосуратлар.

Булардан мен Думчев ўз тажрибаларида ажойиб йўл тутган деган хулосага келдим: у бир вақтнинг ўзида график, оптик ва ҳатто музика усулларидан фойдаланган.

Шундан кейин яна қандайдир тушуниб бўлмайдиган чизма келтирилган. Уларнинг бирида камертоннинг тебраниши қовоқари ва асалари қанот қоқишига таққосланганини кўрдим.

Бу чизмадаги дастлабки икки чизиқ узук-юлуқ, деярли нуқталар тарзида бўлиб, қовоқарининг қанот қоқиши частотасини кўрсатарди; учинчи чизиқ ўткир қиррали тўлқинсимон эди. Бу чизиқ камертоннинг тебранишидан ҳосил бўлганди. Мана, галати «куй» ёзилган, сарғайган нота қоғози варағи. Бу чивинлар, пашшалар, қовоқарилар оҳанги...

Токчаларга китоб ва журналлар териб қўйилган. Кутубхона ёғоч қутисида эса яхши тузилган картотека. Ҳаммаси алфавит бўйича тартиб билан қўйилган. Бир қутичада бир неча карточка алфавит тартибиде эмас, бетартиб қўйилганига эътибор бердим. Улар қуйидаги китобларга тааллуқли эди: Свифт — «Гулливернинг саёҳатлари» (инглиз тилида), Афанасьев — «Эртақлар» Н. Рубакин — «Вақт бобо», Е. Маевский — «Доктор Пашшаоёқ» (поляк тилида), Ринер — «Чумоли одам» (француз тилида), Ласвиц — «Совун кўпигида» (немис тилида).

Ҳар бир карточкада китобнинг аннотацияси бор. Шам ёруғида уларни ўқиб чиқдим. Турли тилларда, турли вақтларда ёзилган бу китоблар бир жиҳатдан



бир-бирига ўхшаш — қаҳрамонни атрофдаги муҳитга қутилмаган даражада қийслаш билан ўхшаш эди.

Бошқа тоқчада «Кибальчич» карточкасини кўрдим.

Ажойиб рус кишиси, фидокор революционер — қаҳрамон, гениал кашфиётчи — Кибальчичнинг физика-механика тажрибалари рўйхатига Думчевнинг мурожаати қўшиб ёзиб қўйилган экан: «Сен, шоҳ қатл этган одам! Сен, реактив двигатель лойиҳасини чизган одам! Инсон коинотга парвоз қилиб, узоқ оламларни ўрганганда сенинг номингни эслайди».

Шу мадҳия ёнига қизил қалам билан икки сўз ёзилган: «Ниначи қурти». Бу сўзларнинг ости ўша қизил қалам билан чизиб қўйилган эди.

Нима бу — алаҳсирашми? Кибальчич лойиҳаси билан ниначи қурти ўртасида қандай умумийлик бор?

Ёки мана буни олинг — Циолковский карточкасига бундай деб ёзилган:

«Сен, азиз замондошим! Инсоният реактив двигатель ёрдамида сайёралараро бўшлиқни бўйсундиради».

Лекин Циолковскийга мурожаат ёнига қизил қалам билан яна ўша «Ниначи қурти» сўзлари алоҳида ёзиб қўйилган.

«Қандай ғалати ёзув бу!» — деб ўйладим. Ғалати лаборатория, бу ерда чивинлар куйи ёзилади, ари неча марта қанот қоқиши ҳисоблаб чиқилади... Кибальчич ва Циолковский асарларининг карточкасида ниначи қурти хотирланади... Бу ҳақда микроёзувда ҳам эслатилган эди...

Кичкина шаҳарчадаги кичик бир уйда шушча бематнилик қалашиб ётибди! Микроёзув ҳам нақадар жумбоқ! Унда Думчев сил касалини қандай даволаш ҳақида кечиккан маслаҳат беради, ёки олам унинг олдида «юз-икки юз баравар» катталашгани ҳақида ёзади...

Шам ёниб турибди. Лаборатория деразаларининг эшиклари берк. Китоблар сукут сақламоқда. Қолбалар, идишлар, пробиркалар жим. Чанг босган шишага эски микроскоп окулярини ҳоригандек энгаштириб турибди.

Думчев қаердайки? Унга нима бўлганийки?

Мен охириги марта лабораторияни кўздан кечираман. Думчевнинг скрипкаси солинган чанг босган гилофга тикилиб, Венявскийнинг мазуркасини эслайман. У ферментлар, кукун, микроскоп-одам ҳақида гапириб, шу

куйни чалган эди... Ҳа! Лабораториядан мен ўша кукунни топа олмадим! Чанг, дераза эшиклари берк уйда шам ёруғида бирор нарса топиб бўладими?

### РЕФЛЕКТОРЛИ ЧИРОҚ

Яна гичирловчи зина, қўлимда шам қоронғи зинада қоқилиб кетмасам эди; супурги ушлаган қўшни хотин «Гражданни, бундан сизга нима фойда?» дегандек ҳайрон бўлиб қарайди.

Полина Александровнадан акаси ўз хатида эслатган кукун қаердалигини сўрадим. Уни кимёвий анализ қилса саз бўларди.

— Билмайман,— деб жавоб қилди у, овозида алам ва дард акс этди.— Кукун қаердалигини билмайман. Бегона одамлар лабораторияни титкилашди, қидиришди, лекин ҳеч қандай кукун топилмади.

У соддалик билан кичик стол устига ёпилган дастурхон попугини титкилар, деразага гамгин тикилиб, иссиқ ёз куни бошланаётганини ҳам сезмасди. Бирдан ниманидир эслади:

— Ҳа, Сергей Сергеевичнинг битта хатини ҳеч кимга кўрсатганим йўқ. Сергей Сергеевичи сўнгги марта шанба куни кечқурун кўргандим...

Унинг гапини бўлмайд, диққат билан тингладим, ҳикоясини тугатгачгина бу хатга кўп нарса боғлиқ эканлигини тушундим.

— ...Акам Сергей Сергеевичдан китоб олган, лекин кетаётганда келтириб беролмаган эди. Уша китобни бериб қўйиш учун Сергей Сергеевичнинг ҳузурига хизматчи қиз Дуяша билан бирга кирдим. Энди қайтиб кетаман, деб турганимда, бирдан у ўйлашиб қолди, кейин скрипкасини қўлига олди ва «Зулмат-ла тўсди осмонни бўрон» деб куйлай бошлади. У донм ўйчан эди, унинг қалби кенг, аммо гамгин эди. Лекин ўша куни кечқурун табассуми ҳам, қарашлари ҳам қувончли эди. Мен жўр бўлиб куйлай бошладим. Музыка уни тобора кўпроқ сеҳрлаб борарди. Қаердадир — узоқда момақалди роқ гулдиради. Осмонни булут қоплади. Мен тезроқ уйга қайтишим керак эди. Лекин куйни бўлишга ботинмадим. Сергей Сергеевич эса тўхтовсиз чаларди. Момақалди роқ яқингинада гулдиради.

«Хоним, хоним!— Хизматчи югуриб кирди.— Уй-дан соябон, калиш ва рўмол олиб келдим».

Думчев чалишдан тўхтади. Мен шошилиб хайрлаш-дим ва кузатмасликни сўрадим. У эса туни билан куй чалишини айтди. Дуняша билан уй томон югуриб кет-дик. Муюлишда, ёмғир остида орқамга ўгирилдим. Сўнгги марта! Шунақаям момақалдироқ бўлган эдики! Жала...

Полина Александровнанинг гапларини тинглаб ўти-риб, поезддаги йўтал аралаш гапларни эсладим... «Қат-тиқ момақалдироқ бўлгани эсимда. Жала қуйганди. Бирдан... яқин жойдан скрипка товуши эшитилди».

— Тунда ёмғир гоҳ тиниб, гоҳ яна шаррос қуярди. Шамол эсиб турибди. Дераза ортида дарахтлар шовил-лайди. Уйда ҳамма барвақт ухлагани ётди. Мен ҳам мудраб қолибман. Бирдан деразам оҳиста, тез-тез ти-қиллашганини эшитдим. Қулоқ сола бошладим. Дера-занинг тиқиллаши такрорланди. Кимдир қайсарлик би-лан тиқиллатарди. Ҳовлидаги ит бирдан вовиллади-ю, сўнг тинчиб, таниш одамга дуч келгандек ғингший бошладди. Деразага ёпишиб тикилдим, қўлимни пеша-намга қўйиб қарадим. Дераза ортидан таниш кўзлар менга қараб турарди: Сергей Сергеевич! Қичқириб юбордим. Дуняша шам кўтариб, бошқа хонадан югуриб кирди:

«Хоним! Хоним! Сизга нима бўлди?»

«Ҳеч нарса. Бориб ухла!»— жавоб қилдим. У чиқиб кетди. Мен деразани очдим. Дераза ортида ёмғирга чўмилган боғ ташвишли шовилларди. Ёмғир яна кучай-ди. Кимнингдир оёқ товуши узоқлашаётгандек туюлди. Бу Думчев эди. У уйимга келиб, менга нимадир бермоқ-чи бўлди-ю, ботинолмади, шам кўтариб кирган Дуняша эса уни чўчитиб юборди.

Тонг отди. Нам, туманли тонг. Ҳаво очилмади. Ша-лаббо бўлган чумчуқларнинг қувноқ чирқиллаши галати туюларди. Деразам остида нам ерда изни кўрдим. Из сувга тўлганди. Дуняшани дарҳол Сергей Сергеевични-кига юбордим. У қайтиб келиб:

«Докторимиз ғойиб бўлибди!»— деди.

Шаҳарда эса хунук миш-мишлар тарқалди. Айтиш-ларича, доктор чўкиб кетганмиш, ҳатто унинг кийимла-рини ҳам топишганмиш.

Бир кунни ошхонадан ўтиб кетаётиб, Дуняша бир

варақ қоғозни самоварга тутантириқ қилаётганини кўриб қолдим. Ёзув танишдек туюлди. Қўлидан тортиб олиб, ўчирдим; куйган, гижимланган қоғозни текисладим. Ҳа, бу Сергей Сергеевичнинг хати эди. Енгилтак Дуняша бу хатни қачон, қаердан олганини аниқ айтиб беролмади.

Полина Александровна ўйиб гул ясалган жавон олдига борди. Унинг кўтариб-тушириладиган папжараси яхшилаб силлиқланган планкалардан ясалган бўлиб, ўн тўққизинчи аср усталари шошилмай, ўйлаб иш қилганликларининг далили эди. У ердан ниманидир қидира бошлади.

— Қидиряпман, қидиряпман, аммо тополмаяман. Ўша хат қаёқда қолдиёқни?.. Ҳа, мана, топдим!

У стол устига духоба папкани оҳиста, авайлаб қўйди-да, ичининг очди:

— Уқинг!

Қуйган қоғозда қуйидагиларни ўқидим:

«Хурматли Полина Александровна! Вақтинчаликка жўнаб кетишга мажбур бўлдим. Сиздан натижасиз кечқурунлари лабораториядаги рефлекторли чироқни ёқиб қўйинг.

Дарвин ва Фабр асарларини . . . . . ўқинг».

Лабораториядаги ҳамма хатларда ҳам, микроскоп орқали ўқилган хатда ҳам, куйиб, хиралашган қоғозда ҳам ўша ёзув.

Бу тарқоқ сўзларга қанча кўп тикилсам, ҳаяжонли туйғулар шунча ортаверди. Оловдан зўрга омон қолган бу ташландиқ, ёлғиз ва тарқоқ сўзлар уларни кўн умидлар билан ёзган романолюм киши тақдирига мени яқинлаштирди. Уйга нима бўлганини? «Вақтинча кетишга мажбурман...» Балки у чўкиб ўлмагандир?

— Мен акам хатида айтганини қилдим: Сергей Сергеевич яшаган уйга кўчиб келдим,— деди Полина Александровна ва ғамгин давом этди.— Ушанда, Думчев кетгандан кейинлоқ одамлар келиб кўришар, ҳайратланишарди. Ишончсиз табассумларни, кинояли қарашларни шу қадар кўп кўрдимки! Лекин мен уларга эътибор бермадим. Ҳеч кимга унинг уйдан бирор нарса олишга рухсат этмадим.

Григорий Александрович, чети куйган ёзув сирини очолсангиз эди! Шу вақтгача ҳеч ким қила олмаган ишни

кўп йиллардан кейин сиз уддаласангиз эди. Бу ерда «Дарвин ва Фабр... асарларини ўқинг...» деб ёзилган. Мен Дарвинни ҳам ўқидим, Фабрнинг ҳамма китобларини ҳам. Мен ўқиган ва қайта-қайта ўқиб чиққан юзлаб, минглаб варақ китоблар самоварга тутантириқ қилинганда куйган бир неча сўзни тиклай олмади. Ёки мана буниси: «Рефлекторли чироқни ёқинг...» Кўрдингизми — лабораториянинг ғарбга қараган деразаси олдида ёғоч оёққа ойна ўрнатилган. Устига мато ташлаб қўйилган. Бир вақтлар у оппоқ эди. Ёнида рефлекторли чироқ бор. Рефлектор ойнага қаратилган. Кечқурунлари деразани очиб, чироқни ёқиб, рефлекторни ўша оқ матога тўғри-лаб қўярдим. Ёз бўйи шундай қилдим. Совуқ булутли куз келди. Тез қоронғи тушадиган бўлиб қолди. Дераза дарчалари очилиб-ёпилиб тақилларди. Деразани берки-тиб, минора-лаборатория дарчасини михлаб қўйдим.

— Лекин мен, Полина Александровна, шам ёруғида лабораторияда рефлекторли чироқни ҳам, ойна устига ёпилган оқ матони ҳам кўрмадим. Дарчани очиб бўлмайдимми?

Биз ўтирган хона эшиги очилди ва қўшни хотин Авдотья Васильевнанинг овози келди:

— Кўчага нарвон олиб чиқиб қўйдим, дарчани ҳозир очаман. Пешайвон ёғочлари чириган, унга чиқиш хавфли.

Лабораторияга кун ёғдуси қуйилди. Деразадаги хиралашган металл нур қайтаргичли оддий керосин чироқни, бир вақтлар оппоқ бўлган мато ёпилган ойшани кўрдим. Лекин бир нарсадан ҳайратландим — буюмлар, китоблар, скрипка устида, полда, хуллас ҳамма жойда ўлик ҳашаротлар ётарди.

Ғалати қабристон! Қапалаклар, чивинлар, қўнғизлар қалин чанг устида турли алфозда ётарди. Чор атроф чанг. Чанг, яна чанг!..

### УРИНСИЗ УРИНИШ

Кузатувчанлик, кузатувчанлик!.. Бундан икки минг йил аввал Аристотель паришонхотирлик билан бир аса-рида хатога йўл қўйди. У пашшанинг оёғи тўрт жуфт деб ёзди. Хато, фақат кулгили хато. Лекин шуниси қизиқки, кўп асрлар давомида олимлар хира пашшаларни ҳайдаганлару, Аристотелни текшириб кўришни ҳаёлларига келтиришмаган! Улар пашшанинг тўрт жуфт

оёғи бор деган англашилмовчиликни бир китобдан иккинчисига кўчираверганлар.

Денгиз соҳилида сайр қилиб юрибман. Тўлқинлар соҳилга урилиб, такрорлайди: «Кузатувчанлик, кузатувчанлик!!».

Мана мен лабораторияни кўздан кечирдим. Думчев тасодифан куйдирилган хатида рефлекторли чироқ ҳақида ёзган. Бу чироқни кўрдим. Хўш, нима бўпти? Фақат қўлимга чанг юққани қолди. Белякни тулга кўшиб, Думчевнинг дастлабки ёзувларини олган жойда ҳам бўлдим. Кўрдим, кузатдим... Лекин шудринг қўнган ўтларни кўрдим. У ерда бирор арзирли нарса топмадим, фақат тасодифан ечилиб кетган тасма ўлик ўргимчакни, у билан бирга яна бир хатни топнишга ёрдам берди.

Думчевнинг гойиб бўлиши билан боғлиқ қийин вазифани ҳал этиш учун лабораторияда нималарнидир текшириш, бирор кўзга илинмас нарсани сезиш, бирор арзимас белгини пайқаб олиш керак эди. Бундай белги Думчевни қаердан қидиришни айтиб берган бўларди.

Фақат синчков одамгина одатдаги, оддий воқеанинг янги мазмунини, бошқа кутилмаган томонини кўра билади.

Уй-хаёлларимда, қидиришимда қандайдир муҳим нарсани эътиборга олмадим. Тўғри, турли рақам қўйилган микроёзувларни Думчевдан бошқа киши ёзмаганлигига ақлим етди. Доцент Воронцова мендан кулгани беҳуда эди. Мени Думчевнинг лабораториясига бошлаган нарса Воронцованинг ишончасизлиги ҳам эмас, профессор Тарасевичнинг эҳтиёткорлиги ҳам эмас. Поездда тасодифан эшитган гапларим ёрдам бердими? Йўқ, мен бу гапга ишонмаганман. Микроёзувлар менга ёрдам бердими? Мен уларни тушунмадим, чинакамига ўқиганим ҳам йўқ. Лекин тасаввуримда қандайдир доктор ҳақидаги поездда эшитган гапларни микроёзувлар билан боғладим. Аммо уларнинг ўртасида қандай умумийлик бор? Жуда кўп: докторнинг ғайритабiiй равишда гойиб бўлиши тарихи ва микроёзувнинг ғалати тексти: «Ғалати тақдирим, ғайритабiiй қисматим...»

Думчев жумбоғининг бу ёғини қандай ечиш мумкин? Денгиз шовиллайди, ундан қанча сўрасанг ҳам барибир — жавоб бермайди. Енгинамдан учиб ўтган капалакнинг ўз ҳаёти бўлганидек, денгизнинг ҳам ўз ҳаёти бор. Лекин Думчев лабораториясида ўлик капалаклар

ва бошқа ҳашаротлар столлар, стуллар устида, полда чангда ётипти. Улар жуда кўп. Лаборатория эмас, ҳашаротлар қабристонининг ўзгинаси. Улик ҳашаротларни текширайми? Чангиними?

Думчев Полина Александровнадан Дарвин билан Фабри ўқишни сўраган. Думчевнинг илтимосини бажариш керак. Кутубхонага бориб Дарвин билан Фабр китобларини олиш керак. Ҳеч бўлмаса варақлаб чиқиш лозим.

Кўпинча одатвий майда-чуйда ишлар, оддий буюмлар кишида ҳоят ажабланарли таққослашларни келтириб чиқаради. Мен ҳам шу ерда, ҳозир ишнинг ҳамма иккир-чикирларига эътибор бериб, жумбоқни бирор кутилмаган, гайритабиий йўл билан ҳал қилмоқчи бўлдим. Бехуда. Бу уришларимдан фойда чиқмади.

— Ётар!— дедим ўзимга.— Чарчадим.

### ТОПДИМ!

Уша тонг яхши эсимда. Меҳмонхонада уйғонибоқ, олиб ўқиган Дарвин, Фабр китобларини бугун кутубхонага товширишим керак, деб ўйладим. Улардан жумбоқни ҳал қилиш йўлини ҳам, бунга бирор ишора ҳам топа олмадим. Бугуноқ вокзалга бориб, Москвага билет олиш (энди курортга бормайман) ва яна институтга кириб хайрлашгани керак.

Мен кутубхонага йўл олдим. Нақадар чарақлаган, ажойиб тонг! Осмон баланд, кўм-кўк ва поёнсиз; боғчадаги гуллар ранг-баранг товланади. Дарахтлар янроғи тўқ яшил рангда. Шабада эса — яшил-зангори: шабада шаҳарга чўл ўтлари ва денгиз ҳидини олиб келган.

Аммо шу серзавқ тонгда ҳам ўзимнинг ожизлигимни: куйган ёзувни ўқий олмаганимдан, тасодифан қўлимга тушган иккита микроёзувни тушунолмаганимдан ўзимни ожиз сезаётганлигимни унутолмадим. Москвага шу тариқа кўнглим ғаш бўлиб қайтаман.

Мана кутубхона. Жуда кўп ёғоч устунлар, уларнинг устида ўткир учли ва пирпиракли минора. Гуё меъмор бино қура бошлаган-у, кейин фикридан қайтиб, дастлабки режасини ўзгартиргандек.

Доно ва ақлли китобдан ажралишга шошилмаслик, вақтни чўзиш туйғусини ким билмайди, дейсиз. Шунинг учунми китобни топиришдан олдин стулга ўтириб

Фабрининг иккала томини — «Ҳашаротларнинг инстинкти ва хатти-ҳаракати»ни варақладим, кейин Дарвиннинг кўп томли асарларини печанчи мартадир яна қараб чиқа бошладим.

Ўқувчилар қўлида газеталар шитирлайди. Китоб бериладиган тўсиқ олдида икки қисоқиста гаплашишяпти: «Таъқидий мақолаларини ўқиш керак... Белинский... Добролюбов... Чернышевский... Олдин қайси бирини ўқиш керак?»

Китобни топшириб, кутубхоначига кетаётганлигини айтиб, гаровга қолдирган нарсамни олиб, хайрлашиб жўнашим керак. Лекин нима учундир орқага суряпман. Китобнинг очиқ варақларига тикиламан-у, инсон ҳаётидаги тасодифлар ҳақида ўйлайман. Китобхонларнинг юзига тикиламан. Улар қувноқ ёки зерикарли қиёфада дафтарларини, ручкаларини очишар, беркитишар, китоб топширишар ёки олишар, тез ёки секин келишар, кетишар эди. Диққатимни рўнарада ўтирган кўзойнакли озиғин йиғит ўзига тортди. Унинг олдидаги столда хилма-хил китоблар кўп эди. У гоҳ бир китобни олиб ўқий бошлар, кейин уни четга қўйиб, бошқасини қўлига оларди. Юзидаги ўзгаришларга қараб қандай китоб ўқиётганини топмоқчи бўлдим. Мана у ўйчан ҳасл суриб қолди. «Ҳозир Александр Блокни ўқияпти» — деб ўйладим: «Сезиб турибман Сени. Йиллар ўтиб кетар...» Йиғит китобни четга қўйди. Муқовасида «Ўсимликлар географияси тарихига кириш» сўзларини ўқидим. Шу пайт стол бурчагида сон-саноқсиз изоҳлари, иловалари бўлган китобни ўқиётган йиғитга эътибор бердим: у тез-тез китобни варақлаб, охириги бетларига кўз ташлар, кейин яна ўқишини давом эттирарди. Чамаси у физика ёки химия тарихини ўқияпти. Ёнидан ўтиб кетаётиб, Фанлар академияси нашр этган VI томдаги «Евгений Онегин» сатрларини таниб қолдим.

Бу иккаласининг, назаримда, жуда гаплашишгиси келарди. Қироатхонадаги сукунатни бузмаслик учун бир-бирига хат ёзиша бошлади.

Мен тўсиқ олдига бориб, Дарвин билан Фабрини топшираётган, гаровни қайтариб олаётган эдим, йиғитларнинг шашт билан бир-бирларига хат ёзаётганини кўриб, сўрадим:

— Кутубхонада Дарвин билан Фабрининг бир-бирларига хати тўғрисида бирор нарса берми?



— Йўқ, бундай хат йўқ. Лекин яна битта китоб бор: Легре — «Натуралист Фабрнинг ҳаёти».

Тўсиқ олдида туриб китобни варақлай бошладим. Бирдан Дарвин билан Фабрнинг хатларига кўзим тушди! Дарвин ўз замондоши Фабр билан хат ёзишиб турган экан. Ёзишмалар!

Куйган ёзувда «Дарвин билан Фабрни... ўқинг» сўзлари қолган. Қандай сўз куйиб кетган? «Ўқинг» сўзи билан «Дарвин билан Фабр» сўзлари ўртасига қандай сўзни қўйиш мумкин? Фақат «ёзишмаларини» деган бир сўзни қўйиш мумкин. Ҳаммаси равшан: «Дарвин билан Фабрнинг ёзишмаларини ўқинг». Ҳа! Думчевнинг кутубхонасида шундай китоб бор, кўринарли жойда турибди!

Ун тўққизинчи асрнинг икки буюк олими ёзишмалари менга нима бераркин?

Дарвиннинг Фабрга хати 1880 йилнинг январида ёзилган эди. Демак Дарвин бу хатни ўлимидан уч йил олдин ёзган. Хатни ўқий бошладим. У мени ҳайратга солди.

Хат, ҳашарот жойни аниқлай оладими, деган масалани амалий текширишга бағишланган эди.

Хатда инстинктив равишда ўз инига учиб кетаётган асаларини қандай қилиб йўлдан адаштиришнинг ўзига хос вазифаси ҳал этилган эди.

Дарвин ёзади:

**«Қадрли сэр!**

Ҳашаротлар ўз инини топиб келиши ҳақидаги ажойиб ҳикоянгиз муносабати билан сизга бир мулоҳазани айтишга ижозат беринг. Ҳашаротни қогозга ўраб, уларни пировардида қайтиб келадиган жойнинг қаршисига юз қадамча слиб боринг. Лекин орқага қайтаришдан олдин асаларини чалғитиш мақсадида думалоқ қутичага солиб, олдин бир томонга, сўнг иккинчи томонга тез айлантириш керак. «Врангелнинг Сибирь бўйлаб саёҳати»да самоедларнинг туманда муз тоғлари орасида эгри чизиқларга қараб адашмай юришларини ўқиганимда шу фикр хаёлимга келди.

Ч. Д а р в и н .»

Улуғ олим асаларини алдаш, у ўз инини топа олмаслиги учун йўлдан адаштиришнинг стратегик вазифасини ишлаб чиқди.

Бу вазифани Фабр бажариши керак эди.

Хуллас, Дарвин билан Фабр бир мақсадни белгилашади, бир вазифа уларни бирлаштиради, у ҳам бўлса асаларини йўлдан адаштириш эди. Дарвин билан Фабр асалариларга қарши тил бириктиришади.

Фабр пухта тайёргарлик кўради.

У ерга ин қўядиган асалариларни кўпайтиради. Вазифани яхшироқ уддалаш учун махсус асбоб ясайди.

Асалариларга бўёқ билан белги қўйилади, Фабр асалариларни қопқоғи маҳкам ёпиладиган пайга жойлаб, уларни инидан анча узоққа олиб кетади.

Кутилмаган жойларда у из йўқотиш учун айланади, найни айлантиради. Сўнг унинг қопқоғини очади.

Асаларилар қўйиб юборилади. Улар тўғри йўл топиб эсон-омон қайтиб келишади. Рост, ҳаммаси эмас, кўпчилиги қайтиб келади. Шундан кейин Фабр бошқача йўл тутди: асалариларни очиқ жойда эмас, энг мураккаб табиий шароитда — қалин ўрмонда, буталар ва жарликлар орасида адаштирмоқчи бўлди.

Натижа яна аввалгидек бўлди! Асаларилар Дарвин билан Фабрни яна доғда қолдиришди: улар инларини топиб келишди.

Шу тариқа Фабр асаларилар йўналишини сезади, деган хулосага келди. Фабр ўз ҳаётидаги бир кушни «унутилмас» деб атайдди.

Уша куни, 6 майда кабинетида мева сатурниyasi ёки товускўз деб аталган капалакнинг ургочиси пиллани тешиб чиқди.

Фабрнинг ҳикоя қилишича, унинг кабинети «жодугар ғори» га айланиб кетди: қоронғи тунларда, бўронда, ҳаво айниганда ўрмон ичкарисидан бу ерга эркак капалаклар учиб келаверди. Улар учиб келиб эшикка, деразаларга урилар, кабинетни капалак босиб кетарди. Ҳамма капалаклар шу томонга тўхтовсиз учиб келарди!

Фабр эман ипак қурт капалағи билан тажриба ўтказиб, капалак ҳид сезишини ва шу туфайли ўнлаб километр узоқдан ҳид чиққан жойни беҳато топиб келишини аниқлади.

Шундан кейин Фабр ургочи капалакни яшириб қўйди. Лекин эркак капалаклар ургочи капалак турган жойга, яъни унинг ҳиди қолган жойга учиб келаверди.

Мен китобни топширдим. Лекин кутубхоначини ҳайратга солиб салқин, жимжит кутубхонада ўтиравердим.

Ёзининг жазирама қўши бу ерда қалин дарахтлар орасидан ўтиб, пардаларга ўралашиб, туваклардаги гулларга, китобларга, одамларга унча қиздирмай нур сочарди. Фикрларим ҳамон ўша йўналишда эди.

Дарвиннинг кўмаги билан, Фабр баъзи ҳашаротлар йўналишини беҳато сезишини аниқлади. Асалари Дарвин ва натуралист Фабрни алдагандек эди. Бу инстинктнинг ўзига хос кўриниши. Биз сезмайдиган қандайдир нозик бир ҳид эркак капалакларни бўронда ҳам, ҳаво айниганда ҳам, тунда ҳам урғочи капалак томон чорлашини Фабр тахмин қилган эди.

Йўқ, фақат урғочи капалакка эмас, унинг одамлар сезмайдиган ҳиди ўрнашиб қолган буюмга ҳам келади.

«Мураккаб анализ йўли билан капалакларни ўн километр наридан чақирадиган ҳид таркибини топиш мумкинлигига шубҳа қилиб бўладими? Шу капалаклар эман ишак қуртининг ва сатурния капалакларни почта каптарларидан ҳам ишончлироқ хат ташувчи бўла олишига шубҳа бўлиши мумкинми?»— деб ўйладим мен.

Шуниси равшанки, капалаклар ҳамиша ёруққа учиб келади. Худди шу дақиқада Думчевнинг куйган хатида сақланиб қолган бошқа сўзларни эсладим: «Сиздан илтимос, рефлекторли чироқни ёқиб қўйинг»— деб ёзганди у.

Лабораторияда, гарбга қараган дераза олдида, ёғоч оёқда чироқ турибди. Уни ёқниган. Капалаклар чироқ ёруғига учиб келаверган.

Тасодифан менинг қўлимга тушиб қолган митти ёзувларнинг бир саҳифасини капалакнинг устига ни билан боғлаб қўйиш мумкинми? Албатта! Думчев лабораториясидаги ўша ёқиб қўйишни сўраган рефлекторли чироқ ёруғига бундай ёзувлардан жуда кўп юборган бўлса керак. Жонли хат ташувчилар ёзувларни кўтариб учиб келаверган. Аммо бу хатлар Полина Александровнанинг хаёлига ҳам келмаган. Энди эса бу хатлар чангга қопланиб ётибди.

Чанг ичида унут бўлиб кетган хат ташувчилар, қачонлардир лабораторияда қанот қоқиб учиб юрган капалакларнинг ҳозир ўлиги ётибди. Инсоннинг иссиқ қўли билан ёзилган, ҳали ҳеч ким ўқимаган хатлар, ёзувлар ўзларини жўнатган кишининг тақдиридан хабар беришни кутиб ётипти.

Мен шаҳарча кўчаларидан ўша томонга — лаборато-

рияга ғизиллаб кетяпман. Шовқин, иссиқ, ёруг. Хаёлим-да эса тунги поезд, ғалати докторнинг ғойиб бўлгани ҳақида гапирётган кексаларга хес бўғиқ овозни яна эшитаётгандайман. Мен таъқиб остига олинган кишини кўз олдимга келтирдим. У шошпада, уйни ташлаб чиқади ва ўзини қандай қутқариши ҳақида гапириб беролмайди, ёки қўрқарди, у хат ёзади. Лекин унинг илтимосини бажариша олмади, хатни ёндириб, самоварга тутантириқ қилишди.

Тезроқ, тезроқ!.. Яна бир неча минутдан сўнг лабораториядаги эски микроскоп остида Думчевнинг ғойиб бўлиши тарихи жонланади. Мен йиллар ўтиши билан чапг босган издан бораман. Думчевнинг ҳамма илмий кашфиётлари солномаси топилади ва ўқиб чиқилади — бу солноманинг кичик бир парчасини тасодифан мен топганман. Тезроқ, тезроқ!..

#### «ЭХТИЕТРОҚ БУЛИНГ, ГРАЖДАНИН!»

Лабораторияга шошилганимча кетарканман, «афсуски, Тарасевичнинг олдига кириб, унга ҳаммасини айтиб беришга вақтим йўқ», деб ўйлардим. Лабораторияни кўздан кечирганимдан кейин институтга бир неча марта кирдим у лекин уни учратолмадим. «Директор институт ремонтни ишлари билан турли муассасаларга қатнаб юрипти, уни жойида топиш қийин», дейишди менга. Бахтимни қаранг! Хиёбонга бурилдим-у, профессор Тарасевичга дуч келиб қолдим. У, назаримда, паришон кўринди, саломимга ҳам эътибор бермайгина алик олди.

— Думчев! Доктор Думчев сизнинг Ченек шаҳригизда яшаган!— дедим мен Степан Егоровични тўхтатиб.

— Думчев? Қанақа Думчев? Ким ҳақда гапиряпсиз?

— Микроёзувин ёзган Думчевни айтяпман. Биз бу ёзувни ҳазил, кимнингдир ҳазили деб ўйлагандик.

Профессор Тарасевичнинг салмоқчилиги, хотиржамлиги, ўзини тута билишидан бир зумда асар қолмади.

Мен шоша-пиша, ҳаяжон ва сабрсизлик билан шу кунларда тасодифан ва тасодифсиз билганларимни, топганларимни — ҳаммасини гапириб бердим.

— Мана энди,— дедим пировардида,— Думчев капалаклар қанстига боғлаб юборган ҳамма ёзувларни — унинг тарихини ўқиш учун лабораторияга шошилиш керак.

— Жуда тўғри! — хитоб қилди профессор Тарасевич. — Ахир, биз микроскоп остига қўйиб ўқиган хатни чиндан ҳам ҳашаротга ип билан боғлаб, керакли жойга юбориш қийин эмас. Бунинг учун микрофотодан фойдаланилади. Бу ҳам янги усул эмас. Утган асрнинг етмишинчи йилларида Париж қамал қилинган вақтда француз фотोगрафи Дагрон қамалдаги шаҳар билан микрофотография йўли орқали хат ёзишиб туришни таклиф қилди. Хат, хабар, ахборот ёзуви фотоаппарат ёрдамида тиш ковлагич ичига жой бўладиган даражада кичрайтирилар эди. Хат жойланган тиш ковлагич каптарнинг қанотига боғланиб қамалдаги шаҳарга юбориларди. У ерда хатни катта экранга солиб ўқишарди. Сиз куйган ёзувда рефлектор қўйиш тавсия этилганини айтдингиз. Бу — ёруғ билан тавсир этиш: ҳашарот лабораториядаги чироқ ёруғига учиб келган. Афсуски ёзув куйиб кетган. Унда ҳашаротларни бошқа жойга жалб этиш усули ёзилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, адмирал ёки Ванесса атланта капалаклари ачий бошлаган қайин шарбатини ёқтиради. Унинг исини жуда узоқдан сезади. Эсимда, студентлик вақтимда практикага чиққанимизда капалакнинг ҳид сезгирлигини текшириб кўрганман. «Адмирал»лар қайин дарахтига учиб келиб, тумшугини пўстлоқ ёриғига тикқанини кўриб, ёш тол дарахтига қайин шарбатини суриб қўйдим. Нима бўлди дейсизми? Адмирал капалаклари толга учиб келиб, қовзағига ёпишаверди. Бир марта қайинни латта билан артдим. Латтани олиб кетяман-у, орқамдан капалаклар учиб келяпти. Арвоҳ капалакни эса кўпинча қудуқ оғзидан толардим: чунки қудуқ ёғочи чириб, замбуруғ босиб кетган эди. Бир куни чириган ёғочдан олиб, ивитдим-у, яхшилаб яшириб қўйдим. Қарасам — арвоҳ капалаклар яшириб қўйган жойимга тўппа-тўғри учиб келяпти.

— Ҳа, ҳа, мен Дарвин билан Фабрнинг ёзишмаларини ўқидим. Унда баъзи ҳашаротларнинг йўналишини аниқлаш сезгиси ҳақида ёзилган... Лекин мен лабораторияга шошиляпман.

— Майли, ҳушёрроқ бўлинг, огоҳлантириб қўяй: эҳтиёткор бўлинг! Уралган хатлар чанг ичида ётган бўлса керак. Уларни капалакларга боғлаган ип аллақачон чириб кетган. У ерни қўлга лупа олиб текшириш керак. Айтмоқчи, адреси қандай эди? Олдин Верхнетрсицк кўчаси деб аталган эканми? Минорали уйми? Икки-уч

соатдан кейин у ерга боришга ҳаракат қиламан, албатта ҳаракат қиламан.

Биз хайрлашдик. Хиёбондан энди кўчага бурилган эдимки, Тарасевичнинг чақираётганини эшитиб қолдим.

— Сизга айтаман деб, орқангиздан қувиб етдим: қўнғизлар билан арилардаги чангни менсиз арта кўрманг. Уларнинг орқасида ҳар хил шартли белги бўлиши мумкин.

— Белги дейсизми?

— Афеуски шошилиб турибман. Ган бундай: мен ўзим бир тажрибани ўтказишда қатнашганман, ҳашаротнинг орқасидаги белгига қараб хулоса чиқариларди. У вақтда Москвадаги кафедрада ассистент эдим. Бир кунни эрталаб профессор телефон қилиб, тезрқ институтга келинг, студентлар индан асалари олиб келишди, деб қолди. Уларга белги қўйишди. Асалариларни қопқоқли қутичаларга солишди. Шундан кейин профессор ва студентлар Москва кўчаларини роса айланмишди. Ёз кунни, ҳаво очиқ эди. Пушкин майдонига яқин жойдаги уйда деразани очиб, асалариларни қўйиб юборишди. Профессор студентларни асалари боқилаётган жойга юборди, ўзи эса асаларилар қўйиб юборилган дераза олдида қолди. Студентлар ин олдида асалариларни кўриб, профессорга телефон қилиб туришди. Студентлар учта асалари инига қайтиб келмаганини аниқлашди. Москвада адашиб қолиб, ҳалок бўлган бўлса керак. Тун кирди, профессор эса ҳамон ўша дераза олдида кутиб ўтирарди.

Унинг кутгани бекор кетмади. Зувиллаб, белги қўйилган асаларининг биттаси, кейин иккинчиси ва учинчиси учиб келди. Улар инига йўлни тополмай, қутидан чиқариб юборилган ўша деразани топиб келишган эди.

— Буни қандай тушунса бўлади. Степан Егорович?— сўрадим мен.— Асаларилар адашиб ўз инига боролмаган, уларни чиқариб юборишган уини эса топиб келишган.

— Бу жумбоқнинг сири очилган. Асалари ҳавода учиб кетаётганда ҳидли модда чиқариб кетади. Ишчи асаларининг қуйруғида исли модда чиқарадиган бези бўлади. Битта асалари, иккинчиси, кейин учинчиси ўтади, бу ерда ўзига хос катта «йўл» — ҳид йўли пайдо бўлади. Уша кунни Москвада ҳаво дим эди, теракнинг барги ҳам қимирламасди. Хуллас, асалари йўли Пушкин майдони яқинидаги уй деразасидан бошланган эди. Биз

орқасига буюёқ билан белги қўйгандик. Бунинг бошқа усули ҳам бор...

— Қанақа усуллари?— деб сўрадим шошилиб.— Қандай усуллар? Ҳаммасини айтинг, Степан Егорович, бу жуда муҳим! Мен ҳаво почтальонлари олиб келган микросёзувларни ўқишга шошилаётганлигимни унутишга ҳам тайёрман.

— Ҳа, ҳа, орқага суриб бўлмайди. Лекин сиз бу ишга қўл урган экансиз, бу почтанинг баъзи усуллари ва тафсилотларини билиб олишингиз шарт. Маълумки, биринчи жаҳон урушидан анча олдин немислар Франциянинг чегарага яқин жойларига кўчиб келишган. Бу ерда улар атайлаб шубҳа туғдирмайдиган, фойдали иш — асаларчилик билан шугуллана бошлаганлар. Шамол Германия томонидан эсан кунлари бошқа немислар — Германиядагилар шакар эритишарди. Франция чегараларидан асалари ўша ёққа учиб борарди. Йиллар ўтаверди. Асалари авлодлари Германияга шакар ҳидига учиб бориб, қайтиб келарди. Уруш бошланди. Уруш кунлари кўп асалариларга ипак боғлангани аниқланди. Маълум бўлишича, немислар ёки уларнинг агентлари Франциядаги асалариларни Германияга учиршдан олдин уларга маълум рангдаги ипак боғлаб қўяр эканлар: яшил ипак — пиёдаларни, сариқ ипак — артиллерияни билдирар экан. Бир хил рангдаги ипакли арилар сонига қараб чегарага олиб келишган полклар, артиллерия дивизионлари сонини билиш мумкин экан...

Сабрим чидamay, Степан Егорович билан хайрлаша бошладим, лекин у қўлимни ушлаб туриб, яна баъзи нарсаларни эслатди:

— Хўш... ипак... елка... Бу ҳақда айтдим. Энди қанот ҳақида.

— Яна қанақа қанот? Эҳ, Степан Егорович, юринг, Думчев лабораториясига тезроқ бирга бора қолайлик!

— Юринг, дўстим, юринг!

Биз шошилиб йўлга тушдик Лекин ўн-ўн беш қадам юргач, Степан Егорович тўхтади:

— Йўқ, мени қурилиш идорасида кутиб туришибди. Лабораторияга бир-икки соатдан кейин бораман. Ҳозирча эсдан чиқарманг: қанотлари...

— Степан Егорович, ҳозир лабораторияга етиб борган бўлардик...

— Йўқ, йўқ, у ерда ишга берилиб, қолиб кетаман. Институт ремонтни эса ҳали тугагани йўқ. Қурилиш идорасида кутишяпти. Шундай қилиб, қанотларни эсдан чиқарманг. Жуда эҳтиёткорлик билан иш тутиш керак... Чангни артманг. Ёзув фотография ёрдамида кичрайтирилганини унутманг.

— Нима бўпти? Қанотнинг нима алоқаси бор бунга?

— Бу нима деганингиз? Ҳашаротларнинг қанотига белги қўйишгина эмас, бутун бир мактуб ёзиш мумкин. Нима, ҳайрон бўлиб қолдингизми? Қулоқ солинг! Фотоаппарат асалари почтасидан фойдаланишга қандай ёрдам беришини айтиб бераман. Асалари ухлатиб қўйилади. Бу қийин эмас. Инига тутун ҳайдалади. Асаларилар қоронғи хонага — лабораторияга олиб кирилади. Бу ерда қизил чироқ ёниб туради.— Нозик қисқич билан қанотлари ёзилади ва унга ёругликка сезгир махсус эритма суртилади. Фототасвир олиш учун фотоқоғозлар худди шунақа эритма билан қопланади. Суратга олиш вақтида мактуб асалари қанотига жойлашадиган қилиб кичрайтирилади. Кейин митти мактуб қанотга ўтказилади, сўнг негатив чоп қилгандек фиксажга солинади, қуририлади. Қанотда мактуб тасвири тайёр бўлгач, асалари уйғотилади ва у учиб кетади. Уни кутиб турган одам асаларини ўлдириб, қанотидаги тасвирни катталаштириб, мактубни ўқийди.

Тўсатдан, шошилиб келиб, минорали эски уйда яшовчиларни қаттиқ ҳаяжонга солиб юбордим. Эшикни ланг очиб, лаборатория зинасидан деярли югуриб чиқдим-у, эшик олдида нима қилишимни билмай қотиб қолдим.

Ҳамма ёқ супуриб-сидирилган. Ҳамма китоблардаги, столдаги чанг артилган, буюмлардаги чанг қоқилган. Ойналар артилган, гул тикилган оқ пардалар тортилган. Қанотли ҳам ташувчилар олиб келган ишон қисмати ҳақидаги ҳамма хатлар супуриб ташланган!

Минутлар, балки бирор саат вақт ўтди, мен ҳамон ўзимга келолмасдим.

— Сизни ва Полина Александровнани деб бир хизмат қилиб қўйдим-да. Қаранг, пол ярқираб турибди. Эшик очиқ қолган экан, мен эса бугун бўшроқ эдим, эрталабдан супурги, латта, қайноқ сув кўтариб тўғри шу ерга чиқдим. Қўшним учун меҳнатимни аярмидим,— дерди



Авдотья Васильевна топ-тоза лабораторияга мамнун назар ташлаб.— Фақат пол ҳали қуригани йўқ. Шунақаям ахлат чиқдики! Қўнғизларнинг ўзидан бир челагини ёндириб юбордим!

Лаборатория бурчагидаги стол четида омонат ўтирибман. Янги ювилган, қуриётган пол иси анқийди. Ҳўл супурги ҳиди нақадар узоқ сақланади! Бу супурги билан пол тахтасини узоқ — у оқаргунга қадар қиртишлашган. Топ-тоза. Оппоқ. Ёруғ. Шу ерда яшаган, кашфиёт қилган ва шу ердан қаёққадир чиқиб кетган кишидан из ҳам, гард ҳам қолмаган. Ҳамма ёқ суғурилган, ювилган, ҳатто деразага оқ парда осиб қўйилган. Улар ҳилираган сайин ғашимни келтирмоқда!

Мана сенга қанотлар... елкалар... ипаклар... белгилар... микрофотография...

Уримдан турдим. Дераза томон бир қадам қўйдим.

— Гражданин, из қилиб юборманг!— деди Авдотья Васильевна. У Полина Александровнага қараб секин:— Жинви-пинҷими у? Ит қувгандек югуриб келди-ю, ўзи оғиз очмайди!— деганини эшитиб қолдим.

Полина Александровна унга жавоб бермади.

Бу ерга югуриб киришим уларга ғалати туюлганини тушунардим.

Ёғоч зина орқали лабораториядан оҳиста туша бошладим. Чиқиб кетаётиб, орқамга ўгирилиб қарадим. Кекса, сочлари оппоқ аёл у ерда, юқори пиллапояда очиқ эшик олдида орқамдан жим қараб турарди.

Қўшниси Авдотья Васильевна орқамдан эшикни беркитаётиб деди:

— Эҳтиётроқ бўлиш керак, гражданин!

#### КЕКСА АКТЁР

Гўё дунёда ҳеч нарса йўқдек, бирдан ҳаммаси зерикарли бўлиб қолди. Ҳеч нарса, фақат деразадаги оқ парда, янгигина ювилган пел, супурги иси.

Кун очиқ, иссиқ эди, кўнглим эса жуда ҳира! Кеч қолишининг оқибати қийин, бажариш мумкин бўлган ишни кетга суриш оқибати ундан ҳам мушкул. Вокзалга бориб билет сотиб олдим: эртага кечқурун соат ўнда Ченскдан жўнаб кетаман. Балки, бизни кечиктириб олиб келган ўша курьер поездига чиқарман. Мен доктор ҳақида биринчи марта шу поездда эшитган эдим.

Мана меҳмонхона. Дераза синалари ботиб бораётган қуёш нуридан латиф товланяпти. Хонамнинг калити навбатчининг тепасидаги ойнаванд жавонда илгакда осифлик турибди. Навбатчи эса ҳар галгидек, ҳозир ҳам китоб ўқияпти. Қалитни олаётганимни эшитиб, одатига кўра, китобдан кўз узмади.

— Ҳа, сиз еттинчи хонаданмисиз?.. «Жуда сози!..— шавирлади у газабдан бўғилган овоз билан.— Бу ёққа! Тезроқ! Қани! Қиличнингизни сугуриг! Майли, йўлга иккимиздан биримизнинг қонимиз тўкилсин...» Ҳа! Сиз еттинчи хонаданмисиз? Сиз ҳали кетганингиз йўқми? Кечиринг, мен Гюгони ўқиётганидим. Эсмеральда ҳақида. Шунақаям раҳмим келдики... Яна неча кун турасиз?

— Неча кун дейсизми? Эртага кетаман.

— Вой!— у китобни четга суриб қўйди.— Унутиб қўя-ёзибман: сизни галати чол сўраб келувди. Духоба камзул, сарпойчан сапдал кийиб олган. Мингиллаб ниманидир куйларди. Чикиб кетди. Қайтиб кирди. Кимлигини айтишни истамасди, Галати жавоб қилди: у сизни танимас эмиш, сиз ҳам уни танимас эмишсиз, лекин ишларингиз бир эмиш. Жуда муҳим иш эмиш. Шунинг учун бугун албатта келади.

— Мана сизга сир! Худди эски романлардагига ўхшайди!— дедим.

— Сир? Бизнинг шаҳримизда-я? Қани энди ҳозир ҳам машъум сирлар бўлса! Улар романлардагина сақланиб қолган...— меҳмонхона навбатчиси маъюс бир хаёлчанлик билан деразага қаради-ю, бақириб юборди:— Уша! Бу ўша одам!

— Ким?

— Келган одам. Қаранг! Кўчаннинг парни томонида кетяпти. Бу ёққа қараб қўйди.

— Чақиринг уни!

— Кетиб қолди! Сиз ташвишланманг! Келаман деб кетган.

«Бугун кеч кириши жуда қийин бўлди,— ўйладим мен, ўз хонамдаги креслога ҳорғин ўтираётим. Эрталаб: ҳозир лабораторияга бораман-у, ҳамма ҳақиқатни бирданга билиб оламан, Думчевнинг ҳамма хатларини микроскоп ёрдамида ўқийман, деган бахтли ишонч бор эди. Кундузи эса қўл урган ишимни уддалай олмаганимдан қизардим, уялдим. Мана энди, кечқурун эса кутиб ўтирибман. Йўқ, кутиш эмас, қапдайдир қизиқиш: мени

сўраган ва яна келаман деб ваъда қилган нотаниш ким экан? Бугун ҳамма ишим чаппасига кетяпти».

Эшик аниқ, қаттиқ тақиллади... Олдимда баланд бўйли, пахмоқ сочлари оппоқ киши пайдо бўлди; соқоли тоза қирилган, таги кўкимтир. Эғнида қора духоба куртка. Оппоқ кўйлак кийиб, галстукни «капалак» шаклида тақиб олган. Оёғига пайпоқсиз шундоқ сандални кийган.

— Кимсиз?— сўрадим. Уз овозимни ўзим танимадим: иситмалаган одамнинг титроқ овозига ўхшаб кетди.— Кимсиз?— деб такрорладим, ўзимни тутиб олишга ҳаракат қилиб.

— Ҳозир, ҳозир ўзимни таништираман,— деди нотаниш киши.

— Мен бир оз ҳаяжонланиб, гапни нимадан бошлашни билмай турибман...

Таклифимга жавобан креслони сал суриб, рўпарамга ўтирди. Орага жимлик чўкди.

— Гап бундай...— деб бошлади нотаниш киши.— Гап бундай... Думчев... Доктор Думчев... Доктор Думчев... унинг сирли ғойиб бўлиши... Ҳозир сизни ҳаяжонга солаётган нарса шу эмасми? Сизнинг қидиришларингиздан тасодифан хабардор бўлиб қолдим. Гап бундай... Мен Сергей Сергеевични яхши билардим. У менинг ҳаётимни сақлаб қолган.

— Мени кечиринг-у, сиз ўзингиз кимсиз?

— Меними? Фамилиямни айтишимдан нима фойда бор? Ҳеч қандай. Ҳа майли, бир вақтлар, кўп йиллар аввал Орлов — Заковский деган актёрни кўп шаҳарларда танишарди. Ҳа! Мен актёр эдим. Чор ҳокимияти даврида антрепренерлар арзимаган чақага актёрларни ёллаганларини, уларни қандай сортларга бўлганларини — ўз истакларига кўра тасодифий труппалар тuzганларини, актёр истеъдодини бўлганларини ҳозирги ёшлар билармикин? Актёрнинг ҳаёти араваларда чағи йўлларда ўтарди, тасодифий станциялар ёнидан тигиз вагонларда чайқаларди, ифлос ровотларда, зах босган арзон меҳмонхоналарда тамом бўларди. Ҳар кеч, ҳар тун бир хил нарса: рампа олдидаги дуд чиқарувчи керосин чироқлар, юракнинг эзиб оғриши; ўзинг яшаётган, сени ташвишга солаётган ҳамда нимқоронғи залда сендан ҳақиқатни эшитиш учун меҳнат билан топган тийинларини тўлаган томошабин ҳаётига ўхшамаган нарсаларни ўйнайсан.

Актёр кўзларида ёш пайдо бўлди.

— Кечиринг, мен бошқа мавзуга ўтиб кетдим. Гап бундай, ўша узоқ ўтмишда мен Сергей Сергеевич Думчев ишлайдиган касалхонага тушиб қолдим.

Кекса актёр ўрнидан турди, қўлини секин, тантанавор қимирлатиб, карнай қилиб ўралиб, зангори тасма билан боғланган қўлёзмини узатди:

— Мана, ўша йиллардаги кундалигимдан парчалар. Уқисангиз — ҳаммасини тушунасиз. Мен эса кетай. Кеч бўлиб қолди. Хайрли тун.

Кекса актёрни сокин, уйқуга чўмган йўлакдан эшиккача кузатиб қўйдим. Шу ерда у тўхтади:

— Айтмоқчи, мени топиш қийин эмас — кўп йиллардан бери «Бинокор» клубида бадний ўқиш тўғарагига раҳбарлик қиламан. Ҳаваскорлик тўғараги, унда юксак истеъдодлар туғилади!..

Унинг орқасидан узоқ қараб қолдим. Кекса актёр кўчаннинг ўртасидан енгил, ёшларга хос шахдам одимлаб борарди. Ой эса потекис тош йўл, харсанглар, асфальт устидан унга ровош, узун поёндозини ёзган эди.

#### ФАНЕРДАН ҚУРИЛГАН УЙЧА [АКТЁР ХОТИРАЛАРИ]

*Пайшанба, 14 май.*

- Кунлар секин ўтмоқда, касалхонада соғайишим соатлари жуда секин ўтмоқда. Эслаб, хотирамда ҳаммасини қайта тиклаб, ёзиб қўя бошладим. «Мета... морфоз, метаморфоз» — жуда ғалати сўз. Бу мен эшитган биринчи сўз эди. Ҳушимга келдим. Қаердалигимни дарров билолмадим. Хона қоронғи. Каравотим ёнида, ёниб, эриётган шам олдида бир киши нималариндир ёзиб, худди бировга айтиб тургандек: «Мета... морфоз, метаморфоз», деб қайтараяпти.

Девордаги соя тебранади, қимирлайди, чўзилади, ҳалиги одам эса стол устига энгашиб ёзяпти. Перо қитирлайди. Мана, у яна «метаморфоз» деган нотаниш сўзни такрорлади. Қаердаман? Қоронғиликда қаердан-дир хўрсиниш эшитилди: «Доктор!» Ҳалиги киши перо-ни четга қўйиб, шамни олиб, овоз келган томонга кетди. Ҳаммаси туш эмасмикин? Актёрлик одатимга кўра таниш роллардан луқма излайман... «Ҳамон ўша туш! Шундай бўлиши мумкинми? Учинчи марта!» Бошим

айланади, юрагим гижимлайди. Устимга бир киши эн-  
гашди. «Мета... морфоз, метаморфоз...»

*Шанба, 16 май.*

Мени деворга тушган қуёш нури уйғотдими ёки  
очиқ деразадан тойчоқнинг қувноқ кишнаши эшитилиб  
уйғотдим, кўзимни очиб, ўзимни анча тетик сездим.  
Ҳаммасини эсладим: труппамиз йўл-йўлакай, Ченскда,  
ёнгинга қарши кураш депосида — катта саройда — Ка-  
ратигиннинг «Чалкаш иш» деган водевиллини кўрсата-  
ётган эди. Мен Волошини ролини ўйнардим. Бирдан  
ҳамма нарса тебраниб кетди. Саройнинг катта тўсин-  
лари тушиб, пол юқорига сакради. Мен йиқилиб туш-  
дим. Антрепренернинг «Пардани бекит, уни олиб ке-  
тинглар!» деганини эшитдим. Бу ёғини эслай олмайман.

Касалхона докторининг оти Сергей Сергеевич Дум-  
чев.

*Сешанба, 19 май.*

Ушанда кечаси биринчи марта эшитилган «мета-  
морфоз» сўзи ҳеч хаёлимдан кетмаяпти. Бу нима де-  
гани?

*Чоршанба, 20 май.*

Бугун тунда момақалди роқ бўлди. Анчагача ухлай  
олмадим. Чақмоқ қоп-қора осмонга қинғир-қийшиқ чи-  
зиқ тортарди. Дераза ортида дарахтлар ташвишли су-  
рон солади. Стол ёнида доктор шам ёруғида ёзипти  
ва ҳар доимгидек ёзаётганини овоз чиқариб айтяпти:

— Тирик мавжудот энергетикаси сирини очиш — бу  
ҳамма касалликларни енгиш сирини очиш дегани эмас-  
микин? Қаердан излаш керак? Метаморфоз энергияси!..  
Эҳ-ҳе, ҳали сиз уйғоқмисиз? — деди у иккинчи ёнбошим-  
га ўгирилаётганимни эшитиб. — Хотиржам ухланг! Туза-  
либ кетасиз, олдингидек соғлом бўлиб кетасиз. Йўқ, ун-  
дан ҳам соғломроқ, ундан ҳам яхшироқ бўлиб кетасиз.

*Шанба, 23 май.*

Кун бўйи ёмғир ёғди. Юрагим оғрияпти, жуда тез  
уряпти. Қийналиб ёзипман, қимирлай олмайман. Юра-  
гим, менга яхши хизмат қилмаяпсан. Касалхонадан  
чиққанимдан кейин қандай яшайман? Театрсиз, сахна-

сиз ҳаёт мен учун ҳаёт эмас. Мана машғум савол. Бундай ҳаёллардан юрагимга баттар оғриқ турди. У баъзан равон, баъзан тез-тез уряпти, гоҳ бирдан сакраб чопиб кетади... Бу ҳақда докторга айтдим: У яна мени юпатди.

— Доктор, айтинг-чи, «метаморфоз» нима дегани?

— Кейин, жоғинам, кейин. Олдин тузалинг, кейин тушунтириб бераман. Ҳаммасини билиб оласиз. Ҳозир эса мана бу дорини ичинг.

Доктор лабимга стакан тутди. У кўришни тўғрилаб қўйди. Ёмғир томни тобора секинроқ, охистароқ чертарди.

*Якшанба, 24 май.*

Бугун бу ерга қандай келиб қолганимни билдим. Саҳнада ҳушимдан кетиб қолганимдан кейин антрепренер мени меҳмонхонага олиб борибди ва бир кундан кейин, унинг қариндошлари келади, ижара ҳақини ҳам тўлайди, деб актёрларни ҳам, меҳмонхона эгасини ҳам алдабди. Актёрлар жўнаб қетишибди. Менинг аҳволим борган сари оғирлашаверибди. Меҳмонхона эгаси чақириб келган доктор Думчев мени даволабди, ҳамма чиқимларни тўлабди, кейин касалхонага олиб кетибди.

*Сешанба, 26 май.*

Бугун нақадар нурафшон, сахий, илиқ кун! Атрофдаги ҳамма нарса менга яхши ва сахий туюлади.

Доктор палатага кираётиб менга:

— Мана энди табассум қилиясиз,— деди.— Демак соғайясиз. Энди бир уршиб, Борис Годуновнинг «Олий Ҳокимиятга эришдим...» монологини эслашга ҳаракат қилинг.

Мен ёддан ўқий бошладим, адашиб, уялиб кетдим.

— Керак бўлса—мана Пушкин. Яхшилаб тайёрланг. Ишлаш керак, ишлаш! Шундай қилсангиз ҳасталик тезроқ чекинади.

*Душанба, 1 июнь.*

Кеча, якшанба куни ўзимни ҳаста, ҳорғин ҳис этдим. Юрагим яхши эмас. Доктор сайрга олиб чиқди. Шошилмай юрдик. Гаплашдик. Аста-секин юрагим оғриётганини унутдим.

ҳар томонга чўзиларди, гудда-гудда бош-кўкраги эгиларди. Ҳозиргина суратини кўрганам Ёнбош ўргимчакнинг ўзи. Лекин у ерда бўйи бир дюйм деб ёзилган эди. Бу эса курсининг ярмигача келади. Улкан, баҳайбат ўргимчак!

Эшик очилди. Остонада Думчев турарди. Унга қўрқиб қарадим.

— Бу тажриба! Муваффақиятли тажриба!— хотиржамлик билан деди Думчев.

*Чоршанба, 1 июль.*

Думчев ғойиб бўлди! Инма қилиш керак? Бу воқеа уч кун олдин, 28 июнда, якшанба кuni содир бўлди. Ёзиш, фикрларимни тартибга солиш учун эндигина стол ёнига ўтирдим.

Уни сўнги марта ўтган якшанбада, 21 июнда, улкан ўргимчакдан қўрқиб кетган куним кўргандим. Одатдагидек, кейинги якшанбада, 28 июнда ҳам эрта тонгда доктор олдига бормоқчи бўлдим. Лекин кечаси момақалди роқ бўлган эди. Эрталаб фельдшер боғчада ёрдамлашиб юборишимни сўради. Бирдан четан девор ёнига қўшни хотин югуриб келди:

— Доктор йўқолиб қолди!— деди у.

Фельдшер билан бирга касалхонага югурдим. У ерда ҳамма ҳаяжонда эди. Ҳар хил миш-мишлар. Доктор чўмилаётди, чўкиб кетганмиш. Баъзилар атайлаб чўкиб кетган дейишарди. Яна бировлар бошқа кийим кийиб, елкасига халта осиб, сайр-саргардонликка кетди дейишарди.

*Якшанба, 5 июль.*

Кеча фанер уйга, ўтларга керосин сепиб, ҳаммасини ёндириб юбормоқчи бўлишди. Лекин мулк бошқарувчиси Петербургдан олинган телеграммани пеш қилиб, бариннинг ерида ўт қўйишни таъқиқлади. Эртага эрталаб докторнинг фанер уйини бузишади. У ерга сўнги марта бораман.

*Душанба, 6 июль.*

Уй бузиб ташланади. Кўп ўтмай доктор мислсиз тажрибалар ўтказган уй ўрнини шўра ўт қоплайди.

Кеча фанер уйга сўнги марта келдим. Кеч кираётган пайт. Дераза олдида ўтирдим. Назаримда яна бир оз ўтирсам Думчев келиб қоладигандек. Деразадан асалари инлари кўришиб турибди. У ерда, четан девор ортида асаларичи чол гимирлаб юрибди. У менга ҳаммаша шубҳаланиб қарарди, мени «масхарабоз» деб менсимаслигини сезардим.

Кетмоқчи бўлиб турганимда у деразадан қараб қолди.

— Ҳалиям докторни кутяпсанми? Кутма. Қайтиб келмайди.

Чол Сергей Сергеевични якшанба куни, 28 июнда эрталаб кўрган экан. Эрта тонгда докторни уч киши қувлаб келаётган экан. Чол четан девордан ўтиб, докторга ёрдам бермоқчи бўлибди-ю, қувлаб келаётганлардан бирининг фуражкасида кокардаси борлигини кўриб кўрқиб кетибди. Четан ортида ўтириб, кузата бошлабди. Доктор фанер уйга киришга улгурибди. Ичидан беркитиб олибди. Учаласи эшикни тақиллата бошлашибди. Кейин биттаси дераза олдига югурибди, иккитаси эшикни ошиқ-мошиғидан кўчириб, ичкарига кирибди. Улар дарров қайтиб чиқиб, шивирлашганини, кўлларини ёзишганини чол кўриб турибди. Кокардали киши яна уйга кириб, докторнинг кийимини олиб чиқибди. Учаласи хиёбондан қайтиб кетишибди. «Демак, докторни ўлдиришди»— деб ўйлабди чол. Бир оз кутиб турибди, кейин докторга ёрдам бериш учун биқиниб бориб, деразадан қарабди. Уйда эса ҳеч ким йўқ эмиш! На тирик жон бормиш, на ўлик! Доктор ер ёрилиб ерга кириб кетгандек ғойиб бўлибди. Кокардали киши эса доктор чўкиб кетди, деб гап тарқатибди. Бунинг учун денгиз бўйидан тондим, деб докторнинг кийимларини тегишли кишиларга кўрсатган эмиш.

Чол нима учундир тергов бўлади деб кўрқарди.

— Сен мени бу ишга аралаштирма,— деди у.— Асалари инлари яқингинада бўлгани билан менинг ишим йўқ. Менинг битта ташвишим бор,— у ҳам бўлса — асаларилар... Ҳеч нарса кўрганам, ҳеч нарса эшитганим йўқ. Сен билан гаплашганим ҳам йўқ.

Чол кетгандан кейин қоронги туша бошлади. Стол, стул, деразага сўнги бор назар ташладим. Стол устида кўзача, стаканда ичиб тугатилмаган сув, қандайдир хол-хол юмалоқ нарса ва кукун солинган тарелка қол-



ган эди. Тарелкада «СД» (Сергей Думчев) ўйиб ёзилган кумуш қошиқча ётарди. Юрагим оғриқдан эзилиб кетди: мен чин кўнгилдан севган кишидан қолган нарсалар шугина эди.

Эртага уй бузиб ташланади. Доктор Думчевни ҳамма унутиб юборади. «СД» ҳарфлари ёзилган қошиқчани хотира учун олдим. Юмалоқ нарса ва кукун-чи? «Бу Сергей Сергеевичнинг бирор тажрибаси учун керакдир» — ўйладим мен. Уларни ташлаб юборишга кўзим қиймади. Стол устида ётган қоғозга кукун билан иккита юмалоқ нарсани солиб ўраб олдим.

*Шанба, 18 июль.*

Думчев ғойиб бўлгандан буён, мана, йигирма кун ўтди. Мен трушпага жойлашдим. Ченскдан кетяпман. Яна дарбалар актёрлик ҳаётим бошланмоқда.

Думчевнинг ғойиб бўлиши ечиб бўлмайдиган сирли жумбоқ. Лекин унинг ёрқин хотираси ҳамиша мен билан бўлади. Кетяпман. Ченскда бўлган вақтим ҳақидаги ёзувларимни сийқаланган чамадон тагига соляпман. У билан бирга фанер уйга сўнгги бор борганимда олганларимни ҳам жойладим.

Лекин энди, чамадонни қайиш билан боғлаётиб, Думчевнинг ғойиб бўлиши ҳақида ўйлар эканман, нега Лев Толстойнинг «Тирик мурда» сени эсладим, нима учун ичимда Федя Протасовнинг монологини ўқияпман?

#### **ҒАЛАТИ ҲИСОБЛАР ВА РАҚАМЛАР**

Кекса актёр Орлов — Заокскийнинг ёшлик кундалиги шу билан тугайди.

Уқишга берилиб кетиб, пардаси тўсиб қўйилган дераза ортида кун ёриша бошлаганини сезмай қолибман, стол устида эса ҳамон электр чироғ ёниб турибди. Кундаликни четга суриб қўйиб, актёр бир вақтлар фанер уйдан олган нарсаларни диққат билан қарай бошладим. «СД» ҳарфлари ёзилган кумуш қошиқча қорайиб кетган, пакет тарзида тахланган икки бўлак қоғозда кукун ва юмалоқ нарсалар бор эди. Бу актёр ғалати одам экану — кекса романтик! Кукун билан ўтдан қилинган юмалоқ соққачани неча йиллардан буён йўқотмай олиб юрибди...

Актёрнинг ёзувларини ўқиётганимда, баъзан менга Думчевнинг ғойиб бўлиш тарихи ҳализамон равшан бўладигандек туюлган эди. Кундаликни ўқиб бўлдим, воқеа эса ҳамон аввалгидек жумбоқлигича қолмоқда. Ҳатто олдингидан ҳам баттарроқ жумбоққа айланди.

Туни билан мишжа қоқмаганимдан, ҳаяжон, бир масала атрофида беҳуда бош қотиришдан чарчаган эдим. Бошим огриб қолди. Чамадонда қандайдир порошок — пирамидон билан кофенининг аралашмаси бор эди. Москвадалигимда шунчалик чарчагандимки, бош огриғи кучайганди. Врач тушга қадар биттадан икки маҳал порошок ичишни тавсия қилганди. Энди ўша порошокни чамадондан олдим, тилимга ташлаб, устидан сув ичдим. Ухламоқчи бўлдим. Ётдим. Лекин ухлай олмадим: дераза пардаси орасидан тушаётган қуёш нури халақит берди.

Уша тонгдаги хатти-ҳаракатларим, фикрларим икир-чикиригача, бутун тафсилоти билан нега ёдимда қолдйкин? Чунки ана шу икир-чикирлардан бирида пружина яширинган экан. Бу пружина тўсатдан ёзилиб, мени зарб билан итариб, маълум вақтгача одатдаги ҳаётдан узоққа улоқтириб юборди.

Шундай қилиб, бошим огриётган эди. Парда орасидан қуёш нури тушиб, ухлашга халақит берар эди. Гардлар қуёш нурида рақс тушарди. Бу нур стол устига тушиб, актёр олиб келган кукун ва соққачалар ўралган, гижимланган қоғозга тегиб турарди. Бундан ўнлаб йил аввал докторнинг фанер уйидан олинган бу қоғоз варақлари кукун ва соққачаларни оча бошлашим биланоқ титилиб кетса керак... Ие, бу нима бўлди? Порошок ўралган қоғозда Думчевнинг ёзуви? Урнимдан туриб, гижимланган эски қоғоздаги кукушни пирамидондан бўшаган пакетга солдим ва шонилиб ўқий бошладим:

«Ферментларнинг тараққиёт тезлигига, жонли организмнинг ўсишига таъсири, ҳарорат ва намликнинг турлича ўзгартирилиши — буларнинг ҳаммасини тадқиқ этдим, тажрибада синаб кўрдим ва жонли организмнинг ўсишига таъсир ўткази олишимга, унинг структурасини ўзгартира олишимга, катталаштира ёки кичрайтира олишимга ишонч ҳосил қилдим. . . . .

асалари куяси ўсиш тезлигининг ўзгариш формуласи қуйидагича.  $lgw = bt + clgt$ ,

бунда:

w — вазн

t — вақт

b ва c — константлар

70 000 марта! Тол қурти ўз вазнини 70 000 марта оширади. Қурт тухумдан чиққанда унинг вазни бир граммнинг мишдан бир улуши билан ўлчанади... Нисбатан қисқа вақт ўтгач, унинг вазнини граммлаб ўлчаш мумкин.

Сирень, ширахўр капалаги қурти вазни 10 минг марта ортади, тут ипак қурти вазни эса 15000 марта ортади.

Қандай улкан куч! Бу кучни эгаллаб, уни белгиланган мўлжалга йўналтиришга яқинлашиб қолдим . . .

...Ферментлар! Жонли мавжудот организмида юз берадиган химиявий реакцияни ферментлар миллионлаб марта тезлаштирмайдими?..»

Ёзув шу ерда тугайди. Тушуниб бўлмайдиган рақамлар, формулалар ва қандайдир ферментлар ҳақидаги мулоҳазалар ёзилган бир парча қоғоз. Бир парча қоғоз! Шу ерда янаган, азоб чеккан, кашф этган ва тасодифан ғойиб бўлиб қолган кишининг галати тақдир ҳақида бу бир парча қоғоз қандай маълумот бериши мумкин? Ҳеч қандай.

Ўша кун эрталаб хона исиб кетди. Уйқусиз тундан сўнг ухлай олмадим. Бошим оғрирди. Яхшиси, шаҳар ташқарисига, денгиз бўйига боришга, бир вақтлар фанер уй турган жойни бориб кўришга қарор қилдим. Поезд кечқурун соат ўнда кетади, ҳозир эса эрталаб тўққиз. Билет чўнтагимда. Сайрдан сўнг институтга кириб, хайрлашиб чиқишга улгураман. Сўнг «Бинокор» клубини топиб, бадий ҳаваскорлик тўғарагининг раҳбари Орлов — Заокскийга хотира ва бошқа нарсаларини қайтариб бераман.

Қўлёзма — кундаликни пухта ўраб, тасма билан боғладим, энди қошиқчани ўрамоқчи бўлиб тургандим... Эшик тақиллаб қолди.

— Рухсатми?.. Салом! Кечирасиз!— таниш студент қиз Лена бидирлаб гапира кетди.— Мана сизга Степан Ёгоровичдан хат. Кеча шунақаям банд бўлдимки, шунақаям ишим кўпайиб кетдики, сиз эса анчагача келавермадингиз. Кечирасиз, Хайр...

Мен хатни ўқиб туриб, ўзим билан олмоқчи бўлган нарсаларни — актёрнинг дафтари, кукун, қошиқчани беихтиёр чўнтагимга жойлаш бошладим...

«Хурматли Григорий Александрович!

Кеча қўлим бўшаши биланоқ сиз айтган минорали уйга кирдим. Сиз у ердан чиқиб кетган экансиз. Эшикни очган кичкинагина аёл мени уйга киритгиси келмади, ҳеч нарсани тузук-қуруқ тушунтирмади ҳам. Сиз у ерда нималарни топдингиз?

Микроёзувга доир қизиқ тафсилотни айтишим мумкин. Бу ёзувлар фото ёрдамида кичрайтирилганини, балки қўлда ёзилганлигини доцент Ворошова аниқлади ва леботлаб берди. Бунинг устига қоғоз ва сийёх фабрикада чиқарилмаганлигини биллиб ҳайрон бўлиб қолдик. Думчев ёки шу фамилия билан юрган киши микроскоп ёрдамида ўқийдиган хатни қандай ёзиши мумкин? Хуллас, Ворошова кулиб, бу хатни микроскоп билан кўриш мумкин бўлган одамгина ёзиши мумкин, деганида жон бор. Бу, албатта, ҳазил! Жўнаб кетишдан олдин институтга кириб ўтарсиз, деган умиддаман. Бир гаплашиб оламиз.

Сизнинг С. Тарасевичингиз»

### АРИЛАРНИНГ ҚОҒОЗ «ШАҲРИ»

Йўл бўйидаги теракларнинг бир вақтлар ям-яшил барглари чап билан қопланганидек, менинг ёрқин туйғуларим ва кечинмаларимни ҳам чап босганди.

Думчевнинг фанер уйи бир вақтлар эски, ташландиқ шийпон яқинида бўлганлигини энди билардим ва жўнаб кетишдан олдин ўша ерни жуда бориб кўргим келди. Микроскопик варақлар ўша ерда ўтлар орасидан топилган эди-да!

Йўл тепаликдан пастга туша бошлади. Мана асфальт ва дала йўли чорраҳаси. Тўхтадим. Бу ўша дарахтзордан ўтиб, хиёбонга олиб борадиган дала йўли.

Ярим бузуқ шийпон ёнидан ўтиб, кекса актёр ўз эс-далигида тилга олган фанер уй ва асалари инлари турган жойни қидира бошладим. Эссиз! Атрофни қалин ўт босиб кетган. Кичик ирмоқнинг суви ялтираб, ўтлар орасидан оқяпти. Наъматак девор каби ўтиб бўлмас бўлиб кетган.

Атрофда гуллар қизил наъматак.  
Арғувоннинг узун сояси...

Ирмоқдан сакраб ўтиб, наъматак шохларига илиниб, қалин баланд ўт оралаб кета бошладим. Мана, ер билан барабар бўлиб турган чириган тўрт қиррали ёғоч. Унинг атрофида арилар гувиллаб гужгон ўйнашмоқда. Арилар инига кўзим тушди. У кулранг қоғоздан ясалган нокни эслатарди. Ариларнинг қоғоз «шаҳри»! Бутун «шаҳар»нинг туби юқорига қараганлиги менга ажойиб туюлди: ҳар бир инча пастга қараган. Тўнкарилган «шаҳар»! Ариларни ҳайдаб туриб, уларнинг иншоотидан бир бўлак—аниқроғи бир бўлак юпқа картон қоғоз ажратиб олдим.

Ариларнинг қоғоз «шаҳри»дан сал нарида ярим чириган тахта ётарди. Ундан иккита занглаган миҳ чиқиб турибди. Думчев ўз тажрибаларини ўтказган уйдан қолган нарсалар шу, холос!

Атроф жимжит. Фақат арилар визиллаганча, учиб ўтади.

«Шаҳар» деворидан сипдириб олинган бир бўлак картонни қўлимда ушлаганча, унга бирор нарса ёзиш мумкинмикин, дея текшириб кўрмоқчи бўлдим. Чўнтагимдан қаламни олаётим, ўтлар орасига тушириб юбордим. Энгашиб қидирдим-у, қаламни тополмадим. Шу пайт ёнимда ўша таниш орқаси қора, ўзи сариқ ит пайдо бўлиб қолди; думини ликиллайтиб, бурнини ўтларга тираб ҳидларди—чамаси қаламни топишда менга «ёрдам» бермоқчи эди. Бир неча қадам юриб, қандайдир тўнка устига ўтирдим-да, ит ариларни ҳайдаб, жаҳл билан ириллаганини ва қочиб кетганини мароқ билан томоша қилдим.

— Гражданин! Гражданин, бу ерда сизга нима керак?— деган жиддий овозни эшитдим.

Рўпарамда район сабзавот базасининг мудирини ту-  
рарди.

Балки кулгилди ва аҳмоқонадир, эҳтимол мутлақо табиийдир — аммо бундан кейин ҳеч учратмайдиган бегона кишига бир вақтлар шу ерда юз берган воқеани гапириб бергим келди. Буни қандай қилиш керак? Нимадан бошласам экан? Яхшиси, бу ерга нега келганимдан бошлайман.

— Гап шундаки, эрталаб бошим оғриб қолди...— деб бошладим.

— Бечора!— аёлниинг юзида ташвиш ва ҳамдардлик акс этди.— Сизни поликлиникага кузатиб қўярдим-у, бу ерни ташлаб кетолмайман.

— Бошим шунинг учун оғрирдик, туни билан ухламай чиқдим...

— Ундай бўлса, гап сотиб ўтириш ўрнига докторга бориш керак.

— Ухламаганимга сабаб шуки, туни билан бировнинг кундалигини ўқидим...

— Поликлиника нариги томонда, муюлишдан ўтгандан кейин, илмий ходимлар посёлкасига кираверишда. Бугунги навбатчи жуда яхши одам — оти Мария Иванова.

— Бу кундаликда шу ерда, сиз билан мен турган жойда юз берган ғалати воқеа ҳақида ёзилган...

Черникованиннг юзида қўрқув акс этди:

— Қанақа воқеа? Қачон? Мен ҳаминша шу ерданман... Юринг докторга, сизга порошок беришади...

Шу пайт ёдимга тушиб кетди:

— Ҳа, ҳа, порошок. Соат ўн бир — пирамидон билан кофеинни иккинчи марта ичадиган вақт бўлди. Устидан ичиш учун бир стакан сув беролмайсизми... Еки ўзим...

# ЭСКИ ТҮННА СОЯСИДА

## КУКУН ДОРИ ВА ЮМАЛОҚ СОҚАЧАЛАР

Қаттиқ зарб. Юрак бир дақиқа тўхтаб қолди. Бошим мунча айланмаса! Оёқларим майишиб кетди. Қўлларим титрай бошлади. Кўз олдимда қора доғлар пайдо бўлди. Қора қор ёғаётганга ўхшайди! Доғлар ғизиллаб айланади! Қора қор бўрони! Юрак тез урмоқда. Тобора тезроқ ва яна тезроқ... Бирдан тўхтаб қолди. Бақиргим келди-ю, мадор йўқ! Елкамга тегирмон тоши бостириб қўйгандек! Нимадир мени ерга тобора пастроқ босяпти...

Сўнги кучимни тўплаб, гоҳ ўннга, гоҳ сўлга ўгириламан. Бу қанақаси бўлди? Буталар шиддат билан ўсиб, осмонга бўй чўзмоқда. Атроф нақадар шовқинли, нақадар суронли! Товушлар борган сари қулоқни қоматга келтирмоқда. Момақалдироқ кучайиб бормоқда. Момақалдироқ каби бўкирган овоз эшитилди:

— Гражданин, сизга нима бўлди?

Итнинг вовиллаши қулоғимни кар қилаёзди.

Қандай хилма-хил нотаниш ҳидлар!.. Уларнинг орасидан дарров наъматак ҳидини ажратдим. Бу ис борган сайин кучайиб бормоқда — мен гўё наъматак гули иси анқийдиган сувда сузиб боряпман. Бу ҳид ичида кўмилиб кетдим. Бирдан ҳид йўқ бўлди. Эсимда, ўша дақиқада наъматак томондан эсаётган шамол энди бошқа томонга эса бошлади, деб ўйлаганим яхши эсимда.

Гуллаб бўлаётган аргувон ҳиди келиб урилди. Ернинг чириган иси келди. Ёшликдан таниш ва қадрдон ҳид — нон ҳиди кела бошлади. Бу нонни катта рус печларида мана бундай катта баргларда пиширишарди... Қандай баргларда? Нега унутиб қўйдим? Ёдимга тушди, карам баргида.

«Гражданин, сизга нима бўлди?», деб бақирган аёл қани? Мана у кўз олдимда катталашиб бормоқда. Ёнидаги ити ҳам катталашяпти. Даҳшатли юнгдор, баҳайбат махлуқ. Мен уларни кўролмай қолдим. Овозларни ҳам эшитмасдим, итнинг вовиллашини ҳам эшитмасдим. . . Сукунат. Нега энди нафасим қайтяпти? Қийимларим мени кўмиб юборган эди. Мен типирчилар, питиллар эдим. Мана, ёругроқ бўлди. Қийимларим орасидан чиқдим. Атрофга назар солдим. . .

Шундай қилиб, кукун дорини ичдим, бўйим кичрайди. Тўнка устида турибман, пастда эса, остимда ўтлар ўрмони шовиллаяпти.

Лекин бўйимнинг кичрайиши, янги ҳидларни, гулларни, товушларни сезиш — буларнинг ҳаммаси бирдан нига юз бердимми? Юз берган бу воқеани дарров тушундимми, англаб етдимми? Йўқ! Албатта йўқ! Бир минутми, бир соатми, бир кунми? Бу қанча давом этганини айта олмайман. Юз ёки икки юз барабар кичрайиб, тўнка устида ётган кийимни ичидан чиқаётиб, ахир бугун кечқурун соат ўнда Москвага қайтиб келганим керак-ку, деб эслаганим яхши ёдимда. Билет сотиб олинган. Қани ўша билет? Ёи чўнтагимда! Қўлимни одатдагича қимирлатиб, чўнтагимга узатдим-у. . . кулиб юбордим! Ахир мен олдинги одам эмасман!

Ҳаммасига сабаб — бош оғриғи. Эрталаб шаҳар ташқарисига сайрга чиқмоқчи бўлиб бош оғриғи дориси — пирамидон билан кофеин ўрнига паришонхотирлик билан Думчев тайёрлаган кукуни (уни кекса актёрга қайтариб бермоқчи эдим) чўнтагимга солиб қўйган эканман. Тўнка устида ўтириб, пирамидон ўрнига Думчев кукунини оғзимга ташлабман. Шунинг учун атрофимдаги ҳамма нарса ўсиб кетди ва шу сабабли янги нарсалар пайдо бўлди! Булар асли бор нарсалар, фақат кўп марта катталашган, холос.

Гулдаста билан бирга хонамга тасодифан тушиб қолган ёзувда Думчев Эратосфенин эслаб, унинг, Думчевнинг олдида олам бирдан юз ёки икки юз барабар катталашгани ҳақида гапирди. Мана шунинг учун ҳам Думчев Булайнинг акаси, тажрибаларингиздан асосий мақсад нима, деб берган саволга «микроскоп-одам бўлиш» деб жавоб қилган экан. Мен институтга олиб кел-



ган ёзувлар — микроскоп ёрдамида ўқиганимиз ўша га-  
лати ёзувлар,— у ёзувлар фотоаппарат ёрдамида кич-  
райтилмаган, балки Думчевнинг ўз қўли билан ёзилган  
эди. Қачон? Қасрда?

Думчевнинг сирни мана нимадан иборат экан!

Кекса актёрнинг хотира дафтари билан бирга Дум-  
чевнинг кукун дориси ва юмалоқ соққача сақланиб қол-  
ган. Мен кукунни ютиб юбордим. Лекин бошқа пакет-  
чада митти соққачадек дорилар бор. Ким билади? Шу  
дорилар кукун каби мўъжиза кучига эгадир, бўйни  
қайта тиклар, катталаштирар балки?

Чўнтагимда иккита соққача бор. Улар катталашти-  
риш кучини йўқотган бўлса-чи? Умрбод шу ерда қолиб  
кетаманми? Бир дақиқа даҳшатга тушдим. Лекин ку-  
кун таъсир қилдими, демак соққачалар ҳам таъсир қи-  
лади. Мен одамлар орасига қайтаман. Одамлар орасида  
бўлиш нақадар катта бахт, нақадар катта қувонч!  
Қадрдонлар... Танишлар... дўстлар. Ҳатто... агар  
одамлар орасида бўлсанг хафа бўлиш, ташвиш чекиш  
ҳам нақадар яхши. Ҳозир битта соққачани ютсамми-  
кин? Тезроқ! Лекин бунинг учун ўз чўнтагим ичига ки-  
ришим керак. Соққачалар ўша ерда! Ўз чўнтагига бо-  
шини тиқиш қизиқ. Аммо шундай қиламан.

Бироқ костюмнинг ҳар бир чўнтаги ҳозир мен  
учун деворлари юмшоқ, нотекис улкан ғорга айланган  
эди. Олдин бир чўнтагимга тушдим, нафасим қайтиб,  
қоронғида қўлим билан пайнасладим ва букилган тиш-  
ли косовга дуч келдим. Тўхтадим. Ўйладим: ахир бу  
чамадоннинг калити-ку! Ғорнинг бошқа бурчагига бор-  
дим, лекин оёқларим қандайдир силлиқ нарса устида  
сирғаниб кетаверди. Ёдимга тушди: чўнтагимда кўзой-  
нак бор, демак кўзойнак ғилофи устида сирғанияпман.  
Йўқ, соққачаларни бу чўнтагимга эмас, актёрнинг даф-  
тари турганига солгандим. Чиндан ҳам бошқа чўнта-  
гимга тушиб шитирлайдиган улкан мато (дафтар!)  
орасидан иккала соққачани топдим. Олдин биттасини,  
кейин иккинчисини чўнтакдан қийнала-қийнала думала-  
тиб чиқдим. Соққачаларми? Йўқ, олдимда тўнка усти-  
да энди иккита футбол коптоги турарди. Бунақа соққа-  
чанинг бир бўлагини ютиш учун қаттиқ нарса билан  
уни синдириш керак. Уни чамадон калити билан синди-  
ришга уриниб кўраман. Яна чўнтакка кирдим. Юзимга  
урилган шамол мени ағдариб юборишига сал қолди,

шамолга орқамни қилиб, иккала соққача тўнка четига думалаб кетаётганини кўриб қолдим. Орқасидан югурдим. Бефойда! Иккаласи ҳам пастга думалаб тушиб кетди. Энгашиб, бири ўтлар орасида ғойиб бўлганини кўрдим, бошқаси эса бир ўтга илиниб қолди.

Мен ҳар бир қирра жойга тирмашиб, тўнкадан туша бошладим. Копток — соққачага тобора яқинлашяпман. Мана, у ўтлар устида осилиб турибди.

### АРҚОНЛАР... ИПЛАР... МУШКУЛ АХВОЛ

Мени нима силкитяпти? Жуда қаттиқ, зарб билан силкитяпти! Лекин қўлим қандайдир арқонга тирмашди, оёғим бошқа арқонга ёпишди. Бу нима экан? Арқондан ясалган зинами? У тубсиз жарлик устида тебраниб турибди. Унга қўшилиб мен ҳам тебраняпман. Мен билан бирга қимматли шар ҳам тебраняпти, ундан кўзимни узмаяпман. Қаттиқ таянч топши керак. Оҳиста тушишга ҳаракат қилиб кўрдим, лекин нима учундир қўл ва оёқларимни арқондан зўрга ажратиб оламан. Ғалати арқон-зина — унга ёпишиб қоласан! Арқонларда жуда ёпишқоқ майда тугушлар бор. Улар плашимга, элли камаримга ёпишиб, қўйиб юбормай, ушлаб турибди.

Ҳа! У ерда, тўнка устида юқори чўнтагимдаги гулдор рўмолчамни тишим билан тортиб йиртдим. Қадимги римликнинг ёпинчиғи каби бир парчасини елкамга ташлаб олдим. Сўнг рўмолчадан яна энсизроқ қилиб йиртишга муваффақ бўлдим ва уни эски китобларда тасвирланган қароқчилар каби белимга ўраб боғлаб олдим.

Жарлик устида тебраниб, бир арқондан иккинчисига ўтиб соққачага тобора яқинлаша бошладим. Бир оз тўхтаб дам олдим. Атрофга назар ташладим. Мен соққачага арқон зинадан тушмаётган эканман. Улкан ром устида эканман; ром арқонлари нур каби марказга бориб туташган ва спирал каби эшилиб, тўқилган тўр экан!

Мени борган сайин кучлироқ тебратмоқда. Бу қаттиқ ва ўткир шовқин қаердан келяпти? Қар бўлиб қолиш мумкин бу шовқиндан!

Енимда тўрда қандайдир мавжудот типирчиляпти, у питирлайди, типирчиляди, лекин арқонга баттарроқ ёпишади.

Бу даҳшатли тебранишдан қандай қутулиш мумкин? Тезроқ соққача ёнига тушиш керак. Оёғим билан бошқа арқонни қидираман. Унга таяниб, қўлимни юқорисидигидан ажратиб оламан ва шу тариқа ҳаракат қилиб, настага туша бошлайман.

Яна бир-икки ҳаракат қилсам, яна бир арқондан иккинчисига ўтсам, қўлим соққага етади. Лекин бирдан тўр бурчагидан тукдор махлуқ пайдо бўлди. Мен қимирламай туриб қолдим.

...Қалин тук орасидан саккизта кўз қараб турибди. Батартиб жойлашган бу кўзлар ҳар томонга қарайди.

Махлуқ ҳаракатга келди ва елкасида катта оқ хоч тасвири кўринди.

Бу хочли ўргимчак! Демак атрофга нур каби тарқалган, тебраниб турган арқон зина — ўргимчак ини. Типирчилаб, штирлаб гувиллаётган махлуқ эса пашша экан.

Ўргимчак олдида нақадар ожиз ва иложсизман! Лекин ўшанда қўрқув нималигини билмадим.

Ўргимчакдан кичик эканлигимни, ҳалокатим муқаррар эканлигини англаб етмаган эдим. Менинг бир истагим бор эди холос — бу ғалати махлуқни яхшироқ кўриб олгим келарди. Бу синчковлик мени қутқариб қолди. Мен қимир этмай қотиб, жим қараб турардим. Олдимда уста тўқувчи ўз устахонасида турарди. Шу пайт Арахнея ҳақидаги афсонани эсладим.

Арахнея, қадимги грек афсоналарида айтилишича, маҳоратда Афина Палладанинг ўзи билан беллашган энг яхши тўқувчи экан.

Арахнея лидиялик камбағал деҳқоннинг қизи эди. У нозик матога гул солиб безата оларди. Мана, косиблар ва хотин-қизлар бажарадиган ҳар турли ишларнинг ҳомийси маъбуда Афинанинг қулоғига: Арахнея ўз маҳоратидан шунчалик мағрурланиб кетдики, бу ишда Афинани енгаман деб мақтаняпти, — деган гаплар етиб борди.

Жаҳли чиққан маъбуда кампир қиёфасида тўқувчи қиз олдига келиб, тўқувчилик маҳоратида беллашишни таклиф қилади. Иккаласи иш бошлайди. Арахнея Олимп худоларининг саргузаштлари ва турли мавжудотларга айланганларини зўр маҳорат билан газламага тўқиб тасвирлайди. Кампир — маъбуда Афина Арахнея иши-

дан нуқсон қидира бошлайди. Лекин ҳеч қандай нуқсон топа олмайди.

Афина мағлуб бўлганини тан олиши керак эди! Лекин буни бажариш қийин! Қасоскор Афина аччиқ устида моки билан тўқувчининг бошига уриб, уни ўргимчакка айлантиради. Шундан бери ўргимчак умр бўйи тўр тўқишга маҳкум.

Тасаввуримда бирдан шу қадимги афсона пайдо бўлди ва у фикри-зикрими эгаллаб олганидан бирорта шошилиш ҳаракат қилмадим. Шу билан ўзимни сақлаб қолдим. Чунки ўргимчаклар қимирламайдиган нарсага ҳужум қилмайди.

Бу пайтда менга яқин жойдаги мавжудот итирчилар, ёпишқоқ тўрдан қутулишга интилар эди. Ургимчак ўз ўлжаси — пашшага яқинлашарди. Йиртқич қимирлаб турган ўлжасига беихтиёр ташланди.

Ҳавода турли томонга қараган саккиз жуфт кўз, тукдор оёқлар сузиб борарди, шакки тифига ўхшаш жағлар кўришиб турарди.

Пашша мен томонга ташланди. Энди яқинимга келиб қолганди. Мен қимирламай туравердим. Ургимчак пашшага ташланди. У оқ ип билан пашшани ўрай бошлади.

Ўргимчак ўлжасига ёпишиб қолгандек эди. Вақтдан ютиш керак! Соққачани олиб қочиш лозим! Пастга тушаётиб, орқамга қараб-қараб кўярдим. Пашша турган жойда энди унинг оқ ип билан ўралган қора «кўйлагини» турарди. Ургимчак инининг турли жойида бир неча шунақа ўрамни кўрдим. Майли, ўргимчак ўз ўлжасини еяверсин. Менга эса бўйимни қайтариб берадиган копток-соққача керак.

Мен соққача томонга ташландим. Кутганимнинг энг ёмони бўлди; оёгимнинг зарбидан мен турган арқон қаттиқ тебраниб кетди. Мен бошқа арқонга ўтиб олдим. Ин тебраниб, титрай бошлади ва ўргимчак тўрининг кучлироқ қимирлаётган жойига шошилди. У менга ташланди.

### ЭСКИ ТУНКАДАГИ БУТОҚ

Елкамдан плашни олдим. Уни ҳавода айлантириб, ўргимчакни мўлжалга ола бошладим. Балки шу дақиқада плаш билан қилган ҳаракатларим майдонда буқа

билан жанг қилаётган испан матадорини эслатгандир. Лекин бу ҳақда ўйлаганим йўқ. Мен махлуқни кўриб турардим. Уни тўхтатиб қолмасам, плаш билан уни беркитмасам, ҳалок бўлишимни, пашша каби ҳалок бўлишимни билардим. Плашни отдим ва... тегизолмадим. Плаш ўргимчаккача етиб бормади, дорига илашиб қолиб, унинг устига тушди. Арқон силкинди. Матадорнинг буқа билан жангги охирига етмади. Аммо ана шу мени қутқариб қолди. Ўргимчак менга эмас, остида дори қолган плашга ташланди ва уни «йўргаклай» бошлади.

Ўргимчак жонли пашшани қандай ўраган бўлса, плашни ҳам шундай қила бошладди. Инстинкт билан ақл ўртасидаги фарқ мавзуси учун қандай яхши мисол бу!

Ўргимчак мураккаб ва хилма-хил тўр тўқийди. Лекин у ўз ишини қандай бажаради? Ташқи сигнал — қўзгатувчига автоматик равишда жавоб қилиб, инстинкт билан ишлайди. Олдимда бунга яққол бир мисол.

Дорини энди ололмайман... Тезроқ бу ердан кетиш керак! Ҳали умид бор. Йўқ, умид эмас, умиднинг сояси кўз олдимда липиллаб ўтди: пастда ўтлар океани орасида бўйни қайтариб берадиган дори ётибди. Мен уни тошман... Ўргимчакдан узоқроқ бўлиш керак. Мен ромши — улкан тўрнинг четини кўриб қолдим, қандайдир арқонни ушлаб жарлик устида силкиниб, оёқ қўйишига жой қидира бошладим... Топдим. Ўргимчак тўридан қутулдим!

Мана тўнкадаги бўрттиқ ёки бутоқ устида турибман.

Шу бутоқни ушлаб, тўнка нўстлогидagi чуқурчаларга оёгимни қўйиб, оҳиста, эҳтиёткорлик билан ўт-ўланлар аста шовиллаётган жойга тобора пастроқ тушиб борибман. У ерда қаердадир иккинчи соққача бор...

Ҳаракатларим яна ўргимчакнинг диққатини тортди. У дорини қоплаб тушган плашни мен ўйлагандан тезроқ боғлаб ташлаганга ўхшайди. Ўргимчак мени таъқиб этмоқда. Лекин мен унинг инидан қутулиб кетганман. Бу ерда ўргимчак мени тута олмайди. У ерда, ўз тўрида, бу йиртқич — хўжайин. Фақат ўша ерда!

Мана у ўз ини роми четида пайдо бўлди. Ип чиқариб, унга осилиб туша бошлади. Мана, бошим устида чайқалиб турибди. Мен яна қимирламай туравердим. Ўргимчакнинг саккизта қора кўзининг ҳаммаси менга қараётгандек туюлади. Арқон узайиб борар, ўргимчак

тушиб келарди. Мен ўзимни четга олдим, қандайдир чуқурчага тушиб яшириндим. Майли, энди ўргимчак мени қидираверсин! Менинг ажойиб кузатиш пунктим бор!

Ўргимчак ҳозиргина мен турган булоққа илашиб, у ердан мен томон туша бошлади.

Ҳавони қаттиқ, қулоқни батаиғ қилувчи товуш ларзага солди. Яширинган жойимда кўриб турибман: қандайдир ҳайвон учиб кетаётиб, булоққа ёпиштириб қўйилган арқонга тегиб кетди. Ўргимчак арқондан юқорига кўтарилди бошлади. Яна гувиллаш эшитилди. Мен орқага бир қадам ташладим-у, оёғим қандайдир чуқурга тушиб, қуладим, ёпишқоқ, суюқликка чўкиб кетаёдим.

### ЖОНЛИ ЦИРКУЛЬ

Ғалати ҳид мени маст қилиб қўйди.

Қанча вақт ўтганини билмайман. Ҳушимдан кетиб қолган бўлсам керак.

Қандайдир қудуқнинг тубида ўзимга келдим. Юқоридан ёруғ тушиб турибди. Бу ердан чиқиб керак. Оёғимни ёпишқоқ нарсадан тортиб чиқариб, қўлим билан деворнинг потекис жойини ушладим.

Бирдан, кимдир қудуқ қопқоғини ёпиб қўйгандек қоронғи бўлиб қолди. Бошим қаттиқ нарсага урилди. Устимда қанақа қопқоқ пайдо бўлди? Яна мен тушиб кетган тешикка мосланган қопқоғ-а. Ундан ғира-шира ёруғ кўришиб турибди. Муштим билан бир уриб, тешик очдим; яна бир урган эдим — тешик катталашди.

Чўзилиб, қудуқ четини ушладим-да, ташқарига чиқдим.

Соф ҳавода ўзимга келдим ва яна маст қилувчи ҳидни сездим. Бу асал! Мен улкан асал бочкасига тушиб чиққан эдим. Кулгим қистади. Қорним оч-у, асалдан тотиб кўрмай, ундан қочиб юрибман. Афсус! Яна қайтиб тушсаммикин? Тўсатдан пайдо бўлаётган қопқоқ-чи? Нега у бошим устида пайдо бўлиб қолди? Яна қудуққа тушиб, нонушта қилсам, яна қопқоқ ёпилиб, чиқолмай қолсам-чи? Бу ерга асал қудуғи қаердан келиб қолганини, унга ким қопқоқ ясаётганини билш керак.



Катта яшил чойшаб — барг устида ёнгинамда кул ранг жонивор пайдо бўлди. Жонивор ғалати тутарди ўзини. Нақадар кутилмаган ҳаракат! Рақсми? Йўқ, бу рақс эмас. Жонивор баргдан аниқ доира қирқар эди. Қирқиладиган жойи тўё циркуль билан чизилгандек. Жониворнинг таянч нуқтаси ролини ўтар, боши ва жағи доира шаклида айланарди.

Қийтим доира шаклида, қатъий ва аниқ эди. Бирдан жонивор гўнгиллаб кўтарилди-да, ёнимга қўнди ва яшил япроқдан қирқилган доира билан мен ҳозиргина чиққан ўша қудуқ оғзини беркитди.

Бошқа бир яшил барг устида худди шундай кул ранг жонивор «рақс тушмоқда» — қирқмоқда. Мана у учиб кетди. Баргда кесилган жой қолди, лекин у доира шаклида эмас, эллипс шаклида эди. Ҳашарот бу ерда таянч нуқтасини бир марта ўзгартирди; иккита ярим доира қирқилгач, эллипс шакли вужудга келди.

Менинг қудуғим қопқоғи — баргининг доира шаклида қирқилган парчаси. Эллипс шаклида қирқилгани эса асал сақланадиган қудуқ девори учун ишлатилса керак.

Шу пайт ёдимга тушди: кул ранг ҳашарот — мегахила деган баргқирқар асалари. Унинг ишлари — геометрия бўйича кўргазмали қуролининг ўзи.

«Нонушта қилсам яхши бўларди, — деб ўйладим, баргқирқар асалари қудуқ оғзига бири устига иккинчи яшил қопқоқни ўрнатаётганига қараб туриб. — Шошилиш керак! Асалари кўп қаватли яшил қопқоқни ўрнатиб бўлса, бундай томни мушт билан тешиб бўлмайди. Унда нонуштасиз қоламан».

Мана, асалари яшил доира қопқоқ билан қудуқни беркитди. У учиб кетиши биланоқ югуриб бордим-да, мушт билан бир уриб тешидим. Тешик очдим-у, ичига тушишга ботинмадим. Бирдан улгура олмасам-чи? Қайтиб келади. Худди шундай бўлди.

Асалари қопқоқ ўрнатар — мен кутиб турар эдим. У учиб кетар, янгисини қирқар — мен уни тешар эдим. Яна сабр билан кутардим. Яна қопқоқ тайёр, мен яна қудуққа йўл очаман. Асалари беҳуда ишнини давом эттирарди. Инстинкт автоматизми оқибати бу.

Қопқоқ ўрнатишни тўхтатар ахир?!

У кўп марта учиб келиб доира қопқоқ ўрнатди. Ун учинчи қопқоқни ўрнатгандан кейин учиб кетди. Мен эса бунисини ҳам тешиб қўйдим. Шундан кейин у қай-



тиб келмади, Мен узоқ кутдим, лекин асалари ўз иши-ни бажарган деб ҳисобларди.

«Энди вақт бўлди!»

Мен барг деворга оёғимни тираб: қудуққа тушдим. Асалари мен учун гул чанги ва ширасини аралаштириб тотли таом тайёрлаб қўйган эди. Бу ерга у тухум қўйган.

Нонушта қилиб бўлгач, ташқарига чиқдим ва пўст-лоққа тирмашиб, тўнқадан туша бошладим.

Ўтлар илдизи олдида ялтираётган нима? Тўнқадан думалаб тушган кумушсимон дори эмасмикин?

Худди ўзи! Мен соққачанинг ярқираганини кўрдим. Ушанинг ўзи! Қимматли дори! Бошқаси ўргимчакда қолаверсини, майли!

Мен ерга сакрадим-у, тошларнинг ўткир қирраси оёғимни қириб юборди. Тошларми? Олдин уларни йирик кварц қум доналари, деган бўлардим. Ҳозир эса улар катта харсанглар. Кичик тошлоқ йўлак, атрофда эса ўрмон шовиллайди...

Мен дори томон юрдим, лекин яқин жойда турган, баландлиги уч қаватли уйдек келадиган думалоқ тепалик бирдан жойидан қўзғалиб, йўлимни тўсиб қўйди.

### ДУМАЛАЙДИГАН ГУМБАЗ

Олдинга ташланиб, оқ конток-дорини олишим мумкин бўлган дақиқа бор эди. Лекин гумбаз устимга тўппа-тўғри бостириб келар, ундан чиқаётган ҳид шу қадар сассиқ ва оғир эдики, орқага қочиб, ўша қулай дақиқани бой бериб қўйдим. Думалоқ гумбаз бирдан тўхтаб қолди: Мен айланиб ўта бошладим. Лекин гумбаз ортидан қора зирх билан қопланган ғалати махлуқ қараб турарди. У ўрта аср рицарларига ўхшарди. Лекин катталиги-чи! Қийимининг қўполлиги-чи! Бу ғалати «рицарь» гумбазга суяниб турарди.

Бу махлуқ бошининг олд қисми йирик тишли, ярим доира шаклидаги улкан чўмични эслатарди. Олдинги оёқлари четлари тишли иккита узун энли белкуракка ўхшарди.

Тезроқ айланиб ўтиш лозим! Айланиб ўтиш! Нима бўлса ҳам қимирлаётган гумбазни айланиб ўтиб, халос этувчи дорини олиш керак.

Мен жонивор ёнидан физиллаб чопиб, гумбазнинг

ўнг томонидан айланиб ўта бошладим. Бирдан гумбаз қимирлаб, орқасига думалаб кетди ва яна йўлимни тўсиб қўйди.

Мен орқага чекиндим. Гумбаз орқасидан бошқа қора «рицарь» пайдо бўлди. Бу иккинчисининг бўйи кичикроқ, ҳаракатлари тезроқ, чаққонроқ ва сираси, сал ўғрисифат эди. У гумбазни бошқа томонга думалатган эди. Уғрисифат «рицарь» уни думалатиб олиб қочмоқчи эди, биринчиси тиралиб, олдинги йўналишида думалата бошлади.

Иккала махлуқ халос этувчи дори йўлини гоҳ тўсиб, гоҳ очиб, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга гумбазни итарар эди. Таваккал қилиб ўтиб кетайми? Унда ё гумбаз остида абжағим чиқади ё қора «рицарлар» оёғи остида қоламан.

Гумбазни айланиб, бошқа йўлдан ўтайми? Лекин ўнгда ҳам, сўлда ҳам қалин ўтлар! Уларнинг орасидан ўта олмайман. Бунинг устига дорини кўздан йўқотсам, уни кейин топа олмайман.

Тўсатдан гумбаз тўғри дори устига думалаб кетди. Ҳаммаси тугади! Ана, менинг ҳамма умидим, дори соққача улкан шар устида ялтиради. Яна бир дақиқадан сўнг гумбаз қумлоқ жойдан нари думалаб кетди. Ҳозиргина оқ копток ётган жой бўм-бўш эди.

Мен гумбаз орқасидан югурдим, лекин «рицарлар» уни борган сайин тезроқ думалатишарди. Орқасидан югуриб борардим, нафасим бўғзимга тиқилса ҳам югурардим. Йўл оғир эди: харсангларни айланиб ўтар, чуқурликлар устидан сакрар, тик тепаликлар устига тирмашиб чиқар эдим. Фойдасиз... Ҳолдан кета бошладим. Кўп ўтмай, дори ёпишиб қолган гумбаз улкан қум тепалар ортида кўздан гоиниб бўлди.

Уzun тишли белкураги ва хаскаши бор бу махлуқ, бу қора, зирхга ўралган «рицарлар» нима ўзи?

Бу қанақа шар-гумбаз?

Булар менга кейинчалик маълум бўлди.

### УРМОН ШОВИЛЛАЙДИ

Қум тепаликларгача югуриб бориб, улардан бирининг устига чиқа бошладим. Ётиб олсам бўлгани!

Яқинда бу тепаликлар мен учун каламуш ва дала сичқонлари ташқарига чиқариб ташлаган тупроқ уюми.

эди. Улар ер ости йўлларининг оғзида ҳамиша тупроқ уюмини қолдиришадн. Бу «тепаликлар»ни сезмай, хотиржам одимлаб ўтиб кетган бўлардим.

Энди-чи? Оёғим остидан тошлар думалаб кетар, харсанглар йўлимни тўсар эди. Тик ён бағирликдан тупроқ сурилиб, мени ҳам пастга олиб кетарди.

Тепалик устига бари бир чиқа олмадим. Атрофга қарадим: тепаликлар бир-бирига туташиб, қаторлашиб кетган эди. Уларнинг орасида тор, хавfli даралар бор. Дори эса ана шу тепаликлар ортида эди.

Яна тепалик устига чиқиш учун қадам қўйдим. Яна қадам ташлайман. Лекин бир оз ноўрин ҳаракат сабабли сирганиб пастга тушиб кетаман. Шу тариқа урилиб, бутунлай ҳолдан тойдим. Нима қилишимни билмай қолдим. Икки қора «рицарь» улкан гумбазни думалатиб, бу тепаликлардан қандай ўтганлигига ақлим етмай қолди.

Ўзимни йўқотиб, ноиложликдан анчагача бир фикрга келолмадим. Нима қилсам экан? Эски тўнкага қайтиб бораими? Лекин тошлоқ йўлдан ўтиш жуда қийин. Тилинган оёқларим билан тепалик устига ҳам чиқолмайман. Уннга бурилдим-у, қалин, ўтиб бўлмас ўрмон ичидан юра бошладим. Яқинда оёқларим билан пайҳон қилган ўтлар орасидан ўтаётганимни билардим, эсда тутардим... Ўтлар... ўтлар... Йўқ!

Атрофимни мисли кўрилмаган шаклдаги яшил танали дарахтлар қуршаб олган. Улар шамолда тўхтовсиз силкинади. Ҳар бир дарахт қўрққандек қалтирар, тебранар, деярли илдизигача ерга энгашарди. Ҳавони ана шу дарахтларнинг шовиллаши босиб кетганди.

Ғалати товушларга тўла дарахтлар орасидан ўтиб борардим. Жиринглаган шовқин, чийиллаш, тўхтовсиз гувиллаш, тинимсиз чириллаш ва ўкиришлар қулоғимни батанг қилди.

Илиқ нам ва дим ҳаво худди чангалзордаги каби эди.

Мен пояларни итариб, ёриб ўтардим, номаълум ўсимликларнинг улкан баргларини четга сурардим. Ўсимлик дунёси нақадар хилма-хил! Анвои ислар кучли тўлқин каби уриларди. Лекин бу ҳидларни билмас, ажрата олмас эдим. Бошим айланиб кетди.

Ўтларнинг ёшлиқдан таниш бўлган ҳидлари қани? Бурганнинг сассиқ, какранинг тахирсимон, ялпизнинг

ёқимли ҳидлари қани? Менга дарахтдек туюлаётган ўтлар орасидан оддий баргизубни, беда ва печакни қандай танийман, қандай ажрата оламан. Лекин мен улкан баргларни — шамолда силкишиб турган улкан яшил чойшабларни кўрдим; думалоқ ва тишли, ингичка ва ясси, арра тиши каби ўткир, ялтироқ-силлиқ ва қалин тук билан қонланган баргларни кўрдим.

Барглар гоҳ танага қанишган, гоҳ узун бандида силкишиб турган, гоҳ ердан тўғри елигич каби ёйилиб чиққан эди. Лианалар тўғри дарахтларга чирмашиб кетган ва йўлимни тўсиб турарди. Менимча бу ҳаммага маълум бўлган нозик печак ва ёввойи чирмовиқ пухат эди.

Ҳамма тасаввурларим ва сезгиларим чалкашиб кетди. Мен уларни энди бошқача катталиқда ва бўёқда кўрардим, бошқа товушларни эшитардим ва янги ҳидлар билан нафас олардим. Атрофимдаги ҳамма нарса мени қийнар, азоб чекишга мажбур қилар эди!

Ғалати, мислсиз қушлар дарахтдан дарахтга парвоз қиларди. . . Булар қушлармикин?

Тушуниб бўлмайдиган, улкан ва митти жониворлар бир жойдан иккинчи жойга сакраб, судраларди; улар орасида қорамтир илдизларга ёпишиб оладиган қоралари, яшил баргдан фарқ қилмайдиган оч яшиллари, ерда судралиб юрадиган сариқ ва қўнғирлари бор эди. Уларнинг ҳаммаси тўхтовсиз ҳаракат қиларди. Атрофда ҳамма нарса гоҳ парвоз этар, гоҳ пастга тушарди. Булар қушлар ёки ҳайвонлар эмас, улар ҳашаротнинг сон-саноқсиз турлари эди.

Бу ўлка нақадар қизиқ ва даҳшатли, янги ва хавфли эди.

### ИНСОН ҚУЛИ БИЛАН ЯСАЛГАН БУЮМ

«Йўқ,— дедим ўзимга ўзим,— етар!» Нафас олишим борган сари қийинлашяпти. Бу ерда бир қадам босишга ҳам қўрқаман, қандай қадам қўйишни ҳам билмайман. Атрофимдаги нарсаларни тушунимаянман ва ҳеч қачон тушунимайман, ҳаммасининг номини ҳам билмайман. Ҳаётимдаги равшан нарсалар бу ерда ноаниқ бўлиб қолди. Мен осмонга қарардим: у шу қадар таниш, қадрдон ва тушунарли эдики, момикдек кул ранг булутлар фируза осмонда шаклини ўзгартириб, оҳишта

сузиб юрарди. Ҳамиша совуқ туулган бу фируза ранг мен учун илиқ ва қадрдон бўлиб қолди. Фақат осмонгина ўзгармай қолган эди...

Бўйни ўстирадиган дорини топиш, уни албатта топиш ва одамлар орасига қайтиш керак! Иккита соққача бор эди... Қандайдир махлуқ сассиқ гумбазни думалатиб келиб, унга ёпишган соққачани ҳам олиб кетди. Мен уларни қора «рицарлар» деб атадим. Аслида-чи? Мен ҳаётни олдинги катталикда тасаввур қилиб кўрдим: ахир бу гўнг қўнгизининг ўзи-ку! Гўнг қўнгиз! Уларни қувиб етиб, дорини қайтариб оламан! Ҳа, қайтариб оламан! Лекин қўнгизни эслашим биланоқ гўнгдан тайёрланган шарининг сассиқ ҳиди димогимга урилгандек бўлди. Қўнгизлар ортидан қувмасимдан бурун улар қаердадир думалатиб кетаётган гўнг гумбазидан чиқаётган аммиак ҳиди мени бўға бошлади.

Шундай қилиб бир йўл — ўргимчак билан жанг қилиш йўли қолди. Иккинчи дори соққача унинг тўрига илинган. Лекин мен ҳавода ҳанчалак учаётган саккиз кўзли махлуқни, даҳшатли қайчисимон жағни, арқонни... ёпишқоқ арқонни эсладим... Нима қилиш керак? Мен қандайдир дарахтга суяндим-у, оғриқдан қичқариб юбордим — ўткир игна орқамга санчилди. Бу игнанинг синиб қолган учини зўрға суғуриб чиқардим. Баданим қуйгандек оғрий бошлади. Дарахтдан четлашиб, ерга ўтирдим. Баданим ловиллаб оғрирди.

Олдимда дарахтлар қалин девор бўлиб турар, уларнинг таналари шундай тиканлар билан қопланган эди. Дарахтларнинг кунгирали япалоқ барглари тебраниб, шамолдан шовиллар эди. Ҳар бир кунгирасининг учиде игнаси бор. Бу қичитқон ўти эди.

Қуйган жойга нам тупроқ босиш керак. Шундай қилса, оғриқ енгиллашади. Қўлимни узатиб, тупроқ олган эдим ёғоч қошиқча қўшилиб чиқди. Ёғоч қошиқ?! Унга қараб тобора ажабланардим: қўлимда ушлашга, жуда кўп марта кичрайган одам қўлида ушлашга ғоят қулай эди. Ёки бу қошиққа ўхшаган ёғоч пайрахасимкин? Табиатнинг ўйинимикин? Худди шундай! Лекин қошиқ лок билан бўялган. Мана, бир неча жойида лок ёрилиб кетган. Қошиқ нақадар пухта ўйилган! Инсон қўли билан ясалган буюмми?! Думчев! Наҳотки шу кичкина қошиқ шу ўтлар ичида Думчев яшаётганининг белгиси бўлса?

Эҳ, жажжи қошиқ, сени пичоқсиз қандай ясаш мумкинлигини билмайман, тасаввур ҳам қилолмайман! Лекин шу бир бўлак ёғоч орқали инсон қўли ҳарорати менга ўтаётганини сезиб турибман.

### НИҚОБПУШЛАР ВА НАИРАНГБОЗЛАР

Ургимчак нинга борамаи-у, дори соққачани тортиб оламаи. Утлар Улкасини узунасига, кўндалангига кезиб чиқаман ва кичкина ёғоч қошиқни ясаган одамни топмай қўймайман. Думчевни қидириб топаман. Ўзимга ўзим шундай дедим.

Олти оёқли шаффоф, тор ва узун қанотли қуш учиб келиб, мен ёнида турган дарахтга қўнди-да, унинг танасида ўрмалай бошлади. Бу — ари! Чақиб олса — ҳалок бўламан! Мен ёнга бир қадам юрдим. У дарахтдан тушиб, тўғри мен томонга кела бошлади.

Илдизларга қоқилиб четга қочдим ва бошиқа йўғон дарахт орқасига яшириндим. Яхшиямки уни дарров сезиб қолиб, ўзимни четга олдим. У зум ўтмаёқ мени бир ёқлик қилган бўларди.

Лекин дарахт орқасида туриб, йиртқичга яхшироқ разм солдиму кулиб юбордим. Унинг найзаси йўқ эди! У бутунлай безарар. Мана Дарвин таълимотига кўргазмалли мисол. Мимикрия. Ари шаклига ва қанотлари рангига тақлид қилиш. Бу шишакўз капалак эди. Унинг қанотлари ариники каби шаффоф,—улар тук билан қопланган эмас. Қушлар шишакўз капалакни аллақачон қириб ташлаган бўларди, лекин арига ўхшашлиги уни сақлайди.

Пастда мен ўтиб бораётган илдизнинг атрофи нимқоронғи, иссиқ ва нам эди. Гўё нимқоронғи ва зах, чирган сабзавот ҳидига гупиллаб турган ертўлага тушиб қолгандек бўлдим. Тасодиф кетидан тасодиф бўлаверди. Бу ўрмон маскарадида ҳақиқий йиртқични ниқобпўшдан қандай фарқ қилиш мумкин? Шунинг учун ҳам гоҳ дарахт орқасига яширинсам, гоҳ устимга барг ёпиб оламан, гоҳ ерга қапишганча қимирламай ётаман. Лекин неча марта лаб беркинганим беҳуда бўлар, мен кўрққан нарса йиртқич эмас, унга ўхшаган беозор махлуқ бўлиб чиқарди.

Мана бир мисол. Ёнма-ён ётган иккита шохдан ҳатлаб ўтмоқчи бўлдим. Улардан бири бошқасидан ажра-

либ, мени туртиб юборди ва ҳаракат қила бошлади. Мен қўрққанимдан йиқилиб тушдим. Лекин яхшироқ қараб у қурт эканини тушундим. Шакли ва ранги жиҳатидан шохга ўхшашлик айрим қуртларнинг йиртқичлардан бирдан-бир ҳимоя воситаси эканлигини ким билмайди дейсиз.

Улкан бута ақинида нимадир жарангдор гувиллай бошлади. Бута учиди пушти шарлар оҳиста силкинарди. Гулидан бу йўнғичқа эканлигини билдим. Гувиллаётган баҳайбат ҳашарот эса қовоғари эди. У билан ёнма-ён туриш хавфли! Бута остига яшириндим. Бу ерда, бута остида эса бошқа қовоғарини кўриб қолдим. Қаёққа қочиб қутулиш мумкин ундан?

Лекин пастдаги қовоғарининг қаноти пашшаникидек иккита экан. Яна найранг — бу қовоғари эмас, балки тукдор пашша эди. Қаёқни қарама — ниқобпўшлар! Қовоғари каби безанган тукдор пашша! Бу ўхшашлиги билан у душманларини қўрқитади.

Мен тушиб қолган олам ниқоппўшлар билангина эмас найрангбозлар билан ҳам тўла эди. Мана, ерга қандайдир жонивор йиқилиб тушди. У гўё мени масхара қилаётгандек: ерга шалоплаб тушиб, дарҳол танасини букди-да, тикка учиб кетди.

Бу найрангбоз шиқилдоқ қўнғиз эди.

Мен олдинга юрдим. Атрофимда ўйин давом этарди. Бу ўйин борган сари тезлашарди. Атрофимда сира қутулмаган шаклларда мимикрия пайдо бўларди: найрангбозлик, беркинмачоқ, йиртқич қўшинисидан ижарага олинган кийим — бу мимикриянинг кўринишлари эди.

Бир жойдан иккинчи жойга югуриб ўтардим. Бу маскараддан шунақаям чарчадимки!.. Йўқ, бошқа юролмайман! Халоскор дори қолган ўргимчак нинга етиб боролмайман.

Енгил шабада ўтлар учини силкитди. Нимадир гумбурлаб тушиб думалаб кетди ва йўлимни тўсиб қўйди. Жуда катта — менга деярли икки баравар келадиган хумча эди бу. Олдига эҳтиёткорлик билан бориб, кўздан кечира бошладим. Хумча усталлик билан ясалган эди. Тупроқ ва қум қандайдир модда билан қотирилган. Сопол хумча, лекин пиширилмаган!

Хумчага қувонч ва ташвиш билан қараб турар, ундан кўзимни уза олмас эдим. Равшан, бир нарса рав-

шан: бу хумчани лойдан ёғоч қошиқ ясаган ўша одам ясаган. Атрофга аланглаб қарай бошладим. Назаримда ҳозир ўрмон ичидан бир одам — Думчев чиқиб келади-гандек эди.

Шамол эсиб, бошим устида ўтларнинг тепаси шовиллади ва бирдан ерга яна битта хумча тушди. Дарахт орқасига яширинишига улгурдим. Дарахт учидан бирин-кетин хумча тушарди. Шамол тишини билан уларнинг олдига югурдим ва ҳар бирини диққат билан кўздан кечира бошладим. Бирининг тагида шунақа нарсани кўрдимки, беихтиёр ўзимни орқага ташладим. Унга мен зўрға қочиб қутулган махлуқнинг оёғи-ўргимчак оёғи ёпишиб қолган эди.

Ахир инсон бунақа хумча ясаб, ичини ўлик ўргимчак билан тўлдириб, дарахтга осиб қўймайди-ку. Бу кулолчилик ишлари ва «озниқ-овқат» жамғариш билан ким шугулланганини?

Ченскда ҳатто санокли кунлар давомида китоблар, суратлар ва фотографиялар ёрдамида ҳашаротлар ҳаёти билан танишган эдим, бунинг устига болалигимда табиатни кузатганларимдан озгинаси хотирамга келиб, ҳашаротлар ҳунари нақадар хилма-хиллигини тушуна олишимга имкон берди. Бу ерда ҳозиргина асалқудуқ ва унинг қопқогини баргқирқар асалари — мегахла ясаганини аниқлай олдим. Балки сопол хурмача ва ёғоч қошиқни ҳам бирор ҳашарот ясагандир?

Думчев-чи? Ўзимни ўзим алдамаслигим керак: баҳайбат ўтлар орасида судраладиган, сакрайдиган, йўргалайдиган, учадиган, шитирлайдиган, гувиллайдиган, мен учун сирли ва даҳшатли ҳаёт билан яшайдиган жондорлар орасида балки ёлғиздирман, бутунлай ёлғиздирман.

Мен юрар, тўхтамай юрардим.

### КИМ КИМНИ

Усти ясси улкан тепаликнинг таниш қиёфасини узоқдан кўрдим. Бу, сафарим бешланган тўнка эди. У ерда ўргимчак инида ўстирадиган дори қолган.

Гумбаз-тўнка атрофида айланиб юрибман-у, улкан тўрни ҳеч тополмайман. Ниҳоят юқорида арқонга осилиб қолган таниш кўк нарса тебраниб кетди. Бу рўмолчамнинг бир бўлаги — менинг «плашим» эди! У ўргим-



чакка етиб бормай, дори соққачаси устига тушганди. Ургимчак уни кўк плаш билан бирга «йўргаклаб» қўйган. Энди эса плаш бошим устида осилиб тебраниб турибди. Тўр қаёқдайкин?

Балки Черникова шаҳарга чслиб кетаётганида тўрга тегиб, уни бузиб юборгандир? Балки атрофни ҳидлаб, искаб юрган ит бузгандир? Эҳтимол, ўрмонда улкан хумчаларни дарахтдан тўккан шамол тўрни ҳам йиртгандур? Бари бир эмасми! Юқорида, ўргимчак ипида дори осилиб турибди.

Уни қандай олсам экан деб ўйлай бошладим. Эски тўнка пўстлогининг гадир-будурларига тирмашиб чиқсаммикин? Тик девордан бундай баландликка чиқиш қийин, деярли мумкин эмас. Бошим айланиб, йиқилиб тушишим турган гап.

Тўнка яқинида улкан дарахт ўсган эди. Дарахт билан тўнка оралиғида бир неча арқон тортғилиқ турганини кўрдим. Бу ўргимчак тўрининг қолдиқлари эди. Шу арқон орқали дарахтга чиқиб, ундан тўнкага ўтсаммикин? Энди чиқмоқчи бўлиб турганимда юқоридан эшитилган даҳшатли шитирлаш мени тўхтатиб қўйди. Ерга сакраб тушиб, кута бошладим.

Ургимчаклар бузилган тўрини тиклашини билардим, албатта. Ургимчак бузилгани ўрнига янги тўр тўқий бошламадимикин?

Яна шитирлаш эшитилди... Бошим устида дарахтдан осилиб тушган арқон тебрана бошлади. У борган сари пастга тушиб келарди. Жонли илон дарахтдан ерга чўзилаётгандек, нимагадир ёпишиб олиш учун уришиб, чўзилаётгандек эди. Юқорига қарадим: тепада арқон шехга елимлагандек маҳкамлаб қўйилган эди. Мана арқондан уни узайтириб, узайтириб, бирор нарсага ёпиштиришга уринган нарса тушиб кела бошлади. Тароқларни, чўтқаларни ва бошдаги саккизта қора кўзни яна кўрдим. Ургимчак!

Улкан дарахт илдизи ёнида ғўлалар, тахталар қалашиб ётарди. Албатта булар бутоқлар, қуруқ шоҳлар эди. Ургимчак арқонни тушириб, унга илашиб шу ғўлаларга тушиб келаётгандек эди.

Аввалгидек пакки тиғига ўхшаш жағлар осмонда тебраниб турарди. Махлуқнинг қорнида юзлаб тешкли катта ўсимталарни кўрдим. Ургимчак ғўлалардан бирининг устига тушиб, унга қорнини тегизди ва арқон унга

ёпишиб қолди. Ургимчак иккинчи арқонни чўзиб, олдингисидан юқорига кўтарила бошлади. У борган сари юқори кўтарилар, орқа оёғининг тирпоғи билан икки арқон ёпишиб қолмаслиги учун орасини ажратиб борарди. Улар бир-бирига тегмас, ёпишиб қолмас эди. Шу тариқа икки юқорига, шохгача чўшиб бориб, маҳкам ёпиштириб қўйди.

Ургимчак шу шох бўйлаб югуриб кетди. Ўзидан ип чиқариб, чўзиб югуриб борарди. Икки шох учига ёпиштирарди. Энди уни пастга тушириб, унга илашиб ўзи ҳам тушди. Яна юқори кўтарилди ва ўзи билан янги арқонни тортиб чиқди. Шу тариқа кўп марта ҳаракат қилди. Арқон ёпиштирилган гўла ерда судралиб бориб, сал кўтарилгани ва тебраниб турганини кўрдим. Бирор йўлни қилиб тўрни узини ва соққачани ерга тушириш ҳақидаги умидларим пучга чиқди. Бу арқонларни ҳеч қандай калтак билан узиб бўлмайди. Уларни кесадиған ҳеч нарсам ҳам йўқ. Арқонлар эгилувчан, чўзиб узини ҳам қийин. Бунинг устига ўргимчак жонли устахонанинг ўзи. Узилган ип ўрнига янгисини тортади. Энди нима қилсам экан? Плашни қандай оламан? Ахир тўр арқонлари ёпишқоқ. Ургимчак уларда минглаб елимдек ёпишқоқ золдирлар қолдириб кетган. Ёпишиб, ўралашиб қолсам, ўргимчак пашшани сўргандек қонимни ичади.

Мен юқорига, гоҳ оёғи осмондан бўлиб осилганча ўлжасини кутаётган ўргимчакка, гоҳ кўк плашга қарайман. Тўғри, плаш олдига узунасига тортилган қуруқ ипдан борса бўлади (фақат айланма ипларгина ёпишқоқ). Лекин бунинг учун олдин ўргимчакни ниндан ҳайдаб юбериш керак. Шундан кейингина арқондан соққа томонга — юқорига, хавфли йўлдан бориш мумкин.

Лекин уни қандай ҳайдан мумкин? Бирдан хаёлимга қизиқ бир фикр келди! Ургимчак истиниктининг унинг ўзига қарши қаратсам бўлмайдими? Шу ерда яқинда плашимни унга отиб, ўлимдан қутулиб қолдим-ку. Мен ўргимчакни алдадим, сохта ўлжани ушлашга мажбур қилдим. Бу усулни кучайтириш, уч, етти ва ҳатто ўнлаб марта такрорлаш керак, ана ўшанда...

Пайраҳалар, ёғочлар ва повдаларни тўплаб, ўргимчак ини яқинига келтира бошладим.

Ургимчак тўқийётган тўрнинг гулдор сояси қуюқлашиб қолди. Тўрни қуёш ёритиб турар, шабада елпирди. Ерда минглаб ёруғ нуқталар қалтирар, жойини ўзгарти-

рар эди. Тўр остида боши танасига ёпишган махлуқ кўринарди: ўргимчак осилганча, ўлжасини кутарди.

Ер устида арқонга осилган гўла тебрашиб турарди. Унинг устига чиқдим. Тўр таранг бўлиб тортилди. Оёғимни гўлага тираб туриб, беланчакдек уни борган сари кучлироқ тебрата бошладим. Ўргимчак пастга туша бошлади. Мен ерга сакрадим.

Ўргимчак гўлага ёпиштирилган ипларнинг учини ташвишланиб текшираётганда, калтакни олиб тўнка деворига чиқа бошладим. Яна тўрни силкитдим. Ўргимчакни тўрнинг гоҳ у четига, гоҳ бу четига югуришга мажбур қилиб, тўрнинг гоҳ у четини силкитдим, гоҳ бу четига калтак отдим. Ўргимчак ўзини йўқотиб қўйди. У гоҳ ўлжа йўқ, деб хотиржам бўлиб, уни ўртасига бориб, осилиб ётар, гоҳ «ўлжа»га ташланиб, мен ипига отган калтакларни йўрғақлай бошларди. Уларни тасмага ўхшаш ясси арқон билан ўрарди. Бу ип йигирувчи чамаси жуда оч эди, шу сабабли... ёғочнинг «ширасини» сўриб олишга уринарди. Мен ниҳоят чарчадим. Ерга ўтириб, қандай қилиб ўргимчакни алдаб, тўрнинг бузсам экан деб ўйлай бошладим. Юқорига қарасам — ўргимчак йўқ! У ҳам чарчаган бўлса керак.

Узоқ кутдим. Тўр эгаси йўқ эди. Фақат шамол бир оз тебратиб турарди. Ўргимчак қайтиб келавермади.

Ана шундан кейин... ниҳоят соққача қўлимга тегди.

### ТУНГИ ГИГАНТЛАР ОВГА ЧИҚАДИ

Энди, соққача қўлимга тушгач, ғоят чарчаганимни сездим. Ерга ўтириб қолдим. Уз хазинамга тикилиб тўямасдим.

Ҳозирнинг ўзида қўлимдан тушиб, думалаб кетадигандек кўрқар эдим. Чарчаб ғовлаган бошимда бирикетин ҳорғин фикрлар пайдо бўларди: Думчев!.. Соққачани унга тезроқ бериш керак. Унинг ўзи қаердайкин?

Қоронғи туша бошлади. Мен тушиб қолган ўт-ўланлар олами бу қоронғиликдан янада даҳшатли ва хавфли бўлиб борарди. Шундай шароитда Думчевни қидириб топиб бўладими? Менинг ўзим ишонч ҳосил қилдим, сездим, кўрдим: бу ерда инсонни хавф-хатар қўршаб олган, ҳар дақиқа хавф яқинлашиб, пойлаб туради. Бир қадам, тасодифий бир ҳаракат ҳам ҳалокат ёқасига олиб бериб

қўяди. Думчев бу Утлар Улкасида шунча йил яшаганига қандай ишониш мумкин?

Соққачани майдалаб уни эмоқ лозим. Яна ўсиб, тўнка ёнида ётган костюмни кийиш керак. Шаҳарга бориш зарур. Поездга кеч қолдим. Ҳа! Костюмни ит қўриқлаб турибди-ку. Жундор устуларни — ерга таяниб турган ит оёқларини эслаб, сесканиб кетдим. Даҳшатлими? Йўқ, қўрқинчли эмас. Даҳшатли махлуқ — ўргимчакни инидан ҳайдаб чиқардим-ку, итни ҳам ҳайдаб юбора оламан! Лекин шу замони кулиб юбордим: жуда чарчаганга ўхшайман, миқёсларни чалкаштириб юборяман.

Бу пайт атрофим ажойиб ва сеҳрли тус олди.

Менга шундай туюлдимикин? Қаердадир паровоз пишқиргандек бўлди. Шовқин борган сари яқинлашяпти. Атрофга аланглаб, улкан илон чўзилиб, думига таяниб турганини кўрдим. У чапга ва ўнгга тебранар, бўйинини шишириб олганди. Заҳарли илон! Нега паровоз товуши эшитилгани равшан бўлди...

Илон ёнида тепалик — найзалар санчилган улкан шар ётипти. Кирпимикин бу?

Баҳайбат махлуқлар! Улар тунги овга чиққан эди.

Илон кулча бўлиб, сўнг ёзилди; орқаси қийишқ тасма каби ялтиради. Илон улкан шарга ташланди. Шамол туриб, ўт-дарахтлар тебранди.

Бутун кучимни тўплаб, қандайдир бир дарахт устига чиқиб олдим ва тепада туриб бу гигантлар олишувини томоша қилдим.

Ой нури ялангликни яхши ёритиб турар, менга ҳамма нарса равшан кўринарди.

Мана, шар бир дақиқа очилгандек бўлди: кирпи илон думига тишларини ботирди. Илон қутуриб интирлар, кирпини чақиб олишга уринарди. Лекин уринишлари беҳуда, танасига игна санчиларди.

Олдимда ҳамма нарса миселсиз улканланган. Шу сабабли пастдагилар оддий илон ва кирпин экаплигига ўзимни ишонтиришим қийин эди.

Кирпи илон думини ерга маҳкам босиб олди. Илон қутулиб кетишга уринарди, кирпи қўйиб юбормасди.

Бирдан олишув тўхтади. Кирпи четга сакради. Илон шошилиб қочиб қолди.

Рақиблар ажралашди. Мен ерга тушаётиб, кирпи илон кетидан пилдирлаб кетаётганини кўриб қолдим. Яна олишув бошланди! Кирпи илоннинг олдини тўсиб,

чиқиб устига сакради ва бўйнидан тишлади. Илон қаттиқ силкинди. Кирпи дарҳол думалоқ бўлиб олди. Илон вишиллашди, ўзини ҳар томонга ташларди. Лекин кирпи қимирламади. У тумшуги ва оёқларини қорнига тортиб, калта думи билан бекитиб олган эди, У хур-хур қилар, буғ машина каби пишиллашди эди.

Илон, чамаси, чарчаб, судралиб кета бошлади. У сўнгги кучи билан зўрға судралиб борарди.

Кирпи илон орқасидан югурди. Унга етиб олиб умуртқасига ёпишди.

Илон лапанглаб, ўзини ҳар томонга отарди, лекин кирпи унинг бўйнига тишларини ботирган эди.

Мен эса унинг гоят улканлигини унутиб бақирардим:

— Тишла! Тишла уни, азамат! Бўйнидан тишла!

Кирпи четга қочди. Илон ўлган эди. Кирпи ўз ишини бажарди. Энди у тумшугини чиқариб, тиканларини тушириб, дам олаётган эди.

Сўнг у оҳиста лапанглаб юриб илонга яқинлашди ва уни тилкалай бошлади. Илонни иккига бўлиб, бир қисмини тишлаганча қаёққадир чопиб кетди.

Қўп ўтмай иккита кичикроқ кул ранг тепалик пайдо бўлди. Уларнинг ҳам игнаси бор эди. Булар кирпичалар! Улар очкўзлик билан ўлжага ташланишди. Кирпи уларга қараб турарди, назаримда истеҳзоли кулаётгандек эди.

Бу томошадан нақадар чарчадим! Жуда уйқум келаяпти. Лекин тунги шарналар, шитирлашлар, шевқинлар бир минут ҳам тинмайди.

### ШУДРИНГЛИ ТОНГ

Қаерга яширинсам, қаерда ухласам бўларкин? Гигантлар жангини томоша қилганим дарахт баргига жойлашмоқчи бўлдим, лекин бирдан эсанг шамол дарахтни шунақа силкитдики, йиқилиб тушишимга сал қолди. Ерга тушишга тўғри келди.

Бирор бута остида яшириниб ухласаммикин? Остига тўшаш учун қуруқ ўтларни йиға бошладим. Қўлим қандайдир чуқурнинг четига тегиб кетди. Унинг ички томони арқон билан зичлаб ўралган эди. Бу ўргимчак иними? Чамаси бу ер ўргимчак иниси эди. Ин атрофини титкилаб чиқдим. Ёнида қандайдир доира ётарди. Бу ўргимчак инининг қопқоғи эмасмикин? Ер ўргимчак

одатда қум зарраларидан инига қопқоқ ясайди. Эгаси ўз инидамикин? Ҳозир бу ерда йўқ бўлса керак, акс ҳолда қопқоқ чуқурни беркитиб турган бўларди.

Шунга қарамай ёғоч билан иини бир неча марта титкилаб кўрдим. Қулоқ солдим. Ер остидан ҳеч қандай товуш чиқмади. Шундан кейин чуқурга тушиб, иинини текширдим. Ургимчак иини қуруқ. Баъзи жойларда «сувоғи» кўчиб кетган. Чуқур тубида туяроқ гумбазлар ётарди. Ер ўргимчак иинини бутунлай ташлаб кетган бўлса керак.

Чуқурда яхшироқ жойлашиб олиб, уйқуга кетдим.

Қаттиқ жаранглашдан уйғондим. Кўнғироқ бир жаранглайдию тинади. Яна жаранглайди. Қулоқ сола бошладим: жаранглаш бошқа жойда эшитилди ва яна тинди.

Мана, жаранглаш бирин-кетин такрорлана бошлади: энди гоҳ тез-тез, гоҳ секинроқ, гоҳ яқинда, гоҳ узоқда жарангларди.

Ўрнимдан сакраб туриб, чуқурдан чиқа бошладим. Юқорига қараб, ҳайрон бўлиб қолдим. Чуқур устида катта шиша шар осилиб турарди. У қуёш нуридан ҳар хил рангда товланарди. Наҳотки бу шудринг томчиси бўлса? Бу жаранглаш томчининг чакиллашиминики?

Кўз олдимда шар чўзилиб, нок шаклига кира бошлади. Яна бир дақиқадан сўнг узилиб, бошимга тушади. Чуқурдан чиқишга улгурмайман. Тез ҳаракат қилиб, қўлимни чўздим, қопқоқни топиб, чуқур устини бекитдим. Деярли шу заҳоти қаттиқ жаранглаш эшитилди. Шиша шар қопқоқ устига тушиб, чил-чил бўлди. Ер ўргимчак қопқоқ ясаб, ошиқ-мешиқ ва илгак қилини гоят қўл келди. Ургимчак душманидан қочиб, оёқлари билан қопқоқни маҳкам тортиб беркитиб туради.

Қопқоқ чуқурни шундай зич беркитадики, бу иншоотни кеманинг зич ёпиладиган люки билангина таққослаш мумкин.

Лекин чуқурдан чиқадиган вақт бўлди. «Люк» қопқоқини очиб, ҳаяжондан қичқириб юбердим. Унга ҳам, чапда ҳам, олдимда ҳам ҳавода иинна шарлар осилиб турар, сўнгра томиб, парчаланиб кетарди.

Жаранглар... Ҳавони жаранглаш босиб кетган. Шудринг зарралари ҳар томонга сачрайди, бу зарраларда ва шарларда қуёш акс ётарди. Жаранглаш ва бўёқлар!

Салом, жарангдор шудрингли тонг!

Кукун дорини ютганимдан сўнг, эски тўнка атрофидаги ўтлар бирдан жайра найзалари каби тиккайиб, юқорига бўй чўзган ва мени ҳар томондан қуршаб олган дақиқадан буён қаёққа бормай, ҳамма жойда улкан тўнканинг соясини кўрардим, уни сезиб турардим.

Тўнкадан ҳар қанча узоқлашсам ҳам ўнинг салқини сезиларди. Улкан ўтлар-дарахтлар орасидан ўтаётганимда, бу ўрмонда санқиб юрганимда бирдан тўхтаб қолиб, ҳайратланиб атрофга қарардим, бу нимаси, деб икки қўлим билан бошимни ушлаб қолардим. Силкиниб, шовиллаётган дарахтлар, мен ичига тушиб қолган бу ўрмон кеча оддий ўт-ўланлар, яшил ўтлар эди. Мен уларни бошиб юрардим.

Эски тўнка сояси узоқдаги дарахтларгача бориб етган. Бу соядан чиқиб кетиш мумкин албатта. Аммо одамлар мени қидириб эски тўнка олдига келишади. Черникова уларни бошлаб келади; тўнка ёнида костюмим мени кутиб ётибди; уни кийиб, шаҳарга қайтаман.

Бугун, шу шудрингли тонгда ҳам эски, чириган тўнканинг сояси таҳликага тушган қалбимни юмшатиб, тинчлантирар эди.

Плашга ўралган соққачани судраб, бир қўлимда қошиқни ушлаганча тепаликлар, дўнгликлар, даралар орасидан — тўнканинг эски илдизлари орасидан ўтиб, костюмим қолган жойга яқинроқ борардим. Костюмимни олиб кетишмадимикин? Уни ит қўриқлаб турибдимикин?

Кимдир мени итариб юборди. Йиқилиб тушдим, лекин дарҳол оёққа турдим. Баҳайбат, қўнғир илон! У эгилиб-букилар, вишиллаб борарди. Уни кўриб четга қочдим. Лекин бу ҳайвоннинг оёғи жуда кўплиги галати эди. Боши йўғон, қизил чизиги бор. Илон ёнимда кулча бўлиб олди. Шу дақиқада мен ўзимни йўқотиб қўйдим: иккита чақнаган кўзли катта калла олдимда турарди. Калла шишиб катталашарди.

Илсдан қочиб тўнка дўнгликларига ёпишдим, қани энди кўзга кўринмайдиган бўлиб қолсам. Тўсатдан усти тош билан бекитилган чуқурни кўриб қолдим. Тошни сурдим ва ғор ичига тушиб қолдим. Шу ердагина нафасимни ростладим.

Ҳеч қачон ўзингни йўқотмаслигинг, ўз кучингга ишончдан ажралмаслигинг керак. Ахир бу «оёқли илон»

қуртдан бошқа нарса эмас, ачитқи капалаги қурти бўлса керак. Яна алдандим. Унинг қўрқитувчи кўзлари — кўз эмас, иккита доғ холос. Қуртнинг ўзи қўрқиб кетган эди — бунақа вақтда унинг бўғинларидан бири шиша бошлайди. Унинг кўришиши ҳатто кичкина қушларни ҳам қўрқитиб юборади.

Менга бўғма илон бўлиб кўришган қурт нарироқ кетишиши кутиб анчагача яширинган жойимдан чиқмадим.

Ёриқдан қуёш нури тушиб, горни майини ёритиб турарди. Мен деворга суяниб, уни қўлим билан ушлаб кўрдиму ҳайрон бўлиб қолдим: девор силлиқ, локлангандек силлиқ эди. Мен чириган тўнка ичига кириб олганимни яхши билардим, дарахт парчалари ҳар дақиқа устимга тушиши мумкин. Аммо бу ерда кимдир деворларни, шипни нима биландир суваб, мустаҳкамлаб қўйган эди.

Уқиган китобларимдан асаларни беши мум чиқаришини билардим, баъзи ҳашаротлар ўзидан лок чиқаришини ҳам билардим. Шу сабабли менга нимадур бўлган ҳашарот инига тушиб қолибман, деб ўйладим. У мум ёки лок билан деворни суваган.

Оёғим гўё мум сурилган паркетда сиргангандек бўлди. Энгашиб қарадим. Полга хонқизининг рангли қалин қанотлари тўшалган экан. Кимдир инни захдан сақламоқчи бўлгандек қанотларни бир-бирига ёпиштириб жойлаб чиққан эди.

Деворни пайпаслаб, юмшоқ матога қўлим тегиб кетди. Кўпгина ҳашаротлар пахта, ипак, ўргимчак ипи «ишлаб чиқаришини» билмаганимда бундан ҳайрон қолган бўлардим.

Бир оз қўрқув билан матни кўтардим ва бир қадам қўйиб бошқа горга кирдим.

Учқунлар, учқунлар, учқунлар... Ой нуридек ёритувчи нуқталар ярим доира шаклида жойлашган бўлиб, гор деворларини, пол ва шипни ёритиб турарди. Чириндилар! Булар нур сочадиган чириндилар! Лекин улар бир нарса ни кўришга имкон бердики, бунга ишонишнинг ўзи қийин.

Яна тепамда улкан ўтлар тебранади, уларнинг учи шовиллаётганини яна эшитяпман, қуёш яна ёруғ нур сочмоқда.

Бунга қандай ишониш мумкин? Мен ичига кирган горларда деворлар мум ва лок билан сувалган, эшик ўрнига ипак пардалар осилган, ерда эса гул чанги ва



асал, тоза сув солинган кўзачалар териб қўйилган. Бунга қандай ишониш мумкин? Бир ғорда ичига кириб ухлайдиган қоп-кўрпа, пахта ёстиқ, иккинчиси — кичикроқ ғорда арқон ўрамлари, арқондан ясалган зина, ёғочдан ясалган буюмлар, чиганоқнинг ўткир учли парчалари ва йўнилган тошлар батартиб териб қўйилган. Бу чиганоқ парчалари ва тошлар тажрибали, чаққон қўлларда пичоқ ва аррага айланиши мумкин.

Хилма-хил овқат сақланаётган идишларни қайси ҳашарот ясаши мумкин? Кўрпа ва ёстиққа кетган пахтани қайси ҳашарот «ишлаб чиқарган»? Шойи пардалар, чойшаблар, турли узунликдаги арқонлар ва арқон зиналар учун ипакни қайси қурт йиғирган? Ғорни уйга айлантириш учун мум, лок ва исли моддаларни қайси ҳашаротлар берган? Утлар орасида яшувчилардан уларнинг буюмларини ким тартиб олган (нақадар топқирлик қилган у!), бу буюмларни ғорга ким олиб келгану, ким тартиб билан жойлаган?

Бир хонадан иккинчисига ўтар эканман, ўзимга ўзим тўхтовсиз савол берардим. Инсон қўли билан ёзилган қоғозлар дастасини кўрганимдан кейин ҳайрон бўлганимни айтмайсизми!

Қуёш нурида бу варақларга қарайману, кўзларимга ишонмайман... Тикилиб қарадим — бир сз жимжимадор ёзувни танидим.

Худди ўша ёзув! Бу ёзувни институтда микроскоп остида, Думчев лабораториясида Булайнинг қўлидаги чети куйган хатда, кукун дори ўралган қоғоз парчасида кўргандим.

Яна ўша ёзув!

Ўзимга ўзим ишонмайман. Варақларни бирма-бир қўлдан ўтказаман. Овоз чиқариб ўқийман. Қаттиқ эмас, эшитиладиган даражада овоз чиқариб ўқийман. Уқишдан тўхтаб, бир дақиқа атрофга қарайман. Утларнинг шовиллаши аста сўнаётгандек туюлади, гўё бу ерда яшайдиган ҳамма жондорлар овозимга қулоқ солаётгандек.

# ДУМЧЕВ ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН ЁЗГАН ТҮРТИНЧИ САЁХАТИ ТАРИХИ

## КУНДАЛИККА СЎЗБОШИ УРНИДА

Мен, Сергей Думчев, тақдир тақозоси билан Бўлиқ Утлар Улкасига тушиб қолдим. Бу ерда кўп йиллар яшадим. Қоғез топиб, унга мос келадиган составни сингдирганимдан кейин, яъни ёзишга яроқли қилганимдан сўнг ва қора ёнғоқдан сиёх тайёрлашни ўрганиб олганимдан кейин кундалик юритиб, бу ўлкада қилган ҳамма кашфиётларимни ва ўтказган тажрибаларимни ёзиб бора бошладим. Ҳар бир вараққа тартиб номери қўйиб бордим. Сўнгги вараққа 2876 сони ёзилди.

Вақти-соати келиб, кашфиётларим кундалигини одамларга етказиш учун саёхатга чиқдим. Буни қандай бажаришни ҳали ўзим билмасдим, лекин одамлар тез-тез келиб турадиган, бир вақтлар шийпонча турган жойга боришга қарор қилдим.

Саёхат қийин, деярли хатарли эди. Шундай бўлдики, бўрсен ва қуюн кундалик варақларини сочиб юборди. Балки бирор варақа одамларга етиб боргандир? Лекин уни ўқиб, ҳеч нарса тушунишмайди, фақат кулишади. Майли, кулаверсинлар! Мен учун эса кундаликни қайта бошдан тиклаш ва уни одамлар ўқиши учун ишончли усулни топишдан бошқа чора йўқ. Аммо кундаликни тиклашни бошлашдан олдин кундаликка сўзбоши ўрнига сўнгги саёхатим тарихини баён қиламан.

### 1 - в а р а қ

Эсимда, бу қуёш ботаётган вақтда бўлган эди. Ушанда кундаликнинг навбатдаги варагини ёзаётгандим. Ботиб бораётган қуёшга қараб, Бўлиқ Утлар Улкасида қу-

ёшнинг ботишини неча минг марта кўрдим, деб ўйладим. Ҳамиша қуёш ботаётганда ёзишни тўхтатардим.

Кундалигим Бўлиқ Утлар Улкасидаги кашфиётларим, мулоҳазаларим, фикрларим ва кузатувларим билан тўлди. Уни одамларга етказиш вақти келди. Лекин бунни қандай амалга ошираман? Олдинда ўрмонлар, саҳро ва Буюк Сокин дарё бор. Оғир кундалик билан бу йўлдан қандай ўтиш мумкин?

Навбатдаги варақни тўлдираётганимда ҳар сафар шу савол пайдо бўларди. Аммо ҳар гал бу саволдан юз ўгириб, пайсалга солардим. Кейин... бирор нарса ўйлаб топарман, дер эдим. Энди ортиқ пайсалга солиб бўлмайди. Вақти келди!

Шу тунда шойи қоп-кўрпа ичида (қуртнинг пилласи) ётиб мени қийнаётган саволга гўё кимдир узоқдан жавоб берадигандек нимагадир қулоқ солар, ниманидир кутар эдим. Аммо атроф жимжит. Фақат дукиллаш, митти одамнинг митти юрагининг дукиллашигина эшитилади.

Қуёш чиқа бошлади. Бу ердан узоқ-узоқлардаги менинг шаҳримни ҳам нурафшон этди. У шаҳарга етиб боролмайман. Яхшиси денгизга борадиган йўлнинг чап томонидаги шийпонга бориш керак. Одамлар шаҳар четидеда сайр қилиб юрганларида ёки денгиз томон кетаётиб шу шийпонга кирадилар. У ҳозир ҳам бутун турган бўлса керак. Шийпон ёнида кичкина ирмоқ борлиги эсимда. Энди эса бу ирмоқ мен учун Буюк Сокин дарёга айланди. Бу дарёдан қандай ўтишни ҳам билмайман. Лекин йўлга чиқиш зарур.

## 2 - в а р а қ

Бир вақтлар уйим ёнидан оқиб ўтадиган дарёдан солда Буюк Сокин дарёгача сузиб боришга уриниб кўрганман. Иложи бўлмаган.

Кичик дарё суви қаердадир жануб томонда қум ичига кириб йўқ бўлиб кетади. Тўғри, баҳорда ва қаттиқ ёмғирдан сўнг бу дарё Буюк Сокин дарёга қуйилади. Аммо бунақа вақтларда дарёда сузиш тентаклик. Ҳаво тез ўзгариб туради. Шамол эсади.

Бу дарё уйим яқинида бўлса ҳам, анчагача уни нима деб аташни билмадим. Бир куни эрта баҳорда тунда уйғониб, дарё шовқинига қулоқ солдим. Дарё ҳеч тинчима-

ётгандек, бир вақтлар унга аҳамият-бермай фақат этгим таг чармини хиёл ҳўл қилиб кечиб юрганим учун мендан ўпкалаётгандек туюлди.

Уша тундаёқ унга «Кечиккан Гиналар дарёси» деб ном бердим.

Хуллас, шимоли-шарқ томонга Буюк Сокин дарёгача фақат ўрмон ва саҳро орқали бериш мумкин.

### 3 - в а р а қ

Ҳар эҳтимолга қарши деб, варақларни тахлаб, арқон билан боғладим. Асалари инидан мум олиб, уни қуёш нурида эритдим. Боғламни мум билан қопладим. Энди варақлар шудрингдан ҳам, ёмғирдан ҳам нам бўлмайди.

Кундаликни сув ўтмайдиган қалин қопга солиб, пишқ арқон билан ўраб боғладим. Бир вақтлар бу арқонни мен қурт ипи, қопни эса — шилла деб атаган бўлардим.

Кундалик солинган бу қопни қандай кўтариш мумкин? Юк ертилган қопни кўтариб борадиган туя қасрда?

Ҳайвонни қўлга ўргатиш учун қанчалик сабр-тоқат, истеъдод ва маҳорат керак! Ганшибалининг Римга юриш тафсилоти тарихда сақланиб қолган-у, лекин Ганнибал қўшинида филларни турли юмушларни бажаришга ўргатган ажойиб истеъдод эгасининг номи унутилиб кетган.

Марк Антоний қадимги Римга тантана билан кириб келган аравага қўшилган шерларни ўргатган кишининг исмини ким айтиб бера олади?

Сабр-тоқат, кузатувчанлик ва тасаввур — ҳайвонларни ўргатувчининг характеридаги асосий белгилар ана шулардир. Аммо ҳайвонни ўргатиш, уни итоаткор қилиш учун яна вақт, узоқ муддат талаб қилинади. Мен ерга тушган ҳар бир тангани стол устига келтириб қўйишга қора мушугини ўргатган кекса тентакнамо кишини билардим. Уйда столидаги шиша қалиноқ остида чумолиларни боққан натуралистри ҳам танирдим. У ҳар куни маълум бир соатда, столнинг маълум бир бурчагида белги қўйилган бир чумолини асал билан боқарди.

Аммо мушук тангаларни олиб келишга, чумоли маълум соатда ширин овқатга келишга ўргангунча узоқ, жуда узоқ вақт ўтган.

Бўлиқ Утлар ўлкасида яшовчилардан юк ташишга қайси бирини қисқа вақт ичида ўргатиш мумкин? Гўнг

қўнғизни катта гўнг қумалоғи ўрнига менинг кундалигим солинган қопни думалатиб боришга ўргатиш мумкинми? Йўқ, бу бефойда иш.

Кунлар ўтаверди. Неча марталаб сафар қопини очиб, кундаликнинг янги ёзилган варағини солиб, яна мум қуйишга тўғри келди. Яна кундаликни арқон билан боғлаб, қопга селардим. Кундалик одамларга олиб борилишини кутиб ётарди. Мен эса ишни қандай бошлашни билмасдим.

#### 4 - в а р а қ

Бу қош қорайган вақтда юз берди. Утлар қимир этмай тик турарди. Мен пешайвонда ўтирардим. Бирдан ўтлар силкинди, олдимда саккизта қийшиқ оёқли усти дўнгроқ думалоқ стол пайдо бўлди. Стол юриб борарди. Унинг устида эса майда столлар ғимирлашарди. Қош қорайиб, барча нарсанинг қиёфаси ўзгарган вақтда кўзга ҳамма нарса кўриниши мумкин... Диққат билан тикилиб, ним қоренғиликда стол тўхтаганини, ҳатто, кичкина столлар оҳиста ерга тушганини кўрдим. Ҳайрон бўлиб, яқинроқ келиб қарасам, ҳар бир столча ўзи тушган катта столга арқон билан боғлаб қўйилган экан. Ўргимчак болаларини кечки сайрга олиб чиққанини шундан кейингина тушундим. Ўргимчак болалари ерга тушиб, арқон орқали онасини ушлаб туришади. Мен тош отдим. Ҳамма ўргимчак болалари бирин-кетин стол устига чиқиб, ғуж бўлиб олишди. Қийшиқ оёқлар қимирлади, стол тебранди — ўргимчак гойиб бўлди. Яна ўт-ўланлар қимирламай қолди.

Аллақачон қоронғи тушган. Улкан ўтларнинг таналари зулматда бир-бирига яқинлашиб, ёпишиб кетгандек. Ўргимчак ҳам ўз инига аллақачон етиб бориб, тупроқ ҳамда япроқларни ёпиштириб ясалган соябон ва гумбаз остидан ўтиб, болалари билан бирга тик инига кириб уйқуга кетган.

Мен эса ҳамон ўтларнинг қоп-қора ўрмониغا қараб турар, елкасига болаларини чиқариб олган ўргимчакни назаримда кўриб турардим. Бирдан миямга кутилмаган фикр келди. Дайди ўргимчак ёки Бўри-ўргимчак! Кундалик солинган қопни мана нимага ортиш мумкин! Унинг оналик инстинктини бўйсундираман.

Ҳозир ўргимчак елкасида болаларини олиб юрибди. Ўргимчак тухум солинган пилласини ҳам кўтариб юра-

ди ку. Шилла ичига тухум ўрнига кундаликни соламан. Менин кундалигим огир! Шилла ичига тухум ўрнига сойма ўқ солинганини, ўргимчак уни тухумдан болалари чиқини учун қанча вақт кетса, шунчагача кўтариб юргани ҳақида бир вақтлар ўқиганман.

**Аммо ўргимчакни етаклаб кета оламанми? Олдимда хавfli ва огир иш турибди — ўргимчакни тутишим, уни ўргатишим, юк ташинига мажбур этишим керак. Қийин, лекин бажарса бўладиган иш.**

Тез орада йўлга чиқиш ҳақидаги фикр вужудимни қувончга тўлдириб юборди. Одамлар кашфиётлар кундалигимни кўлига олиб, ўқий оладиган жойга бораман.

### 5 - в а р а қ

**Ўргимчакларнинг одатларини кузата бошладим. Заҳар тўла даҳшатли илмоги бор хавfli ўргимчаклар; ўз ўлкасига ўлим келтирувчи заҳарини қўйиш учун унга ёпишиб оладиган ўргимчаклар! Бўлиқ ўтлар ўлкасига тушиб қолган дастлабки кунларимда бу ўргимчаклар нақадар даҳшатли кўринарди! Мен ёнидан ўтаётган горлар зулматида оловлар ёнганда — ўргимчакнинг қоронгида ялтировчи, даҳшатли кўзлари порлаганда мени кўрқинч босар, қочиб дарахтлар орқасига яширинар эдим.**

Ертўла ўргимчагини топиб ва у инидан чиқишини ийлаб турдим-да, дарҳол унинг ини қандай тузилганини текшира бошладим. Бу ин қалъа, ўқ отадиган тешиқлар ва тош тўсиқлардан иборат бўлиб, ҳақиқий инженерларнинг иши эди. Лекин бу қалъани қуриш учун ертўла ўргимчаги битта ҳам ўтни узмаган, у ўтларни бир-бирига чалкаштириб, ёпиштириб, иши билан боглаб қўйган. Ин билан чўпларни боғлаган, қоziқларга тортиб қўйган. Ўз қалъаси девори орқасида яшириниб туриб, ўргимчак ишнинг қимирлашидан душманининг келганини билади. Ин деворлари шойи ин билан қопланган. Агар тош кўчса, ишга илашиб қолади ва ўргимчак болалари устига тушмайди. Ўргимчак ўз ишга таяниб, душман устига сакрайди.

Бошқа бир кун кечки пайт уйга қайтиб келаётганимда ёнимдан улкан ҳайвон ўтиб кетди: қоп-қора қорни жигар ранг чизиқли, духобага ўхшайди, оёқларида қора халқа бор. Бу бий эди. Аввалига унинг елкаси букридек туюлди. Лекин яхшироқ қараб, нимқоронгида юрадиган

стол бўлиб кўринган ўргимчакдек бийнинг елкасида ҳам кичкина бийлар борлигини кўрдим.

Ҳаво сокин, илиқ эди. Бий болаларини сайрга олиб чиққанди. Уларни елкасида кўтариб келиб, энди ишига қайтаётган эди. Бий иккита тош оралиғига кириб ғойиб бўлди. Кўп ўтмай у ердан, қоронғиликдан тўртта кўз ялтираб кўринди. Қолган тўрттаси — кичикроқлари кўринмади. Кейин бий ўзига оро бера бошлади; олдинги оёқлари билан мўйлови ва тумшугини тозалай бошлади.

Шу бий ва бошқа ўргимчакларни ҳар куни кузата бошладим. Орадан кўп вақт ўтмасқ кўпгина ўргимчак инларида ҳаёт қандай ўтишини билиб олдим. Гоҳ у, гоҳ бу ин олдида пайдо бўлиб, ўргимчакларнинг инстинктини, одатини, ўзини қандай тутишини оҳиста кузатардим ва улкан заҳарли ўргимчакни қандай қилиб менга бўйсунушига, мендан кўрқишга мажбур этсам экан, меннинг юкимни пилласини ёки болаларини кўтариб юргандек олиб юришга қандай мажбур қилсам экан деб ўйлардим.

Ўргимчак кимдан кўрқишини билсам эди. У ҳолда юкимни кўтариб юришга қандай мажбур этишни билиб олардим.

Вақт ўтиб борарди, ниҳоят кутганим бўлди.

## 6 - в а р а қ

Бу қуёшли ва илиқ тонгда юз берди. Мен кузатиб юрган бийлардан бирининг ини олдида ари пайдо бўлди. Ранги оч сариқ, сал кўтарилган қанотлари қаҳрабо тусида, кўриниши мағрурона, ҳаракатлари тез ва кескин. Бу каликург деб аталадиган ари эди.

Ари виз этиб, инида ўтирган ўргимчак елида пайдо бўлди.

Ҳар дақиқа ҳаётимдан ажралиш хавфи бўлса ҳам, таваккал қилиб инга яқинроқ келдим. Каликург билан бий жанги бошланди. Бий деярли тик кўтарилди. Кичкина бийлар ёриқ — ин ичида қолган бўлса керак. Ари гоҳ найзасини чиқарар, гоҳ яна тортиб оларди. Бий эса тўртта орқа оёғига таяниб турар, қора қорини духоба каби ялтирар, олдинги тўрт оёғи чўзилган, заҳарли илмоғи кенг очилган, уларнинг учиде ўлим келтирувчи заҳар томчиси ссилиб турарди. Каликург ари унинг олишувга даъватини қабул қилмади. У бийни ўрнидан қўзғатиб қўйди, холос. Ўргимчак тўрт оёқда тик туриб чарчадимми, ҳамма оёқларини ерга қўйди.

Каликурт айланиб учиб юарди.

Бир заҳарли илмоқларини очди. У каликуртга биринчи бўлиб ташланадигандек эди.

Каликурт гоҳ чекинар, гоҳ Ёлдинга ташланарди. Бу бийнинг жонига теккандек бўлди — у олдинга томон бир печа ҳаракат қилди. Ари ўзини четга олди. Шу тариқа ўргимчакни алдаб, индан узоқлаштирди ва дарҳол инга йўлни тўсиб қўйди. Бий заҳарли илмоқларини арига санччи учун бирдан унга ташланди. Лекин у чаққонлик билан чап бериб, шу заҳоти бийга пайза санчди. Ўргимчакнинг заҳар томиб турган даҳшатли илгаклари осилиб қолди. Улар очиқлигича қолганди. Ўргимчак ҳали тирик, лекин у фалаж бўлиб қолган эди. Чамаси ари бийнинг заҳарли илгакларини ҳаракатга келтирувчи нерв марказига ниш урган эди.

Ари пайзасини чиқарганча сакрарди. У бийни айланиб ўтар, янги зарба бериш учун жой тапларди. Яна ари пайзаси санчилди, бу сафар бийнинг оёқларини ҳаракатга келтирувчи нерв марказига санчилди. У бир силкинди, энди унинг оёқлари ҳам қимирламас эди. У бутунлай фалаж бўлиб қолганди.

Ари ўлжасидан узоқлашмади, унинг устига энгашди. У ўргимчакни туртиб, пайзаси мўлжалга санчилганини, бийнинг заҳарли илгаклари зарарсизланганми-йўқми, текшириб кўрди.

Ниҳоят ари ўлжасини судрай бошлади. Мен орқасидан эргашдим. Каликурт-ари фалаж бўлган ўргимчакни қолдириб, қоя ёнида югура бошлади, ниманидир қидирди, кейин ўргимчак олдига қайтиб келди. Уни тишлаб судраб кетди. У қоялар устига чиқар, ҳамма тўсиқлардан ўтар ва жонли, аммо фалаж ўлжасини судраб борарди.

Мен ари кетидан кетавердим. У қандайдир ёриқ олдига борди. Бийни қўйиб, ўзи ёриқ ичида ғойиб бўлди. Мен кутиб туравердим. Ниҳоят у яна пайдо бўлди ва бийни ёриққа олиб кириб кетди, ўзи эса дарров қайтиб чиқиб, устини тешлар билан беркита бошлади.

Ёриқ кўринмайдиган бўлганига ишонгач, каликурт-ари учиб кетди.

Мен тошларни суриб, бийнинг қорнига цилиндр шаклидаги оқ тухум ёпиштириб қўйилганини кўрдим. Бу тухумдан каликурт қурти чиқади. Бу фалаж бўлган бийнинг шираси билан овқатланиб катта бўлади. Бийнинг



ҳаётбахш шираси тугаган куни қурт инни ташлаб чиқади.

Ўргимчакларни қўрқитиш учун арига айланиш керак, ана шунда уларни ўзимга бўйсундираман. Арига ўхшаб ҳаракат қилиш керак — гап ана шунда.

Энди мен ўргимчакларнигина эмас, ариларни ҳам кузата бошладим.

Неча бор кўрганман: дўнгликдаги ғордан ўргимчакнинг ғазабнок кўзлари ялтирайди. Бирдан сарғиш, ялтироқ қанотлар пириллайди. Ари! Қўрқмас ўргимчак овчиси дўнгликда пайдо бўлади. Қияликдан енгил ҳаракат қилиб, гоҳ у, гоҳ бу ғор олдида бир дақиқа тўхтайтиди. Енгил қанстларнинг шилдираши оловни ўчиргандек ғазабнок кўзлар ғойиб бўлади. Ўргимчаклар аридан узоқроққа, ғор ичкарасига қапишиб кетади. Бундай манзарани кўп марта кўрдим.

Ари қанотларининг силкиниши, чаққон ҳаракат, зўрға эшитиладиган шитирлаш. Сўнгра эса — ҳужум. Мана у найза санчиб фалаж қилган ўргимчакни оёғидан тортиб судраб чиқмоқда.

Ари қанотини топган кунимоқ уни елкамга боғлаб олдим ва қанотларни силкитиб, ғорлар елдидадан ўтдим, — ўша куни жаҳлдор оловлар сўнганини кўрдим. Ўргимчаклар мендан, митти одамдан қўрқадиган бўлиб қолишди.

## 7 - в а р а қ

Олға, менинг «туям»! Шимоли-шарққа! Одамлар келиб турадиган шийпон томонга борамиз.

Ҳайвонни арқонидан ушлаб, шимоли-шарқ томон борардим. Пилла ичига тухум ўрнига кундалик варақлари боғлами солинган.

Сув ўтмайдиган ипак қопни орқалаб олганман, ичида узун-қисқа арқонлар. Албатта, бу арқонларни илгари қурт ипаги деб атаган бўлардим. Қопда рўзғоримда зарур бўладиган бошқа кўп нарсалар бор.

Қоп ичида икки жуфт ари қанотини авайлаб сақлардим. Худди шундай енгил, сарғиш қанстни елкамга боғлаб олганман.

Ўргимчакни арқон билан боғлаб, уни кундалик яшириб қўйилган жойга боришга мажбур қилиш осон бўлмади. Лекин мен ўргимчак ўлжасини еяётганда қўлга туширдим. Арқондан катта сиртмоқ ясадим. Орқасидан

билдирмай бориб, сиртмоқни ташладим. Сиртмоқ ўргимчакнинг боши ва танаси туташган жойига тушди. Узун арқоннинг иккинчи учидан ушлаб, у овқатланиб бўлишини кутдим. Сўнг уни тортган эдим — юрмади. Шундан кейин унинг устига бестириб бора бошладим. Орқамда ари қанотлари силкиниб, шитирлар эди. Ўргимчак ўридан кўтарилди, захар томчилари ялтиради. Оёғимни ерга кучим борича тираб, арқоннинг учини маҳкам ушлаб турардим. Унинг олдида ари қанотлари қаттиқроқ ва кескироқ силкина бошлади. Арқонни узайтиришим биланоқ ўргимчак қочиб қолди. Лекин ҳамма ерда рўпарасида ари қанотлари пайдо бўларди. Ўргимчак бўшашиди. Таранг арқонни тортиб, қисқартириб, қанотларни силкитиб, ва шитирлатиб, унга яқинроқ келдим. Ўргимчак бўйсунди. Уни кундалик ётган жойга яқинроқ келтирдим. Бу ерда арқонни қўйиб юбормай, чарчаган ўргимчак хотиржам бўлиб уйқуга кетишини узоқ кутдим. Унинг пилласидан тухумини тез олиб ташлаб, ўрига мумланган кундаликни жойладим. Ўргимчак ўйғониб, йўлга тушди. Арқонни қўйиб юбормай, уни оҳиста шимоли-шарқ томон бошладим. Лекин ўргимчак елкасидаги пиллага бир гап бўлганини дарров сезиб қолди. У тўхтаб, пиллани (кундалигимни) танасига янги ип билан маҳкамлай бошлади.

Шимоли-шарққа, менинг «туям»! Шимоли-шарққа!

**8 - в а р а қ**

Бўлиқ Утлар ўлкасидаги саёҳатим энди бошланди-ю, мени ўрмон ичидан узоқ йўл юриш ташвишга солди. Кундалик солинган пилла юкланган ўргимчак уни кимдир узун арқонга боғлаб, маълум йўналишда сўхиста етаклаб кетаётганини бутунлай сезмасди.

Баъзан ўрмон сийраклашарди. Бундай жойларда ўргимчак гоҳ қуртга, гоҳ қўнғизга ташланиб, тутиб олиб, шу жойнинг ўзида ейишини аниқ кўрардим. Бундай ҳолларда унга халақит бермаслик учун арқонни узун ташлаб қўярдим. Йўлда дўнгликка дуч келганимизда ўргимчак нима учундир унинг устига чиқа бошлади. У ерда бир бутага ип қуриб, бошини пастга осилтириб, оёқларини кўкрагига гужанак қилиб, уйқуга кетди.

Мен яқинроқ жойда арқоннинг учини белимга боғлаб, роҳатланиб оёғимни чўзиб ўтирдим. Чиғаноқнинг ўткир учли парчаси — қуролимни ёнимга қўйдим.

Мен йўл босардим. Утлар ўрмони нимқоронғилигига кўникиб, кўк, сариқ ва оқ гулларнинг катта гумбази бу нимқоронғига қандай тус беришини фарқ қиладиган бўлиб қолдим. Бошим устида гумбазлар қуёшга қараб ўгириллар, уни кузатар, унга эргаشار эди. Утлар Клития ҳақидаги қадимги грек афсонаси — ўрмон маъбудаси Клитиянинг Қуёш-Гелиосга бўлган фожиали муҳаббати ҳақидаги афсонани эсимга солади. У, ерда туриб, икки гилдиракли аравада осмонда бораётган Қуёшдан кўз узмас экан. Маъбус ва соғинган маъбуда гулга айланибди. Энди гул қуёшни кўриб, унинг кетидан қараб қоларкан.

Қуёш нурлари бошим устида, баландда тўхтаб қолгандек бўлади. Йўлга чиққан биринчи куним тез-тез тўхтаб, ўзимдан ўзим неча соат юрдим, ҳозир соат неча бўлдийкин, деб сўрардим.

Бирдан — бахтимни қаранг! Бошимни кўтариб: «Ҳозир эрталабки соат ўн бўлади. Ухлайдиган вақт бўлди», деган сўзларни эшитгандек бўлдим. Албатта менга шундай туюлди: ўрмонда ҳеч ким гапиргани йўқ. Аммо тепамда, жуда баландликда ёввойи хандабнинг зангори гули оҳиста ёпилиб, ерга энгаша бошлаганини, уйқуга кирганини аниқ кўрдим. У аллақачон уйғонган, зангори гули косасини соат бешдаёқ очган эди. Энди эса уйқуга кетмоқда. Турли жойда ёввойи хандаб гуллари энгашиб уйқуга кетаётганини кўрдим. Улар гўё «тонгги соат ўн бўлди, ухлаш вақти бўлди» деяётгандек эди.

Гулларнинг ўтлар ўрмонидан одамларни излаб бораётган саёҳатчи билан унсиз суҳбати шу тариқа бошланди.

Кўнглим анча ёришди. Йўлда гулларга қараб вақтни белгилайсан: така ўтнинг сариқ гули уйқуга кириб, ерга энгашаяптими — демак эрталаб соат ўн бўпти.

Гуллар соат неча бўлганини менга айтибгина қолмай, ўзаро гаплашаётгандек ҳам бўларди.

Қоқигулнинг ястребинка билан гаплашаётганини эшитганимда (тўғрироғи — тушунганимда) кундузи ссаг уч эди. Қоқигул ёнида ўсаётган ястребинка гулдан: «Қачон ухлайсан?» — деб сўрайди. У эса «Мен яна бирор соат қуёш нуридан баҳра оламан» — деб жавоб беради.

Ўрмондан борар эканман, гул соатларга қараб бир соатда неча қадам босишимни, неча кундан кейин ўрмондан чиқишимни ҳисоблар эдим. Гул соатга қараб, ўргим-

чак қачон ухлаши ва қачон уйғоснишини аниқладим. Саёҳатни тезроқ тугаллаш учун арқонни силтаб, юк ортилган ҳайвонни олдинроқ уйғотадиган бўлдим.

Баъзи гуллар кунни тунга айлантиришини — кундузи ухлаб, кечқурун уйғовишини, баъзи гуллар камроқ ухлашни ёқтиришларини, бошқалари кўпроқ ухлашини кўрдим.

Лекин тунда мен ва юк ортилган ҳайвоним ухлар эдик.

## 9 - в а р а қ

Ўтлар ўрмони орқада қолди. Энди саҳродан ўтиб борардим. Тупроқ ва қумларни учуриб шамол эсади. Узоқда, ўнг томонда тоғлар кўринади. Саҳрода жарликлар кўп. Кўп жойда тўсатдан қоялар пайдо бўларди. Уларнинг ҳолати, шакли ва хилма-хил ранги мени ҳайратга солар, ажаблаштирар эди. Шундай думалоқ қоялардан бирини айлашиб ўтиб жарликка тушдим, жардан чиқаётиб бир хил гувиллашга қўшилиб кетаётган кимнингдир овозини эшитдим. Жарликдан чиқиб, юк ортилган ҳайвонни дарахтга боғладим-у овоз келаётган тепаликка қараб югурдим. Шамол ҳуштак чалиб чуқур жарга кирарди. У ердан эса, оғир, гамгин гувиллаш, узоқ ниграш, пала-партиш шовқин эшитиларди. Баъзи дақиқаларда жуда қудратли орган чаллинаётгандек, баъзан минг овозли хор куйлаётгандек туюларди. Шамол бир оз тинган вақтни пойлаб туриб, эмаклаб дарага тушдим. Гувиллаш ва шовқин мени дарҳол қамраб олди. Нимқоронғиликда баланд, силлиқ устунни пайпаслаб тондим, унинг орқасида иккинчиси, учинчиси бор эди. Шу устунлар орасида товушлар, овозлар, шовқинлар шаршара каби кучаярди. Мен тўхтаб, нафасимни ростладим-да, қулоқ сола бошладим. Йўқ, бу тушимда эмасди. Инсон овози ягона бўғиқ садега қўшилганини аниқ эшитдим ва беихтиёр қичқириб юбордим: «Ёрдамга кетяйман!»

## 10 - в а р а қ

Олга, «бўталогим!» Шимоли-шарққа!

Ҳозиргина мен... безак ва кулдон вазифасини ўтовчи чиганоқ ичига кириб чиқдим. Қандай бемаънилик! Бу кулдон — чиганоқни кимдир ўтлар ичига ташлаб юборган, менга эса у дарали тоғ бўлиб кўринган.

Болалик йилларимда мен тез-тез отамнинг батартиб кабинетига кириб, чиганоқни олар ва қулоғимга тутар эдим. Чиганоқ сдатда ҳеч ким сезмайдиган шовқинларни кучайтирувчи яхши резонатор эканлигини ўша болалик йилларида мен қаёқдан билардим? Йўқ, у вақтда чиганоқнинг товуши турлича гувиллашида менга денгиз тўлқинларининг шалоплаши, океанда адашиб қолган кема елканларига урилиб шамолнинг гувиллаши эшитиларди. Наридека ер борлигига Испания қироли Фердинанд ҳам, океанда матрослар ҳам ишонмай қўйган, адашган Колумбнинг ух тортини эшитилгандек бўларди.

Салом сенга, чиганоқ, оддий денгиз шиллигининг уй эканлигинини, бу шиллик юмшоқ танлилар ёки моллюскалар деб аталган жонли мавжудотларнинг катта гуруҳига киришини анчагача билмагандим. Лекин буни билиб олган куним зерикарли кун бўлган эмас. Қадимги грек олими Пифагор денгиздан жуда узоқ жойдан топиб олган кичкина чиганоқ, ҳозир қуруқлик бўлган жойда бир вақтлар денгиз ҳукмрон бўлган, деган содда ва улғвор кашфиёт қилишига асос бўлган. Инсон чиганоқни ерга бунчалик чуқур кўмайди, ахир. Бу ерда — Бўлиқ Ўтлар ўлкасида — бир вақтлар кимгадир кулдон бўлиб хизмат қилган чиганоқни гапирадиган тоғ деб ўйлаб, бир вақтлар одамлар папирос қолдигини тикқан ва кулини қоққан дара ичига тушганимдан кейин ўзимни жуда ғалати сездим.

Олга! Шимоли-шарқ томонга! Жарликлар, даралар, чуқурликлардан сакраб, айланиб, эмаклаб ўтиб, олга. Қоялар ва бир-бирига қапишиб ётган тошлар ёнидан шимоли-шарққа олга! Ҳа айтмоқчи... Бу қоялар сддий тошлар, шағал тошлари. Болалар бу тошларни осмонга отиб, илиб ўйнашади...

## 11 - в а р а қ

Туш пайти. Қуёш қиздирапти. Қум ҳам қизиб кетган. Қиррали тошлар оёқни кесиб юборади. Ҳар бир товуш аниқ жаранглаб, узоқ-узоқлардан эшитиладиган туш пайти. Қоялар сояси қора ва қисқа. Бирдан саҳрода ғалати, бир хил ғичирлаш бошланди. Тўхтаб қулоқ солдим. Бир дақиқа жим бўлди-ю, ғичирлаш яна бир оҳангда бошланди. У тобора қаттиқроқ ва кескинроқ эшитила бошлади: ҳар қадам қўйганим сайин товуш

чиқаётган жойга яқинлашардим. Бирдан воронкасимон чуқурга дуч келдим! Унинг четгинасига келиб қолибман. Эҳтиётсизлик билан бир қадам қўйсам борми, сирғаниб, ичига тушиб кетган бўлардим. Кимдир саҳрода ўта эпчиллик билан кутилмаган тузоқ ясаган, ҳар қандай жондор унга тушиб кетиши мумкин.

Ғичирлаш шу чуқур тубидан аниқ эшитиларди. Ҳримчак боғланган арқоннинг учини қўйиб юбормай, чуқур четига ётиб қарай бошладим. Жағлари ўроқ каби эгилган бир ҳайвон йўғон танаси билан қумда ариқ очиб борарди. Шунинг учун чуқурдан ғичирлаш эшитиларди.

Чумоли шери! Саҳрода чуқур қилиб, тузоқ ясаган ҳам ўша. Олдин бир доира ичида кичикреқ иккинчи эгат ола бошлаган, сўнгра учинчисини... Энди эса менинг кўз олдимда ишни тугаллаябди: воронкасимон чуқур тайёр.

Чумоли шери чуқурга кўмилиб олди, қум ичидан фақат ўроқсимон жағлари чиқиб турибди. Мен шошилмай яна бир марта чуқурга қарадим, энди кетмоқчи бўлиб турганимда юзимга нимадир урилиб, кўзимни очирмай қўйди. Қўлим билан кўзларимни беркитиб, арқонни қўйиб юбордим. Гуриллаш эшитилди...

Ҳримчак! Юк ортган ҳайвоним пилла ичидаги кундалик билан бирга пастга, тузоқ тубига сирғалиб туша бошлади. Чумоли шери кўзимга қум сепиб, ғримчакни чуқурга қулатган эди. Нима қилишимни билмай, чуқур атрофида югурардим. Ҳримчак чумоли шерининг даҳшатли ўроғи томон сирғаниб тушарди. Қопдан энг узун арқонни олиб, катта сиртмоқ ясаб, ғримчак устига ташладим-да, торта бошладим. Ҳримчак юқорига тирмашар, чуқурдан чиқишга ҳаракат қиларди. Мен эса унга ёрдам берардим. Ниҳоят у чуқур четига яқинлашди. Арқонни қаттиқ тортдим. Кундалик боғланган ип бўшаб қолган эканми, кундалик соллинган пилла ҳозиргина ғримчак тушган тузоққа думалаб кетди. Шу заҳоти ғримчак чумоли шерининг иккита ўроғи кўриниб турган жойга пилла кетидан ташланди. Ҳримчак пиллани тишлаб юқорига чиқа бошлади. У йиқилар, пастга сирғаларди. Мен бор кучим билан унга ёрдам бериб, арқонни тортардим. Мана у юқорига чиқиб олди.

Ҳримчак оғир нафас оларди. Устига энгашдим. Оёқлари синган, шунчадан буён пиллани ушлаб турган иплар узилганди. Кўзлари порламай қолди. Лекин жағлари пиллани тишлаб турибди. Бу пиллада ғримчак ту-

хумини (ундан ўргимчак болалари чиқади) асрайди, мен эса тухуми ўрнига кундаликни солиб қўйганман.

Йўл бўйи ўргимчак пилладаги кундаликни асради, қийналиб кўтариб юрди, даҳшатли тузоқдан сақлаб қолди. Ургимчак ўлмоқда. Уни ким ўлдирди? Оналик инстинкти...

Олимлар тажриба ўтказиб пиллани оҳиста, билдирмай яшириб қўйишган. Бий дарров ташвишга тушиб, олдин инини қидирган, кейин шу ерда эмасмикин, деб ерни ковлаган. Беҳудага ерни ўйиб ковлайверган. Сўнгги кучигача сарфлаб, шу ердаёқ ўлган.

Кичкина болалари билан бирга банкага овқатсиз қамаб қўйилган ўргимчак ўзини болалари учун ем қила-ю, аммо бирортасига тегмайди.

Буларни олдиндан билардим.

Кўп одамлар ҳазар қиладиган бу жондер кўз олдимда ҳалок бўлди. Унга жуда-жуда раҳмим келди.

Ўлган ўргимчак пилласидан кундалигимни олиб, четга элтиб қўйдим. Қопдан чиғаноқнинг ўткир парчасини чиқариб ерни қазий бошладим. Кечга яқин ўлик ўргимчакни қумга кўмдим.

Эрта тонгда кундалик жойланган оғир қопни орқалаб, шимоли-шарқ томонга йўл олдим.

Поёнсиз саҳредан, ўрмон ва водийлардан ёлғиз сайёҳ бормоқда. Орқалаб олган қопни оғирлигидан у тез-тез тўхтаб дам олади. У гоҳ қопни орқалайди, гоҳ қўлида осилтириб, гоҳ судраб кетади. Сайёҳ Буюк Сокин дарёга кетмоқда. Қашфиётлар кундалигини одамларга бериш учун дарёдан ўтади ва шийпонга боради.

## 12 - в а р а қ

Нақадар поёнсиз сув, нақадар ғалати кул ранг яланглик! Бу Буюк Сокин дарё!

Шу йиллар бу қирғоқдан узоқда яшаб, бир вақтлар мен осонгина сакраб ўтадиган кичкина, имиллаб оқадиган ирмоқ нақадар поёнсиз сув говига айланганини тасаввур қилмаган эканман. Дарё шунақа кенглигини ўйламаган, тасаввур ҳам қилиб кўрмаган эканман. Ундан қандай ўтсамикин? Дарахтларни кесиб, қирғоққа ташиб, арқон билан бир-бирига боғлаб сол яасаммикин?

Дарё соҳилидаги ўрмон орасини кезиб, сол ясашга яроқли бирорта ҳам дарахт тополмадим. Солни нима билан боғлайман? Арқоним етармикин?

Бу ерда яна неча кун, неча тун тураман?

Дарахтлар орасидан соҳилдаги қумлоққа чиқиб, бир оз жимираб турган поёнсиз сувга қараб, бу дарёдан ҳеч қачон ўтолмаслигини сездим.

### 13 - в а р а қ

Еруғ тонг. Мен қирғоқда ўтирибман. Ҳаво шунчалик мусаффоки нариги қирғоқ кўринаётгандек. Лекин ҳеч қачон у қирғоққа ўта олмайман! Дарёдан ўта олмаслигим алам қилар, кўнглим гаш эди.

Тасодифан ўтлар орасида ёнгинамдан кимнингдир сояси лип этиб ўтди. Яна ўргимчак! Лекин буниси жуда чиройли. Унинг қора қўнғир танасини кенг қизил ҳошия безаб турибди. Қорни устида икки қатор қора нуқталар бор. Пушти оёқлари ўтларни тез титкилаяпти. Ўргимчак катта қуруқ япроқни судраб келяпти. Қаёққа олиб кетяпти?

Ўтлар орасидан оҳиста ва секин юриб, ўргимчак кетидан бора бошладим. У барғни сувга яқин судраб келиб, яна ўтлар орасига кириб кетди. Сув бўйида узоқ кутдим. Мана, ўргимчак яна пайдо бўлди. Уни ҳам биринчи барғ ёнида қолдириб, яна ўтлар орасига кириб кетди. Энди ўргимчак орқасидан юрдим. У ниманидир қидираётгандек, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга югурарди. Кўп ўтмай уни йўқотиб қўйдим ва сув бўйига қайтиб келдим. Қарасам — сув бўйида учта барғ пайдо бўлибди. Энди нима бўлади? Ўргимчак қуруқ барғларни нима қилади? Нега уларни сув бўйига ташиб келяпти?

Балки бу солчи деб аталадиган ўргимчакдир? У ўлжасини сувда таъқиб қилади — сув юзида югуриб юради — чўкмайди, кўпинча сол ясаб, оқим бўйлаб сузади. Узини узун ип билан солга боғлаб қўйиб, солдан тушади, сув юзасидан югуради, ўлжасини ушлайди, уни солга олиб келиб, ейди, унда дам олади, кейин яна овга чиқади.

Қолимни олиб келиш учун шундай югурдимки! Юк кўтариб, ўтлар орасидан ўтиш жуда қийин эди. Мен шошилардим, ўргимчак сол ясаб, менсиз сузиб кетади деб қўрқардим. Ниҳоят етиб келиб, қуруқ барғлар қирғоқда



жойида эканлигини кўрдим. Солчи ўргимчак келмаганга ўхшайди. Бекорга шошилибман. Қопни бута остига яшириб, йўлга овқат ғамлай бошладим — гул чанги, уруғлар ва нектар йиғдим. Лекин ўргимчак келмадимикин, деб тез-тез қараб қўярдим.

Кеч кирди, ўргимчакдан эса ҳамон дарак йўқ. Балки у ҳалок бўлгандир, эҳтимол мен қўрқитиб юберган бўлсам бошқа жойда сол ясаётгандир. Дарё бўйида қоп устида ўтириб кутар, хаёл сурар эдим.

Сувда шишмайдиган арқон топиб сол яасам эди!

Қаердадир Сицилия, Корсика, Жанубий Италия соҳилларида моллюскалар яшайди, чиганоғининг узунлиги ярим метрдан ҳам ошади. Бу катта чиганоғни моллюска қояга ип билан беглаб ёпиштиради. Бу иплар жуда ишчи бўлса керак! Қизиқ нега ипак қурти боқишадими, ипакни чиганоқдан олишмайди. Моллюскни *Pinna nobilis* деб аташарди, шекилли.

Тун кирди. Қирғоқда ўтлар ораси нам ва салқин. Кундалик ва турли буюмлар — арқонлар, иплар солинган қоп устида ўтирганча ҳозир, кечаси сув остида катта чиганоғни Ўрта денгизда қояга ёпиштираётган моллюскнинг ажойиб қўнғир ипи ҳақида хаёл сурардим. Одамлар дарёдан осонгина ўтадиган солларда, паромларда айтиладиган қўшиқларни, пароход гудокларини эсладим.

Тонг отди. Ўргимчак келмади. Балки у барғни қаерга қўйганини унутиб қўйгандир? Аммо ари ўзи фалаж қилган ўргимчак-бийини қаерга яширганини биладику: қўйган жойидан кетади, сўнг узоқдан қайтиб келади, тош келтириб, ёриққа кириладиган тешикни беркитади. Эҳтимол солчи ўргимчак ҳалок бўлгандир?

Қопдан арқонни олиб, қамишлардан ёки қалин қуруқ барглардан сол яашга уриниб кўриш керак. Лекин уларни нима билан тешаман, нима билан тикаман? Қамиш ва қуруқ барг қидиришга жўнадим ва қирғоқдан бир неча қадам юргач, ўргимчак билан тўқнашиб кетишимга сал қолди. У қирғоқдаги қуруқ барглар томон шошиларди.

У ип чиқариб, баргга ўрай бошлаганини кўрдим. Қопни думалатиб, баргларга яқинроқ олиб келдим. Ўргимчак ўз иши билан овора бўлиб, мени сезмади. Ўргимчак ипи барг четини сал тортарди; барг баландроқ кўтарилган қайиққа ўхшаб букиларди.

Ўргимчак соли сувга судрамоқда. Мен ҳам орқада қолмай, бор кучим билан қопни судраб кетяпман. Ўргимчак соли сувга туширди. Мен қопни орқалаб, орқасидан сакрадим. Сол тебраниб кетди.

Биз сузиб кета бошладик.

#### 14 - в а р а қ

Шу тариқа суза бошладик. Қандай қўрққанам эсимда, сол тўқинларда тебранганда юрагим қаттиқ ура бошлагани ёдимда. Сув ичидан дарахтларнинг силлиқ, эгилувчан танаси чиқиб турибди. Юқорига қарадим — дарахтлар учи жуда баландда ложувард осмонга туташгандай. Сол ҳар дақиқа дарахтларга бориб урилиши мумкин. Мен таёқни ушлаб, соли қўлимдан келганча бошқариб боряпман. Шамол сув сатҳини жимирлатяпти. Дарахтлар акси сув сатҳида эгилиб-букилади. Кутилмаганда атрофни қоронғилик босди — сол тебраниб турган сояга кирган эди, ўшанда остимда тубсиз чуқурликни ҳис этдим. Аммо сол дарёнинг ярқираб турган жойига сузиб чиқар, мен эса янги ҳамроҳимга — тукдор маҳлуққа қувноқ назар солардим.

Қирғоқ тобора узоқлашмоқда, кўнглимда эса умид туғилди: сол дарёни сузиб ўтиб, одамлар келиб турадиган шийпон яқинига етиб боради, деб ўйладим. Қўлим билан кундалик солинган сув ўтмас қопни ушлаб-ушлаб қўярдим.

Дарё сатҳида узук-юлуқ, қаттиқ вақиллаш янгради. Оқим мени тобора тез олиб борар, товушлар эса кучаярди. Дарёнинг бурилиш жойида қирғоқда ўсадиган йўғон дарахтлар орасидан менга ҳайвоннинг катта, қабариқ кўзлари қараб турарди. Очиқ турган улкан огзи очкўзлик билан ҳавони ютарди. Томогидаги териси гоҳ қопдек шишар, гоҳ қайтар, у билан бирга бурун тешиклари очилиб ёпилар эди... Нима, бу антракозаврми? Ёки перм давридаги сувда ва қуруқликда яшовчи маҳлуқми?

Перм даври. Миллион йил муқаддам кичик кўлларда, дарё ўзанларида ва ботқоқлашган пастликларда ҳайвонсимон калтакесаклар, сувда ва қуруқликда ҳаёт кечирувчи улкан, қўпол, беўхшов жондорлар яшаган. Иқлим ўзгариб, денгизлар чекинар, ҳужумга ўтар, ўсимликлар ҳам ўзгарарди. Ҳамма ажойиб калтакесаклар, сувда ва қуруқликда яшовчи улкан жондорлар аллақачон қурғоқчилик ва очликдан қирилиб кетди, ана шулар

дан бири эса сақланиб қолди, қирийиб кетмади ва ҳозир менга катта қабарик кўзлари билан тикилиб, қути каби оғзини очиб-ёпиб турибди. Дарё сатҳида қаттиқ вақиллаш янграйди, тинади ва яна бошланади.

Биз... бақа олдидан сузиб ўтдик.

Албатта, палеонтология китобларида бақа антракозаврга ўхшаш эканлиги ва кўриниши жиҳатидан ҳам қолдиқлари перм даври қатлампидан топиладиган сувда ва қуруқликда яшовчи улкан жондорларга ўхшаш эканлиги кўрсатилади. Бизнинг бақамиз ҳам худди антракозаврдек, фақат юз-икки юз баравар секинроқ вақилласа керак.

Бирдан сол сакраб тушди ва сузиши тезлашди. Ҳамроҳим — сол ўргимчак сувга сакраб, баланд, узун оёқлари билан ўлжа ушлаш учун югуриб кетди. Унинг орқасидан узун ип чўзилиб борарди, бу ип билан ўргимчак ўзини солга боғлаб қўйган. Ип солга қайтиб келишда унга ёрдам беради.

## 15 - в а р а қ

Биз сузиб боряпмиз. Қирғоқдаги дарахтлар шохидан ўтирган жондорларнинг шаффоф қанотлари металл каби ярқирайди. Булар қушларми? Йўқ, бу қушларнинг ҳар бирида икки жуфтдан ингичка ва узун қанот бор. Бу қанотли мавжудотларнинг кўзлари (ҳар бир кўз жуда кўн бўлақлардан тузилган — худди мозанканинг ўзи) турли рангда товланади. Бу кўзлардан қўрқаман. Уларнинг антенна-мўйловлари ҳаво ҳаракатини ушлаётандек тинимсиз титраб турибди. Бу узун ва ингичка «қушлар» тўсатдан жойидан парвоз қилиб, сув устидан даҳшатли тезликда учиб ўтарди. Улар ўмбалоқ ошарди. Худди ҳавога таяниб тургандек бир дақиқа тепага қараб ётарди. Яна бир дақиқадан сўнг узоққа учиб кетарди. Сол устига эса уларнинг ўлжаси қолдиқлари тушарди.

Булар — ниначилар!

Сол ёнидан сув чанғичилари ўтиб турибди. Улкан нина каби оёқларини кенг ёзиб дарё сатҳига тегар-тегмас, юриб келиб, сувга таяниб сакраб, сол устидан ўтиб, сувга тушади-да, ғойиб бўлади.

Агар оддий нинага мой сурилса, у сув устида сузиб юради. Бу мавжудотларнинг мойли модда чиқарадиган нина оёқлари сув устида сирғанади. Бу сувчилар.

Дарёнинг чуқур жойларида сув ости дарахтларида ҳайвонлар ўтиришибди; уларнинг танаси узунчоқ, кўзлари бўртиб чиққан, оғизларига эса ниқоб тортилган.

Ниқоблар ҳар хил — дубулғасимон, болтасимон ва ясси.

Ҳар бир ҳайвон қотиб қолгандек, ўзи ўтирган жойга ёпишиб қолгандек туюларди. Катта думалоқ кўзлар бир нуқтага тикилиб турарди. Тўсатдан гоҳ у, гоҳ бу ҳайвон ниқобни шиддат билан олдинга иргитар, шарнирдаги ричаг тўғриланиб узаяр, ниқобнинг ўткир тирноқлари ўлжани ушлар ва дарҳол оғизга олиб келарди. Ҳайвон ўлжасини ер, ричагли ниқоб эса ўлжани қўл каби ушлаб турарди. Кутилмаганда бу ҳайвонлар бирданига сув ости дарахтларидан сакраб, улкан тезликда сол ёнидан ўтиб кетишди. Улар сувни ютиб, катта куч билан чиқарарди; сув узилиб-узилиб отилиб чиқар ва ҳайвон танасини олдинга итарарди.

Ҳа, булар... ниначи личинкалари — тез орада ниначига айланади ва дарё устида улуғвор, тез учиб юради.

## 16 - в а р а қ

Узоқда олтиндек ялтираётган нима? Биз оролга сузиб кела бошладик. Кимнингдир катта қўллари сув остидан чиқиб, шу оролни четидан ушлаб турибди.

Дастлабки қарашда шакли ва қиёфаси билан тимсоҳни эслатувчи ҳайвон сувдан кўтарилиб, оролга чиқа бошлади. Унинг елкасида тишли қирраси бор эди. Ҳайвон ёнбошлаб ётди, мен унинг қорни пушти ранг бўлиб, қора доғли эканини кўрдим. Олтинсимои сариқ кўзлари мени кузатиб турарди. Даҳшатли калтакесак!

Оқим эса солни тўғри оролга ҳайдаяпти.

Калтакесакнинг аррасимои умуртқаси тобора аниқ ва равшан намоён бўляпти. Мана у оролдан тушди. Думи билан сувни урди. Сол қаттиқ тебраниб кетди. Калтакесак сувни ёриб, солга яқинлашяпти. Ўргимчак сакраб кетди ва қўрққанидан солда пизиллаб қолди. У ипни узиб, қандай гойиб бўлганини сезмай қолдим. Сол эса устидаги юки билан чирпирак бўлиб айлана бошлади. Мен сувга йиқилиб тушдим ва ёлдор калтакесак ўргимчакни қувлаб кетаётганини кўрдим.

Сол четига тирмашиб, унга чиқишга уриндим, лекин сув мени четга суриб юборди. Қайиғим ичидаги кунда-

лигим билан бирга борган сари узоқлашиб кетяпти. Ҳолдан тойиб, бор кучим билан сол кетидан суза бошладим.

Узоқда, дарёнинг бурилиш жойида сувдан қандайдир дарахтлар чиқиб турибди. Улар солни бир оз тўхтатиб қолди. Солга етиб, устига чиқиб олдим. Кундалик солинган қоп бутун эди. Атрофга алангладим: на орол, на калтакесак, на солнинг эгаси — ўргимчак кўринди.

Оқим яна солни суриб кетди.

Солни таъқиб қилган даҳшатли ёлдор калтакесак — тритон, у итбалиқ, қурт ва бақа тухумлари билан овқатланади. Бақага ўхшаб ҳаво билан нафас олади. Сувдан чиқиб, ишлатилган ҳавони чиқариб, ўпкасидаги ҳаво запасини янгилаб, яна сув остига шўнғийди.

## 17 - в а р а қ

Дарёнинг текис сатҳи жимиради, солга яқин дарахтлар қаттиқроқ силкинди. Дарахтларнинг акси сувга ботиб кетгандек ғойиб бўлди. Шамол ғувиллаб, чийиллаб эса бошлади. Қирғоқдаги ўтлар ваҳимали шовиллай бошлади. Уларнинг шовқини тинар ва яна янги куч билан бошланарди. Шамол солни пайраха каби ўйнай бошлади. Уни бошқара олмай қолдим. Қўлёзма солинган қопни омон сақласам бўлгани. Қопни арқон билан яна бир бор ўраб чиқдим ва ўзимни солга маҳкамроқ боғлаб қўйдим.

Нега бу солга чиқдим, қимматли юкимни — кундалигимни, нега асов сувга ишониб топшира қолдим!

Сўнгги пушаймон нақадар аччиқ!

Устимда қанотлари ялтироқ ва шаффоф қушлар учмай қўйди. Солимнинг хавfli ҳамроҳлари сув тубига тушиб ғойиб бўлишди, яшириниб олишди.

Фақат шамолгина мени ёлғиз қолдирмай увиллаб, солни ҳайдаб кетяпти. Қаёққа ҳайдаяпти? Тўппа-тўғри қирғоққа. Афсуски, мен интилган қирғоққа эмас!

Шамол солни айлантириб, шовиллайди, увиллайди.

Шу дақиқада туманда гудок чалиб, бир-бирига хабар берувчи пароходларни эсладим.

Сол қирғоққа урилмаслиги учун таёқни чўзиб турдим. Лекин шамол ҳар бир ҳаракатимни пойлаб тургандек эди. У гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан эсар, менинг ҳаракатларим зое кетарди. Шамол орқамдан катта яшил ўт-

ларни ҳайдаб келарди. Улар тебранар, ҳар томондан мени қуршаб келарди. Шу тариқа сол ўтларга илашиб, бирга суза бошлади. Сол сузиб юрувчи бепоён яшил майдон орасида кўринмай кетди.

Шамол қулоғим остида кучлироқ чийиллай бошлади. Юқорига қарадим: осмонни қапдайди қора латталар беркитиб турибди. Сол тебраниб кетди. Мени қуршаб турган зулмат ҳам тебраниб кетди. Булутлар орасидан ёрқин пур тешиб ўтиб, атрофни ёритди, шу дақиқада яшил далалар янада ям-яшил бўлиб кетди. Юкни қутқариш керак! Қўлёзма солинган қопни солга маҳкамлаётиб ўзим боғлаган тугунни ечишга улгурдим. Силкиниш кучайиб кетди, сол деярли тик туриб кўтарилди, қоп боғланган арқон учини ушлаб қолишга зўрға улгурдим. Шамолнинг гувиллаши орасида бўғиқ вақиллаш эшитилди. Яқин орада очиқ оғиз-қутн ялтираб кўринди. Сариқ қумлоқ кўзга чалинди. Бу оролми? Еки дарёдаги қумлоқ жойми? Сол кўтарилди, остимдаги яшил дала кўзгалди. Осмон силкиниб кетди...

## 18 - в а р а қ

Кема ҳалокати!

Финикияликлар уч қатор эшкакли ва йўловчи шамол эгандагина кўтариладиган тўрт бурчак елканли трирема деб аталувчи кемаларида Узоқ Африкадаги Родезия қирғоқларигача сузиб борган даврларда;

Жасур денгизчи норманнлар Скандинавиядан чиқиб, йўлни юлдузларга қараб белгилаб, учи ўткир қайиқларида Гренландия ва Исландия қирғоқларигача, беш юз йилдан кейин Америка деб аталган қитъа қирғоқларигача сузиб борган даврларда;

Чети биланд, уч мачтали елкан кема — каравеллалар узоқ океанда шамол тўхтагач елканлари осилиб, денгизчилар эса, қачон шамол туриб, елканларни ҳаракатга солади; олтин ёмбилар ва қимматбаҳо тошлар кузги япроқлардек ерда думалаб ётган мамлакатга каравеллаларни қачон етказди деб, осмонга гамгин тикилиб ўтирган даврларда... — ҳамма даврлардаги кема ҳалокати тарихида кема билан бирга бутун экипаж чўкиб кетган ва бир кишининга омон қолган ҳоллар жуда кўп бўлган. Аммо кема ҳалокатидан сўнг омон қолган ўша одам қандай қилиб ва нима учун омон қолганини билолмаган. Бир кишини, фақат бир кишини қирғоққа чиқариб

ташлаган денгиз сувларигина буни биларди. Аммо денгиз суви уни қирғоқда қолдириб, ўзи шошилинич денгизга чекинган. Секин шалоплаб, оҳиста гуриллаб, ғамгин инграган...

Нега чўкиб кетмаганимни мен ҳам билмайман, изоҳлаб ҳам беролмайман. Қирғоқда ётибман. Илиқ, ипакдек майин шабада юзимни силаб, юпатади. Юқорида сокин ложувард осмон. Қаддимни сал кўтариб дарёга қарадим. Дарё жуда кенг, нариги қирғоғи зўрға кўринади. Нақадар сокин, тинч, оҳиста оқувчи дарё! Шамол менинг солимни шу тинч оқар сувда гирдиқапалак қилдим, шу сувда яшил ўтларга ўраб, қирғоққа келтириб урдими? Солим шу дарёдаги бўронда тўнкарилдимми?

Сув ўтлари даласи эмиш!.. Сув устида оддий яшил бақатўн, ям-яшил бақатўн сузиб юрибди. Ботқоқда... оқар ариқчадаги бақатўнда чўкиб кетишимга сал қолди.

Лекин яшил фикрлар аччиқ мулоҳазаларни суриб ташлади. Қўлёзма солинган қоп балки оқиб кетмагандир, бақатўн устида қолгандир? Қидириб топаман, кундалигимни албатта қидириб топаман. Бу Буюк Сокин дарёда динозаврлар яшайверсин. Майли, аянтикозаврлар бўрон увиллашини босиб вақиллайверсин. Лекин мен Буюк Сокин дарё бақатўн босган, оддий тритонлар ва сувбақалар яшайдиган кичик ирмоқча эканлигини биламан.

Кундалигимни ҳам топиб оламан! Унинг устидан мум қуйилган, сув ўтмайдиган қопга солинган — нам ўтмайди.

## 19 - в а р а қ

Кун сайин қирғоқни кезар, бақатўнлар орасида сузар, қопни қидириар эдим. Тополмадим! Аммо уни сув оқизиб кетганини ўйлашни ҳам хоҳламасдим. Ўзимни ишонтирмоқчи бўлган нарсага ишониб қолган: қоп шу ерда, яқин ўртада деб ишонардим. Лекин қаерда у? Бақатўн устида йўқ эканми, демак уни бирор жондор сув тубига тортиб кетган. Демак кундалик солинган қопни сув тубидан қидириш керак.

## 20 - в а р а қ

Сол ағдарилиб кетган жойни эслашга, ўша жойни топишга ҳаракат қилдим. Сувга шўнғиш, кундаликни сув тубидан излаш лозим. Лекин қаердан, қайси жойдан излаш керак?

Аэростатлар... аэростатлар... аэростатлар. Баъзан сен ўйлаган нарса билан, атрофингдаги нарсалар билан алоқаси бўлмаган бирор сўз хаёлингга келиб қолади. Бу сўзни унутолмайсан, миянгда жараанглайверади ва уни қайта-қайта такрорлайверасан.

Жуда оч эдим, қирғоқда тенгиб юриб, бирор емиш топиш ҳақида ўйлардим-у, лекин миямдан кетмаётган сўзни такрорлардим: «Аэростатлар... аэростатлар...» Бу сўз миямга қаёқдан келиб қолди? Ҳаммаси очликдан. Бошим жуда айланяпти! Осмонда булутлар сузиб юрибди, чиқиб бўлмас баландликда тебраниб, сузиб юрибди. Булутлар остида эса олпоқ соябонлар, момиқ супурги-лар, ҳар хил рангдаги шарлар — гуллар сузиб юрибди, тебраняпти. Бошим айланяпти. Миямга эса «Аэростатлар» деган бир сўз тикандек ёпишиб олган.

## 22 - в а р а қ

Нақ қирғоқда сув устида қандайдир ўсимлик барги ястаниб ётибди. Узунчоқ ва тўқ яшил бу барг тропик фикус баргига ўхшаб кетади. Мен бу япроқлардан бир неча баравар кичик эдим. Сув устида пушти гуллар шодаси улуғвор тебраняпти. Бу сувда ҳам, қуруқда ҳам ўсадиган ясиқ эди.

Сув уни нектари учун ёпишадиган чақирилмаган меҳмонлардан ҳимоя қилиб турарди.

Мен эса оч қолган, чарчаган эдим, пушти гулларга узоқдан қараб турар, уф тортиб, ясиқ гулчанги ва нектари нақадар ширин ва тўйимлилигини эслар, лекин нима қилишимни билмас эдим. Сузиб, бу бутагача етиб боролмайман — кучим етмайди. Сувдан четлашиб, қирғоқда бошқа ясиқ тупига кўзим тушди. Бу ерда у нектар ўғриларида ўзини бошқача ҳимоя қиларди; пояси ёпишқоқ суюқлик чиқарадиган тук билан қопланганди. Унда ёпишиб қолган қўнғизлар, чумолилар типирчиларди. Чумолидек «ёпишиб» қолмаслик учун қуриган баланд бута устига чиқдим. У ясиқнинг ёнгинасида эди. Ясиқнинг пушти гулларини тортиб, эгиб, гулчангидан едим, нектарини ичдим. Гули қўлимдан чиқиб кетгудек бўларди. Мен қўйиб юбормасдим. Бу тушликми ёки кечки овқатми? Бари бир эмасми! Муҳими — қорним тўйди.



Лекин бошим ҳамон айланаяпти. Балки овқат ва ичимликдандир, балки жуда баландга чиқиб олганим учун шундай бўлаётгандир...

Йиқилиб кетмаслик учун жуда эҳтиёткорлик билан пастга тушдим.

Аэростатлар... аэростатлар...

## 23 - в а р а қ

Оқшом. Қуёш ботиб бормоқда. Катта серсув дарё устида яна ниначилар учиб юрибди. Уларнинг ялтироқ ингичка ва узун қанотлари камалак рангида товланади.

Улар тўлқинларни узоқ йўлга ташвишланиб кузатиб қўйишар ва дарё муюлишида ғойиб бўлишарди.

Яна миямда аэростатлар сўзи жаранглай бошлади.

Қаердадир, қачонлардир жуда кўп аэростатларни кўргандайман. Узун симлар билан боғлаб қўйилган кумушсимон, енгил аэростатлар сал-сал тебраниб турар, интилар, чўзилар, учиб кетишга уринарди. Лекин уларни қачон, қаерда кўрувдим? Ёдимда йўқ. Барг устида ётиш учун дарахтга чиқдим: ерга нисбатан бу ерда ухлаш тинчроқ ва хавфсизроқ. Барг томирлари ботиб, анчагача у ёқдан-бу ёққа ағдарилдим ва ниҳоят қулай жойлашиб олдим.

Ёнимда барглар поғона-поғона бўлиб ўсган. Ҳар бирида минг-минглаб ўзига хос туйнуклар бор. Улар эрта-лаб ва кечқурун ранг очиқ — соф ҳаво ўсимликни шамоллатиб, тозалайди. Лекин кун исиганда туйнуклар бекилади. Бу туйнуклар япроқ оғизчалари экаңлигини билардим. Ўсимлик уларни очиб ва ёпиб сувнинг буғланишини бошқариб туради.

Бир оз тебранаётган барг устида ётиб, мудроқ аралаш баргнинг турлича шаклдаги четларига қарар, аэростатни ҳеч бўлмаса тушимда кўрсам эди, деб ўйлардим.

Шунақа ҳам бўладику — одам нимани кўп ўйласа, ўша тушига киради. Ҳаммасини эслаб, хурсанд бўлиб уйғонади.

Йўқ, туш инсон измига кирмайди.

Тушимга бутунлай бошқа нарса кирди. Секин кетаётган вагоннинг юқори полкасида ётибман. Бирдан поезд тўхтади. Пастга йиқилиб кетишимга сал қолди. Йиқилиб тушяпман-у, полка четларини ушлайман. Уйғониб кетдим.

Күёш баяндага кўтарилган. Ўзим эса баргининг энг четида ётибман. Барг ўзини кўёшга тутиб, унга ўгирилмаган, мен эса сирғалиб кетаверганман. Мана сенга секин юрар поезд! Мана сенга аэростатлар!

Дарёдан илгичка, ўткир овозлар эшитилди. Чивинлар музикаси бошланган эди. Атрофга қарадим ва ўнг томонда, баргининг орқасидан қандайдир улкан соя тебраниб турганини кўриб ҳайрон қолдим. Соянинг тебраниши бирдан кучайди. Нур ва соя ўйини! У шундай липиллардики, қараб туриб кўзларим тиниб кетди. Ургимчак тўқиган катта тўр, арқонлар билан дарахтларга боғланган эди. Шамол йўқ, лекин липиллаш, нур-соя ўйини тўхтамаяпти. Демак тўрни ўргимчакнинг ўзи силкитяпти. Хавф туғилган дақиқада ёки ўлжасига ташланаётганда шундай қилади: липиллашдан тўр эриб, ёйилиб кетаётгандек кўринмай қолади.

Лекин нур-соя ўйини ва тез липиллаш аста-секин тўхтади. Тўрнинг улкан сояси жимиб қолди.

Барг устидан ерга тушиб, тўрга пастдан туриб қарадим. Ургимчак ўлжаси ҳам, унинг кушандаси ҳам кўринмади. Фақат кўёш нурида ёпишқоқ суюқлик томчиларигина ялтирарди.

Эсладим! Ҳаммаси ёдимга тушди! Аэростат!

Сол ағдарилган дақиқада, худди ўша дақиқада сув қаърида худди шу ўргимчак инига ўхшаш тўрни кўргандим. У сувда тебраниб турар ва аэростатга жуда ўхшарди. Ҳаммаси равшан: кундалик солинган ва чўкиб кетган қопни сув ичида боғлаб қўйилган аэростатга ўхшаган худди шунақа тўр турган жойдап қидириш керак.

Ургимчак тўрига қанчалик узоқ қараб турсам, миямда «аэростат» сўзи нега ўрнашиб қолганлиги шунчалик равшанроқ бўларди.

## 24 - в а р а қ

Сувга шўнғиш керак. Сув остидаги аэростатни топсам — унинг ёнида кундалик солинган қопни ҳам топаман.

Олдинги «катта» ҳаётимда сузишга уста эдим ва чуқурликка шўнғувчиларнинг бурни, қулоқлари ва оғзидан қон оқишини яхши билардим. Шўнғувчилар сув остида икки минутча тура олишларини билардим.

Худди марварид қидирувчилардек қўлимга оғир тошни олдим-да, сувга сакрадим. Тош пастга тортиб кетди.

Қулоқларим шанғиллади. Атроф равшан кўринмайди. Олдимдан нимадир липиллаб ўтди. Тошни ташлаб, сув юзига сузиб чиқдим. Қумлоқ соҳилда зўрға ўзимга келдим. Юрагим тез уряпти. Бошим тобора баттароқ айланаяпти. Қулоғимнинг шанғиллаши босилмасди.

Қийинчилик билан қандайдир бир ғорга судралиб бордим! Бу кимнинг ини? Бари бир эмасми — унда ҳеч ким йўқ. Бир амаллаб катта тошни ғорга думалатиб келдим-да, оғзини бекитдим. Ғор ичида деворга суяниб, мудрай бошладим.

## 25 - в а р а қ

Янги кун бошланди. Янги кун билан бирга янги мулоҳазалар бошланди. Сувга шўнғувчилар сирини эслаш ва уни топиш керак. Қадим замонларда қандай мўъжизакор шўнғувчилар бўлган! Форслар подшоси Ксеркс греклар билан жанг қилган ва сувга шўнғувчи грек Силлиасга катта чуқурликка чўкиб кетган кемадаги бойликни олиб чиқишни буюради. Силлиас бойликни олиб чиқиб, подшога келтириб беради. Лекин шўнғувчининг маҳоратига қойил қолган ксеркс унга жавоб бермай, кемада олиб қолади. Аммо бўрон кўтарилиб, денгизда довул бошланганда сувга шўнғувчи грек Силлиас кемадан ўзини денгизга ташлайди ва қутулиб кетади.

Бу ғаройиб воқеа, лекин у сувга шўнғувчи грек Силлиаснинг сирини очиб бермайди.

Шўнгишга ўрганиш керак. Яна ва яна шўнгиш кўрак.

Оҳиста дарё бўйига келиб, олдинги тошимни олдим, чуқур нафас олиб, сувга тушдим. Худди шу пайт кўлим қандайдир қувурга теккандек бўлди. Ҳатто қувур жонли нарсасдек ўзини четга олганини сездим. Мен сув тубига тушиб борардим, кимдир қирғоқда туриб ғалати жонли ип билан балиқ овлаётгандек, қувур ҳам сув тубига чўзилган эди. Сув тубида дарров лойқага ботиб қолдим ва оёғим остида қандайдир жондор қимирлаётганлигини сездим. Йиқилиб кетмаслик учун беихтиёр қувурни ушлаб қолдим, лекин у ғалати тарзда қисқариб, пастга тушиб кета бошлади. Гўё сув тубида уни кимдир тортаётгандек эди. Лойқа ичига кўмилиб олган жондорнинг жонли ўсимтасини ушлаб турганимни сездим.

«Сув ости» балиқчиси жонли қармоғини сув юзига чиқариб турганга ўхшарди.

Мен қиргоққа сузиб чиқдим. Ғор оғзида ётиб, сувда менга нима бўлгани ҳақида ўйлар эканман, бирдан мен ушлаган нарса лойқачи-пашша личинкасининг нафас оладиган трубкаси эканлигини фаҳмладим.

Пашша личинкаси сув тубида, лойқага кўмилиб яшайди ва дум томонидаги ўсимтаси — нафас олиш трубкасини сув юзига чиқариб қўяди. Шу трубка орқали личинка соф ҳаводан нафас олади. Сув кўпайиб, сатҳи кўтарилса нима қилади? У ҳолда нафас олиш трубкаси узаяди. Агар сув камайса, у ҳам қисқаради.

Энди сув тубида қандай юришни ва сув остида бир-икки минут эмас, кўпроқ туришни билиб олдим. Бунинг учун лойқачи-пашша каби трубка орқали нафас олиш керак. Оғзимда трубкани ушлаб, сув тубида юраман ва кундалик соллинган қопни қидираман, аэростат куполига ўхшаш ўргимчак тўри сув ичида тебраниб турган жойдан қидираман.

## 26 - в а р а қ

Тонг, похол найча топиш керак, деган сўздап бошланди. Мен сули бошоғини қидирдим. Баъзан тўхтаб, кўзимни юмардим, шундай пайтда пишиб етилган сули бошоқларининг шамолда шитирлаши бу ерга, Бўлиқ Утлар ўлкасига етиб келаётгандек туюларди. Пишиб етилган бошоқ оғир бўлади, шамол эса қаттиқ эсади, лекин пояси синиб кетмайди, фақат эгилади ва силкинади, холос. Бошоқлар шитирлаши эса тинмайди.

Эсимда бор, Парижда Жаҳон виставкасининг очилишига Эйфель минораси қурилган эди. Уша вақтдаёқ француз олими Фансе ихчам, мустаҳкам ва чиройли нишоот намунаси деб сули поясини айтган эди. Эйфель минораси, деб ёзган эди у, кўпчилик ўсимликларга нисбатан қўпол ва кенгдир. Пастади диаметри уч миллиметр бўлган сули поясининг баландлиги тахминан бир минг беш юз миллиметрга тенг бўлади. Эйфель минораси эса, мустаҳкамлиги ва баландлиги жиҳатидан сули поясига тенглашиш учун саксон уч баравар баланд бўлиши керак.

Поя излаб дайдиб юрганимда ана шуларни эсладим. Утлар ўрмонида ғоят узун сариқ трубаши кўрдим, унинг ҳар жой-ҳар жойида катта бўғинлар бор эди — шу сули бошоғи! Буни кўриб, қидирганим бефойда эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Мен бу поядан бир неча баравар кичик эканлигимни унутиб қўйган эканман.

Ўсимликнинг қуруқ пояси ичи ғовак ва ингичка эди. Уни чиғаноқнинг ўткир қиррали парчаси билан кесдим. Ниҳоят кутган вақтим келди: пояни оғзимда ушлаб, сувга шўнғидим ва тубига тушдим.

Сув тубида эҳтиёткорлик билан бир неча қадам юрдим; поянинг бир учи оғзимда, бир учи сув юзида. Оғиз билан нафас олиш қийин, поя ҳар бир ҳаракатимга халақит беради. Устимда сув қатлами. Аммо бу ҳақда ўйламаслик керак. Ҳамма вақт қоқилиб, йиқилиб кетмаслик, оғиздан пояни чиқариб юбормаслик, поянинг юқоридаги учини сув ичига тортиб юбормаслик ҳақида ўйлаш керак. Мен хавфсизраб, бир неча қадам юрдим. Қандайдир ғалати ялтираб турган катта тепалик йўлимдан чиқиб қолди. Уни айланиб ўтиш керак.

Аммо кўрқиб кетдим. Тепалик ўрнидан қўзғалиб, сал кўтарилди. Унинг ичидан ўсимта чиқиб келди. Қандайдир жонли махлуқ ҳалиги ўсимтага таяниб, тўғри мен томонга кела бошлади ва мени кучли сув оқими билан урди. Сув ичида сув! Йиқилиб тушдим, лекин трубкани қўйиб юбормадим. Худди брандспойтдан, ўт ўчириш машинаси ичаги учига ўрнатилган темир пайнақдан отилиб чиққан сувдек кучли оқим менга урилди. Мен дарё тубида ётар, трубкани қўйиб юбормай, нафас олардим. Оқим зарбаси тўхтади. Уримдан турдиму ҳалиги «жонли ишшоот» жуда яқинимга келиб қолганини ва мени ўз ичига тортиб, сўриб олаётганини кўрдим. Сув ости ўсимлиги танасига ёпишиб олдим. Оғзимдан трубка чиқиб кетди. Сув ютиб, юқорига сузиб чиқишга уриндим...

## 28 - в а р а қ

Аэростат! Сув ичида кумушсимон аэростат! Мен мина остида ўтириб, бемалол нафас олардим. Унинг ичига қандай кириб қолдим? Қандай тасодиф мени қутқариб қолди?

Трубкани қўйиб юбориб, сув ютиб, сув юзасига кўтарилиш учун қандайдир ҳаракат қилдим-у, аэростат ичига кириб қолдим. У мен йиқилиб тушаётиб ушлаб қолган сув ости дарахти шохларига осиб олинди туларди. Аэростатни бу ерга ким осиб қўйган? Уни ҳаво билан ким тўлдирган? Бу ҳақда кейинроқ айтаман.

Шу ерда бирдан айтиб қўя қолай — аэростат ичига кириб қолгач ўйлаб кўрсам, мени оқим билан уриб йиқитган, ўз ичига тортиб, сўриб кета бошлаган тепалик оддий икки паллали чиғаноқ экан. Бу моллюск сув ҳавзалари тубидаги юмшоқ лойқага ярим кўмилиб олади. Унинг паллалари секин очилади ва уларнинг оралигидан оёғи — юмшоқ сарғиш тўмтоқ ўсимта чиқади. Моллюск сув тубида ўрмалаб юради. Тезлиги соатига йигирма-ўттиз сантиметрдан ошмайди. Моллюскнинг иккита найчаси бор: Бири ишга тушса — сувда сузиб юрувчи майда жондорларни катта куч билан сўриб олади. Шохсимон парраклари қўлга тушган жонли овқатни оғизга ҳайдаб беради. Кераксиз, сузиб олинган сув эса иккинчи найча орқали чиқариб юборилади. Моллюск тўйгач паллалари ёпилади ва у қимирламас тепаликка айланади...

Оқим мен ўтирган аэростатни сал тебратиб турибди. Унинг қалин арқон тўрга (мустаҳкам каркас) моҳирлик билан тортилган шаффоф сферик қобиғи сув ости дарахтлари танасига маҳкамлаб қўйилган эди.

Сол ағдарилган дақиқада шу аэростатни кўрмаганмикинман? Эҳтимол, шу яқин ўртада, аэростат боғлаб қўйилган дарахт тагида кундалигим ётгандир... Шу яқин ўртададир!

Тўрнинг арқонларидан бири устида оёғим билан иккинчи арқонга тиралиб дам олиб ўтирардим.

Енгил соялар пайдо бўлар, сирғанар ва сув қаърида ғойиб бўларди. Ноаниқ товушлар эшитилар, сўнг сувда эригандек жимиб қоларди. Бу ерда нимқоренғи, юқорида дарё устида эса қуёш нур сочмоқда. Унинг илиқ нурлари сувда синиб, букланиб бу шаффоф оламгача етиб келади.

Вақт бўлди! Тезроқ қирғоққа чиқиш керак! Янги ичи ковак поя топиб, дарров қайтиб, шу аэростат остига шўнғиб кириш керак.

Бу шаффоф ва тинч уйни қурган махлуқ қайтиб келмай туриб уйдан чиқиб кетиш зарур...

Ён томондаги сув ости ўсимлиги пояси орқасидан ялтираган саккизта кўз менга қаради. Ана! Сув остидagi уйнинг эгаси! Сув ўргимчаги! Кумуштана — аргиронета!

Бу сув ости қўнғироғини — унинг инини мен аэростат деб ўйлабман.

«Қочиш керак!» деган фикр хаёлимдан ўтди. Шу замони бошқа фикр келди: «Мен ер юзида эмасман! Бу ердан шўнғиб чиқиш, сузиб кетиш керак!»

Бир дақиқа ўзимни йўқотиб, иккиланиб қолдим. Шу дақиқада ўргимчакдан арқон чўзилганини кўрдим. Аммо у менинг бошпанамга эмас, бошқа томонга чўзилди. Тўсатдан арқон қандайдир бир ўсимлик танасига ўралди. Сўнг сув ўргимчаги уни яна олдинга ва яна орқага тортди.

Мен уни кузатиб туриб, худди шунга ўхшаган бошқа ўргимчак уйда ўтирганимни унутиб қўйибман, сувда яшайдиган хўжайини — ўргимчак бирдан уйига қайтиб келиб, чақирилмаган меҳмоннинг устидан чиқиб қолишини унутиб қўйибман.

Сув ўргимчаги арқон учларини гоҳ дарахт танасига, гоҳ тошга ёпиштираётганига кўз узмай қараб турардим. Арқон қимирлар, гўё жонлидек эди. Саккизта кўз ҳар томонга қараб, ялтираб турарди. Арқон бирор жойидан чигал бўлмади ва узилмади. У қийшиқ кўп бурчак шаклида сув тубига чўкди. Ўргимчак арқоннинг ўтларга ва тошларга ёпиштирган жойлари йўғонроқ эканлигини сездим. Кўп бурчакдаги чизиқлар сони дақиқа сайин кўпаяверди ва аста-секин бу чизиқлар майда кўзли тўр ҳосил қилди.

Аммо қурувчи бирдан тўрнини қолдириб, менинг аэростатим ёнидан сузиб ўтиб кетди: унинг жағи иккита ва тукдор эди. Аммо назаримда дарё тубида тўр билан бирга саккизта ялтираган кўз қолгандек эди.

Кўп ўтмай қурувчи ўргимчак яна пайдо бўлди. У сув юзида кийиб олган ҳаво пуфакчаларидан иборат кумушсимон кийими ярқираб кетди. У дарё тубига, тўр ёнига тушди. Тўрни бир оз кўтариб остига кирди-да, оёқлари билан ялтироқ кийимини еча бошлади. Ҳаво пуфакчалари ўргимчак тукларидан ажралиб, тўрга ёпишар ва уни юқорига кўтарар эди. Ўргимчак сув юзига чиқиб яна ҳаво олиб келар, уни тўр остида қолдириб яна ҳаво олиб келгани сув бетига чиқарди. Кейин у яна тўр тўқишни давом эттирди, тўр катаклари қалин ва майда бўлиб қолди.

Кўп ўтмай ўргимчак олиб келган ҳаво пуфакчалари энди тўрни эмас, чодирнинг кумушсимон матосини кўтариб турарди. Сув ўргимчаги шу чодирда яшайди.

Ҳаво кўтариб турган кумушсимон шар — аэростат учиб кетишга уринар, лекин уни сув ости дарахтларига ва тошларга боғлаб турган арқонлар қўйиб юбормас, маҳкам ушлаб турарди.

Менинг солим аэростат ёнида ағдарилиб кетган эди. Аммо сув остида ўргимчак янги аэростатни қандай ясаётганини кўрдим. Сув остидаги нимқоронғиликка аста-секин ўрганиб, узоқда ва устимда осилиб турган аэростатларни ажрата бошладим. Ҳаммаси кумушсимон, енгил, бир-бирига жуда ўхшайди. Улар жуда кўп.

Ҳаво етишмай қолиб, нафас олишим қийинлашиб, бошим айлана бошлади. Сув сатҳига чиқадиган вақт бўлди, бундай вақт аллақачон келган. Лекин мен турли жойларда тебраниб турган аэростатларни томоша қилиб, пайсалга солардим. Яхшилаб қараб, баъзи сув ости қўнғироқлари ичида кумушсимон ўргимчаклар оёқларини йиғиб, дам олишаётганини, бошқаларида ўлжаларини еяётганини кўрдим.

Бу ерда нечта ўргимчак бор? Нечта кумушсимон аэростат ясалиб, сув ости ўтларига осиб қўйилган? Кундалик солинган қопимни қаердан, қайси бирининг остидан, қайси аэростат ёнидан қидирай?

### 30 - в а р а қ

Буюк Сокин дарё тубида дайдиб юрган ким? Бирдан тўхтаб, энгашиб, қўлига ниманидир олаётган, тикилиб қараётган, аланглаётган ва яна тентираётган ким?

Бу бошига скафандр кийган, қўлига чиганоқнинг ўткир қиррали парчасини ушлаб, билагига арқон ўрамини ташлаб олган митти одам.

У одамларга бермоқчи бўлган кундалигини, Бўлиқ Ўтлар ўлкасидаги тажрибалари, кузатишлари, кашфиётлари ёзилган кундаликни, фанини ҳамда одамлар ҳаётини бойита оладиган маълумотларга тўла кундаликни қидирапти.

Кумушсимон ўргимчак инидан шўнгиб чиқиб, қирғоққа чиққанимдан кейин, энди Буюк Сокин дарёга бошқача, хотиржам ва дадил қарайдиган бўлдим. Ахир унинг қаърида кумушсимон ўргимчаклар мен учун нил қуриб, ичини мен учун ҳаво билан тўлдирмаяптими? Мен улардан бирининг олдига сузиб бораман ва чиганоқнинг ўткир парчаси билан арқонларни кесаман. Бу ҳаво тўла қўнғироқни кийиб сламан-у, дарё тубида кундали-



гимни бемалол қидравераман. Скафандр ичидаги ҳаво тамом бўлса, уни бошқасига алмаштираман. Дарё тубини титкилаб чиқаман, қидирмаган жойим қолмайди.

Арқонни кесганимда ҳаво тўлдирилган аэростат учиб кетиши керак. Лекин дарё тубида тош кўп, уларни арқонлар учига юк қилиб боғлаб қўяман, шундай қилсам аэростат сув юзига сузиб чиқмайди.

Ҳар куни скафандрни алмаштириб, қирғоқ бўйини титкилар, сув ости буталарини, посяларни, шохларини, баргларини... текшириб чиқардим. Саргузашт дейсизми? Жуда кўп бўлди.

Бир куни скафандр кийиб бир-икки қадам қўйдим-у, бирдан нафасим бўғилаётганини сезиб қолдим. Скафандр катта бўлса ҳам, нима учундир, ҳаво етишмай қолди. Ундан зўрга бошимни чиқариб, сув юзига сузиб чиқдим. Аэростат қирғоққа сузиб келганда унга қарасам, ўргимчак ўз инини икки қаватли пишиқ шаффоф мато билан ажратиб, иккинчи қаватга тухум қўйган экан. Бу тухумлардан ўргимчак болалари чиқади. Одатда бундай ҳолларда ўргимчак биринчи қаватда тухумларини қўриқлаб ўтиради. Лекин бу сафар «бека» бирор жойга кетган бўлса керак. Мен эса сезмай, икки қаватли аэростатни кийиб олибман.

Истисносиз ҳар куни дарё тубига тушиб, кумушсимен ўргимчакнинг бўш инини таплаб, арқонларни кесар, уларга посанги учун тош боғлаб, бу скафандрни кийиб олиб, сув қаршилигини енгиб, дарё тубида юрардим. Шу тариқа кундалик солинган қопни қидирардим.

Етар, қидирувни тўхтатиб, ёзганларимнинг ҳаммасини эслаб янги кундаликни бошлаганим яхшироқ эмасмикин? Лекин ёзиб тугатиш учун узоқ вақт кетади. Қоғоз, сиёҳ, перо тайёрлашнинг ўзига қанча вақт кетади-ю! Хуллас мнх ёзув давридагидан ҳам секинроқ ёзган бўлиб чиқаман.

Одамларга айтиб беришим зарур бўлган янги кашфиётлар кўп, ҳа, жуда кўп. Ҳаёт эса жуда қисқа...

### 31 - в а р а қ

Аммо вақти-соати келиб кундалигим солинган қспни топиб олдим.

Эсимда бор, ўша куни эрталаб қидиришни тўхтатиш керак деган умидсизлик билан уйғондим. Сўнг сув туби-

га тушишга истар-истамас тайёрлана бошладим, дарёга қарадим у кутилмаганда умид қувончи мени қамраб олди.

Албатта, умид, ишонч ва қувонч осмондан тушгани йўқ. Буни изоҳлаш осон. Қирғоқнинг бир муюлишида сув секинроқ оқишини кўп марта сезгандим. Сезган эдим-у, лекин бу ҳақда ўйламаган эдим. Уша кунни эрталаб кундаликни қидириб топшидаг умидимни узиб қирғоққа келиб, дарёга қарадим-у, ўзимча хулоса чиқардим: кундалигим оқиб кетаётиб, сув оқими деярли билинмайдиган жойда тўхтаб қолиши мумкин. Шундан кейин қалбимда, бугун кундаликни топаман, деган ишонч пайдо бўлди. Икки туйғу — умидсизлик ва ишонч тўқнаш келгани эсимда. Улардан бири — умидсизлик эриб, йўқ бўлиб кетди.

Дарё тубига тушдим. Бошимга скафандрни кийиб, дарё бурилишига етиб бордим. Мендан бир неча ўн қадам нарида, қўлтиқ бошланадиган жойда, сув ости дарахти шохлари остида кундалик солинган қоп ётарди.

Қопни топганимдан ажабланмадим, бақириб ҳам юбормадим — севинганимдан свозим чиқмай қолди. Қўлтиқни илгарироқ қидириш хаёлимга келмагани ғалати туюлди. Тўғри, пилла-қопим сувда тебраниб узоқ оқиб келган. Лекин арқон ечилиб, сув пилла ичига ўтган ва шундан сўнг қоп дарё тубига чўккан. Кундалик варақлари маҳкам боғланиб, устидан мум қуйилгани учун сув кундаликка ўтмаган.

Мана у—Бўлиқ Утлар Улкасидаги минг-минглаб соат ёлғиз ҳаётим меваси, одамлар билан меннинг узлуксиз суҳбатим. Энди бу одамларни ҳеч қачон кўра олмайман, ҳеч қачон! Мана у — мислсиз изланишларимнинг содиқ йўлдоши, кулгили саргузантларимнинг, иложсиз ва даҳшатли воқеаларнинг унсиз гувоҳи, меҳнатимда, изланишларимда ва кузатишларимда меннинг ёрдамчим... Уйқусиз ва нотинч тунлардаги, сокни тонг ва ўйчан кечки пайтлардаги фикр-ўйларимни, топилмаларим ва кашфиётларимни ишонган ягона дўстим. Мана у, меннинг кундалигим! Мендан бир неча қадам нарида ётипти.

Скафандрни бошимга маҳкамроқ тортиб қадам қўйдим...

Лекин кундаликни ололмадим.

Қўлтиққа кираверишни қандайдир сув ости дарахти тўсиб турарди. Кундалигим солинган қсп ўша дарахтнинг орқасида ётарди. Уни олиш учун дарахтни айланиб ўтиш зарур эди. Мен қўлтиққа чап томондан кирмоқчи бўлгандим, лекин баланд бурама қурилма йўлимни тўсди.

Минора сув тубида секин ҳаракат қиларди. Бутун қурилма ва унинг бурамалари бўйлаб учта қора чизиқ бор. Бу бурама чиғаноқли катта шиллиқ — лужанка эди. У ўз уйи остидан кенг япалоқ оёғини чиқариб, ерга тираб ўрмаларди. Қимирлаётган қурилма деворини тақиллатиб, кечириб бўлмайдиган енгилтаклик қилиб қўйдим. Қурилманинг ҳаракати тўхтади. У тўхтаб йўлимни тўсиб қўйди: шиллиқ оёғини тортиб олиб, уйи қопқоғини беркитди.

Энди қўлтиққа ўнг томондан кириш қолди. Қоп яқин жойда ётипти. Моҳ қоплаган тош ёнидан ўтиб, энгашаман-у, кундаликни оламан.

Қопдан кўзимни узмай юра бошладим. Тошга қанчалик яқинлашсам, уни қоплаб ўсган моҳ шунчалик ғалати туюла бошлади. У қандайдир найчалардан иборатга ўхшарди. Бу найчалардан оқ патсимон попуқлар чиқиб турарди. Улар сал-пал титраб, қимирлаб турарди. Сувнинг секин оқишидан қимирлаётган бўлса керак. Гўё найчалар оқ бошларини менга эгаётгандек эди.

Шу пайт нари юриш қийинлашганини, орқага бир қадам ҳам қўя олмаслигимни сезиб қолдим. Ўзимни шундай сездимки, гўё кимдир мени шу найчаларга итараётгандек эди.

Тош ёнидан сузиб ўтаётган қандайдир майда жондорлар нима учундир бирдан сувда тўхтаб қолди. Попуқлар улар томонга чўзилди ва ҳалиги жондорлар моҳ найчалари ичида гойиб бўлди. Бу патсимон попуқлар — тошда ўсган моҳ найчаларининг оёқлари ўлжани ана шундай тугар экан.

Тошдан узоқлашишга уриндим. Аммо патсимон попуқли найчалар ёнларида нимаики пайдо бўлса, ўзига тортадиганга ўхшайди: скафандрим силкиниб кетди. Уни мен маҳкам ушлаб турардим. Нима қилсам экан? Ғаройиб ва даҳшатли найчалар мени тсбора кучлироқ тортиб кетяпти. Ҳалокатли моҳ яқинлашиб қолди. Жон ҳо-

латда ноумид бўлиб чап қўлим билан скафандрни маҳкам ушлаганча энгашиб тош олдим ва найчаларга отдим. Уша замони оқ попуклар қимирламай қолди. Эҳ-ҳа, фақат жонли нарсаларнигина тортар, сўриб олар экансанда?! Мен чиганоқ бўлакларини, тошларни олиб отавердим. Қимирламай қолган найчалардан қийналмай узоқлаша бошладим. Узоқроққа бориб ўгирилиб қараб, найчалар яна менга қараб, патсимон попукларини силкитаётганини кўрдим. Менга яна тош устида фақат мох ўсгандек кўрина бошлади.

Бўлиқ Утлар Ўлкасида бу ерда яшовчиларнинг ташқи муҳитга сира кутилмаган ва ўзига хос мослашиш формаларини кўрдим. Бу ерда, сув остида эса йиртқич ҳайвон ўзини... мох қилиб кўрсатишга уринганини учратдим. Мох дейсизми? Ахир бу мшанка-ку! Мшанкалар колонияси. Бу ҳайвонлар чувалчангсимонлар туркумига киради.

Хавфли ва маккор мшанкаларга қарши курашиш учун куч ва скафандрдаги кислородни сарфлаш бефойда. Шунинг учун сув юзига сузиб чиқдим.

### 33 - в а р а қ

Қирғоқда ўз-ўзимга, кундалик қўлтиқдан оқиб кетмайди, умидсизланма, дедим. Дарахтни ўнг томондан айланиб ўтиб бўлмайди — у ерда мшанкалар бор. Чап томондан-чи? Лужанка-шиллик ўз уйи билан абадий бир жойда йўлни тўсиб туравермаса керак.

Ҳақиқатан ҳам эртасига скафандр кийиб, қўлтиққа келиб, кундаликка чап томондаги йўл очик эканини кўрдим. Аммо олдингидек, қоп устидаги шохлар сув оқимидан сал тебраниб турарди. Бу дарахтнинг бошқа сув ости дарахтларига сира ўхшамаслиги галати туюлди: у гўё яшил биллурдан ясалгандек шаффоф эди. Лекин сув ичида бўёқлар, ранглар, уларнинг фарқи қуёш нурида ўсадиган ўтларникига нисбатан бутунлай бешқача-да. Бошимга кумушсимон ўргимчак иинни — скафандрни кийиб, дарё тубида кеза бошлаган кунимдан бошлаб гўё мен чанг босган гулли ойналардан нур зўрға ўтиб турган эски, унутиб юборилган қасрда кезгандай сезардим ўзимни.

Дарахтга етиб боришимга бир неча қадам қолди. Унинг олтига шохи бор. Шохлари ҳам танаси каби тиниқ

яшил. Кундалик солинган қоп шу шохлардан бирининг остида ётипти.

Скафандрни тўғрилаб, хотиржам юриб бордим, энгашиб, қўлимни узатдиму... оғриқдан бақириб юбордим.

### 34 - в а р а қ

Қирғоқда қўлимга қарайман-у, дарё тубида юз берган воқеага, ўз кўзим билан кўрган нарсага ишонгим келмайди. Ундай бўлса бу куйик-чи? Қўлимнинг бир жойи шишиб, қизариб кетди. Оғриқ босилмаяпти. Бу воқеанинг тафсилоти қуйидагича бўлди: дарё тубида энгашиб, қопни олиш учун қўлимни узатдим, лекин кимдир қўлимга зарб билан урди. Қўлим куйди! Шаффоф дарахтнинг шохи чўзилиб, қимирлаб, мени ушламоқчи бўлаётганини кўрдим. Яна урди, яна қўлим куйди!

Энди эса шу воқеани хотирласам яна тушида кимдир чақирмоқчи бўлган, лекин овози чиқмаган кишидек эсанкирайман. Бунақа ҳолатда одам ёрдамга чақирмоқчи бўлади-ю, бу қўлидан келмайди: қўрқувдан қотиб қолади. Ҳа, қандай қўрққанам ҳалиям эсимда.

Қирғоқда оғриқ аста-секин босилди. Сув остида нима бўлганига ақлим етмайди. Сув ости дарахти шохини кўтариб, одамнинг қўлига уриши мумкинми, ахир?

Чиганоқнинг бир палласини тошга чархляппман. У борган сари ўткирроқ бўляпти. Тош остида чиганоқ вижиллайди — виз-виз... Бу ўткир ўроқ билан яна сув тубига тушаман.

### 35 - в а р а қ

Қўрқув яхши маслаҳатчи эмас. Вақт бўлди. Яна сувга тушадиган вақт бўлди. Қўлимда чиганоқнинг ўткир чархланган бўлаги. Елкамга узун арқонни ташлаб олганман. Яхши тортилган скафандрда, кумушсимон ўргумчак тўлдириб қўйган ҳаводан бемалол нафас олиб, бу сафар сув тагидан кундаликни албатта олиб чиқиш ниятида юрибман.

Майини ёруғ ўз рангини бир оз ўзгартириб сувда тарқалади. Сузиб ўтаётган балиқларнинг сояси тез, липиллаб ўтиб кетади. Сув рўпарамда улкан танаси кўриниб турган нилуфар поясини оҳиста айланиб оқади. Мана, қўлтиққа етиб келдим. Сирли шаффоф дарахт узоқдан кўриниб турибди. Унинг олтига шохи нақадар хотиржам

осилиб турибди! Фақат қўрқувдангина бу дарахтни (ҳақиқатан ҳам у бир оз ғалати—шоҳларида битта ҳам барги йўқ), даҳшатли махлуққа ўхшатиш мумкин.

Ҳа, қўрқув яхши маслаҳатчи эмас.

Қизиқ, сокин дарахт ва унинг олтита беозор шохи ҳақидаги афсонани қандай тўқидим экан?

Мен яқинроқ бордим ва қопни олиш учун энгашишга улгурмаёқ дарахт ҳаракатга келди.

Мен нари қочдим ва сув ости қирғоғига ёпишиб олдим.

Дарахт кўз олдимда қисқариб, йўғонлаша бошлади. Шоҳлари силкиниб, бир-бирига яқинлашиб, сувда ниманидир қидира бошлади: улар қочиб кетган нарсани ушлаб олишга ҳаракат қиларди. Яхшироқ ва эътибор билан қараб, дарахт биринчи марта кўрган жойимдан бошқа жойда турганига ишонч ҳосил қилдим. У мшанкалардан узоқлашиб, қопга яқинроқ бориб қолган эди.

Нима қилсам экан? Дарахтнинг олтита шохи бор. Меннинг қопим шу шоҳлардан бири остида ётипти. Унга ташландим. Етиб боролмадим, қўлим етмади. Чап қўлимга қандайдир ип ўралиб қолди. Мен ўроғим билан олдин битта шохни, кейин иккинчисини кесиб ташладим. Учинчисини кесмоқчи бўлган эдим, кесилган шоҳлардан бири скафандрга илашиб қолди. Мен уни олиб ташлаб ўтирмадим — вақтим йўқ! Яна қопга ташландим. Дарахт чиқарган иплар оёғимга ўралиб, ўзига торта бошлади. Куйди. Оёғим куйди... Қўлларим, оёғим, орқам куйганини сездим. Уроқни тушириб юбордим. Уни ердан олмоқчи бўлиб, қўлимни кесиб олдим. Скафандр ичида ҳаво етишмай, бўғила бошладим. Қўлим кесилган, куйган бўлсам ҳам скафандр посангиларини кесиб ташлашга улгурдим ва сув юзига ҳолдан тойиб сузиб чиқдим. Унг оёғимга ёпишиб қолган скафандр билан зўрға қирғоққа чиқиб олдим. Урнимдан турмоқчи бўлдим-у, ўша замсни йиқилиб тушдим: ўнг оёғим фалаж бўлиб қолган, қўлим эса қиздирилган миҳни ушлагандек ачишар эди. Форга етиб бора олмадим. Қум устига чўзилдим.

Бўлиқ Утлар Улкаси аҳли тепамда учиб юрар, ёнимда сакрар, ўрмалар ва устимдан сакраб ўтарди. Уйғонганимда қуёш ботаётган эди. Қум совиб қолибди. Оғриқ гоҳ босилар, гоҳ кучаярди. Урнимдан турмоқчи бўлдим-у, қимирлай олмадим. Бу дарахт менга қанақа заҳар сочганикин?

Очлик азоб бера бошлади. Устимда беда гули шодаси тебраниб турарди. Қани энди унинг гулларида нектарни ичам... Лекин унга етолмайман, қўлим етмайди...

Сув тубидаёқ скафандр четига мўъжиза дарахтнинг кесилган шох илашиб қолган эди. Энди у шишадек ялтирашини йўқотиб, қум устида, скафандр ёнида латтадай шалпайиб ётарди. Уни бир амаллаб олдим. Мен жуда оч эдим, шохнинг бужмайган бўлагини чайнай бошладим.

Оёғимдаги яра оғрир, қон оқиб турарди. Ярани нима билан боғласам, нима босиб совитсам экан? Нима қилаётганимни ўзим ҳам билмаган ҳолда ярани шох билан ўраб боғлаб қўйдим. Ҳеч ким ярасини бунақа нарса билан боғламаган!

### 36 - в а р а қ

Энди менинг хаёлимни — врач хаёлини — янги жумбоқ эгаллаб олди. Яқиндагина, дарахт билан ўша машъум олишувдан сўнг қимирламай ётгандим, деярли фалаж бўлиб қолган, ўрнимдан тура олмас эдим. Куйган жойларим оғрирди. Оёғим эса яра эди. Лекин нима сабабдан бунчалик тез тузалиб кетдим? Қайси дори менга куч бағишлади? Мўъжиза дарахтнинг чирий бошлаган, сассиқ ҳидли шох менинг соғайишимга қандай ёрдам берди? Жуда ғалати дори! Номаълум ўсимлик мени ўлдираёзди, шу ўсимликнинг ўзи... даволади! Оёғим ловиллаб оғрирди, икки-уч кундан кейин енгил тортдим — яра бита бошлади. «Боғлаган» нарсани олиб қарасам, яра битиб, қота бошлабди. Бу ҳодиса «заҳарни заҳар кесади» деган нақл тўғрилигини тасдиқлайди. Бундан икки минг йил аввал беморни унинг табиати даволайди, врач эса табиатга кўмаклашади, деган қадимги грек олими Гиппократ ҳаққа ўхшайди. Гиппократ «одам нимадан касал бўлган бўлса, ўшандан тузалади» деб ёзганди.

Жумбоқлар, жумбоқлар... жумбоқлар...

Сув остида менинг қопим ёнида қанақа ғалати дарахт ўсяпти? У бир жойдан иккинчи жойга кўчади, унинг ўсимталари сувни титиб, жондорларни овлайди, чақади, фалаж қилади. Худди шу дарахтнинг ўзи... шифо бахш этади.

### 36-а - в а р а қ

Сирли дарахт ёнида ётган кундалигимни олиш учун ниҳоят учинчи марта қўлтиққа йўл олдим.

Энди соғлом, дадил, қувноқ ҳолда, яна скафандр ки-  
либ, бир қўлимга янги ўткир ўроқ, иккинчи қўлимга учи  
эшилган калтакни олиб, қўлтиқ тубида кетяпман. Бу са-  
фар омадим келишига аминман: албатта кундаликни  
олиб қайтаман.

Иккита шохни кесиб ташладим, яна тўртта шохни ке-  
сиб ташласам — қоп меннинг қўлимга ўтади.

Ўроқни маҳкам ушлаб олганман. Кундаликни албат-  
та оламан. Кесган шохларимни қирғоққа олиб чиқиб тек-  
шира бошлайман, бу ғалати ўсимликнинг шифобахш  
хусусиятини тадқиқ этаман. Ким билади, балки азоб  
чекаётган бемор мислсиз қувватга эга бўлган янги дори  
олар.

Қирғоқнинг сув остидаги четига суяниб турибман.  
Нафасимни ростлаб олишим керак. Сув ичидаги нимқо-  
ронғиликда дарахтни, ҳатто кундалик солинган қопни  
кўриб турибман. Бу дарахт қўлтиққа кириладиган жой-  
ни кўриқлаш учун, қонга ҳеч кимни яқинлаштирмаслик  
ва Бўлиқ Утлар Улкасидаги кашфиётлар ёзилган кунда-  
ликка теккан одамнинг жазосини бериш учун бу ерда  
унсиз ва даҳшатли ссқчи бўлиб турибди.

Шу пайт қадимги бир эртақ ёдимга тушди: инсонга  
бахт келтирадиган хазинани даҳшатли махлуқ қўриқлаб  
туради. Шу махлуқ инсон йўлига даҳшатли ғовлар сола-  
ди, унинг бошига фалокат устига фалокат келтиради.  
Лекин инсон бу ғовларни енгиб ўтади. У ҳамиша олга  
юради, махлуқни ўлдириб, қимматбаҳо хазинани қўлга  
киритади.

Сув остидаги нимқоронғиликда дарахтга қараб, қў-  
лимдаги калтак билан кундалик солинган қопни илиб  
слиб, уни тез тортиб чиқармоқчи бўлдим. Бир қадам  
қўйдиму дарров орқага қайтдим. Дарахт шохлари бир-  
дан қаттиқ ҳаракатга келди. Нима учун бундай бўлди?  
Ёнимдан чавоқлар сузиб ўта бошлади. Шу пайт дарахт  
қисқариб, йўғонлашганини кўрдим. Дарҳол — мен кўриб  
турган эдим — шохлари сузиб ўтаётган балиқлар тўдаси-  
га урилди.

Кўз олдимда бир неча чавоқ ўлжа бўлди. Дарахтнинг  
шаффоф танаси қорайди. Менимча, танаси ғовак бўлиб,  
унда ҳозир чавоқлар ҳазм бўляпти.

Етар. Шунча томоша қилиб ажабланганим етар.  
Ҳаракат қиладиган вақт бўлди. Таёқни узатиб, қопни  
илиб слиб, бор кучим билан торта бошладим. Кейин



қўлимга олдим. Қопни очаётганимда юрагим тез-тез ура бошлади.

Эҳ, мусибатли дақиқа! Қоп бўм-бўш! Бундай бўлиши мумкин эмас! Кундалик қани? У қопдан қачон ва қасерда тушиб қолган? Қопдан таёқни илгак қилиб тортаётганимда тушиб қолмаганмикин? Қўлтиқ тубини қидириб чиқиш керак. Қолган тўрт шохини ҳам кесиб ташлаш учун ўроқни кўтариб, дарахтга ташландим. Ташландиму... тўхтаб қолдим. Дарахтнинг саккизта шохи силкиниб турарди. Бу қанақаси бўлди? Кесилган иккита шох ўрнидан тўртта ўсиб чиқибди.

Гидра эмасми бу?!

### 37-в а р а қ


Кундалик йўқолди. Шунча кундан бери қуруқ қоп — ипак қурти пилласи кетидан бекорга овора бўлиб юрган эканман! Ҳам кулгили, ҳам алам қилади!

Хуллас, умидларим пучга чиқди. Бўлиқ Ўтлар Улкасида узоқ йиллар давомидаги кашфиётларим, бу ўлка ҳаёти сирлари, жумбоқлари ва уларни ўрганганларим, ажойиб-ғаройиб инстинктлар, қонунлар, ҳашаротларнинг қилиқлари, бу ўлкада яшовчилардан намуна олиб қилган техник кашфиётларим — кишиларга етказиш учун кундаликка зўр қийинчиликлар билан ёзганларимнинг ҳаммаси нобуд бўлди.

Нақадар аламли, аччиқ дақиқа! Шу дақиқада менинг бутун бойлигим Буюк Сокин дарёда эмас, балки кичик бир кўлмакда йўқолиб қолганини англаб турганим учун ҳам бу алам кучайиб, улғайиб, бутун вужудимни қамраб олди.

Овқат ғамлаб олиш зарур эди. Шунинг учун гулчанги тўплашга киришдим-у, лекин қўлим ишга бормади. Кийимларим бутунлай титилиб кетгани учун ипак қуртининг кийимбоп пилласини топармикинман деб қидиришга тушдим. Тўлқинлари остида кундалигим йўқолган ва оддий гидрани мен дарахт деб ўйлаган дарё ёқасига беихтиёр келиб қолибман.

Гидра ҳужайрасида ажойиб актив модда бўлса керак унинг қирқиб ташланган оёқлари яна ўсиб чиққанини ўзим кўрдим. Худди афсонавий лерпей гидрасига ўхшайди. Геракл унинг битта босини узиб ташласа, ўрнидан иккита ўсиб чиққан. Аммо Геракл гидранинг бошини



кесиб, бўйинини куйдирган ва шу тариқа танаси илонга ўхшаган тўққиз бошли аждарни ўлдирган.

Нақадар кўп сирлар очилган, табиат жумбоқлари ўрганилган! Аммо ҳали ўрганилмаган жумбоқлар орасида чучук сувда яшовчи гидра органларининг тез тикланиши сирлари ётипти.

Чучук сувда яшовчи гидранинг танаси ичи бўш цилиндрсимон қопдан иборат. Илонсимон қўллари қисқаради ва чўзилади. Бу ҳайвон товони билан ерга ёки тошга ёпишиб туради.

Гидранинг стрекатель органлари қаттиқ оғритиб чақади, ўлжасини фалаж қилиб қўяди (Қўлларим куйганидан ҳамон оғрийпти). Гидра ушлаб олган ва ҳазм қилаётган ўлжа унинг танаси ичидан анчагача кўришиб туради. Ўлжани ҳазм қилиб бўлгач, яна тиниқ яшил шишадан ясалган «дарахт»га айланади. Лекин нима учун гидра оч яшил рангда? Чамаси, унинг организмида восхлореллалар — бир ҳужайрали сув ўтлари бор. Бу сув ўтлари гидра ажратиб чиқарадиган углекислота ва аммиак билан озиқланади ва бу билан гидра атрофидаги сувни тозалаб туради.

Бир қисмини мен чайнаб ютган, иккинчи бўлагини ярага боғлаган ўша сасиган тухум ҳиди келиб турган гидра парчаси ажойиб шифобахш хусусиятга эга эди. Нима учун шундай? Гидра организмида ҳалок бўлган ҳужайралар ўрнида янгиларининг тикланиб, кўпайишига нимадир ёрдам берса керак? Ана шу «нимадир» мен учун шифо бўлди.

Энди нима қилсам экан? Атрофни қуршаб келаётган оқшом ҳам шу ҳақда ўйлаётган бўлса керак. Буюк Сокин дарё бўйидаги ўт-дарахтлар шовиллашди тинди. Мен қуёшнинг бетиб кетишини сира истамай, қараб турардим. Болалигимда эса бутунлай бошқача эди: ботиб бо-раётган қуёшга қараб турасан-у, у тезроқ ботишини ва дарҳол чиқишини сабрсизлик билан кутасан. У вақтда табиат тез ўзгаришини хоҳлардик.

Ухлайдиган вақт бўлди. У ерда, сувда чавоқлар тумшуқларини қумга тираб уйқуга кетишган. Қовоғарилар ҳам ўз инларида ухлашяпти. Биллур гидра ҳам уйқуга кетган бўлса керак. Унинг қўллари бўшашиб, қисқариб қолгандир.

Мана, менинг ғорим. Эҳ, инсон туйғулари нега тез уйқуга кетмайди!

Кундан-кунга эрталаб туришим қийинроқ бўляпти. Кундалигим йўқолди. Ўзимни ҳорғин ва қартайган ҳис қиламан. Сувга қараб, ҳамма-ҳаммасини сув олиб кетди деб ўйлайман. Куч-қувватим кетяпти. Утларнинг шовиллашига қулоқ соламан-у, ўзим наҳотки ўрмондан шу қадар дадиллик билан ўтган бўлсам, оғир юкни шу ерга келтириб, қўрқмай солда сузган бўлсам, деб ўйлайман.

Бир печта тўқима беланчак бор эди менда. Уларни ўргимчакдан тортиб олганман. Ўргимчаклар фақат тўр эмас, елкан, қоп, труба, қўнгироқ, беланчак ҳам тўқийди...

Нектар, гулчанги, уруг, дон — ҳаммасидан ғамлаб қўйгандим. Лекин ҳолдан тойган организмни фақат ўсимликдан олинган овқат билан тиклаб бўлмайди. Овқатга ҳайвон оқсилли ва мойини ҳам қўшиш керак.

Беланчакдан настга қараб, ари шигичка оёқлари билан ерга тиралиб, қапотларини кўтариб, катта семиз қуртни судраб кетаётганини кўрдим. Мана, ари ўз ўлжасидан узоқлашиб, чуқур қазий бошлади, лекин, ўлжа жойида турибдимикин, деб текшираётгандек қайтиб келди ва яна чуқурга кетди. У чуқур қазийшни давом эттирди. Қурт ожизона қимирлаганини кўрдим: ари уни бу ерга судраб келишдан олдин асаб марказларига найза санчиб, фалаж қилиб қўйган. Қурт ўлик ҳам эмас, тирик ҳам. Кўп ўтмай, ари чуқур қазиб бўлади, у ерга қуртни олиб бериб, танасига тухум қўяди. Личинкаси қуртни еб ўсади, ривожланади ва арига айланади.

Лекин мен очман. Беланчакдан оҳиста тушиб, қурт томон юра бошладим.

Йўқ, бунақа овқатни кўнглим тортмайди. Бошқасини қидириш керак.

Дарёга қарадим. У ерда чавоқлар жуда кўп! Скафандрни кийиб, балиқ тутайми? Лекин нима билан овлайман? Ўргимчак тўри билан. Ахир балиқ тўридан қарери кам? Шу тўр билан дарёнинг бир irmoғини тўсаман.

Овқатга балиқ бўлади.

Ҳар куни сув тубига тушиб, скафандрни кийиб, тўрни қарардим. Албатта чавоқ балиқлар ҳаминша илинавермасди. Балиқдан тайёрланган овқатга ўргана бошладим.

Кумушсимен ўргимчакнинг энг катта қўнғироғини балиқ сақлашга мослаштирдим: уни тўнкариб, дарё устига энгашиб ўсган бута шохига боғладим. Тўрсаватнинг ўзи бўлди.

#### 40 - в а р а қ

Кунлар ўтиб боряпти, лекин ҳамон мен шу ерни тарк этганим йўқ. Сув остига тушганимда ҳар сафар тўғри тўрга бормас, олдин қўлтиққа ўтар эдим. Мум билан қопланган варақлар дастаси бирор жойда ётгандир деб, у ёқ-бу ёқни қарардим. Лекин кундалик кўришмасди. Аввалгидек оч яшил гидра қўлтиққа кираверишда қўллари чўзиб турарди.

Албатта кундалигим қўлтиқда эмас, дарёнинг бошқа жойида тушиб қолган бўлиши мумкин. Шунга қарамай, гидра яшайдиган қўлтиққа ўтишга уриниб кўриш керак. Кундалик ўша ерда қолмаганмикин?

Эҳтиёт учун ғамлаб қўйган тўр ва қопларим бор эди.

Бир кун гидранинг устига тўрни ташлайман-у, қўлтиқни қидириб чиқаман деган қарорга келдим. Гидрани тўсиб, унинг ёнидан катта қора балиқ сузиб ўтганда орамиз бир неча қадам эди. Мен ўзимни четга олиб, қирғоққа суяндим ва ердан қандайдир махлуқ чиқиб турганини, у эшилиб-буралиб, ер ковлаётганини кўрдим.

У ер ичига кириб борар, яширинишга ҳаракат қиларди. Лекин уддасидан чиқолмади: чамаси ер қаттиқлик қилди.

Ҳалиги ҳайвон ерга йиқилиб, судралиб кета бошлади. У илонми? Улкан ҳалқалардан тузилган танаси ҳар томонга лапанглаб тортилар, ҳалқалар мустақил ҳаракат қилаётганга ўхшарди. Илон гоҳ қисқарар, гоҳ чўзиларди. Бир дақиқадан сўнг илонга катта қора балиқ ташлангандай бўлди. Гоҳ қисқариб, гоҳ чўзиладиган бу махлуқнинг ҳаракати шиддатли ва фавқулодда эди. Мен фақат ўткир тишли жағини ва бир неча кўзини кўришгагина улгурдим. Чувалчангни ушлаб олган оддий зулукни кўриб турганимни дарров фаҳмлай олмадим. Зулук ва чувалчанг! Йиртқич сув илонига маҳкам ёпишиб олган. У эса питирлар, ўзини ҳар томонга уриб типирчилар, қутулиб кетишга ҳаракат қиларди. Ёввойи рақснинг ўзи! Сув лойқаланиб кетди. Мен эса қўлтиқдан борган сайин узоқроққа чекинавердим. Тўсатдан қирғоқнинг бўртиб чиқиб турган қисми ағдарилиб кетди. Атроф қоронғи бў-

либ қолди. Сув юзига кўтарилиб, қирғоққа чиқиб олишга улгурдим. Нафасимни ростлаб олиб, яна дарё тубига тушдим. Лойқа тиниб, сув мусаффо бўлиб қолибди. Қўлтиққа тупроқ тўлганини кўрдим. Ҳаммаси тамом! Бу ерда қидириш фойдасиз...

#### 41 - в а р а қ

Шу қирғоққа жейлашиб олсаммикин, деб кўп ўйлардим. Горни совуққа мослаштириб овқат ҳамлаб қўйсам. Дарё эса ёнимда. Сув ости ҳайвонлари ҳаётини тушуна бошладим. Бу ерда кумушсимон ўргимчаклар менга скафандр тайёрлаб, балиқ овлаш учун тўр тўқиб беради. Ҳамма вақт балиқ овлашим мумкин.

Аммо шамол деган нарса бор! Дарё атрофида бирдан шамол кўтарилади, йўлида нима дуч келса, ағдариб, синдириб, чапг ва қум (мен учун эса ҳар бир қум денаси битта тошнинг ўзи) қуюнни кўтариб, гор оғзида ҳамгин увиллайди. Йўқ, ўзим яшаган ва кундаликларимни ёзган эски уйимга қайтишим керак. Бу қирғоқдан кетини керак.

Лекин қайтишни пайсалга солар ва ҳар куни сув тубига тушар эдим.

Буюк Сокин дарё тубида сайр қилиб юрганимда кўпинча ёнгинамда секин ҳаракат қилаётган қурилмани — сув ниначиси инини кўрардим.

Чўплар ва қамиш бўлаги, майда чиғаноқлар, қум зарралари, шох синиқлари — сувда топиш мумкин бўлган ҳамма нарсалар сув ниначиси инини қуришга ярайверади. Хилма-хил ва кутилмаган материаллар мустаҳкам ипак билан ёпиштирилиб, ишончли иншоот ясалади.

Гоҳ ёнимдан череничасимон қурилма ўтиб қолади, унда қамиш бўлаклари худди қадимги голланд уйлари-нинг черепицаси каби бир-бирининг устига тахланган. Бу — гилоф уй. Пўстлоқ парчалари ва яхшилаб қирқилган барг парчаларидан ясалган череничасимон инларни ҳам кўрдим.

Бу қурилмаларнинг ҳаммаси сувда сув ниначиси личинкаси томонидан тикланган. Улар ўзи яшаётган уй билан бирга ҳаракат қилади. Ғумбак очиш пайти келганди. Дарё устида қанотли сув ниначилари парвоз қилиб юрарди.

Мен сувда юрган нотаниш қуш инини кўрдим. Яхшилаб қарасам у ҳам ниначи экан! Уй замбуруғдан ясалган эди.

Сув тубида ётган турли-туман чиғаноқ парчалари ва тошлар орасида, сузиб юрган шохлар ва ҳаракат қилаётган, бир жойда турган, сувда юқорига кўтарилаётган жондорлар орасида бу қурилмаларни фарқ қилишга ўргангунимча анча вақт ўтди.

Бир кунни сув тубида кетаётгандим. Оқим тезроқ ерда қоянинг бўртиб чиққан жойини ушлашга мажбур бўлдим ва сувда тебраниб турган уй — трубаани кўриб қолдим. Ниначиларнинг бундай инини олдин ҳам учратгандим. Шунга қарамай ҳайрон қолдим: оқим тез, уй эса оқимга қаршилиқ кўрсатиб, секин ҳаракат қилипти. Қарасам — уй пойдеворига иккита тош маҳкамлаб қўйилган экан.

Ниначиларнинг қурилмалари ерда баҳайбат, оғир ва қўпол кўринган бўларди. Лекин сувда турли архитектурадаги бу уйлар енгил ва ҳаракатчан эди.

#### 42 - в а р а қ

Бари бир кундаликни топдим...

Унинг четлари кемирилган, баъзи жойларидаги мум кўчиб кетган. Сув қоғоз дасталари ичига кириб, варақлар ҳўл бўлиб кетибди. Варақларни оҳиста бирин-кетин ола бошладим. Ташна бир қувонч билан уларни ушлаб кўрар, текислар эдим. Қараб, номерларини текшириб чиқдим. Бир варақни ўқишга бошлар, лекин уни ўқиб тугатмай иккинчисини бошлар, уни ҳам қўйиб, учинчисини қўлимга олардим.

Мен ўзим билан фахрланардим: бўрон, шамол, кема ҳалокати, сув кундаликни олиб кетди, аммо Бўлиқ Утлар Ўлкасини ўрганаётган митти одам уни дарё тубидан топди!

Бу сафар ўз варақларимни одамларга етказаман, албатта етказаман.

Кундалик топилганидан гоят фахрландим.

#### 43 - в а р а қ

Бу воқеа қуйидагича бўлди.

Кеча эрталаб ёрдан чиқдим. Қирғоқни қоплаб олган қалин ўт — дарахтлар сокин эди. Карнай овозларини

эшитдим. Бу — ўтлар орасида арилар қанстларини рост-лаб, чиқиб келаётган қуёшни олқишлашар ва бошқа ариларни: «Тезроқ гуллар томон учайлик» деб уйғотишаётган эди. Ўтлар орасидан кимдир менга қараб турганини сездим. Ҳар сафар чумолиларга кўзим туншарди. Уларнинг мозанк кўзи қирғоқда нималар бўлаётганини ҳаминиша кузатиб турарди.

Дарё тубига тушиб, бирор чавоқ илинмадимикин, деб тўрни текширдим. Ҳеч вақо йўқ. Чарчаб қолдим. Кумушсимон ўргимчак қўнғирсғи ичига кириб, дам олдим. Атроф жимжит. Сув қаъридаги товушларни эшитяпман. Бу ерда яшовчилар ёнимдан сузиб ўтаётган тўнғиллашаётгандек, баҳслашаётгандек, ўзаро узук-юлуқ гаплашаётгандек бўларди. Гўё балиқлар гаплашаётгандек туюларди...

Аэростат арқонларини чиғаноқ билан кесиб, уларга тош боғладим-да, тўрдан хабар олгани жўнадим.

Бирдан ёнгинамда иккита улкан соя кўринди. Балиқлар, йиртқич балиқлар! Катта тош орқасига ўтиб, яшириниб олдим. Елкасида учтадан ўткир игнаси бор икки катта балиқ бирин-кетин сузиб борарди. Колюшка! Ҳуванана, уларнинг ини. Улкан ин, иккита тешиги бор. Битта колюшка инига кириб ғойиб бўлди. Иккинчиси чиройли рангини ялтиратиб, ин оғзида қолди. Кечиккан колюшка инига тухум қўяётган, нар балиқ (инни ҳам шу балиқ қурган) ин оғзида соқчилик қилиб турарди.

Мен тош орқасидан бу инга қараб туриб, «кундалигим шу ин ичида бўлса-чи?» деб ўйладим. Уни инга оқим олиб кирган бўлиши мумкин, ўтларга қўшиб балиқнинг ўзи ҳам олиб кирган бўлиши мумкин. Даҳшатли найзали соқчи қўриқлаб турган инда, балиқ тухумлари ёнида ётгандир. Вақт топиб, бир дақиқага ин ичига кириб чиқайми? Лекин бундай қилишга қўрқардим. Балиқнинг ўзигина эмас, унинг найзаси ҳақида ўйлаш ҳам қўрқинчли эди. Ёнидан нарироққа ўтиб кетиш керак!

Тўр олдига келиб, ёқа ушлаб қолдим. Тўр йиртиб юборилган, унинг тешигига беўхшов қурилма — ниначининг катта кўчма уйи илашиб қолган эди! У сувда қалқиб, йўлида давом этишга ҳаракат қиларди. Албатта, тўрдаги ҳамма балиқ қутулиб кетган эди. Мен тўримни йиртиб юборган кўчма уй қурилишига диққат билан тикилдим: қизиқ, лекин мустаҳкам қурилма!

Шу ерда... Шу ерда...



Ниначи инини ясашга ишлатган пўстлоқ парчалари, шохлар, чўплар орасида узунчоқ, менга таниш бўлган ва сарғайibroқ қолган варақлар дастасига кўзим тушди. Бу қопдан тушиб қолган кундалигим эди. Дарё тубидан чиғансқ парчасини олиб, уй деворларини буза бошладим.

Эпчиллик билан қурилган қурилмани кетма-кет уриб, ниначи инининг ипак билан мустаҳкамланган қисмини кесиб ташладим.

Кундаликни қирғоққа олиб чиқдим.

#### 44 - в а р а қ

Қуруқ қумлоқ соҳилга варақларни ёзиб, ёйиб қўйдим. Ҳар бир варақ устига тош бостириб қўйдим. Баъзи варақларда сатрларни сув ювиб кетганди. Уларни кейин ёзиб тўлдираман, дедим ўзимга ўзим. Ҳозирча варақлар қурисин. Шу заҳоти сиёҳ куйиб, кўтарилиб кетмасмикин деб, хавфсираб қуёшга қарадим. Мана сўнгги ҳўл варақ устига тош қўйдим. Ҳаммасига кўз югуртириб чиқдим, сўнг қуёш қиздирган қум устига ўтириб, ўтлар исини ҳидлаб, хиргойи қила бошладим.

Қуёш нур сочиб турибди. Дарё ёнгинамда секин оқяпти. Бўлиқ ўтлар ўлкаси турли тилларда гаплашмоқда. Мен севинганимдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Шундай туюлдики, мен, митти одам, ҳозир ўтларни оёғим билан босиб, топтаб, қувноқ ва дадил қадам ташлайман-у, Ченск шаҳарчасига кириб:

«Дўстлар, бу варақларни ўқинглар! Ҳаммаси кашфиётларга, очилган сирларга тўла!» деб бақираман.

Мана ҳозир Буюк Сокин дарёдан ўтаман (ахир у кичик бир жилға, холос), ундан одимлаб ўтиб кетаман...

Қаддимни дадил ростладим-у, турмоқчи бўлдим. Бақриб юбориб, йиқилиб тушдим... Яна туришга уриндим — бўлмади. Сал қимирилсам — белим пичоқ санчгандек оғрир эди.

Ерга мадорсиз чўзилдим. Ҳамма бўғинларим ҳалқа билан қисилгандек зирқирарди. Фалаж бўлиб қолган эдим. Бошим оғрирди. Совқотиб, титрай бошладим.

Қасалликка қаршилик кўрсатдим, ўзимга раҳмим келишдек таҳқирловчи туйғу миямга жойлашиб олишига йўл қўймадим. Баланд ўтлар эса ингичка учларини энгаштириб, менга таъзим қиларди. Бошим арғимчоқ уч-

җандек айланарди. Менга нима бўлди? Нега касал бўлиб қолдим. Совуқда кўп юрганда шундай бўлади. Мен дарё тубида ҳаддан ташқари кўп бўлдим, кўп юрдим.

Баданим титраб-қақшаб кетяпти. Мушакларим, бўғинларим оғрийди. Ҳамма ҳужайралар яллиғланган: бод касалига учраганга ўхшайман.

Бир вақтлар касалхонада одамларни салицил натрий билан, фельдшернинг нборасича «салицилка» билан даволардим. Лекин чумоли спирти яхшироқ фойда қиларди. Бу ерда мўйловини тез-тез қимирлатиб, мағрур ўтиб кетаётган чумолиларга кучим етадимми? Яна... Яна — асалари заҳари дори бўлади. Уларнинг чақиши бод касалларга фойда қиларди. Ҳозир эса арининг чақиши мени бутунлай ўлдирарди.

Шу пайт беморларнинг шикоятини эсладим. Улар сезган оғриқни ўз оғригим билан қиёсладим.

Тажрибамдан бир воқеа ёдимга тушди. Касалхонага бир болани олиб келишганди. Ғужанак бўлиб қолган, кўкариб кетган — унга қарашнинг ўзи аянчли эди. Орасининг айтишича, сувдан чиқмай, чўмилгани-чўмилгани экан. Мен радикулит деб диагноз қўйдим. Боланинг баданини кўнчилар тери ошлаш учун юз йиллардан бери йигадиган ачитқи ўт билан ишқалаб, бир оз куйдирсам нима бўларкин? Шундай қилиб кўрдим. Бола тез тузалиб кетди.

Мен ҳам ачитқи ўт қўйиб кўрсаммикин? Унинг барглари тек жойлашган бўлиб, тухумсимон шаклда. Лекин ҳозир менга бутунлай бошқача туюлади, топа олармикинман, танирмикинман?

Судрала бошладим. Инграб, вой-войлаб судрала бошладим. Тез-тез тўхтаб, олдимдаги ўсимлик ачитқи ўт эмасмикин, деб бошимни кўтариб қарардим. Йўқ. Мана, устимда ачитқи ўт барглари тебраниб турибди. Яна адашибман — бу бошқа ўт экан... Яна судралиб кета бошладим. Ниҳоят тепамда, баландда сарғиш-яшил сийрак популларга кўзим тушди. Синчиклаб қарардим. Ҳар бир япроқ менинг бошимдан ҳам катта. Уларни кўп марта кичрайган ҳолда тасаввур қилиб кўрдим. Ҳа, бу ачитқи ўт эди.

Қимирламай ётганча, гулчанг, гул ёки япроғини, бир дона япроғини қандай қилиб олсам экан, деб ўйлардим.

Вақт ўтиб борарди. Юқорига қаттиқроқ тикилиб бир барг банди синганини кўрдим. У қачон узилиб тушаркин

деб кута бошладим. Беҳуда кутиш! Кечга яқин шохда шарсимон чиғаноқли шиллиқ қурт пайдо бўлди. Бирдан у поядан банди синган баргга ўтса-я, деб севиниб кетдим. Яна кута бошладим. Худди ўша баргга ўтди. Омадимни қаранг! Барг узилиб, ерга тушди. Барг елдига судралиб бориб, уни олдим-у, бир бўлагини кафтларим орасида эздим, оғриётган жойларимга қўйдим ва бу яшил бўтқани обдан сурдим. Терим ловиллаб, қизариб кетди, лекин бир неча соатдан сўнг оғриқ камая бошлади.

Балки менга заҳарли ачитқи ўт ёрдам бергандир, эҳтимол охирги кучимни сарфлаб ҳаракат қилганим, судралганим учун тузалиб кетгандирман. Гимнастика бод касалининг баъзи формаларини даволашнинг энг яхши воситаси.

#### 45 - в а р а қ

Ўша тонгда садаф нур ўтлар орасини ёритиб турарди. Кундаликнинг қуриган варақларини тошлар остидан олиб, уларни янги мум халтага солиш ва кейин Буюк Сокин дарёдан яна бир бор олиб ўтишга уриниб кўриш учун қирғоқ томон юрдим.

Ерга пушти ҳошияли қип-қизил ипак гиламлар тўшалган; наъматак гуллаб бўлиб, гулларини тўкаётган эди. Тўқ яшил ўтлар узун ва тўғри хиёбон бўлиб тизилган. Баланда эса капалакгул мовий юлдуз бўлиб кўринадди.

Балки бу ерга бирор йнги келиб наъматак ва капалакгулларни териб гулдаста ясар ва олдиндан тайёрлаб қўйган сўзларини унутиб, боғнинг пастак панжараси сша қўллари қалтираб бирортасига шу гулдастани узатар. Бунга жавобан қизнинг юзи табассум билан ёришар. Оқ қайин уларнинг оёғи остига тўшаган тўр соясини силкитади, қалдирғочлар қувноқ чирқиллаб уларнинг устидан пастлаб учади.

Шу меҳрибон кишилар, капалакгуллар орасидан ёриб ўтиш менга нақадар қийин бўлганини, наъматак даҳшатли найзаларини — тиканларини менга тўғрилаб, йўлимни тўсганини билсалар эди!

#### 46 - в а р а қ

Сержаҳл кекса шамол менинг солимни бўрон ағдарилиб кетган жойда — тор қумлоқ, ўйчан ўтлар ўрмони ва

дарёнинг эринчоқ тўлқинлари тинч ва хотиржам туюладиган жойда яшарди.

Эррон ва шамоллар соҳили...

Эрта тонгда, қиргоққа яқин ўсган ўтлар ўрмони устида қуёш шошилмай, хотиржам ва тантанавор кўтарилаётган пайтда, дарёнинг нариги қирғоғида, тош тоғи зина бўлиб дарёга тушадиган жойда — ўша дарада шамолнинг доимий уйи бордек туюларди. У ердан чиқиб, кенгайиб, дарёдан учиб ўтади. Ҳавога қараб, ҳамиша ҳар хил плашда — осмонни қора булутлар қоплаганда кул ранг плашда, момақалдиरोқ олдидан қора плашда, атроф нурафшон ва қувончли бўлганда олтин ранг плашда — ҳамиша ҳар хил ранг плашда (нечта плаши борлигини ҳисобига етиб бўлмайди) чиқиб, ўтлар ўрмони ва дарё бўйидаги қумлоқ устидан учиб ўтади-да, увиллаб, ҳуштак чалиб ғойиб бўлади. Кутмаган вақтингда яна бирдан пайдо бўлади. Бу ердан узоқ жойларда, чўлларда, денгизларда, далаларда бажарган кўп ишидан ҳориб, чарчаб қайтса ҳам тез учар ниначиларни ҳайдайди, ўтлар ўрмонини салом қилдиради, Буюк Сокин дарёда тўлқинларни кўтаради, кейин яшириниб, ғужанак бўлиб ухлаш учун қояларга, ўз дарасига қайтиб кетади.

Шу тариқа дарё томон тез кетяпман. Дарёга яқинлашган сари катта жарликлардан ўтишга тўғри келади. Жар ёқаларида ўт дарахтлар мунгли шовиллайди. Мана, дарахтлар ортидан жимирлаб турган дарё пўлат рангда товланиб кўринди.

#### 47 - в а р а қ

Сўнгги жарликдан чиқиб, қиргоқда қум қуюни чарх ураётганини кўрдим. Қиргоққа яқин ўсган ингичка ва қиличдек узун улкан дарахтлар силкинар, учидан тубигача тебраниб, эгилиб қумга тегарди. Қум қуюни қиргоқда сайр қилиб, ўтлар орасида уввос тортарди. Атроф қоронғилашди. Ўз қоғозларимга ташландим.

Шамол тошларни ўрnidан қўзғатиб, бир жойдан иккинчи жойга думалатар, кундалик варақларини чирпирак қилиб учуриб кетарди. Варақлар ҳавода учиб юрар, сув устига тушарди. Мен қиргоқда у ёқдан-бу ёққа югурардим, шамол эса варақларни бошим устидан учуриб ўтиб, ўтлар орасига олиб кетди. Утлар шовиллар, тебранарди. Айрим варақлар ерда сакраб рақс тушар-

ди, лекин мен биттасини ҳам тута олмадим. Битта варақ ердан чиқиб турган томирга илашиб қолган эди, шамол уни ҳам юлиб олиб кетди. Қўлимни чўзганча қоқиниб-суқиниб, варақлар орқасидан югурардим, лекин шамол чанг кўтариб, айлантириб, устимга сочди ва кўз очирмай қўйди.

Кўзимни ишқалаб, атрофга қарасам, битта ҳам варақ қолмапти. Фақат шамол йўналиши, шаклини ўзгартиб эсарди — учар, ҳуштак чалар ва увиллар эди.

Қирғоқда шамол ва қумдан бошқа нарса қолмади.

#### 48 - в а р а қ

Бир печа кун олдин дори қидириб, дарё қирғоғидан ўтлар ўрмони ичига судралиб жўнаганимда ҳаво очиқ ва сокин эди. Албатта, бу ерда қаттиқ шамол ва бўронлар бўлишини билардим, лекин у вақтда касал ва ожиз эдим, тошлар остидан варақларни тўплаб, уларни ёрга яшириб қўйишга кучни қаердан олардим?

Буюк Сокин дарё соҳилидан кетдим. Бутунлай кетдим. Янги кундаликни бошлаш ва уни узоқ йиллар ёзиб тугатиш учун яна қоғоз ва сиёҳ қолган уйга қайтиб келдим. Сокин оқшомларда чигирткалар чириллаб турганда йўқотилган кундаликда нималар ёзилганини эслайман, ҳаммасини такрорлаб, қайта ёзаман. Сўнг яна узоқ йўлга чиқаман. Сузиб ўтаман, дарёдан албатта сузиб ўтаман ва янги кундаликни одамларга топшираман.

#### Янги кундалик

Шу қирқ саккиз варақда қуруқлик ва сувдаги сўнги саёҳатим тафсилотини ва кундалигим қандай йўқолганини тасвирладим.

Бу янги кундагликни мен — Сергей Думчев, Буюк Сокин дарё соҳилида бўрон учуриб кетган кундалик ўрнига ёзяман. Бу дарё кўп йиллар муқаддам мен учун кичкина жилга эди.

Бу саҳифаларда мен Бўлиқ Ўтлар Ўлкасида нималарни кўрган, кузатган ва кашф этган бўлсам — ҳаммаси изчиллик билан санаб ўтилади ва изоҳланади.

Ҳозир ҳаммасини хотирлар эканман, сўнги варақ орқасидан югуриб, шамолдан ҳеч бўлмаса бир варақни одамларга етказ деб илтижо қилганимда нақадар

ожиз эканлигимни кўз олдимга келтиряпман. Нақадар кулгили ва аҳмоқона илтимос қилибман-а? Шамол бирор варақни одамларга етказса, бундан нима фойда. Ахир одамлар уни ўқиб, ҳеч нарса тушунишмайди-ку. Бунинг устига қандай қилиб ўқишади?

Энди бунисини қараи... Қогоз кам. Энди янги кундалик ёза бошладим-у, қогоз тамом бўляпти. Бошланган ишни тўхтатиб, арилар инига боришга тўғри келади...

## ОДАМНИ ОДАМ ҚУТҚАРАДИ

### КЕЧИККАН ГИНАЛАР ДАРЭСИ ҚИРҒОҒИДА

Шу тариқа Думчев янги кундаликни бошлаб қўйиб, қоғоз ва сиёҳ қидириб кетди.

Думчевнинг бу ёзувларини ўқиб бўлганимда қуёш ботиб бораётган, ўт-дарахтлар сояси борган сайин узунлашаётган эди.

«Энди нима қилай?» сўрадим ўзимдан. Албатта одамни ўстирадиган соққачани Думчевга бериш керак. Уни шу ғор-уйда тўнка остига яшириб қўйиб; кейин Думчевни қидирганим маъқул эмасмикин? Йўқ, бундай қилиш керак эмас. Топшириш керак бўлган нарсани яшириб нима қиламан? Устирадиган доридан бир дақиқа ҳам ажралмайман! Дорини плашга ўраб, уни орқалаб йўлга чиқмоқчи бўлдим.

Думчев қоғоз олиб келиш учун қоғозчи арилар олдига кетганини ёзибди. Қоғозчи арилар ини узоқ эмас, мен турган тўнкадан бир неча қадам нарида. Бориб нима қилдим? Чақириш мумкин. Қаттиқроқ бақириш учун чуқур нафас олдим-у, шу заҳоти товушим чивиннинг чийиллашидек ингичкалигини, овозим ўтларнинг шовиллашида эшитилмаслигини эсладим. Чунки мен кичрайдим, Думчев билан ўртамиздаги масофа мислсиз катталашди. Қоғоз арилар инига узоқ, жуда узоқ йўл босиб боришим керак.

Думчевнинг ёзувларини ғор-уйга олиб кириб, жойига қўйдим. Чириндиларнинг жонсиз ёруғида Думчев қўли билан ёзилган варақларга сўнгги марта нигоҳ ташладим-да, хаёлан: «Инсон!» дедим. Ғордан чиққанимда ҳам миямдан шу сўз кетмасди. Атроф аввалги-

ди, даҳшатли туюлмаёй қолди: «Инсон, Думчев шу ерда!» Бу ўлка ўтлари мен хаёлан айтган «Инсон!» сўзини эшитгандек мулойим ва қувноқ жавоб қайтарди. Бу узун ва серкак ўтлар учларини илтифотли силкитаётганини кўрдим.

Думчев ёзувлари қалбимда турли туйғуларни жўшурдирди. Шу қадар хавфли саёҳатга чиққан Думчевга ачиниш, бўй ўстирадиган дорини олгач, Думчев одамлар орасига қайта олишидан севишиш. Яна бу ўлкада яшовчилар олдида қўрқиш, мени эзиб, камситиб келган қўрқувдан энди қутулганимдан хурсандлигим — ҳаммаси аралашиб кетди. Энди мен хотиржам эдим. Ёнимда, ўтлар орасида инсон бор! Энди Бўлиқ Утлар Ўлкасидаги воқеаларга сабоқли, қизиқарли томоша каби қарайман. Ченскга келганимда қўлимга тушган микросёзув сирларининг очилгани қандай яхши бўлди! Мана жумбоқ ечилди: ёзувни фотаппарат ёрдамида ҳеч ким кичрайтирмаган, инсоннинг кичкина дадил қўли билан ёзилган. Меҳмонхонадан хонамга гулдаста билан бирга тушган ёзув ҳам, сил касалини даволаш ҳақидаги ёзув ҳам — улар Думчевнинг бўрон учуриб кетган кундалиги варақларидан.

Қоғозчи арилар инига, Думчев олдига бориш керак. Бирдан бошқа-бошқа томонга кетиб қолсак-чи? У қоғоз олиб, бу ерга қайтиб келади, мен эса... мен уни қаерлардадир қидириб юраман. Хат ёзиб қолдирайми? Нимага ёзаман? Шу ерда кутиб ўтирайми? Йўқ, «кутиш» нақадар шафқатсиз сўз! Жўнаш керак!

Мен ўтлар орасига кириб кетдим. Қувончли туйғу ва ўйга чўмиб, йўлга қарамай кетаётиб, бирдан қўш болаётганини сезиб қолдим.

Ҳаммаси аён ва равшандек эди, чунки қоғозчи арилар инига боришим керак эди. Лекин қасёққа қараб юриш керак? Шимолгами, жанубгами, гарбгами ёки шарққами? Буни мен билмасдим. Қўшига, ўт-дарахтларга қарадим. Ким йўл кўрсатади? Таваккал қилиб йўлга тушдим ва тўнқадан тобора узоқлашиб кета бошладим.

Дарахтлар орасидан бирор нарсани кўришга уриниб, узоқларга тикиламан. Қулоқ соламан. Қаердандир сув шовқини кучлироқ эшитиляпти. Ўтлар ўрмони сийраклашмоқда. Ниҳоят ўрмон четига чиқдим. Дарё ярқираб кўринди. У қадар кенг эмас. Нариги қирғоқ аниқ кўриниб турибди. Албатта, бу Буюк Сокин дарё эмас,



балки Думчев ёзган Кечиккан Гиналар дарёси. Нима учундир қоғозчи арилар ини дарёнинг нариги томонида деб ўйладим. Утадиган жойни қидириш керак: балки бирор жойда Думчев кўприк қургандир.

Баланд ва тик қирғоқдан секин ва эҳтиёт билан юра бошладим. Баъзи жойларда дарё катта оқим каби шовиллаб, айланиб оқарди. Шу ерда туриб, лойқа, шағал ва тош билан қопланган нариги паст қирғоқни кўрдим. Баҳорда, ёгингарчилик вақтида дарё тошиб, кенгайиб кетса керак.

Бу ердан ғалати ҳид анқияпти! Гўё гўнг сепилаётган далага келиб қолгандайман.

Дарё кескин бурилади, қирғоқда бирдан тоғ пайдо бўлиб, мен томон думалай бошлади. Яна ўшалар — қора «рицар»лар, гўнг—қўнғизлар! Яна гўнг думалатишяпти! Уша менинг дорим ёпишиб қолган гўнгмикин? Қочишга улгурмадим. Қаёққа беркиниш керак? Тор тўхтовсиз думалаб келяпти. Тик қирғоқ четига келиб қолдим. Аммиакнинг ўткир ҳиди бошимни айлантирди.

Баланд қирғоқдан шовиллаётган дарёга йиқилдим. Чўкиб кетишимга оз қолди. Ўзимга келиб, дори ўралган плашни қўлимда ушлаганча оқим бўйлаб суза бошладим. Ёнимдан қандайдир тахта сузиб ўтди. Унга тирмашиб, устига чиқиб олдим. Бу оддий пайраха, мен учун эса халоскор, катта сол эди. Сол нариги қирғоққа сузиб борди, қуруқликка чиқиб олдим... Қандай ғалати излар! Чуқур ва аниқ излар. Дарё бўйидаги нам ердан ҳозиргина одам ўтибди. Бу ерда, яқинимда яна бир одам бор. У — Думчев!

### ЯНА АРИЛАРНИНГ ҚОҒОЗ «ШАҲРИ»

Излардан кўзимни узмай, шовиллаб оқаётган дарёдан тобора узоқлаша бошладим. Мана ҳозир бурилишдан ўтаман-у, Думчевни кўраман деб ўйлардим.

Хаёлимда кутилмаган манзаралар пайдо бўлди. Мен қадамимни тезлатдим, лекин одам изи бирдан йўқолиб қолди. Ерга қора, ғамгин соялар қўнди. Нимқоронғида улкан ғўлалар, ходалардан ошиб ўтардим, шохларга тирмашардим. Ёнимдан қандайдир катта қуш учиб ўтди ва ундан қутулиш учун ўзимни четга отдим-у, ўсимлик соясига яшириндим. Устимда сариқ гуллар силкиниб турибди. Уларнинг ҳиди бошимни бир оз айлантир-

ди. Қийинчилик билан яна йўл юрдим. Дарё шовқини тинди. Соялар тарқалиб, ёруғ бўлиб қолди. Мен бошимни кўтариб, қичқириб юбордим. Бошим устида қўнғир тусдаги ажойиб улкан ноклар осилиб турарди. Бу қанақа ғалати иншоот! Гўё улкан коса каби тепада, баландда осилиб турарди. Бу қоғоз шаҳар орқасидаги кул ранг девор осмонга бўй чўзган. Қуёш нуридан нурафшон оч сариқ шаҳар кул ранг девор фонида яшнаб турганини айтинг!

Ҳаво тўла шовқин ва гулдираш: улкан сариқ қушлар гувиллаб, гулдураб шаҳарга учиб келар ва учиб кетарди.

Иншоотнинг усти чойшаб билан ёпилган. Гўё қушлар юқоридан эмас, чойшаб остига пастдан учиб кираётгандек туюлади.

Қаерга келиб қолдим? Бу ғалати шаҳар кимники?

Бир қадам қўйдиму, ҳайратдан тўхтаб қолдим. Ерда, олдимда йўғон хода ётарди. Унинг қизил ранг фонида қандайдир энли зарҳал чизиклар қуёш нурида ярқирар эди. Бу чизиклар бирлашиб, ҳарфларни ташкил этарди. Лекин бутунлай нотаниш, тушуниб бўлмайдиган ҳарфлар. Уларни ўқиб бўлмайди. Улар бағоят катта. Уларни ўқиш учун узоқроққа бордим-у, кулиб юбордим: ходага «Пионер ЗМ» деб ёзилган эди.

Қизиқ! «Пионер ЗМ» — қаламга, юмшоқ қаламга қўйиладиган белги. Мен шунақа қалам билан ёзишни яхши кўраман. Эсимга тушди. Бу хода — менинг қаламим. Шу ерда қоғозчи арилар инидан бир парча қалин қоғоз узиб олиб, нимадир ёзмоқчи бўлдим. Қаламни олдим-у, шу заҳоти тушириб юбордим. Ўтлар орасини қидириб, тополмадим. Мана энди, ўтлар мен учун катта дарахтларга айлангач, йўқолган қаламим билан яна учрашдим.

Арилар иннинг янги-янги катакларини қуриб, уларга тухум қўйишарди. Бу тухумлардан личинка чиқиб ривожланади, улар шаҳарнинг бўлажак аҳли. Шу билан бир вақтда арилар личинкаларни боқишар, янги катаклар учун материал тайёрлашар эди. Личинкалар ғумбакка айланадиган катаклар устини бекитишарди. Асосий қурилиш тўхтовсиз давом этарди: янги қаватлар учун қатор супалар тикланар, янги қаватлар қуриларди. Қурилиш материаллари — қоғоз тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ҳам шу ерда давом этмоқда. Бу турли

характердаги ишлар бир вақтнинг ўзида бажари-  
ляпти.

Мен томошага берилиб кетибман. Бирдан яланглик-  
ка одам—плаш кийган одам югуриб чиқди. Мен чақи-  
ришга улгурмаёқ ҳалиги киши ялангликдан чопиб ўтиб,  
мислсиз чаққонлик билан улкан деворга чиқди (бу ер-  
га кўмилган қайроқ эди), девордан қоғоз «шаҳар» то-  
мига ўтди.

Ҳавода пўлат қилич ярқирагандек бўлди. Одам ғаро-  
йиб иншоот тоmidан катта қоғоз парчасини кесиб олди.

Думчев!

Арилар одамга ташлашди. Лекин у ерга сакраб, чет-  
га қочди. Мен унинг орқасидан югурмоқчи бўладим-у,  
бирдан қулоқни кар қилгудек шовқин эшитилди. Ҳаво  
дириллаб кетди. Атроф бирданга қоронғилашди.

Ялангликка ғоят катта самолёт қўнди. Олдин мен-  
га шундай туюлган эди. Яхшироқ қарасам, ҳалиги «са-  
молёт» иккита узун устун устида турибди. Қанотлари-  
ни йиғиб олган, оқ ҳошияли қора думи бир меъёрда  
ликиллаб турибди. Бу қуш эди. Жибблажибон бўлса  
керак.

Аммо арилар билан шу қадар мардона жанг қилган  
одам қаёққа кетди? Ана у! Бу улкан, даҳшатли қуш  
олдида одам жимитдек бўлиб қолди. Қуш уни чўқийди!  
Уни хавфдан огоҳлантириш учун бақирдим. Лекин у  
орқасига қарамади. Эшитмаяпти! Қуш у томонга сак-  
ради. Аммо одам кул ранг деворга суяниб, елкасидаги  
кул ранг плашни ечиб, ёниб олди. Жибблажибон ёни-  
да турибди-ю, уни сезмаяпти. У бир қуртчи чўқилади,  
қурт менга катта илондек кўринди.

Қуш қанот қоқиб, учиб кетди. Шундан кейингина  
одам қоча бошлади. У бир парча қоғозни қўлтиқлаган-  
ча югуриб борарди.

Қуш яна унга яқинроқ жойга қўнди. Одам катта  
яшил япроққа ёпишди. Кул ранг плаш ерга тушиб кетди.  
Одамнинг устида яшил плаш қолди. У яшил япроққа  
суяниб турар, қушга кўринмас эди.

Қуш патирлаб учиб кетди.

— Думчев!— қичқирдим мен.

У эшитмай, орқасига ўгирилмай, қоғоз парчаси би-  
лан қоча бошлади.

Орқасидан бориб, етиб олиш керак! Лекин учиб юр-  
ган арилар чақиб олса, ҳалок бўламан.

Яна чақирайми? Аммо ариларнинг ғувиллашидан овозим сира эшитилмайди. Шунга қарамай, қайта-қайта чақиравердим:

— Думчев!..

Йўқ, у ўгирилмади... у кетяпти, ҳозир кўринмай кетади. Жон ҳолатда олдинга ташландим. Қувиб етиш керак, етиб олиш керак!

Арилар осмонни ларзага келтириб, гувиллаб, гулдураб учишяпти. Лекин мен гоҳ энгашиб, гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб, чап бериб Думчев кетидан чолиб кетяпман. Етиб олсам бўлгани! Кўздан қочирмасам бас! Чолиб кетаётиб, овозимнинг борича бақираман:

— Думчев! Ду-у-умчев!..

Шу пайт у мен томонга қараётгандек бўлди. Мен тошларни, шохларни олиб, осмонга отдим.

Ҳа, у мени кўрди! Тўхтаб, тикилиб қараяпти. Лекин бирданига, худди қўрқиб кетганидек, қоча бошлади. Аммо бир печа қадам қўйгач, ўзига келгандек бўлди. Орқасига ўгирилди. Мана энди мен томон келяпти. Қандайдир ишора қилиб, қўлини силкитяпти. Мен у томонга ошиқдим. Яна бир қадам, яна бир...

Лекин оёғим остида ер титраб кетди.

Қаёққадир тушиб кетдим.

### ОДАМ, ЖАВОБ БЕР!

Мен қандайдир юмшоқ нарса устига йиқилдим. Қоронғи. Оғир жимжитлик. Қулоқ сола бошладим. Ёнимда кимдир бордек, нафас олаётгандек бўлди. Ким бор бу ерда? Ҳеч қандай садо чиқмади. Лекин ёнимда кимдир гимирляпти.

Ўзимни четга олиб, деворга суяндим. Уни қўлим билан пайпаслаб кўрдим. Девор тупроқдан, баъзи жойлари ғадир-будур, баъзи жойлари силлиқ. Узун, тугамас йўлакдан олдинга югурдим...

Йўлак пасайиб, қаёққадир тушиб кетяпти. Тўхтадим; олдинда гумбурлаш, шалоплаш ва шовқин эшитилди. Бу нима экан-а? Йўлак сувга олиб чиқармикин?

Орқага қайтиш керак!

Деворни пайпаслаб кетавердим... кетавердим... Бир жойга борганда йўлак икки томонга ажралди. Унг томондагисидан юрдим.

Тўсатдан шохгами, пўстлоққами қоқилиб, тўхтадим. Шох... силлиқ... айри... Уйлаб ўтиришга вақт йўқ, бу ердан тезроқ чиқиш керак. Шохни ташлаб, яна йўлакдан кета бошладим. Яна қанча юраркинман? Мен доирада айланиб юрмаётганмикинман? Ундан қандай чиқиб бўлади? Наҳотки сув шалоплаётган жойдан чиқилса? Йўлак яна иккига бўлинди. Оёғим яна нимагадир илинди. Шохми? Ахир бу ўзим ташлаб юборган шохнинг ўзи-ку!

Қондаги кўр оддек чексиз доира ичида айланиб юрибман. Бу лабиринтни ким қурганикин?

Қоронғида тўсатдан қандайдир қияликка келиб қолдим. Бу ерда сув шовқини эшитилмасди.

Анча пастликка тушганга ўхшайман. Қиялик мени бошқа узун йўлакка олиб келди. Бу ерда яна деворни пайпаслаб, бу йўлак ҳам биричиси каби айланма экап-лигига ишонч ҳосил қилдим.

Йўқ! Мана бошқа йўл! Бу йўлдан бошқа тор йўлакка бориб қолдим. Лекин ундан чиқишга уринишларим беҳуда кетди. Бу йўлакдан анча масофада икки томонга йўлақлар бошланади. Уларнинг боши берк. Орқага қайтиб, яна йўлакдан кета бошладим.

Бу йўлак қачон тамом бўлади?

Оёғим остида шох-шаббалар, қуруқ хашак бўлса керак.

Тўшаб қўйилган хашак устига ўтирдим. Бу лабиринтни ким қурганикин? Мен мудрай бошладим. «Лабиринт... лабиринт...»

Каламуш! Худди каламуш қазиган!

Кулгили! Каламуш инидан йўл топиб чиқолмай ўтирсам!

Каламуш ер остидан йўл қазиб, қуртлар, чувалчанглар билан овқатланади. Лекин баъзан ер юзасига чиқади. Худди ўша йўлни топиш керак.

Қандай сукунат! Қандай зулмат! Ҳолдан тойиб, чарчаб, мудраб қолишдан ўзимни зўрға тутиб турибман. Бирдан:

— Одам, ҳой одам, жавоб бер! — деган овозни эшитиб қолдим.

Шарт ўрнимдан туриб, бақирдим:

— Бу ердаман! Бу ёққа! Бу ёққа!

Жимлик. Йўқ, бу туш эмас. Мен яна қулоқ сола бошладим. Жимлик. Ҳа, менга шундай туюлган бўлса керак.

Сукунат ва зулмат.

Балки ҳозир тепада кеч кираётгандир? Яхши одамлар қувноқ қўшиқлар куйлашаётгандир...

Қандайдир ҳайвоннинг хириллаши тобора қаттиқроқ ва яқинроқдан эшитиляпти.

Йўлаклардан бирдан чопа бошладим ва юқорига кўтарилётганимни сездим. Соф ҳаво оқими юзимга урилди.

Демак чиқиш жойи яқин!

Чироқ ёруғи ярқираб кўринди. Чироқ жойини ўзгартирар, юрар эди.

Бу — Думчев. Мен машъалани ушлаб турган оппоқ қўлни — одам қўлини кўргандай бўлдим. Йўлакдан ёруғ кўринган томонга — юқорига югурдим, орқамдан эса каламушнинг даҳшатли хуриллаши эшитилади.

Бирдан машъала ғойиб бўлди.

Мен қўлимни чўзиб, деворга дуч келдим. Қўлимни кўтарган эдим — у йўлак шипидаги қандайдир чуқурчага кириб кетди.

Мен бўртиб чиққан жойни пайпаслаб топиб, устига чиқдим-у, шипдаги тешикни кучимнинг борича кенгайтира бошладим. Ҳайвон эса яқин келиб қолди, шу ўртада хуриллаяпти.

Икки қўлим билан тешик четини ушлаб, кўтарилиб, ер юзига чиқиб олдим. Ер устида тун экан. Машъала менга яқинлашиб келмоқда эди.

### ЧИРОҚЛАР, ЧИРОҚЛАР...

— Думчев! Думчев!..

Бирдан турли жойларда ўнлаб чироқлар пайдо бўлди.

Ҳайрон бўлиб қолдим. Бу нима? Даҳшатли ҳазилми? Чироқлар, чироқлар мени қуршаб олади, улар ўчади, ғойиб бўлади ва яна ёнади. Узоқда ҳам, яқинда ҳам чироқ, яқинда ҳам, узоқда ҳам чироқ...

Мен бемақсад айланиб, зир югуриб юрибман.

Ахир булар чиринди ва ялтироқ қўнғизлар-ку! Уларнинг орасида Думчевнинг машъаласи қайси? У ҳам қўлида нур сочадиган чириндини олиб юргандир. Думчевнинг ўзи мени топиб олсин, деб тўхтаб, кута бошладим. Чиндан ҳам бир чироқ мен томон секин келаверди.

Шу пайт:

— Одам, ҳой одам, жавоб бер! Одам, жавоб бер!— деган овозни эшитдим.

— Думчев!— қичқирдим мен. — Думчев!

Чироқ яқинлашаверди, овоз яхшироқ эшитила бошлади:

— Одам, мен олдингга кетяпман!

Бирдан атрофдаги ҳамма нарса ўзгара бошлади, овоз эса узоқлашаверди. Нега мендан қочиб кетишяпти? Чироқлар ҳам, буталар ҳам, дарахтлар ҳам — ҳаммаси ёнимдан ўтиб кетяпти.

Ойнинг хира нури ва липиллаётган чироқлар ёруғида мен тасодифан устига чиқиб турган япроқни катта чувалчанг судраб кетаётганини кўриб қолдим.

Дарров баргдан тушиш керак. Лекин мен ўйлагувча чувалчанг баргни чуқурга судраб келди. Яна бир дақиқадан сўнг пастга думалаб кетаман. Қўлларим билан чуқур қирғоғига ёпишиб, оёқларимни ғужанак қилдим; чувалчанг баргни пастга судраб кетди, мен эса юқорида қолдим ва энгил нафас олдим.

Атроф жимжит эди.

Мен жойимдан қимирлашга ботинмай, чуқур лабнда соқчидек қотиб турардим.

Ўтлар ўрмонидан чироқлар яна менга нур сочар, сўнар ва ёнар эди. Уларнинг орасида инсон машъаласи ҳам бор. У мен учун нур сочарди, лекин уни ажрата олмасдим.

Вақт ўтиб борарди, ёнимга ҳеч ким келмади. Тонг шабадаси эса бошлади. Совуқдан бир оз жунжикдим. Ялтироқ қўнғиз иситмайди. Шунга қарамай, ўтларнинг ичида юриб, кўк, зангори, яшил, сариқ, қизил чироқлар кўпроқ жойни танладим... Ҳар бир қўнғиз ўз оловини мендан бирор рангли шиша билан тўсиб тургандек эди. Турли рангдаги оловга — турли узунликдаги нур тўлқинига — совқотган қўлларимни узатардим. Ҳар бир чироқ аввал ёруғ, бир текис ёнар, сўнг нури камайиб, сўниб қоларди. «Нур қўнғизлари, Бўлиқ Ўтлар Ўлкаси дарбадарига бир оз ҳарорат инъом қилинг!» дегандек қўлларимни чўзиб, бир чироқдан иккинчисининг олдига борардим. Лекин ҳаммаси беҳуда. Сизлар ажратадиган ҳарорат жуда кам. Сизлар бутун қувватингизни нурга сарфлайсизлар. Сизларнинг ёнингизда мен хассис Скрудж идорасида қаҳратон совуқда қўлини яғона

шамга тутиб исиниб ўтирган Диккенс қахрамонига ўхшайман. «Хайр, зангори, яшил, кўк, қизил ялтироқ қўнғизлар, хайр. Нур пигментлари — ламперинни сақланглар, оксидланиш реакцияси чиройли ва совуқ нур эффектини вужудга келтираверсин. Хайр!»

Мен чувалчанг кириб кетган чуқурга бориб, уйилган тупроққа суюниб, бир оз мудраб оламан. Балки Думчев мени ўша ердан топиб олар.

«Хайр, ялтироқ қўнғизлар!»

### УЧРАШУВ

Тонг отди. Бўлиқ Ўтлар Улкасида яна бир тонг отди. Думчев мени тополмади. Унинг уйига, эски чирик тўнка олдига қайтиб бориш керак. Думчев балки ўша ердадир.

Ўтлар орасидан ўта бошладим. Атрофимда ҳамма нарса парвоз қилади, сакрайди. Ҳамма нарса куйлайди, шовиллайди, жаранглайди. Аралаш-қуралаш товушлар орасидан таниш бир хил гувиллашни фарқладим. Бу товуш кучайиб, тобора яқинлашарди. Хотиржам ва бир хил товуш. Дарҳол баргқирқар болари-мегахилани эсладим, кеча унинг инига кириб, маза қилиб овқатланган эдим. Ҳозир ҳам нонушта қилиб олсам ёмон бўлмасди.

Жондор ерга қўнғач, у баргқирқар эмаслигини, бошқача болари эканини тушундим. Якка-якка яшайдиган боларилар хилма-хил эканлигини билардим, албатта.

Хуллас, жуда оч эдим. Боларининг оёқларидаги саватчаларда ва қорнида олтинсимон ширии гулчанглари кўрдим. Уни болари гуллардан тўплаган. Гулчангининг ўткир, ширии ҳиди димоқни қитиқларди.

Болари ини ёнимда, ерда экан-у, барг билан бекитиб қўйилгани учун сезмаган эканман. Болари ерга кириб кетди. Демак бу ер болариси.

Болари ини четига чиқиб, уни барг билан бекитди-ю, учиб кетди. Ин устидаги баргни тортиб туширмоқчи бўлдим-у, лекин очликдан ва яхши ухлай олмаганимдан ҳолсизланиб қолган эканман. Барг оғир. Вақт эса ўтиб боряпти. Ниҳоят уни четга сурдим. Энди ин ичига сакраш керак. Аммо чуқур бўлса керак деб қўрқдим. Узун таёқ топиб судраб келдим. Таёққа тирмашиб энди туша бошлаган эдимки, гувиллаш эшитилиб қолди. Йн



эгаси янги овқат билан учиб келаётган эди. Таъзириминни беради.

Юқорига ўрмалаб, таёқни ташлаб қочдим. Йўқ, бу боларининг инига тегиб бўлмайди — навбатдаги сафаридан жуда тез қайтиб келяпти. Уни алдай олмайман, бунга кучим ҳам етмайди, сабрим ҳам.

Нақадар ғалати: Бўлиқ Утлар Улкасида ҳамма нарса ажойиб, аммо очликни ҳис этиш эса, одатдагидек, таниш. Бу мислсиз Бўлиқ Утлар Улкасида одам овқатлана олмайди, ухлай ҳам олмайди.

Думчевнинг уйига тезроқ етиб бориш керак.

Қаттиқ чириллаш қулогимни қоматга келтирди.

Бу қанақа ғалати ҳайвон бўлдикин? Қапотлари ичгичка ва яшил, орқа оёқлари олдинги оёғидан узун. Чигиртка! У борган сари қаттиқроқ ва қувноқроқ чириллаб, куйлаяпти. Бошқа чигирткалар қаттиқроқ куйламаптимикини деб, бирдан жим бўлиб қолади. Сўнг яна чириллайди.

Бу қулоқни кар қилувчи чириллаш ва шовқиндан узоқроқ кетиш керак! Бир қадам қўйдиму ўрмон ичига ғалати дарахтлар орасига кириб қолдим. Бу дарахтларнинг илдизлари сарғиш-оқ бўлиб, тупроққа кириб кетган, оч кўк таналари эса гоҳ осмонга тик-кўтарилар, гоҳ ерга энгашиб, учлари ва узун барглари бир-бирига яқинлашарди. Утиб бўлмайдиган қалин девор! Аммо шу ўрмон ичида ҳам чигиртканинг чириллаши эшитилмоқда. Мен орқамга ўгирилдим.

У ерда, чигиртканинг ёнгинасида гоҳ ўтлардан фарқ қилмай, гоҳ улар орасидан кўришиб, қандайдир ғалати узун ҳайвон пайдо бўлди.

Қуёш чиқиб келмоқда. Ҳалиги ҳайвон қуёшга қаради. У чўзилиб тирсакли «қўллари»ни кўксига қўйди. Халқ шуни бешиктерватар деб атамайдими? Ҳа, албатта, бу бешиктерватар!

Унга маҳлиё бўлиб қолдим. Кўзлари бўртиб чиққан. Гўё чигиртканинг чириллашини тинглаётгандек бошини хотиржам ва улуғвор буради.

Чигиртканинг чириллаши унинг жонига текканга ўхшайди. Бешиктерватар гоҳ олдинга чиқади, гоҳ ўтлар орасида ғойиб бўлади.

Чигиртка ёнидан «Пуф! Пуф» деган овоз эшитилади. Худди тирноқ билан ойнани тирнаётгандек товуш чиқяпти. Тақиллаш ва чириллаш.

Қизик!

Оч яшил, чиройли, сарвқомат бешиктерватар чигиртка томонга бурилди.

Ҳа, чигиртка жудаям жонига текканга ўхшайди.

Бешиктерватарнинг ҳаракатлари нақадар улуғвор! Мана у бирор қизик рақсни ижро этишга тайёрланаётгандек олдинги узун оёқларини чўзди. Оёқларида ўрта-сида оқ нуқтаси бор қора холлар кўриниб турибди. Гўё кўзининг сурати! Болдирида эса икки қиррали арра каби икки қатор найзалари бор. Бу найзаларнинг ранги ҳам, узунлиги ҳам ҳар хил. Бир хиллари қора. бошқалари кўк, баъзилари узун, бошқалари калтароқ.

Бирдан чигиртка аррага осилиб қолди ва талпинди... Бешиктерватар букланадиган оёғини орқага торғиди, унинг оёғида тиши майда ва қалин жойлашган яна битта аррани кўрдим.

Арралар бир-бирига ёпишиб, чигирткани ушлаб турибди. Чигиртка чангалда питирляинги. Лекин бефойда: тепинади-ю, лекин оёқлари ҳеч нарсага тегмайди. Яна бир дақиқа ўтгач, ҳаммаси тамом бўлди. Чигиртка бир питирладию жим бўлиб қолди. Бешиктерватар уни бўғиб қўйди: бир оёғидаги арра тишлари қурбонини ушлаб турибди, иккинчи оёғи чигиртканинг бошини эзаяпти.

Бешиктерватар нонушта қила бошлади.

Қуёш тобора кўтариляпти. Бешиктерватар нонушта қилиб бўлиб, даҳшатли «қўлларини» ювошлик билан қовуштириб, қуёшга қаради.

Вой иккиюзлама-ей!

Аммо унинг боши қуёшга, гоҳ бошиқа томонга бурилади.

Мен бешиктерватарнинг виқорли ҳаракатларига маҳлиё бўлиб қолдим. Ҳар қандай қўрқувни унутдим. Бешиктерватар арраларини яхшироқ кўриб олиш учун ўтлар илдизига қоқилиб, борган сари яқинроқ кела бошладим.

Ноқулай ҳаракат қилиб қўйиб, ердан чиқиб турган илдизга қоқилиб, йиқилиб тушдим.

Пуф! Пуф!

Сакраб турдим. Вақт ўтган эди! Бешиктерватарнинг ўлжа ушлайдиган, ҳозиргина итоаткорлик билан кўк-сида турган оёқлари чўзилди.

Бешиктерватар менга ташланди. У баланд, жуда баланд, мендан икки-уч барабар катта. Жон аччиғида қичқирдим ва қўлимдаги соққа ўралган плашни силки-тишга улгурдим. Четга сакрадим. Лекин кеч бўлган эди — бешиктерватар арраси ҳозир мени қисади. Ҳалок бўлдим!

Аммо, нима бўлди? Бешиктерватар йнқиляпти-ку! Мен ҳам оёқда тура олмай, унинг ёнига йнқилдим.

Унгимми ёки буларнинг ҳаммасилин тушимда кўряпманми? Кимдир қуруқ, илиқ инсон қўли билан пешанамдаги терни авайлаб, оҳиста артди-да, бошимни кўтарди.

Одам овози эшитилди:

— Эҳ, отахон, отахон! Шунақаям бўладими? Бу манфурга ишоциб бўладими?

— Сизмисиз? Сиз мени қутқариб қолдингиз! — шивирладим. — Думчевмисиз?!

Одам эски одатга мувофиқ таъзим қилди:

— Ҳа, мен Сергей Сергеевич Думчевман.

Нима дейишимни билмай, қараб турардим, гоят ҳайратда қолган эдим. Ғайри табиий одам — Сергей Сергеевич Думчев олдимда турибди-ю, ажабланмай бўладими? Эғнида турли узунликдаги ва турли рангдаги бир печа плаш. Плаш остида қалин қоғоздан жилет. Ерда эса йўл халтаси ётипти, менимча у инпак қурти пилласидан ясалган.

— Тунги билан изингиздан юрибман, — деди Думчев. — Қаламуш лабиринтига ҳам кириб чиқдим. Сизни чақирдим, сиз эса қочиб қолдингиз.

— Сергей Сергеевич, — шивирладим мен, — сизни мен кеча... Яқиндан кўрдим... Орқангиздан югурдим, чақирдим... лекин йўқотиб қўйдим. Тунда ҳам изладим! Кутдим... Мана энди эса шу ерда, бирдан менинг ҳаётимни бу ҳайвондан сақлаб қолдингиз.

— Арзимаган нарса! Мутлақо арзимаган нарса! Мен булардан, ҳайвонлардан ўргандим. Қўлимдаги ари найзасини кўряпсизми? Қиличга ўхшайди. Бешиктерватарнинг кўкрак нерв тугунини ишдан чиқариш учун унинг устига сакрашга тўғри келди. Буни мен кимдан ўргандим? Каликурғ билан помпила ҳақида эшитганмисиз? Сфекслар! Ариларнинг алоҳида бир тури. Ана ўшалардан ўргандим!

— Бўлиқ Утлар Улкасидами?

— Такрорланг! Бу ўлкани қандай деб атадингиз?

— Бўлиқ Утлар Улкаси.

— Тўғри ном. Бўлиқ Утлар Улкаси... Ўзим яшаётган ўлкани бир вақтлар мен шундай деб атагандим. Бу ҳақда сизга ким айтди?

— Ўлка номини сиз (тўнка остида демоқчи бўлдим, ўзимни тутиб қолдим) уйингизда қолдирган варақдан ўқидим.

Плашни ечиб, орасидан дорини олиб, Думчевга узатдим:

— Мана, Сергей Сергеевич! Мана бўйни тиклайдиган дори!..

У менга қараб деди:

— Сиёҳ! Кундаликни қайтадан ёзиш учун менга сиёҳ керак!

«Қизиқ бўлди-ку,— ўйладим мен,— нега Думчев доридан юз ўгирди? Ёки бу дори бўйни тикламасмикин? Аммо бу ҳақда Думчев менга айтгиси келмаяптимикин?»

## БИРИНЧИ ТААССУРОТ

Бўлиқ Утлар Улкасида Думчев мени кўргандан кейин, нега олдиндан таниш одамдек гапирди? Мен тушиб қолган бу ғаройиб мамлакат, энагалар скамейкаларда тўр тўқиб болаларнинг ўйнашини кузатиб ўтирадиган оддий шаҳар хиёбонию шу ерда квартирадош қўшинсини учратгандек гаплашди.

Бу мамлакатда яшовчиларнинг хилма-хил инстинкти билан инсон ақл-заковати олишуввида ақл ғолиб чиқди. Думчев ҳашаротлар ҳаётининг автоматик механизмини, улар инстинктининг қотиб қолган ва чегараланган формаларини ҳисобга олиб, бу мамлакатда омон қолдигина эмас, ҳатто уларнинг инстинкти кучини ўзига — инсонга хизмат қилишга йўналтирди. Унинг ҳаракатларида қандайдир бир хотиржамлик, айтишим мумкинки, эҳтиросли хотиржамлик пайдо бўлди.

Ҳа, Думчев унинг мамлакатига келиб қолганимдан ажабланмади ва қандай қилиб бу ерга келиб қолганимни ҳам сўрамади. Бу оламда узоқ яшаш, хавф-хатар ҳамиша пойлаб турадиган, мағрур инсон заковати билан ҳар дақиқа қийин жумбоқларни ҳал қиладиган бу

оламда узоқ яшаш Думчевни ҳеч нарсадан ажаблан-масликка ўргатиб қўйганга ўхшайди.

Мана, у мендан бир неча қадам четлашиб, қандайдир изларга қаради, ўт-дарахтларнинг шовиллашига қулоқ солди ва ўзига ўзи гапира бошлади. Бундай қилиш одат бўлиб қолганди. Бу одат унда Бўлиқ Ўтлар Ўлкасида кўп йиллар давомида вужудга келган. У жуда оҳиста, секин ва аниқ гапирарди.

— Бу одам ҳақида нима дейсан?— деб сўради у ўзидан менинг хусусимда ва шу заҳоти ўзи жавоб берди:— Нима ҳам дердим? У жуда кўп чирилларкан, худди чигиртканинг ўзи. Питирлайди, шовқин солади. Негадир у қалтираяпти. Ундан бошқа ниманиям кутиб бўларди? У ёш. . .

Шу пайт юрак ютиб, унинг гапини бўлдим.

— Сергей Сергеевич, нега сиз ажабланмадингиз? Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бирдан сизнинг мамлакатингизда — Бўлиқ Ўтлар Ўлкасида одам пайдо бўлиб қолади. . . Сиз эса ундан ҳеч нарса сўрамаяпсиз.

У хогиржамлик билан дона-дона қилиб жавоб берди:

— Нимасига ажабланаман? Ҳаммаси равшан ва аниқ. Одамлар бўйни кичрайтирадиган ва яна тиклайдиган мураккаб бирикма составини топишган, шу туфайли сиз бу ерга келдингиз,— Думчев дарахтларнинг шовиллаб турган учига диққат билан тикилди ва оҳиста, жиддий сўради:— Нега бу ерга бошқа одамлар келмаяпти?

— Йўқ, йўқ!— бақирдим мен.— Одамларнинг бўйни кичрайтирадиган ва тиклайдиган қандайдир состав ҳақида бош қотиришларидан нима фойда? Ҳозирги замон микроскоплари энг кичик организмларни ҳам яхшилаб ўрганишга ёрдам беради.

— Бўлиқ Ўтлар Ўлкасига кирмай, у ерда яшамай туриб ўрганишга-я? Микроскоп ойнасидан кузатиб-а?..

Бу саволларга жавоб бермадим. Уртадаги суҳбат узилди.

Сўнг яна у ўзи билан гаплашаётганини эшитдим.

— Бу ҳовлиқма одам уйимга яқин жойга қандай қилиб келиб қолдйкин?

— Қандай қилиб, дедингизми?— қичқирдим мен.— Ҳаммаси гулдастадаги варақачалардан бошланди.

Думчев ҳайрон бўлиб менга қаради:

— Қанақа гулдаста ҳақида гапиряпсиз?

— Бир кунни кечқурун меҳмонхонадаги мен турган

хонага гулдаста ташлашди, унда эса варақачалар, сирли ғалати варақачалар бор эди.

— Сиз ниманидир чалкаштиряпсиз, йигит.

— Асло!

— Гулдаста... варақачалар... меҳмонхона... — у жаҳл билан елкасини қисди.

Мен давом этдим:

— Варақачаларни микроскоп ёрдамида ўқидик, кундалигингиз варақачаларини.

Думчевнинг юзи ҳаяжон ва қувонч билан ёришиб кетди.

— У топилдими? У одамларга етиб бордимми?

— Ким? Ким ҳақида гапиряпсиз?

— Бўлиқ Утлар Улкасига келганимдан буён бу ердаги кашфиётларим ёзилган кундаликни айтяпман. Ҳаммаси, ҳамма варақлари топилдими?

— Уч варақ! Уч варағи. Улар сирли, тушуниб бўлмайдиган эди.

— Улар кўп эди, жуда кўп эди! — алам билан деди Думчев. — Уларни туям зўрға кўтариб юрарди. Лекин туям, менинг ўргимчак-қашқирим ўлиб қолди. Мен эса тўхтамай юрардим... Шимоли-шарққа, шимоли-шарққа, хиёбон томонга. Буюк Сокин дарёдан сузиб ўтмоқчи эдим. Бўрон... кундалик. Кейин эса... варақларни шамол учуриб кетди. Шамол...

Думчев жим бўлиб қолди. Мен эса унинг тез орада, эҳтимол бугун одамлар орасига қайтишига кўпроқ ишона бошладим. Ана ўшандан кейин сиёҳ ҳақида ўйлашга ҳожат қолмайди, қоғозчи арилардан қоғоз топишга ҳожат қолмайди. Думчев одамлар орасига қайтади ва кундаликка ёзганларини хотиржам эслаб, тиклайди, қайта ёзади. Инсониятни янги билимлар билан бойитиш ва ўз кундалигини одамларга етказиш учун у қанчадан-қанча фалокитларни, қийинчиликларни, мусибатларни енгмади, қанчадан-қанча жасорат кўрсатиб меҳнат қилмади, қатъият билан ишламади, оқибатда эса кундаликдан учта варақача қолди! Энди буларнинг ҳаммаси ортда қолди.

Мен бу ҳақда ҳозироқ гапирмоқчи бўлдим-у, лекин нимадан бошлашни билмадим. Усиш дориси олдимизда, ерда ётарди. Уни олиш учун плашнинг орасини очиш кифоя. Лекин дорини бир марта узатиб кўрдим, у юз ўгирди-ку ундан. Нега бундай қилади?

Думчев хаёлларимни бўлиб, биринчи марта савол берди:

— Ҳали одамлар жонли организмнинг ўсишига таъсир қиладиган мураккаб составни кашф қилган эмаслар дегандингиз. Ундай бўлса, сиз бу ерга қандай келиб қолдингиз?

— Шундай бўлдики, кукун ва иккита соққача менинг қўлимга тушиб қолди. Улар фанер уйдаги стол устида ётган экан.

— Шундан кейин кукун дорини ичдингиз, шундай эмасми?

— Манави соққачани, Сергей Сергеевич, сиз учун сақлаб қолдим,— дедим қатъий оҳангда ва дорини унга узатдим.

— Қоп! Уни қаранг, қандай яхши қоп!

— Қаерда? Нима деяпсиз?

— Катта қоп келяпти. Наҳотки кўрмаётган бўлсангиз?— Думчев бир вақт мен бўғма илон деб ўйлаган қуртни кўрсатди.

— Нега бу қуртни қоп деяпсиз?

Аммо Думчев жавоб бермади, қурт орқасидан югуриб кетди ва ўтлар орасида ғойиб бўлди.

Кўп ўтмай у қайтиб келди.

— Топдим!— деб қичқирди қувониб.— У пишиқ ипакдан пилла ясайди. Мен эса уни ипакдан силкиб ташлайман. Пилла сиз учун яхши қоп кўрпа бўлади,— у кафти билан йўлхалтамга уриб қўйди.— Бундан қолишмайди.

Лекин мен бўлиниб қолган мавзуга қайтдим.

— Мана, Сергей Сергеевич, менда иккита соққа дори бор эди, мана биттаси. . .

— Бошқаси-чи?— сўради Думчев.

— Бошқасини гўнгқўнгиз думалатиб кетди.

— Тушунарли, тушунарли. Гўнг соққага қўшиб думалатиб кетишган. Гўнг думалатиб кетаётган қўнғизларни сўнгги марта қаерда кўрганингизни менга кўрсатиб бероласизми? Дорини улардан тортиб олиш керак! Майли, одам учун ҳайвонларни алдаш қийин эмас. Агар қўнғизлар омбор шар, яъни улар тухум қўядиган шарни думалатишган бўлса, соққа дори бизники бўлади. Лекин... Лекин авлоди учун эмас, овқат учун думалатиб кетишган бўлса, дори тамом бўлди!

Мен билан Думчев иккалаамизнинг ўртамизда хафалик, оғир тушунмовчилик пайдо бўлди.

Бу қандай юз берди?

Думчев бешиктерватарнинг даҳшатли аррасидан мени қутқариб, у билан олишган жойдан гўнг қўнғизларни қидиргани жўнадик. Биз дарё томонга борардик. У ердан қўнғизлар мени сувга итариб юборган қирғоққа ўтишимиз керак эди. Думчев олдида борарди. У арилар шаҳридан олинган картон қоғозни орқалаб, қўлида қилнч ушлаб олган.

Думчев деярли ҳар куни қурт ип-арқон чиқариб, дарахтга осилганча пилла ўрашини пойлаб туришига тез орада мен ишонч ҳосил қилдим. Думчев чиғаноқнинг ўткир қиррали парчаси билан арқонни кесиб, қуртни пилла ичидан силкиб чиқарар, сўнг пиллага махсус составни сингдирарди. Шу тариқа қурт пилласи қопга айланди. Бўлиқ Утлар Ўлкасида мум ва креозотни ҳам, лок ва йодни ҳам, бошқа таркиби мураккаб моддаларни ҳам осонгина топса бўларди.

Думчев енгил одимлаб, тез юриб борарди. Мен эса юкимни — плашимни кўтариб орқасидан борардим. Унинг ичида дори соққача ва ёғоч қошиқ бўлиб, уни ташлаб юборгим келмасди.

Мен йўл юрар эканман, Думчевга бўйни ўстирадиган дорини узатганимда нега у қараб ҳам қўймади, гапни чалғитиб, сиёҳ ҳақида гапирди, деб ўйлардим. Қизиқ... Дорини ютса, бир ёки икки соатдан сўнг ўз лабораториясида, стол ёнида ўтирган бўларди. Шунча йил ёлғизликдан сўнг!

Бу ерда эса ҳозир орқалаб олиб кетаётган картондан қоғоз тайёрлаши керак.

Думчев мен нима ҳақда ўйлаётганимни сезгандек бўлди.

— Одам ҳашаротлардан кўп нарсани ўрганган, одамлар маданиятни тараққий эттириш учун улардан кўп нарсани қабул қилганлар... Мисол учун сиёҳ...

Мен албатта сиёҳ анилин бўёғидан тайёрланишини тушунтира бошладим.

— Мен нима ҳақда гапираётганимни тушунмаганга ўхшайсиз, — эътироз билдирди Думчев. — Одам сизнинг сиёҳингиздан олдин сиёҳ — ёнғоқ пашшани ва у ўсим-



ликларда қиладиган ғалати ўсимта — сиёҳ ёнғоқларни сезган. . . Сиёҳ — бу оддий нарса, лекин у топилиши билан инсон маданияти қандай ривож топди. Ҳашаротлар ҳаётини кузатиш, тадқиқ этиш керак! Бу ерда бойлик шу қадар кўпки!

— Сиёҳ — бу арзимаган нарса,— эътироз билдирдим.

— Ҳашарот барғни тешади,— Думчев менинг гапимга эътибор бермай давом этди,— тухум қўяди, кейин ёнғоқ пайдо бўлади, личинка шу ёнғоқ ичида яшайди. Одамлар эмандаги шу ёнғоқлардан сиёҳ тайёрлай бошлаганлар. Қоғоз-чи? Ёғочдан қандай қилиб қоғоз тайёрлашни одамлар қоғозчи арилардан ўрганишган. Каноп поядан тайёрланган қоғоз жуда қимматга тушарди. Инсоният маданияти эса ёзиш учун тобора кўп арзон ва қулай материал — қоғоз талаб қиларди. Арилар эса миллион йиллардан буён жағи билан дарахт толасини шилиб олади, майда кукунга айлантиради ва ёпишқоқ суяқлик чиқариб, қоғоз соққача тайёрлайди. Бу соққачани жағи билан жипслаб уни юпқа пластинкага айлантиради. Мана энди уйи девори учун мағериал тайёр. Фақат юз йил олдингина ёғочдан қоғоз тайёрлаш сири кашф этилди. Шунақа қоғозга ҳозир биз ёзаямиз, китоб босаямиз. Ахир бу техника бурилиши, маданиятнинг олға қараб ҳаракатида катта бир сакраш-ку!

Биз йўлда давом этдик.

Бирдан Думчев тўхтаб, ўзи билан ўзи гаплаша бошлади.

— Назаримда плашдаги оғир юкни кўтариб юриш йигитга (у мени гапираётган эди) қийинлик қилаётганга ўхшайди. Менинг қопим эса картонга тўла. Бизнинг қўлимиз бўш бўлиши керак.

У мен томон ўгирилди:

— Юкларимизни ишончли жойга яшириб қўйсак яхшироқ бўлмасмикин? Юриш осонроқ бўлади. Уларни халикодома инига яшириб қўямиз.

У «халикодома» сўзини чуқур ҳурмат билан айтди.

Думчев четга чиқиб, очиқ жойни кесиб ўтиб тўхтади.

Устида ҳеч қандай ўт ўсмаган улкан тоғ чўққиси осмонга тақалиб турарди. Тоққа оқиш, ярим доира иншоот ёпишиб турарди. У бир неча жойидан тешилган. Яқинроқ бориб, бу тешиклар думалоқ ва силлиқ эканини кўрдим.

— Буюмларни сақлашга бу ердан яхши жой топиб бўлмайди,— деди Думчев.— Биз тоштешар болари — халикодома ини олдида турибмиз. Ёш боларилар ўз инлари ва умумий тошни тешиб, учиб кетишган. Ҳозир бу ер бўш, ҳамма нарса бехатар туради.

Думчев қўлимдаги тугунни олиб, картон солинган қоғози яхшироқ орқалаб, тоғ устига чиқа бошлади. Тоғдан унга ёпишиб турган оқиш иншоотга ўтди.

Мен унинг орқасидан зўрға тирмашиб чиқдим. Ҳамма юкларни Думчев узун арқонга боғлаб, тешикдан пастга туширди-да, оғзини тош билан беркитиб қўйди.

— Бу жойни эслаб қоларсиз?— деб сўради у.

— Эслаб қолишнинг иложи йўқ!

— Асаларилардан топографияни ўрганинг.

— Топографияни? Бунга топографиянинг нима алоқаси бор? Бу ерда инстинкт бор. Миллионлаб йиллар давомида мослашнинг натижаси бу. Аммо инстинкт кўр нарса! Ҳаят чегараланган ва ҳамиша беихтиёр қилинадиган иш!

Мен бу гапларни қаттиқроқ айтдим. Лекин мен қаттиқ гапирмоқчи эмасдим. Бироқ гапим қаттиқ ботганини ва ўғитсимон бўлганини ўзим ҳам сездим.

Думчев қатъий эътироз билдирди:

— Бўлмаган гап! Асалари ўз инини ҳамиша адашмай топиб келади:

— Ҳа, шундай!— Энди ўзимни тута олмай қаттиқ гапирдим.— Аммо бу инни четга, яқин жойга олиб қўйсангиз, асалари кўриб турса ҳам, ўз инини таний олмайди. У ўзи учиб кетган жойгагина келади. Бу инстинкт. Сиз эса одам асаларидан ўрганишни керак дейсиз. Ахир бу бемаънилик-ку! Бепоеи океанда одам одамини топа олади. Ақл-заковат компасни ва бошқа мураккаб асбобларни ясади.

Думчевнинг лаблари ёнида хафақон ажинлар пайдо бўлди. Орага оғир жимлик чўкди.

— Шунга қарамай, одам халикодома — асаларидан ўрганган,— деди бир оздан кейин Думчев.— У цемент тайёрлайди. Ўз авлоди учун мана шу инни цементдан ясаган. Асалари сўлагини билан қорилган оҳак тупроқ ҳавода ҳам «ёпишиб», абадий қотади.— Думчев «абадий» сўзини бақариб айтди.

Одамлар халикодомадан ўрганишларига ҳожат йўқ, деган гапим кўнглига қаттиқ ботган бўлса керак.

Мен жим бўлдим.

Индамай турганимни у гапимга қўшилмади, деб ўйлади. Менга қарамай, ўчакишгандай давом этди.

— Бу камтар тоштешар асалари инсонга цемент сирини ҳады этди.

Мен Думчевга эътироз билдирмоқчи бўлдим-у, лекин у қўполлик билан гапимни бўлди:

— Қадимги одамлар жуда кузатувчан бўлган, халикодома тошга ўз инини цементдан ясайди. Миср пирамидаларининг бинокорлари ҳам цементга мурожаат қилганлар. Бу билан улар халикодомага тақлид этганлар. Цемент пирамидаларни абадий мустаҳкамлаган! Бизнинг кунларимизгача!

— Баян пирамидалардан харобаларгина қолган,— эътироз билдирдим.

Шу пайт нима учуидир қадимги Миср тарихига оид бир альбомда сурат остидаги ёзувни эсладим: «Мен тўғримда тош пирамидаларга нисбатан тубан фикрда бўлма, чунки мени мана бундай қуришган: таёқни ботқоққа чуқур ботиришган, кейин уни тортиб чиқариб, унга ёпишиб қолган лойқани тўплашган; менинг гиштарим ўша лойдан ясалган».

Бир фиръавннинг пирамидадаги бу ёзувини Думчевга ёддан ўқиб бердим.

— Биламан, биламан!— деди Думчев.— Асхиёс пирамидаси. Мақтанчоқлик фойда бермаган—пирамида нураб кетган. Лекин қазилмалар шуни кўрсатдики, мисрлик бинокорлар ҳам гиштар орасига оҳакли ёпишқоқ қоришма қўйганлар— бу халикодома цементи. Ундан ўрганишган.

— Сергей Сергеевич, қадимги мисрликларнинг пирамида қургани— бу тарихнинг иши. Ҳозир ёпиштирувчи янги моддалар— портландцемент, гидравлик цемент кашф этилган. Цемент янги қурилиш материали— бетон яратишга имкон берди. Энди одамлар темир-бетондан бинолар, катта кўприклар қуришяпти... Темир-бетонни кашф этишни асалари ўргатган эмас.

Думчев қулоқ солиб туриб, эшитилар-эшитилмас такрорлади:

— Темир-бетон... бетон... гидрав... Тушунмаяпман...

— Менинг гапимга қўшилинг, Сергей Сергеевич,— дедим секин.— Инсон на бу аридан, на ҳашаротлар-

дан — бу жонли машиналардан ўрганишга муҳтож эмас.

— Нима? Нима дедингиз?

— Бу ҳамма ҳашаротлар — жонли машиналар. Қуйи организмлар!

Думчевнинг юзи аламдан буришиб кетди. Шу пайт хафалашиб қолганимизни сездим.

Мен Думчевнинг орқасидан борардим. Қуёш анча кўтарилиб қолганди. Мен сизнинг олдингизда гуноҳ-корман, дегим келарди-ю, гапни нимадан бошлашни билмасдим.

### СУВДА ЧУКМАЙДИГАН БУЛГАНДА

Кечиккан Гиналар дарёсига яқинлашганимиз сайин у кучлироқ шовиллайди, мана дарахт-ўтлар орасидан унинг тўлқин сувлари ялтираб кўринди.

— Дарёдан солда ўтамиз. Шу ерда, бурилишга боғлаб қўйилган. Нариги соҳилга ўтгач, қўнғизлар изидан борамиз. Уларга етиб олиб, ўсиш дорисининг иккинчи соққасини тортиб оламиз,— деди Думчев.

Узун таёқлар (қарағайнинг қуруқ ниналари) билан қирғоқдан итарилиб, сузиб кетдик.

Тажрибали Думчев солни қирғоққа йўналтириб борарди. Бирдан яқин жойда кимдир эшкак билан сувни ураётганини эшитгандек бўлдим. Атрофга қарадим-у, маҳлиё бўлиб қолдим. Сол ёнгинасида баҳайбат сув махлуқлари — тиргакка ўрнатилган эшкакли жонли «қайиқлар» сузиб борарди. Юмилмайдиган қизил кўзли бу «қайиқлар» гоҳ сувда ниманидир синчиклаб кузатиб, тўхтаб турар, секин ҳаракат қилар, гоҳ бирдан олға ташланарди. Тук билан қопланган эшкак сувга урилар, «қайиқлар» миселсиз тезлик билан дарё юзиде сузиб юрарди. «Қайиқлар»дан бирортаси сузиб бораётиб бизнинг солга тегиб кетса ҳалок бўлишимиз турган гап. Сол ўша заҳоти ағдарилиб кетиши мумкин.

— Кузатинг! Сувқўнғиз — эшкакли қайиқнинг ажодди. Бу сув ҳашаротининг орқа оёғи — эшкак — худди тиргакдагидек туради, учи эса тук билан қопланган. Солни қаттиқроқ итаринг!— қичқирди Думчев.— Қўнғиз етиб оляпти!

Худди шу заҳоти тўлқин келиб урилди. Сол тебраниб, айланиб кетди. Думчев солнинг нариги четига

югурди. Мувозанатни тиклаш қийин эди. Солни сув кўриб кета бошлади. У қийшайиб, бир чети сув ичига кириб кетди. Думчев уни тўғрилади.

Хавфли дақиқалар ўтиб кетди. Думчев таёқни ишла-таётиб, хотиржам гапирди:

— Ким билади, балки қадимги одам қўнғиз сувда қандай ҳаракат қилишини кўргандир. Уни кўриб, тир-такли эшкак ясашни ўргангандир.

Думчевнинг гапи тугамади. Пастдан нимадир урилди, сол тик кўтарилди ва иккаламиз сувга тушиб кетдик.

— Қўнғиз яқин! Шўнғинг!

Шундай деди-ю, Думчев сув остида гоинб бўлди. Орқасидан мен ҳам шўнғидим. Сароб эмасми бу? Сув остида рўнарамда галати биллур уй пайдо бўлди. Думчев шу уйда қандайдир бир дарахт ходасида хотиржам ўтирар ва ишора қилиб, мени ёнига чақирарди.

Йўқ, бу сароб эмас! Мана, мен ҳам биллур каби шаффоф қўнғироқ остига кирдим.

«Аргиронета! Кумушсимон ўргимчак!»— Думчевнинг ёзувларида сув ости аэростатлари ҳақида ўқиганим ёдимга тушди.

— Ердагидек бемалол нафас олаверинг,— Думчевнинг ёнига ўтирганимдан кейин унинг хотиржам овози эшитилди.

Атрофга қарадим. Биз ўтирган уйнинг шаффоф қо-биғи орқали менга потанини бўлган сув ости дарахтлари-нинг бир-бири билан чалкашиб юқорига қараб ўсга-нини, сувда тебраниб турганини кўрдим. Дарахтларнинг узун ён шохлари узоқ-узоқларга сузиб кетаётгандек оқим бўйлаб ястанган эди.

Бўлиқ Ўтлар Ўлкасининг баҳайбат дарахтларига ер камлик қилиб, улар сувга ҳам ҳужум қилгандек эди.

Чалкашиб кетган сув ўтлари орасида, яқин жойда бирдан ёниб турган кўзларни кўрдим. Арқонлар шох-дан-шохга, дарахтдан-дарахтга чўзилди.

Биз ўргимчак тўри билан туташтирилган сув ости дарахти бутоғида ўтирганча сув ости дунёсининг гала-ти, хилма-хил ҳаётини кузатардик. Дарахтлар, поялар ва шохлар орасидан қандайдир ҳайвонлар сояси липил-лаб ўтарди. Улар сувни гоҳ секин, гоҳ тез ёриб ўтарди.

— Бу қўнғироқ ичида хотиржам ўтиришимиз мум-кин,— деди Думчев.— Бу иншоот бизни ҳалокатдан сақ-

лаб қолганини тушунасизми? Водолаз қўнғироғи.— У аргиронета ипи билан тўқиган тўрни кўрсатди.— Ургимчак уни аста-секин сувдан бўшатиб, ҳаво билан тўлдиради. Ҳавонинг ўргимчак тўрига ёпиштирилган ҳар бир пуфаги, физикадан маълумки, ўз ҳажмига барабар сувни сиқиб чиқаради. Энди инсон олдида табиатнинг тайёр намунаси турганда бекорга бош қотириб ўтиришга ҳожат йўқлигини тушунгандирсиз?

«Бемаъни гап!»— демоқчи бўлдим. Лекин ҳалиги цемент ҳақидаги гап ёдимга тушди, Думчевни хафа қилиб қўйганимни эслаб индамай қўя қолдим.

У яна гапирган эди, водолазлик ишини билмаслигимни баҳона қилдим.

Қўнғироқ остидан сувнинг сокин юзига сузиб чиқдик. Кейин тик қирғоққа қийинчилик билан тирмашиб чиқдик.

— Энди гўнғқўнғиз овини бошлаймиз,— деди Думчев.— Дорин соққали шар билан қўнғизни сўнги марта кўрган жойингизга бошланг.

Мен атрофга қараб ўйлай бошладим.

— Гўнғқўнғизни икки марта кўрдим. Биринчи марта улар дорини шарга қўшиб, тепаликлар орқасига думалатиб кетишганди, иккинчи марта шу қирғоқда кўрдим. Тик қирғоқдан мен дарёга думалаб кетдим.

— Қаерда думалагансиз? Уша жойни кўрсатинг.

Думчевни қирғоқ бўйлаб бошлаб кетдим:

— У ерда қирғоқ тик эди, дарё бурилган жойда,— дедим мен.

Думчев мени тик қирғоққа бошлаб келди.

— Шу ердаями? Ёки ҳув нариги буриллишдадир? У ерда ҳам қирғоқ тик.

Нима жавоб қилишни билмай қолдим. Қирғоқнинг ҳамма тик жойлари, дарёнинг ҳамма муволишлари мен учун бир хилда эди.

— Уялманг! Ҳеч бўлмаса ўрмондан дарё бўйига чиққан йўналишингизни кўрсатинг,— деди Думчев.

Думчевни қандайдир бута ва унинг ёнидаги дарахт танишдек кўринган жойга бошладим. Яқинроқ келиб, адашганимни сездим. Қирғоқда санқиб, гўнғқўнғиздан қочиб дарёга тушиб кетган жойимни топа олмаслигимга ишондим.

Лекин дорини излашдан воз кеча олармидим. Ахир унингсиз катта дунёга қайтиб бўлмайди? Худди шу да-

қиқада миямга қирғоқдаги қўнғизлар бошқа-ю, тепаликлар тизмасидаги қўнғизлар бошқа бўлиши мумкин, деган фикр келди. Тасодифий ва ҳеч нарсага асосланмаган тахмин. Аммо бу тахминдан воз кечолмасдим, балки бу тахминни унутишни истамагандирман: чунки бу тахмин менга далда берар, юпатар эди. Шу тариқа ўзим ўйлаб чиқарган тахминга ўзим ишондим.

Фикрларимни Думчевга айтдим. У менга тикилиб қаради:

— Тепаликлар тизмасига боришни таклиф қиляпсизми? Яхши, мен розиман.

### **ДУМЧЕВНИНГ КУТИЛМАГАН САВОЛЛАРИ**

Қанча узоқ юрганмиз сайини, шунча кўп ўйлай бошладим: Думчев сиёҳ топмоқчи бўляпти, бинобарин Бўлиқ Утлар Улкасида қолиб, тадқиқотни давом эттирмоқчига ва кундалигини қайта ёзмоқчига ўхшайди. Буларнинг ҳаммаси тушуниб бўлмайдиган даражада қайғули. Нега у асосий мавзу — қайтиш тўғрисида гаплашишдан ўзини олиб қочяпти? Нега менинг режаларим ҳақида сўрамаяпти?

Кўринишим қайғули ва паришонга ўхшайди. Буни Думчев тез-тез орқасига ўгирилиб, менга қараётганидан сездим. У тўхтади ва мени қайғули фикрлардан чалғитиш мақсадида сўради:

— Сиз албатта нота саводи билан таниш бўлсангиз керак?.. Билиб қўйинг: ҳашаротларнинг бир минутда неча марта қанот қоқиши ҳисоблаб чиқилган.

У нима ҳақда гапирётганини дарров тушуна олмадим.

— Эшитяпсизми? Асалари учади... Учиш вақтида овоз чиқаради... Қулоқ солганмисиз?

— Ля.

— Тўғри. Бу секундига тўрт юз қирқ икки марта тебранишга тўғри келади. Бошқа товушларга ҳам қулоқ солинг.

— До!

Бу товуш асалари қанотининг бир минутда уч юз ўттиз марта тебранишига тўғри келади. Тўрт юз қирқ эмас, уч юз ўттиз, бир юз ўн та камроқ. Демак асалари қаттиқ чарчаган. Бўлиқ Утлар Улкасида мен кўзимни юмиб туриб, атрофимда нималар бўлаётганини, бу ўл-

када яшовчилар чарчаганми, безовта бўляптими, юк биланми ёки ўзи қуруқ учяптими, қаёққа кетяпти — ҳаммасини билиб оламан. Бу ерда мен турли ҳашаротлар чиқарадиган товуш баландлиги жадвалини текшириб кўрдим. Жадвал билан бир вақтлар, лабораторияда танишган эдим. Ҳашаротлар қанот қоқиб, турли товуш чиқаради. Тез қанот қоқишдан баланд товуш ҳосил бўлса, секин қанот қоқишдан паст товуш ҳосил бўлади. Турли тембрдаги товушлар баландлигини аниқлашни ёшлигимдаёқ ўрганган эдим. Ашулачи қандай баланд пардада ашула айтаётганини машшоқ дарров билиб олади-ку, ахир. Буларнинг ҳаммаси шу ерда асқотди менга. Бу ерда яшовчиларнинг қаноти асқотди! Одамлар учун қанотлар ва парвоз ҳақидаги фандан қизиқарлироқ ва ибратлироқ нарса борми!

Думчев бирдан четга бурилиб, мени ўтлар орасидан кўриниб турган ялангликка бошлади. Бу ўтлоқ четдаги дарахтга қанотли жондор боғлаб қўйилган эди.

Думчев яқинроқ бориб, тушунтира бошлади. Думчевнинг ҳикояси унинг узоқ ўтмишдаги ярмаркадаги биринчи, ягона парвози билан ҳамоҳанг эди.

— Мана кўрдингизми, кўрдингизми!— дерди у,— ҳа-вода учиш учун машинани мана бундай ясаш керак! Бу икки жуфт қанотли ниначи: бир жуфти иккинчисидан сал баландроқ жойлашган. Ниначининг ҳар иккала жуфт қаноти ҳам кўтарувчи, ҳам тортувчи куч ҳосил қилади. Бу қанотлар аппаратни кўтариб ушлаб турадигина эмас, уни ҳаракатга ҳам келтиради. Узун қанотларнинг секин ҳаракати ҳам катта тортиш кучи ҳосил қилади. Бу кучли ниначини «обкаш» ниначи деб аташади.

Думчев ниначини бўшатиб юборди, у дарҳол парвоз қилди ва кўздан гойиб бўлди.

— Хўш, чиройли учарканми? Буни қаранг, яна биттаси боғлоғлик турибди. Қанотларининг олд томони қаттиқ, орқа томони юмшоқ. Шу туфайли ниначи юқорига, пастга, чапга, ўнгга қараб учинишга, яъни ўз парвозини қаёққа йўналтиришига қараб қанот автоматик равишда ҳаво оқими билан тўқнашув бурчагини ўзгартиради. Хўш, яхши эканми?

Думчев менга савол назари билан қаради.

Мен индамадим. У меннинг жим туришимни ўзича тушунди.



— Ҳайрон бўлиб қолдингизми? Энди сизга мислсиз бир нарсани кўрсатаман. Хув ана: кўряпсиизми, бошқа бир ниначи — либеллюла оиласидан. Унинг кенг қанотлари қандай ёзилганига қаранг. Бу энг чаққон ва энг кучли ниначи. Қанотларини қаранг! Қанотларини!

Мен чамалаб кўрдим: қанотлари ўзида икки барабар катта эди. Лекин мени унинг ранги ҳайратга солди.

— Қандай оддий ва чиройли ранг!— дедим мен.— Орқа жуфт қанотининг асосида танаси рангидаги кенг тўқ жигар ранг чизиқ бор. . .

Думчев сўзимни бўлди:

— Нима, ёш боламисиз! Рангига қарамаи, учишини кузатинг. Кўряпсиизми, дам оляшти. Ўтирибди-ю, аммо учишга тайёр. У қанотларини горизонталь ҳолатда ушлаб туради. Ҳамини тайёр. . . Шамол эсаётган томонга қараб ўтирибди. Хуллас, парвозга!— қичқирди Думчев.

У арқон тугуиларини ечиб, ниначини қиличи — ари найзаси билан туртди. Либеллюла учиб кетди. Бу парвоз эмасди. Бу ҳавода ғоят тез ва шу билан бирга ғоят гўзал ўйин эди.

— Чаққонлигини, чаққонлигини қаранг-а! Қудрати-чи!.. Энди қаранг!— хитоб қилди Думчев.

Чиндан ҳам завқланадиган манзара эди. Ниначи қандайдир ўлжани қувлаб бораркан, бир дақиқа елкасини пастга қилиб ўгирилди. Кейин бирдан тўғриланди, кетма-кет бурилди-да, ўлжасини қўлга туширди.

— Сергей Сергеевич,— деб бошладим мен,— буларнинг ҳаммаси қизиқарли, лекин. . .

Мен ҳозирги замон авиацияси тўғрисида инсон қанот пайдо қилиб, осмонни эгаллагани ҳақида гапириб бермоқчи эдим, Думчев оғиз очишга қўймади.

— Одамлар учиш аппаратлари ясашни ниначидан ўргансинлар!— насиҳатомуз тугатди у.

«Бугун кечқуруноқ,— деб ўйладим,— унинг бу ерда юрган даврида мамлакатимизда юз берган воқеалар ҳақида гапириб беришим керак. . . Улуғ революциямиз ҳақида, фаннинг олға қудратли ҳаракати тўғрисида, техниканинг афсонавий тараққиёти ҳақида. . . Эҳтиёткорлик билан аста-секин гапириб бериш керак. Бу воқеаларни эшитиб, у ўзини йўқотиб қўяди, лол қолади. Ахир у Ватанга совға қилмоқчи бўлаётган нарсаларнинг кўпчилиги ҳозироқ топилган, очилган, кашф этилган, ўрганилган...»

Биз ясси тепаликка кўтарила бошладик.

— Кўрдингизми?— сўради Думчев ва тепалик устида тўхтади.

— Кўряпман. Ҳавода иккита тумансимон ярим доира кўриняпти. Ана улар бир жойда осилиб турибди, ҳув ана бошқа жойда ҳам худди шунақа иккита ярим доира. Қизиқ ҳодиса...

Думчев мийиғида кулди.

— Бу икки ярим доирани ҳашаротнинг тўхтовсиз, маълум тезликда ишлайдиган қаноти ҳосил қилган. Яхшироқ қаранг...

— Улар, бу пашшалар учмаяпти, балки...— деб бошладим мен.

— Гапиринг, гапираверинг!— қичқирди Думчев.

— Улар ҳавода муаллақ турибди!

— Ҳа, пашшалар ҳавода муаллақ турибди! Улар ҳаво бўшлиғининг ҳар қандай нуқтасида тўхтаб тура олади.

— Қушлар учади...— мен яна гапирмоқчи бўлдим.

— Қушлар нима деган гап!— Думчев қўл силтади.

— Қушлар фақат учиш, қанот қоқмай парвоз қилиш ва тош каби ерга тушишни билади.

— Шўнғиш,— деб айтдим, шўнғувчи бомбардимончи самолётларни эслаб.

— Нима? Шўнғиш дедингизми? Ғалати сўз...— деди у ўйланиб туриб ва кинояли кулди.— Қушлардан ўрганиш-а! У ҳолда мияни ортиқча ишлатишга тўғри келмасмикини? Учиш аппаратига дум осиш... Тортиш қурилмасини ўйлаб чиқариш...

— Пропеллер,— дея айтиб бердим.— Ҳаво винти...

— Тушунмайман... Учишнинг ҳамма сирини қанотда. Қанот! Кўтариш кучи ҳам, тортиш кучи ҳам, бошқариш ҳам шу қанотда. Инсонга буни қуш эмас, ниначи, асалари, пашша ўргатади! Улар гоҳ у, гоҳ бу қанотини ишга солади ва дарҳол четга, юқорига ва настга кескин бурилади: керак бўлса, ҳавода муаллақ туради. Сен инсон, нега уларни кузатмайсан, уларнинг парвози механикасида нусха олмайсан?

Мен ҳавода муаллақ турган ҳашаротлардан кўз узмасдим.

— Уларни қандай аташади?

— Сирфлар,— жавоб берди Думчев.— Сирф личинкалари шира билан овқатланади. Улар учун шу ерда

ширани кўпайтирдим. Баъзи капалаклар, бошқа ҳашаротлар ҳам ҳавода муаллақ тура олади...

Хуллас, Думчев аввалгидек, ҳозир ҳам одамларга кўп йиллардан буён маълум бўлган нарсаларни менга кўрсатаётган эди. Ҳа у аллақачонлар кашф этилган нарсалар билан дунёни ҳайратга солмоқчи. Бир жойда муаллақ турувчи вертолётлар... Реактив самолётлар... Бу ҳақда мен бир оғиз ҳам гапирганим йўқ, цемент ҳақида гап кетганда бу ўлкада яшовчиларни «қуйи организмлар» деб Думчевни беихтиёр хафа қилиб қўйганимни эслаб гапиришдан ўзимни тутдим.

Аммо ҳавода бир жойда турувчи ҳашаротни вертолёт билан таққослаб бўладими? Айтмоқчи... Тўғри, вертолёт ҳавода муаллақ туради, лекин ҳашаротнинг туришига мутлақо ўхшамайди. Вертолёт винти горизонталь ҳолатда айланади — вертолёт бир жойда туради. Ҳашарот эса ҳавода бир жойда туриб, бемалол қанот қоқаверади. Тасодифий кашфиёт йўли шу ердан бошланмасмикни? Балки баъзи жиҳатдан Думчев ҳақдир?

Мен ўзимни тута олмадим:

— Одамлар ясаган самолёт соатига саккиз юз, минг километр, ҳатто ундан ҳам тезроқ учяпти.

Думчев тўхтаб қолди. Менга диққат билан тикилди, назаримда ранги оқариб кетгандек бўлди. Бир дақиқадан сўнг истеҳзо билан кулиб, кўзларини муғомбирона қисди:

— Сиз эса, отам, хаёлпараст, мистификатор экансиз! «Самолётлар!» Ҳм... ҳм... Ёмон сўз топмабсиз. Хўш, майли, шундай ҳам бўлсин... Аммо сиз мени ҳашаротлардан кўр-кўрона нусха олишга маслаҳат берадиган тентак деб ўйламаяпсизми? Мени тўғри тушунинг! Мен, инсон, Бўлиқ Ўтлар Ўлкасида яшовчилардан ўрган деганимда, фақат бир нарсани кўзда тутаман: инсон, табиатни, ўтларни ўрган, уларнинг сирини билиб ол! Энгаш! Оёқларинг билан топтаётган нарсага қара. Мағрур бўлма! Ана, сизнинг афсонавий самолётларингиз тезлиги... қанча тезликда учяпти?

— Беш юз, етти юз, минг километр ва ундан ҳам тезроқ...

— Ёмон! Қовоғари ва пашшадан ўрганиш керак! — хитоб қилди Думчев. — Қовоғари бир минутда ўз танасининг узунлигига ўн минг баробар келадиган масофани

учиб ўтади. Ҳисоблаб кўринг, сизнинг самолётингиз бир минутда ўз узунлигига нисбатан олганда қанча масофани ўтади?

Думчев муғамбирлик билан жавобимни кутиб, менга қараб турарди.

Мен ҳаёлан санай бошладим: самолёт узунлигини ўн метр деб олдим, шунда самолёт ўз узунлигини бир минутда бир минг олти юз — икки минг марта босиб ўтар экан. Қовоғаридан таққослаб бўлмас даражада эрқада экан! Шундан сўнг самолёт узунлигини юз метр деб олдим, бунда самолёт бир минутда ўз узунлигини бир юз олтимиш — икки юз марта босиб ўтаркан. Қовоғари эса ўн минг марта! Ўн минг!

Албатта ҳашарот билан машинани — жонли дунёни машиналар дунёси билан таққослаб бўлмайди. Яна гап шундаки, ҳашаротлар кичик, жуда кичик бўлиб, улар учун аэродинамик шароит жуда қулай. Агар ҳашарот ҳажмини катталаштирадиган бўлсак, у ҳолда вазни ҳам геометрик прогрессия бўйича ортиб боради, бошқача қилиб айтганда, ҳашаротни оддий равишда, айттайлик, ўн ёки юз марта катталаштиришдан ҳеч нарса чиқмайди, чунки юк ҳам  $10^3$  ёки  $100^3$  барабар кўпаяди.

Думчев эса ҳамон ҳашаротни мақтарди:

— Чивин, оддий чивин бир ҳаракат билан — фақат бир марта ҳаракат билан! — қанотининг бутун сатҳи билан юқоридан пастга учади. Бу осондек туюлади. Инсон эса қанот қоқиб учадиган аппарат ясадими?

Мен яна нима жавоб қилишимни билмай қолдим.

— Инсон ҳашаротдан ўрганиб, — давом этди Думчев, — худди ҳашарот каби қанотни билан ҳаво оқимини хоҳлаган йўналишга улоқтирадиган ва ҳар қандай бурчак билан, ҳар қандай тезликда кўтарила оладиган аппарат ясадими? Жавоб беринг: шунақа самолётлар ясай олдингизми?

Бу саволга ҳам нима жавоб қилишни билмадим. Жим туравердим.

Шундан сўнг Думчев секин ва равон гапирди:

— Йўқ, одамларга бу ерда кўрганларини гапириб берадиган йигит бу эмас... Мен ўзим инженерлар олдига боролсам эдим: қаранглар — мана чизмалар! — деган бўлардим... Кеча тасодифан тажриба ўтказишимга ёрдам берадиган нарсани топиб олдим...

«Думчев қанақа топилма ҳақида гапиряпти?»— деб ўйладим ҳайрон бўлиб.

— Иккинчи дори соққасини қидириб, тепаликлар тизмасига борайлик!— дедим мен, унинг сўнгги ғалати жумласини эшитмаган киши бўлиб.

— Ҳа, ҳа, бориш керак,— жавоб берди Думчев.— Лекин кўтарилиш қийин. Шу ерда кутиб туринг. Мен ҳозир келаман.

### ТУШЛИК УЧУН ТАЪЗИРИНИ БЕРИШДИ

Мен ёлғиз қолдим. Утлар ўрмонига қараб туриб ўйлаб кетдим.

Қалин ва кенг япроқли дарахт орқасида гўё иккита баллондан ташкил топган ғалати мавжудот кўринди. У тўғри мен томонга келарди. Унинг иккита катта кўзи бор. Ҳар бири мозаика каби олтита кўздан иборат. Улкан мўйловлари йўл-йўлакай ҳамма нарсани текшириб келяпти. Жағи даҳшатли, қиличсимон. Жондорнинг ҳамма ҳаракатлари кескин ва кутилмагандек. Бу нима экан-а?

Қўшалоқ жуфт кўзлар. Уч жуфт оёқ. Ахир бу чумоли-ку!

Йўлда дуч келган нарсага мўйловини тегизиб, чумоли бирдан четга бурилди. Югуриб кетди. Қизиқ, у қаерга, нима учун шошияпти?

Чумоли дарахт танасидан улкан япроққа чаққонлик билан кўтарилди. Унинг кетидан мен ҳам наstdаги япроққа — катта, тукдор, сал тебраниб турган мато устига чиқдим. Балки бу қариқиз деган ўсимликдир. Юқорига қараб, баргнинг остки томонига яшил, семиз жондорлар ёпишиб турганини кўрдим. Баъзилари олтита нимжон, ингичка оёқларига осилиб қолар, сўнг яна баргга ёпишиб, узун тумшугини япроқнинг сершира магзига тикарди.

Жондорлар япроқлар ширасини сўришарди. Улар кўз олдимда семириб, йўғонлашиб борарди.

Эҳ-ҳе, булар шира-ку! Кўз олдимда улкан қанд заводи, тўғрироғи қанд қиёми заводи турибди.

Шира! Духобасимон қора шира ҳам бўлади, оч сариги ҳам, бу ердаги каби яшили ҳам бўлади. Шира — арзлмаган махлуқ, халқда шундай гап бор. Шира ҳеч

қачон, ҳеч кимдан, ҳеч қандай йўл билан ўзили ҳимоя қилмайди. Ҳайвонот дунёсидаги ҳар қандай махлуқнинг ўз дўстлари бор, душманлари бор, ҳимоя воситалари бор. Шира-чи? Улар дангаса, ҳамма нарсага бир хилда, бепарво, ўз тақдирига ҳам бепарво. Шира тумшуғи билан барг ширасини сўриб, қорнини қанд қиёми билан тўлдиради — унинг бошқа иши йўқ.

Чумолининг орқасидан юриб, ўзига хос қиём-қанд заводи ичига кириб қолдим.

Қорамтир чумоли бир ширадан иккинчисига чаққонлик билан ўтар, мўйловлари билан гоҳ у, гоҳ бу семиз ҳайвоннинг қорнини қитиқлар эди. Улар ўринларидан кўтарилишарди. Қоринларининг орқа томонида бирданга қуёшда ярқираб шаффоф суюқлик томчиси пайдо бўларди. Чумоли эса бу томчиларни очкўзлик билан ютарди. Мана, чамаси, чумоли тўйди. Япроқдан оҳиста дарахт танасига ўтди-да, чаққонлик билан ерга туша бошлади. Мен ўзим турган япроқдан энгашиб, унинг орқасидан қараб турдим. Мана бошқа чумоли кўринди. У мўйловини тегизиб, биринчи чумолини тўхтатди. Тўқ чумоли орқа оёқларига ўтирди ва бўйинини чўзиб, оғзидан бир томчи қиём чиқарди. Оч тўққа чўзилди ва томчи тўқдан очга ўтди. Бу ерга бошқа чумолилар ҳам кела бошлади. Ширалар олдида бўлган биринчи чумоли уларнинг ҳар бирига оз-оздан қиём бера бошлади.

Бу қизиқ томоша эди. Аммо мен ҳам оч эдим. Қанд заводи яқинида туриб оч қолайми? Йўқ, бундай қилиш мумкин эмас. Шу овқатдан тотиб кўрсам бўлмайдими? Яшил сигирларга яқинроқ бориш керак.

Юқоридаги ва пастдаги — икки япроқ бир-бирига тегай-тегай деб турган жойга эмаклаб бордим. Япроқ тебраниб, ликиллаб турарди. Сал бежо ҳаракат қилсам, қулаб кетишим аниқ.

Шунга қарамай ўша жойга етиб олдим.

Энди ширалар яқин жойда эди.

Қўлим билан семиз ҳайвонни тутдим. Худди чумоли каби бир-икки туртдим. У дарҳол ширин ва хушбўй қиёмдан катта томчи чиқарди.

Бу ажойиб қиёмнинг таъмига қойил бўлиб, бирдан иккинчисига ўта бошладим.

Чумолилардан бири мени баргдан хомага, ундан ерга судраб кетди. Иккинчиси эса бизни қувлаб келарди. Бўйи кичикроқ бу иккинчи чумоли биринчисига чиндан ёрдам берса — менинг ҳолимга вой эди. Лекин гап шундаки, унинг мақсади шеригига халақит беришдек туюларди. У гоҳ олдинга ўтиб, мени орқага — дарахт устига қайтариб кетар, гоҳ менинг оғирлигимни ўз елкасига олмоқчи бўлиб, йўлга кўндаланг туриб олар эди. Бу билан у катта чумолига жуда халақит берарди. Бу тўполонда дарров ўзимни тутиб олдим.

Чумолилардан бири дарахтдан мени итариб юборди, лекин мен ёғочдаги қандайдир дўнгликка тирмашиб осилиб қолдим ва оёқларимни чўздим. Иккинчи чумоли оёғимга ёпишиб, юқорига торта бошлади ва бу билан мени ерга йиқилиб тушишдан сақлаб қолди.

Шу тариқа ҳар дақиқа улар «ўзаро ёрдам»нинг тутуриқсизлигидан фойдаланиб, чумолилар мени авайлаб, оҳиста ерга туширишларига «ёрдам» қилдим.

Ерга тушгандан кейингина шира подаси боқилаётган дарахтга чумолилар солган йўлни кўрдим. Бу йўл уларнинг инигача чўзилса керак. Йўл тез юраётган чумолилар билан тўла — улар ширалар томон шошилишар эди.

Ўғрилар мени яхшилаб топталган катта йўлдан судраб боришарди. Бу ерда яна бир неча чумоли уларга ёрдамга келди.

Шу пайт ўт-дарахтлар орқасида иккита катта ялтироқ қўнғиз кетаётганини кўриб қолдим. Улар арқон билан улкан олтин ҳарфлар ёзилган қизил гўлани тортиб кетишаётганга ўхшарди... «Пионер ЗМ» ўқидим мен ва «туш кўряпман» деб ўйладим.

Чумолилар яна мени ердан судраб кетишди. «Вақтдан ютиш керак, — дедим ўзимга. — Ё Думчев келиб мени қутқаради, ё ўзим бирор нарса ўйлаб топаман».

Ўғриларга қараб, ўзимни кулгидан тийолмадим. Ахир ҳозир юз бераётган ҳодиса аввало кулгили эди-да.

Олдимда унча қийин бўлмаган вазифа турарди: нинга тортиб кетаётган чумолиларга халақит беришим, четга тортаётганларга ёрдам қилишим керак.

Ана энди томоша бошланди. Мен чумолиларнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига ёрдам берардим. Шу тариқа йўл-

нинг у четига ҳам, бу четига ҳам чиқдим. Кейин яна чумоли йўлига тушиб қолдим.

Мени тортишда бир-бирига қанча кўп чумоли «ёрдам» берса, уларга ҳалақит беришим шунча осон бўларди: гоҳ олдинга юрар, гоҳ орқага қайтар, гоҳ бирортасининг елкасига миниб олардим.

Аmmo бари бир мени ўз ишларига олиб кетишаётганини билардим. У ерга етиб борган дақиқадан энг даҳшатли қийноқ бошланади.

Бир дақиқа табиатшуносликка онд эски бир китобдаги сурат кўз олдимга келди. Минг-минглаб чумолилар азобдан типирчилаётган илонни еб тугатаётган сурат остига: «Шохдор илонга ҳужум қилган Африка кўчманчи чумолилари», деб ёзилган эди.

Ҳа, омон қолишим қийин!

Белим оғрирди, қўлларим тимдаланиб кетганди.

Олдиндаги нима? Чумоли иши тепалиги! Жуда секин бўлса-да, мени нига судраб келишарди. Мушкул аҳволда қолган эдим.

Бу ўйинда ҳолдан тойганимни сездим. Чумоли иши борган сари яқинлашарди.

### «ЛАМЕХУЗА ҚУТҚАРАДИ!»

Бирдан бақирикни эшитдим:

— Маҳкам туриг! Ҳеч нарсадан ажабланманг!

Бу Думчевнинг овози эди. У қайтиб келиб, мени жойимдан тополмай, ёрдамга шошилган бўлса керак.

— Сергей Сергеевич, нима қилай?

— Кучингизни сақланг!

— Чумолилар инига... авани ерга судраб кетиш-япти!

— Тушуняман! Кўриб турибман!— қичқирди Думчев.— Майли, чумолиларга қўйиб беринг ўзингизни! Бари бир инга киришдан бошқа илож йўқ!

— У ерда ҳалок бўламан!

Шу пайт чумолилар мени бошқа ёққа тортқилашди ва Думчевнинг жавобини эшита олмай қолдим.

— Сергей Сергеевич! Қаранг! Қаранг... Нима қилай?!

— Сизни ламехуза қутқаради!

— Ким?

— Ла-ме-ху-за!— деган овоз эшитилди.



Мен бу сўзни тушунмадим. Лекин қайта сўраб ўтира-  
диган вақт эмасди. Думчев қаёққадир гойиб бўлди.  
Сўнг яна йўлдан анча четда пайдо бўлди. У узун таёқ  
билан узунчоқ бошли, чўқморсимон мўйловли қан-  
дайдир малла ҳайвонни олдига солиб ҳайдаб ке-  
ларди.

Ғалати қўнғиз! Думчев қўнғизни четдан йўлга ҳай-  
даб туширди.

— Ламехуза шуми?— қичқирдим мен.

— Йўқ! Бу кўрқўнғиз. Ламехузани кутинг!

У қўнғизни чумолилар томон итарди. Улар қўнғизга  
ташланишди.

Думчев узоқдан қичқирди:

— Унга яқинроқ боринг!

— Нега?

— Кейин билиб оласиз!

Қўнғиз чумолиларга қорнини тутди, ўзи эса мўйлови  
билан чумолиларни туртар, улар қўнғизга оғизлари-  
дан овқат чиқариб беришарди. Боя кўрганим —  
тўқ чумоли очини боққани каби воқеа яна такрорлан-  
ди. Бир тўда чумоли кетидан иккинчи тўда қўнғизга  
ташланарди. Ҳавода эфир ҳиди тарқалди.

Мен Думчевнинг гапига кириб, қўнғизга яқинроқ бор-  
дим. Чумолилар унга ташланиб, қўнғиз чиқараётган  
хушбўй эфир суюқлигини ейишарди.

Чумолилар менига нордон чумоли спиртининг майда  
томчиларини сачратиб юборишди. Мени худди шу сақ-  
лаб қолди. Чумолиларнинг жаҳлдорлиги ва ҳужуми  
анча бўшашди.

Улар мени ҳамон итаришарди, лекин олдингидек ғай-  
рат ва куч сезилмасди.

Чумоли спиртининг нордон ҳиди кўтарилгач нима бў-  
лади?

— Думчев!— бақирдим мен.— Энди нима қилай?

— Сизни ламехуза қутқаради!— деган овоз эшитил-  
ди узоқдан.

Олдимда қоп-қора, осмонгача чўзилган, гимирлаб  
турган тоғ пайдо бўлди.

— Чумоли ини!— деб шивирладим. Ҳалокат ёқасига  
келганимни тушундим.

Бекорга атрофга алангладим. Думчев кўринмади.  
Сўнгги марта ўгирилиб, қуёшга қарадим.

Чумолилар мени ўз шаҳрига олиб кириб кетишди.

## ТЕКИНХҲҲРЛАР, МЕҲМОНЛАР, ХҲЖАЙИНЛАР

Инда менга дарҳол чумолиларнинг бир тўдаси ташланди. Улар менга тегишар, туртиб кўришар, лекин ҳеч қандай азоб бермай, четга чиқишарди.

Шу ерда, чумоли инида ётиб, Думчев берган маслаҳат қадрига етдим. Устимга сачраган чумоли суюқлигининг ҳиди чумолиларни алдади. Уларнинг инстинкти чалғитилди. Бу ҳид уларнинг инида нотаниш мавжудот борлигини билиптирмади.

Чумолилар ўз авлоди учун ғамлаган овқатдан ҳар турли келгиндилар фойдаланишининг сири шунда эмасмикин?

Улар нақадар кўп! Саноғига етиб бўлмайди.

Чумоли инида ҳеч кутилмаган турдаги меҳмонлар яшайди. Ургимчаклар, шиллиққурт, қанотсиз ва калта қанотли капалаклар минглаб ва минглаб чақирилмаган текинхўрлар яшайди.

Улардан баъзилари чумолиларга зарар ҳам етказмайди, фойда ҳам. Бошқалари соғлом чумолиларга ҳеч қачон ҳужум қилмайди, ўлган чумолилар ва ҳалок бўлган личинкаларни еб, ишни тозалаб туради. Чумоли ишнини санитария жиҳатдан тозалаш — фойдали иш! Бу ишни баъзи турдаги қўнғизлар бажаради. Лекин шаҳар эгаларига кулфат келтирадиган текинхўрлар ҳам бор.

Аммо чумоли инига тушиб қолган дастлабки дақиқаларимда дарвинизм курсига оид бу мисоллар ҳақида ўйлай олармидим. Буларнинг ҳаммасини анча кейини эсладим.

Йўлда эканлигимдаёқ, чумоли суюқлиги сачрагандан кейин, чумолиларни алдаб, уларнинг орасидан чиқиб, қочиб кетишим мумкин эди. Лекин мен бундай қилмадим: йўлда ва унинг ҳар икки томонида узоқ-узоқларда чумолилар изғиб юришарди, чумоли суюқлиги ҳиди эса мен хавфсиз жойга етиб олмай туриб кўтарилиб кетиши мумкин эди. Бинобарин, чумолилар мени яна «шаҳар»га судраб келган бўларди.

Думчевнинг гапига кириб, ёрдам кутардим, лекин тез қутилишимга шубҳалана бошладим. Думчев мени қаердан, қандай қилиб топади? Қандай қилиб фалокатдан қутқаради? «Ламехуза қутқаради...» Бу сўзларни чиндан ҳам эшитдимми? Вақт бунча секин ўтмаса!..

Чумолилларнинг турткиси борган сари оғриқ берадиган ва сезиларли бўлиб борарди. Чумолиллар инстинктини алдаган халоскор ҳид, чамаси, кўтарилиб кетаётган эди. Чумолиллар энди мени қаттиқ туртар, бир йўладан иккинчисига судрар эди. Улар мени ўз «шаҳар»ни ичкарасига тортарди... Мен тик тура олмасдим — чумоли инидаги йўлкалар, галереялар, даҳлизлар паст эди. Фақат ўтириш, эмаклаш ёки энгашиб юриш мумкин эди.

Мана мен турли шовқин, шитирлаш ва ўткир, бошни айлантирувчи ҳидлар билан тўла гимирлаб турган қоронғиликка келиб қолдим. Қайдайдир йўлкалар, хоналар, чуқур қудуқлардан пастга тушиляпти, яна хоналар.

Бу шитирлаш ва шовқиндан, бир қаватдан иккинчи қаватга тўхтовсиз ҳаракатдан бошим айланиб кетди. Ғалати ҳорғинлик! Қандайдир деворга суяндим, лекин чумолиллар атрофимни ўраб олиб, баттарроқ турткилай бошлади. Бирдан қаттиқ зарб тегди. Бошимни қўлларим билан беркитиб йиқилдим. Аммо чумолиллар орқага чекинишди. Нима бўлди? Тушунолмай қолдим! Чумолиллар тўдаси мени туртиб, итариб, босиб-топтаб қаёққа қадир шошиларди.

### **«ЛАМЕХУЗА» СУЗИ МАЪНОСИ**

Юзимга нотаниш, кучли хушбўй ҳид урилди. Чумоли ҳиди нордонроқ ва ўткир эди, бу ҳид эса хушбўй. Кўзимни очиб узоқдан келаётган овозни эшитдим:

— Ламехуза! Ла-ме-ху-за! Мен чумолилларга ламехузани ҳайдаб келдим!.. Қаердасиз?

Думчевнинг овози яқинлашиб келарди. Лекин Думчевнинг ўзи қани? Қаерда? Қоронғи! Бирдан инсон қўли қўлимни қаттиқ қисганини сездим.

— Азиз меҳмоним! Мен сизга айтдим-ку, ламехуза қутқаради, деб... Бу ёққа, бу ёққа, менинг орқамдан юринг! — Думчев мени бошлаб кетаётиб, қулогимга қичқирарди.

— Қаёққа? Қаёққа, Сергей Сергеевич?

— Қўрқманг, уларнинг энди биз билан иши йўқ. Бу ерда ламехуза бор.

— Ламехуза?

— Э-ҳа, сиз ламехуза қанақалигини билмайсиз! Тезроқ! Тезроқ!

У менинг қўлимдан ушлади.

У кутилмаган чаққонлик билан, гоҳ эмаклаб, баъзан ётиб сурилиб, галереядан-галереяга ўтар, деярли тик йўлдан бир қаватдан иккинчи қаватга чиқарди.

Тиззаларим ва тирсақларим шилиниб, тез-тез бошимни қандайдир тўсинларга уриб, унинг орқасидан шошилар эдим.

— Кейин, кейин ҳаммасини тушунтириб бераман. Тезроқ! Ҳозир чумолиларнинг биз билан иши йўқ: улар мастбозлик қилишади.

— Ким?

— Чумолилар.

— Мастбозлик?

— Ҳа, ҳа! Чумоли инида ламехуза пайдо бўлиши биланоқ чумолилар личинкаларини, ғумбакларини, ишларини ва ҳатто кейинчалик авлоди чиқадиган тухумларини ҳам унутиб қўйишади — улар мастбозлик қилишади. Қаранг, қаранг!

— Мен ҳеч нарсани кўрмаяпман.

— Галереялардан бирига ламехузани киритиб юбордим. Кўряпсизми: улар ёнимиздан ўша галерияга чопиб кетишяпти. Ламехузанинг ёқимли ҳиди уларни тортади. Бу қандайдир наркотик восита. У чумолиларни маст қилиб қўяди. Чумолилар бу ҳидга иннинг ҳамма жойидан чопиб келишади... Ламехуза ҳам чўқмор мўйлов қўнғиз каби маст қиладиган суюқлик чиқаради. Аммо бу кўп марта кучлироқ маст қиладиган суюқлик. Ламехузанинг суюқлик чиқадиган жойи турли узунликдаги олтин-симон-сариқ қил билан қопланган. Чумолилар суюқликни очкўзлик билан ялайди, унинг ҳидидан нафас олади ва шунақанги маст бўлиб қолишадикки, ламехуза чумоли инидаги энг қадрли ва бебаҳо хазинани — галереяларда зақланаётган тухумларни шошилмай, жазоланишдан қўрқмай ея бошлайди. Ламехуза чўқмор мўйлов қўнғиздан даҳшатлироқ. Қадрдон дўстим, сиз учун мен қасос олаяпман!..

Думчев шундай деб олдинга юради.

Чумоли инига кундузги ёруғлик тушиб, биз шошилиб кетаётган йўлни бир оз ёритиб турарди.

Чумолилар шаҳаридан чиқиш жойига яқин келиб қолган эдик. Галереяга ёруғ тушиб турарди.

— Энди эҳтиёт бўлинг,— деди Думчев,— ишдан чиқадиган жойда қоровуллар бор!

— Қоровуллар? Ламехуза-чи?— сўрадим мен.

— Унинг ҳиди буларга ҳали етиб келмаганга ўхшайди. Соқчи чумолилар тешик орқасида — иннинг очиқ дарвозаси олдида турибди.

— Нима қиламиз?

— Мана сизга қурол!

Думчев ингичка тўсинини синдириб, бир бўлагини менга узатди. Бу оддий қарагай иннасининг бўлаги эди.

— Менда эса,— деди у,— ханжарим, ёнимдан қўймайдиган қуролим — сфекс найзаси бор. Утирайлик. Мана бу ерга. Дам оламиз. Чумолилар маст бўлиб қолган. Аммо албатта бизни қувлашади. Соқчилар бизни таъқиб қилади.

Девордаги бир супага ўтирдик. Бу жой пана ва бехатар эди. Бу ердан иш дарвозаси олдида турган соқчиларни кузата олардик. Думчев ўнг қўлида сфекснинг ялтироқ найзасини маҳкам ушлаб олган. Биз шошилмай гаплашиб, дам олиб ўтирдик.

— Бу иннинг жонли эшиги бўлганда аҳволимиз оғирлашарди!— деди Думчев.

— Жонли эшик дедингизми?

— Иссиқ мамлактларда чумоли инининг жонли эшиги ҳақида эшитмаганмисиз? У ерларда чумоли ини тешиги ёруғни ўтказмайди. Чумолилар бургасимон понага ўхшаш бошлари билан ҳамма тешикларни беркитиб туради. Бундай жонли эшиклар албатта бир оз ғимирлаб туради. Жонли омборлар — асал хумчалар ҳам бўлади. Улар ҳам чумоли. Бундай чумолининг шишган шарсимон катта қорни қаҳрабо каби кўринади. У асал билан зичлаб тўлдирилган. Чумолилар ғамлаган асални шундай сақлайди. Бу жонли омборлар ишламайди, албатта, индан ташқарига чиқмайди. Ишчи чумолилар ундаги запасни тўлдириб туради.

— Сергей Сергеевич, бу ерда чумоли инини баъзан оқ чумоли деб аташадиган термитлар қурилмаси билан таққосладим. Эсимда бор, бир журналда босилган ҳикояни ўқигандим. Ҳиндистондаги бир губернаторнинг саро-

йини термитлар кемириб, қулатган экан. Уша ҳикояда келтирилган бир факт менга қизиқ туюлганди, араб бурнусга ўралиб ухлайди, эрталаб уйғониб қараса — ялонғоч эмиш, термитлар кийимини еб кетган экан.

— Бурнус ҳам гапми! Уша термитлар қурилмаси хилма-хил ва ажойиб бўлади. Улар қурилиш учун жойни яхши танлайди. Уларнинг ер ости шаҳарлари ва ердан баланд — етти-саккиз метр юқорида шаҳарлари ҳам бор. Бундай шаҳарларнинг ҳар бири ўзига хос равишда қурилган. Баъзи шаҳарлар конуссимон, бошқалари пирамидасимон. Австралия термитларида компас ёки меридиан инлар бор. Бу инларда узунасига ва кўндаланг деворларни кўриш мумкин. Бу деворлар шундай қурилганки, узунасига шимолдан жанубга, кўндаланглари ғарбдан шарққа қараган. Бу йўналишлар компас тили йўналишига шунақаям мос келадики, адашиб қолган сайёҳлар термитнинг қараб йўл топиб кетишлари мумкин. Эҳтимол термитлар ўз шаҳар-инларини ортиқча исиб кетишдан сақлаш учун шундай қураб: узунасига деворлар қуёш қиздириши учун энг кам майдон ҳосил қиладди.

Думчевнинг термитлар ҳақидаги ҳикоясини зўр диққат ва қизиқиш билан тингладим.

— Бу чумолилар эса...— деб бошлаган эдим, Думчев гапимни бўлди:

— Термитларни чумоли деб аташ нотўғри. Улар чумолиларга ҳатто қариндош ҳам эмас. Одамларни уларнинг иншооти ҳайратга солади. Чиндан ҳам термитлар қурилмаси жуда улкан. Термитлар тўла бўлмаган ўзгаришдан ўтади: уларнинг личинкаси тухумдан чиқиши биланоқ кўп жиҳатдан катта ҳашоратларга ўхшайди. Бизнинг чумолиларимиз эса тўла ўзгаришни босиб ўтади. Тухумдан личинка чиқади, аммо у оёқсиз, қосимсон бўлиб, катта ҳашоратга сира ўхшамайди. У бир қанча туб ўзгаришга учрайди, тўла уйқу босқичини — гумбак босқичини ўтади, шундан кейингина чумолига айланади. Чумолилар ўз шаҳрига тухумларини, личинкаларини, гумбакларни — ҳамма авлодини жойлаштириши ва боқиши керак... Чумоли нинда йўл ва йўлкалар, ўтиш жойлари, галереялар, хоналар соя-салоқсиз.

Думчев жим бўлиб қолди. У ерда, тешик олдида соқчи чумолилар гимираб юрарди.

— Энди вақт бўлди!

Мен қуролимини маҳкам ушладим. Чумоли инидан ташқарига чиқиб қочдим.

### СОЧМА ҲҚ ОТИШ

— Орқангизга қарамап!— ортимдан Думчевнинг овози эшитилди.

Биз соқчи-чумолилар ёнидан ўтиб, чумоли йўлидан четдаги тинч сўқмоққа келиб қолдик.

Индан югуриб чиққанганимизда қаттиқ шовқин мени қар қилаёзгани эсимда. Қўлимдаги пайза — қарагай пинаси парчаси билан соқчилар ҳужумини қайтарганим ҳам ёдимда, бирини, кейин иккинчисини урдим, тошлардан сакраб, ниҳоят тинч сўқмоққа чиқиб олдим.

Думчев менга етиб олди:

— Тезроқ менинг орқамдан юринг! Қувлаб келишяпти.

Ҳақиқатан ҳам чумолилар орқада қолиб кетмаган, бизга етиб олаёзганди.

Олдимизда қумлоқ қиялик. Думчев қиялик четига оёқ қўймоқчи бўлди-ю, бирдан қўлимдан ушлаб, бутунлай четга бошлади:

— Узоқроқ, бу қияликдан узоқроқ юринг!

Қияликни айланиб қарама-қарши томонга ўтдик. Бу билан чумолиларни алдадик.

Қувлаб келаётган чумолилар қияликнинг биз четга бурилган жойида пайдо бўлишди. Улар тўп бўлиб, бири-кетини чапиб келишарди.

— Сергей Сергеевич! Ана... ана чумоли... Яқин келиб қолди!..

— Сочма ўқ билан!— Думчев бирдан жаҳл аралаш бақирди.— Сочма ўқ билан!

«Қандай бемаънилик!— деган фикр келди миямга.— Ҳазилми? Телбаликми «ёки жинниликми?»

— Сочма ўқ билан!— деб хириллади Думчев.— Ут оч! Сочма ўқ билан!— команда берди у.

Шу пайт ақлим бовар қилмайдиган воқеа содир бўлди. Бизни қувлаб келаётганлар устига тош дўлдек ёғилди.

— Сочма ўқ билан! Сочма ўқ билан!— бу сўзлар қайта-қайта эшитиларди.

Душманларимиз устига яна ва яна қум «ўқлар» ёғиларди. Қаердан отишяпти? Қандай қилиб? Қим бизнинг ёнимизни олди?

Янги келган чумолилар қияликка интилишар, лекин ҳар бир таъқибчи шу ерга етиб келгач, тик қияликда

Ўзини тута олмай қоларди — қум ўқлар уни йиқитар, оёғи остида тупроқ сурилиб кетарди. У йиқилар, яна юқорига ўрмалар, лекин яна ўқ сочилар ва бизни қувиб келаётган чумолилар Думчевнинг буйруғи билан ўқ отилаётган чуқур тубига тушиб кетарди.

Мен лол бўлиб, ҳеч нарсага ақлим етмай қолди.

Думчев менга мугамбирлик билан қараб, хахолаб куларди. Аммо отишма тугаб, битта ҳам тирик таъқибчи қолмагач, у қўлимдан ушлаб, ўқ отилаётган чуқур лабига авайлаб олиб келди.

— Қаранг!

Мен Думчев ўз ёзув-варақларида ёзган ҳайвонни — кундаликни кўтариб кетаётган «туя» — (қашқир ўргимчак)ни ҳалок қилган чумоли шерини кўрдим.

### ҚУМЛОҚ ҚИЯЛИК СИРИ

Қум ичидан қўпол, йўғон ва ясси бош чиқиб турарди. Ўткир ва узун жағлари мугизга ўхшайди. Бу махлуқ ғаройиб катта бошини бешқалар томоша қилиши учун чиқариб, ўзи қумга яшириниб олгандек эди.

— Халоскоримиз! — деди Думчев.

— Аниқ ва мерганлик билан отди!

— Ҳа бу чумоли шерининг личинкаси, йиртқич махлуқ. У ташқи жиҳатдан капалакка ўхшайдиган, учиб юрадиган ҳашаротга айланиш учун бир неча босқични ўтади.

Думчевнинг гапини эшитаётган бўлсам ҳам, чумолиларнинг бу махлуқ инига қулаб тушаётгани кўз ўнгимдан кетмасди.

Думчевнинг юзи ўйчан ва маъюс эди. У чумоли шери ҳақида гапирётган бўлса ҳам, бутунлай бошқа нарса тўғрисида ўйлаётгандек эди. Думчев ўз «туя»сини эслаганини тушундим.

— Чумоли шери артиллерия қобилиятига ҳам, инженерлик маҳоратига ҳам эга, — дерди Думчев. — Бу воренкани шундай қурганки, йиқилган чумоли сўзсиз чуқурга тушади.

Биз четга ўтдик. Мен Думчевга қарадим. Унинг катта қўнғир кўзлари ёришиб кетди.

У мени тўхтатиб хитоб қилди:

— Айтинг-чи, Ченск шаҳрига қандай келдингиз?

Мен ўнғайсизландим. Бундай гапни кутган, унга тайёрлангандим, лекин у мени ташвишга соларди... Қанча



нарсаларни, Россия нақадар ўзгариб кетганини гапириб бериш керак.

Истар-истамай жавоб қилдим:

— Поездда келдим...— ва тезюар Москва поездига олган билетим йўқолиб қолганини эсладим.

— Сиз поездда келдингиз, кейин баланд-паст йўлдан отлиқ юрдингиз. Шпалларда поезд гилдираклари тарақлайди... Шундай ҳам бўладики, поезд пастга қулаб кетади.

Мен қуруқ жавоб қилдим:

— Инженерлар кўтармани аниқ математик ҳисоб билан қуришган. Тупроқшунослар эса ҳар бир табиий нишаблик бурчагини ҳисоблаб чиқишган.

— У ерда сизларда математика. Бу ерда эса маънавий чумоли шери воронкани ҳеч қандай математикасиз шундай қурадими, битта чумоли — фақат битта чумоли воронка четидан юрса борми, мувозанат бузилади. Тушуняспизми: битта чумолининг оғирлиги ҳам мувозанатни бузади-ю, чуқур тубига қулайди! Сиз эса ҳисоблашни гапириб ўтирибсиз... Инженерлар... тупроқшунослар... табиий нишаблик бурчаги... Чумоли чуқур четига қадам қўйдими — бир қум зарраси пастга қулайди, чумоли ҳам қутулолмайди. Бу ерда хато бўлиши мумкин эмас. Чумоли шери инини ётиқроқ қурса — чумоли ўрмалаб чиқиб кетади, ўқ уни йиқитмайди, воронканинг эгаси очдан ўлади. Аммо жуда тик қурса, ундан чумоли ўтса ҳам кўчки бўлади ва қум воронка эгасини кўмиб юборади. Йўқ, бу ерда ҳаммаси аниқ бўлиши керак. Қандай зўр маҳорат.

Чумоли шери ҳақида Думчевнинг варақларидан билиб олган эдим, шунга қарамай диққат билан тингладим.

— Бу воронка қандай ясалади? Спираль усулда. Чумоли шери доира ясаб айланади, оёғи билан тупроқни бошига қўйиб, четга отаверади. Шу тариқа олдин бир марта, кейин ундан кичикроқ доира бўйича айланиб чиқади. Доира борган сайин торая боради. Натижада тўнкарилган конус пайдо бўлади. Қум воронканинг энг тубида чумоли шери яшириниб олади.

— Ажойиб инстинкт!— дедим Думчевга.— Ҳашарот нима қилаётганини мутлақо билмайди, яхши созланган машина каби ҳаракат қилади.

— Созланган машина? Бу ўлкада яшовчилар машинами?— қайта сўради Думчев чамаси бошқа нарса ҳақида ўйлаб, тебора қадамини тезлатар экан.

## ЎТГАН МИНУТЛАР ҲАВОСИ

### ЖОНЛИ ЛАБОРАТОРИЯ

Думчев мени ҳайратга солмоқчи бўлдим, бу мамлакатда кашф этганларини кўрсатмоқчи бўлдим, ёки эҳтимол, менинг паришонхотирлигим ўзимга таъсир қилдими? Билмадим.

Воҳеа бундай бошланди. Думчев бирдан ғойиб бўлиб қолди. Биз қумтепалар тизмаси томон кетаётган эдик. Думчев ўнгга шартта бурилди-ю, ғойиб бўлди.

Биз қалин ўтлар орасида эдик. Мен буталарни ёриб, бир неча қадам юрдим-у, ялангликка чиқиб қолдим. Думчевни шу ерда кутиб турмоқчи бўлдим. Лекин ялангликка қадам қўйишим билансқ уч думли ғалати махлуқ мен томон кела бошлади.

Мен четга қочиб, тўхтадим. Бу махлуқнинг қурт эканлигига шубҳа йўқ. Лекин думи учта! Ана шуниси мени ҳайратга солди.

— Сергей Сергеевич!— чақирдим мен.

Жавоб бўлмади.

Мен бир неча қадам қўйдим-у, яна лол бўлиб қолдим. Нима бу? Ёнгинамда, ҳавола қандайдир жондор учиб юрарди. Бирдан йўлимни тўсиб, ерга қўнди. Қўрқиб кетдим. Кейин у капалак эканлигини тушундим, Ҳа, оддий капалак, лекин бошсиз капалак!

Тўсатдан Думчев пайдо бўлди.

— Кўриб турибман, ҳайрон бўляпсиз...

— Қаерга келиб қолдим?

— Сиз операция ўтказадиган даладасиз.

— Операция?

— Ҳа, операция! Бу мамлакатда яшовчилар физиологиясини ўрганиб, медицина ҳеч қандай наф кўрмайди;

дея олмайсиз энди. Сиз ажабландингизми? Менга шунинг ўзи кифоя.

— Ҳеч нарсага тушунмаяпман...

— Бу ерда менинг хирургиям натижаларини кўриб турибсиз. Ҳашарот организмнинг баъзи қисмлари ҳашаротнинг бошқа қисмлари ҳалок бўлгандан кейин ҳам яшашини тажрибада синаб кўриб, бунга ишонч ҳосил қилдим. Мана, капалаклар ғумбаги. Мен уларнинг бошини кесиб қўйдим, шунга қарамай ҳар бир ғумбак ўз ривожини тугатиб, ҳақиқий капалакка айланди, лекин бошсиз капалак. Бешсиз ҳам яшайпти. Аммо узоқ яшамайди... Сен-чи?— бирдан у барг устида ўрмалаб юрган асаларига гапира бошлади.— Сенга қийин бўлди: елканда бировнинг бошини кўтариб юришни хоҳламайсан! Етар, мўйловнингни тозалашни қўй! Бўлмаса бошингни узиб оласан... Асалари билан тажриба ўтказиш қийин!— Думчев менга гапира бошлади.— Бегона бошнинг ўрнашишга ўзи халақит беради.

— Ажойиб!..— ҳайрат билан дедим.

— Нимаси ажойиб? Юринг, яна баъзи нарсаларни кўрсатаман. Айтмоқчи, физиологларимиз билишади-ми...— деб бошлади Думчев.

— Қаранг!— хитоб қилдим мен.— Яна бир мўъжиза, уч думли жондор ўрмалаб юрибди.

— Бу мўъжиза эмас! Мен тажриба ўтказган қурт. Унинг танаси охиридан бир оз жойини кесиб олиб ташлаб кичик тажриба ўтказдим. Қалтакесакнинг узилган думи яна ўсиб чиқади. Йўқ, бу мўъжиза эмас. Мен кўз врачларига айтмоқчиман: «Ҳамкасблар, кўр қурт нега чироқ ёруғини сезиши ҳақида ўйлаб кўрдингизми? Бундан хулоса чиқаринг. Қулоқ солинглар! Менинг тажрибаларим кўрсатдики...»

Аммо мен Думчевга қулоқ солмадим. Бирдан мислсиз, ғоят қизиқ нарсани кўриб қолдим-да, беихтиёр сўрадим:

— Анави гўзаллар ким?

Ўт-дарахтларга учта ажойиб чигиртка боғлаб қўйилган эди: яшил бошли кул ранг, кул ранг бошли яшил чигиртка ва чирилдоқ бошли яна бир чигиртка.

— Бошларини айирбеш қилишда уларга ёрдам бердим,— деди Думчев ва чигирткаларга қаради.— Операция яхши чиқди. Бошлар тутиб кетди,— деди у ва ҳашаротларни дарахтдан ечиб юборди.

Чигирткалар сакрашиб, ўтлар ичида ғойиб бўлишди. Олдимизда бир дақиқа чирилдоқ бошли чигиртка пайдо бўлди.

— Бу ерда тажриба ўтказиб,— деб давом этди Думчев,— ҳашаротлар организмда номаълум, фан ҳам топамаган куч яширинган, деган хулосага келдим. Тажриба ўтказасан, жондорларни операция қиласан ва уларда қандайдир мураккаб жараён бошланаётганини, яшашнинг янги формаси бошланаётганини кўрасан. Бунда бир аъзо ўзгаради, иккинчиси мослашади, жондор эса... тирик қолади. Бўлиқ Утлар Ўлкасида, бу ўлкада яшовчиларда — ҳашаротларда улар йўқотган оёқлар, қанотлар, мўйлов-антенналар, кўзлар қайта тикланади-да. Менимча, бу ҳайрон қоларли регенерация, яъни йўқолган, органларнинг тикланиши пўст ташлаш жараёни билан, пўст ташлаш гармония билан боғлиқ. Мен ҳашаротларда улар яшайдиган, сакрайдиган, учадиган, тараққиётнинг ҳамма босқичини ўтадиган, кўпаядиган ва ўладиган табиий шароитда тажриба ўтказаман. Бу тажрибалар лабораториядагидан неча бор самарали! Ҳашаротлар физиологияси бўйича шу тажрибаларни ўтказганимдан кейингина йўқолган органларни қайта тиклайдиган форма ташкил этувчи марказ қаерда эканлигини аниқлай олдим.

Бу ерда йўқолган бир аъзоси ўрнига бутунлай бошқа функцияни бажарадиган бошқа аъзо ўсиб чиқадиган жондорларни топдим. Мисол учун айтсам, чўпалак деган ҳашаротда йўқолган мўйлов-антенна ўрнига баъзан... ортиқча оёқ ўсиб чиқади. Қандайдир марказ, уни шартли равишда организм нуқтаси деб атайман, икки қўшимта — ҳам антенна, ҳам оёқни шакллантиради, ясайди. Бундай марказ ҳамма вақт ҳам гап нимадалигини «тушунавермайди». Бу одамлар учун нақадар фойдали ва муҳим! Физиологларга, врачларга кўп нарсани ўргатиши мумкин!..

Думчев якка дарахт ёнида тўхтади. Унинг учи синган, лекин ажралиб кетмаган, ерга осилиб, пештоқ ҳосил қилган эди. Думчев шу арк олдида узоқларга тикилиб турарди.

— Қулоқ солинг, эй Бўлиқ Утлар Ўлкасида яшовчилар! Сизлар ўз сирларингизни миллионлаб йиллар давомида одамлардан яшириб келдингиз. Мен бу сирларни билиб олдим. Мен бу сирларни инсонга бераман!

Утлар яна сийраклаша бошлади ва ниҳоят сарғиш кумтепалар тизмаси кўринди.

Хурсанд бўлганимдан ўзимни тутолмай бақриб юбордим:

— Худди шу ерда гўнгқўнгизлар дорини шарга қўшиб думалатиб, тепаликлар тизмаси ортига олиб кетган эди! Уша ерда, бўйни тиклайдиган иккинчи соққа сўзсиз ўша ерда. Иккаламиз ҳам одамлар орасига қайтамиз!

Бу сўзларни нақадар қувонч билан қичқириб айтдим! Аммо Думчев уларни эшитмагандек эди. У кўк-яшил ўтлар ўрмошига жим қараб турарди, сўнг у гашира бошлади. Унинг ҳар бир сўзи эсимда.

— Одамлар орасига қайтишни истайманми?— деб сўради Думчев гўё ичида гашираётгандек.— Одамлар орасига...— у кўзини юмиб, оҳиста куйлай бошлади: «Осмонни зулмат-ла қоплади бўрон...»

Бироқ қўшиқни айта олмади. Сўзларини унутиб қўйган эди. У қўшиқни яна бошлади-ю, яна адашиб кетди.

— Кўрдингизми,— деди Думчев аччиқ алам билан.— Севимли қўшиғимни унутиб қўйибман.

Унинг маъюслиги менга тушунарли эди. Ахир у музикани жуда севарди, чаларди...

Уни қайгули фикрлардан чалгитмоқчи бўлдим:

— Одамлар орасида йўқотган кундалигингизни эслаб, қайта ёзасиз,— дедим.

Аммо Думчев қулоқ солмади. У ўйланиб қолди ва сўнг деди:

— Уйга кирилади. Токчадан Пушкиннинг шеърлар тўпламини олинади: «Ёдимдадур, у фусункор гўзал дам...»

— Сергей Сергеевич!— хитоб қилдим мен.— Сизни кўришим биланоқ айтмоқчи бўлгандим: ахир одамлар... Мамлакат... Ҳаммаси ўзгариб кетди!.. Ҳамиша айтмоқчи бўлардим-у, пайсалга солардим. Мана энди...

— Соат уч бўлди,— Думчев бошини кўтариб гулга қараб, бирдан дағаллик билан гапимни бўлди.— Сиз жуда чарчадингиз. Ҳали тепаликка чиқшимиз керак, бу эса осон эмас. Дам олайлик. Тамадди қилиб олиш керак.

Биз тепалик этагига ўтирдик. Думчев йўлхалтадан ипак салфетка, ёғоч тарелка, усти локланган ёғоч қошиқ чиқарди ва четга қадам ташлади:

— Бу ёққа! Бу ёққа! Мана ғамлаб қўйган овқатим! Ерга кўмиб қўйилган катта сопол хумчани кўрдим.

Думчев қопқоғини очди. Қопқоқ остида чилвир билан маҳкам ўраб боғланган шойи салфетка бор экан. Хумчада гулчанги асал билан аралаштириб қўйилган эди. Салфеткани ипак қурти тайёрлаганини билардим. Бўлиқ Утлар Улкасида бундай қуртлар кўп. Қошиқ устига қопланган локии ҳам қурт тайёрлаган. Аммо бу сепол идишни ким тайёрлаганига сира ақлим етмасди. Қошиқни ушлаб турганимча худди шунақа хумчалар дарахтдан тўкилганини эсладим.

— Тортинманг, еяверинг,— деди Думчев.— Бу хумчаларни эвмен-ари тупроқдан ясайди. У тупроқни сўлаги билан ивйтиб, бўлажак авлоди учун эпчиллик билан ин ясайди. Кейин ов қилади, ўргимчак ва қуртларни палаж қилиб, хумчага жойлайди. Ари шу янги овқатга тухум қўйиб, хумча устини лой билан беркитиб қўяди. Бу хумчалар буталар шохида осилиб тураверади. Тухумдан ари личинкаси чиқади, тайёрлаб қўйилган овқатни еб ривожланади. Катта ҳашаротга айлангач, сопол инидан чиқиб учиб кетади. Бўш хумчалар ерга тушади.

Мен жуда оч эдим, ҳаддан ташқари шошплиб, очкўзлик билан еябошладим. Думчев аввалгидек босиқлик ва ўйчанлик билан ўтирарди.

— Гўнгқўнғизлар... гўнгқўнғизлар... Одам шар ясаши, уни текис, геометрик жиҳатдан тўғри қилиши учун унга нима керак?— деб сўради Думчев, чамаси дори ҳақида ўйлаётиб.

Мен жавоб беришга улгурмадим.

— Биладан, биладан!— давом этди Думчев.— Сиз токарлик станогни керак деб айтасиз. Ишланаётган буюмнинг айланма ҳаракатини қиринди қилиб йўнаётган асбобнинг илгарилаб борувчи ҳаракатига мослаштириш керак. Гўнгқўнғиз эса ўз шарини ҳатто ўрпидан қимирлатмай туриб, думалоқ ва текис қилади. У бўлажак шар асси — гўнг устида ўтириб ясайди. Атрофига ўгирилиб, жағи билан гўнгдан олади-да, бир-бирига ёпиштиради, силлиқлайди, текислайди. Қарабсизки шар тайёр — у думалоқ ва текис. Ҳа майли! Вақт бўлди! Гўнгқўнғизлар ҳузурига сафарга!

### **ДУМЧЕВ МЕНИНГ КЎНГЛИМНИ ОЧМОҚЧИ БУЛГАНИ**

Иўқ, иккинчи соққани топиш учун бошлаган сафаримиздан ҳеч нарса чиқмади. Ҳеч нарса! Бефойда саёҳат!

Тепаликлар устида шамол ғужғон ўйнар, онда-сонда ўт-дарахтларни силкитиб, юзимга қум сочарди. Биз бир тепалик устида турардик. Тизманинг нариги томонида ҳеч қандай ўт ўсмаган кул ранг текислик кўринарди. У ер бўм-бўш, ёлғиз ва сўппайган эди. Аввалгидек ҳозир ҳам «бу қумтепалар турли майда ҳайвонлар ини устидаги тупроқ холос, гўнгқўнғизлар қаерда, қаерда улар?» деб ўйладим.

— Гўнгқўнғизлар эрта баҳорда шар ясайди,— деди Думчев менинг нима ҳақда ўйлаётганимни сезгандек.— Менимча дорини бирор кечиккан қўнғиз жуфти думалатиб кетган. Шарни тизма ортига олиб кетган қўнғизларнинг кўриниши қанақа эди? Тасвирлаб беринг. Балки уларни излаб топарман.

— Улар қора ришарларга ўхшарди,— дедим.

— Аниқроқ айтолмайсизми? Ахир гўнгқўнғизлар ҳар хил бўлади.

— Аниқроқ дейсизми? Айтолмайман.

— Агар гўнгқўнғизлар дорили шарни еган бўлса...— Думчев кўзини қисиб, табассум билан менга қаради,— у ҳолда баҳайбат бўлиб кетарди, сиз билан мен уларни кўрган бўлардик. Лекин бундай бўлмади. Бинобарин,— энди Думчев жиддий, ҳеч қандай киноясиз гапирди,— бу гўнгқўнғизлар шарга тухум қўйиб, едатларига кўра, уни ерга кўмиб қўйган, деб тахмин қилиш мумкин.

— Бефойда саёҳат...— дедим алам билан.

Тепаликдан туша бошладик. Шамол орқамиздан эсарди. Изимиздан дарахтлар ҳам гамгин шовилларди. Кўнглим ғаш эди. Тез-тез соямга қарардим: у ҳоргини ва итоаткорона энгашиб, мен билан бирга судраларди!

Ҳар сафар қийин довондан ўтишимиз лозим бўлганда Думчев қўлимдан ушлаб, довонга чиқишга оҳиста ёрдам қиларди.

— Сизни тушликка таклиф қиламан!— деди Думчев.— Тасседифан уйларимдан бирини кириб кўргансиз. Энди бошқасига, ёзлик уйимга таклиф қиламан.

Бир дақиқадан сўнг у ўзи билан ўзи гаплаша бошлади:

— Менга қара! Меҳмонни хурсанд этиш, кўнглини очиш керак. Тўғри, меҳмонни олиб бормоқчи бўлаётган уйим унчалик эмас. Уни яхшироқ қуришим, безашим мумкин эди. Агар дарвозанинг икки томонига иккита бийни даҳшатли қиёфада ўрнатиб қўйсам, меҳмон қўр-

қиб кетиши мўмкин. Бундай қилиш эса қийин эмас: иккита бий терисини олиб ичи тўлдирилади. Ҳовлидаги йўлкага эски уйдагидек хонқизнинг қаттиқ қанотидан ётқизиш лозим эди. Ишончли ва мустаҳкам материал. Ранги ҳам чакки эмас: қизил, сариқ...— Думчев мен томонга ўтирилди:— овқат вақтида музика билан кўнглингизни ололмайман, машшоқларни тўплаганим йўқ.

— Қанақа музика?

— Менинг оркестрим бўлади. Доира бўйлаб уй-оғилхона қуриб бўлдим. Ҳар бир оғил зич эшик билан беркитилади, лекин уни очиш осон. Ҳовлининг ўртасидаги менинг бошқариш пультимга ҳар бир эшикка боғланган чилвир тортиб қўйилган. Пулт олдида туриб, эшикларни катта очишим, ёки қия очишим, шунингдек гоҳ бирини, гоҳ иккинчисини ёки бараварига ҳаммасини очишим мўмкин. Оғилларда эса машшоқлар бўлади. Масалан, чигиртка. Унинг ажойиб камончаси бор: тишли чизиқ, шакл жиҳатидан кўндалайига йиғирма тўртта учбурчак кертик билан ўйилган эгик урчиққа ўхшайди! Ана уни асбоб деса бўлади. Чигиртка — чапақай!

— Нега чапақай?

— Камончаси чап томонидаги қалин қаноти устида жойлашган. Тортилган тери резонаторлик вазифасини бажаради. Бутун рамка қимирлаганда у тебраниб туради.

— Тўхтаг, тўхтаг!— қичқирдим мен.— Камонча ҳам, нағма ҳам бир жойда денг.

— Ҳа, машшоқлар ва скрипка ясовчи усталар ўрганса арзийди. Афсуски оркестр состави тўла танлаб олинмаган. Бунинг эвазига меҳмонимни бошқа нарса билан ҳайратга солиб, хурсанд қиламан. Иссиқдан уни даррив «фонтанлар» хонасига олиб кираман. Ҳа!.. Марҳамат қилиб айтинг-чи, — у менга мурожаат қилди, — водопроводларимиз моҳияти жиҳатидан ҳозир ҳам қадимги Римдагидек қуриляши сизни ажаблантирмайдими.

Мен босим билан кўп қаватли уйларга сув чиқариш системасини тушунтироқчи бўлганимда Думчев кулиб юборди:

— Қадимгилар тажрибасидан узоққа кетганимиз йўқ. Ҳатто сувнинг ўзи юқорига кўтарила олиши ҳам ақлимизга келмаган.

— Ўзи юқорига кўтарилади дедингизми?— қайта сўрадим.

Думчев такаббуруна жилмайди:



— Ўзингиз биласиз, ҳар бир ўсимликда тупроқдан келадиган сув юқорига кўтарилади. Бу ўсимлик сувни пояси орқали тортиб олгани учунгина эмас. Сув илдиздан ўзи поя орқали кўтарилади. Бундан осони борми? Мен ўсимлик поясини олдим. У албатта жуда майда, ичи бўш найча-толалардан иборат. Шу пояни уйим олдида қазиган ҳовузга ўрнатдим. Поянинг учи иккинчи қават деразасига етади. Сув юқорига кўтарилади ва тўхтайтиди.

— Тушунаман, Сергей Сергеевич, сув капилляр қонунига мувофиқ юқорига кўтарилади.

— Ҳа, ҳа табиат қонуни!— деди Думчев.— Табиатни кузатсангиз, сувни иккинчи қаватга кўтариш учун шунча куч ва ғайрат сарфламаймиз.

Бу ўринда Думчев хато қилган эди. Шу дақиқада у ҳамма масштабларни: нормал одамнинг бўйини, унинг сувга эҳтиёжи қанчалигини чалкаштириб юборган эди.

Думчев ўз водопроводи ҳақида гапириб бўлгач, уйи қандай ёритилишига ўтди. Бу ёруғ оловсиз, ёнмай ҳосил бўлади. Бу ёруғ манбаи — нур сочувчи ҳашаротлар, бактериялар, чириндилар Бўлиқ Утлар Улкасида етарли эди.

Бу ерда, Бўлиқ Утлар Улкасида ўз кўзинг билан кўрганингга ҳам ишонмайсан. Атрофда ҳамма нарса шу қадар ажойибки, уларга ишончсизлик билан қарайсан. Ростдан ҳам, Думчевнинг уйи қандай? Уни ҳатто тасаввур ҳам қилолмайман. Аммо Думчевнинг ажойиб ёритиш усули ҳақидаги гаплари ишонарли эди. Ахир унинг уйларида бирида бўлганман. Бу уйлар кўз олдимга бошқа манзарани келтирди. Мен ўзимни театримизда кўрдим. Биз янги нур манбаи ва спектаклни безашда ундай фойдаланиш ҳақидаги докладни тинглаб ўтирибмиз.

Эсимда, докладчи ялтироқ қуртлар олимларда «совуқ нур»дан фойдаланиш ҳақидаги фикрни келтириб чиқаргани ҳақида гапирганди. Чўғланма лампочкада энергиянинг атиги уч проценти нур сочишга сарфланиши ҳисоблаб чиқилган, қолган қисми иссиқлик тарзида ҳавога тарқалади. Ялтироқ қуртларда эса фойдали ҳаракат коэффициенти тўқсон процентга етади!

Бу ҳақда газетада ёзилгани ҳам эсимда:

«Мамлакатдаги чўғланма лампочкаларнинг ярми янги нур манбаи билан алмаштирилса, жуда кўп миқдордаги электр қувватини тежаб қолиш мумкин».

Биз қадамимизни тезлатдик. Утлар ўрмани сийрак-

лаша бошлади. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ялаиблик, хибоб ва ўтлоқ кўзга ташлана бошлади. Уларга буталар экялган бўлиб, бу инсон меҳнати ва ғамхўрлигининг меваси эди. Думчевнинг ёзлик уйига яқинлашганга ўхшаймиз.

— Бу нима?— деб юбордим беихтиёр.

Яшил дарахтлар ва буталар орқасида улкан панно мисли кўрилмаган ранг, бўёқ ва гуллар билан ярқираб, ёниб, товлана бошлади.

### **БУЮК КАШФИЁТМИ ЕКИ БУЮК АДАШИШ!**

— Ҳайрон бўлдингизми?— сўради Думчев.

— Йўқ, йўқ!— деб жавоб бердим.— Бу ерда бошқа сўз керак. Бу ҳайратланиш эмас. Мен мислсиз манзарага мафтун бўлиб қолдим!

— Оддий девор, уйимнинг девори бу...

Чиндан ҳам томоша қилишга арзийдиган манзара: пишган лимон нўсти каби оч сариқ бўёқ кузги баргларнинг олов каби қизил бўёғи ва совуқ шимол осмонининг қўرғошинсимон ранги билан чатишиб кетган. Оппоқ ҳоллар, қора ҳалқалар, гунафша чизиқлар ҳалиги бўёқлар устига бетартиб сочиб юборилгандек.

Қуёш бу ўзига ҳес улкан театр пардаси — Думчев писанд қилмай айтган «девор» билан ўйнар, уни ёритиб турарди.

Биз яқинроқ бордик.

Ердан тирсаксимон устунлар чиқиб турибди, улар қаттиқ, учли тиканлар билан қопланган.

— Чигиртка оёғи девор учун яхши устун,— деб тунтирдим Думчев. Уларнинг ўртасига капалаклар қанотини ўрнатганман. Анави лимон каби оч сариғи итшумурт капалағи қаноти: Мана бу «С» ҳарfli оппоғи — апрель капалағи қанотининг орқа томони; беш суяғи ва илик суяғи — сфинкс антропос деган капалак қанотидаги сурат.

Ранглар бир-бирига уйғунлашиб, устунларни тўсиб турарди.

Дарвоза олдига келдик.

Мен қараб, кўзимни узолмай қолдим: дарвоза табақаларни гўё металлдан ясалган, яхши тозаланган бронза каби ярқирайди. Нотаниш уста девор ва дарвозада менга қизилдан тертиб гунафшагача ҳамма рангларнинг ажойиб гулдастасини паноийиш қилмоқчидек эди. Ранглар нақадар бой, нақадар ярқироқ, нақадар хилма-хил!

Мени айниқса деворнинг пастки қисмидаги олтинсимон-кўкиш ранг ҳайратга солди.

— Бундай бўёқларни ҳеч қачон кўрмагандим!— хитоб қилдим мен.

— Дарвоза мисқўнғиз қанотидан қилинган. Лекин гап бунда эмас! Бу ерда одамлар ўзлари учун фойдали кўп нарсани ўрганишлари мумкин.

Думчевнинг бу гапига нима деб жавоб бера олардим?

— Бу ерда нимани кўряпсиз?— деб сўради у.

— Ғаяг кучли ва ёрқин бўёқларни кўряпман...

— Меҳмоним қаради, кўрди ва... ҳеч нарсани кўрмади,— деди Думчев деворнинг чиройли гулларига тикилиб туриб.

Мен Думчевнинг ҳовлига таклиф қилишини кутардим. У эса шошилмас эди:

— Ёдимга тушди! Шаҳарлардаги уйларнинг ранги кўримсиз ва бир хил эди. Кузда ёмғир майдалаб ёғаётганда, уйлар нақадар ғамгин ва маъносиз кўринади. Ҳатто булувларни тўсатдан ёриб ўтган қуёш нури уларни янада ғамгин қилади. Ҳозир шаҳарларда уйларнинг кўриниши қандай? Қуёш нуридан бўёқ айниб кетмаяптими?

— Ремонт қилинади, қайта бўялади — бинно янгидек бўлади,— дедим ўзимни йўқотиб.

— Бўёқлар, бочкалаб бўёқлар! Бўёқли пақир кўтарган бўёқчилар, архитекторлар, туганмас меҳнат... Оқибат натижада нурсиз, тез айнийдиган, кўримсиз бўёқ олиш учун бўёқлар аралаштирилаверади.

— Шундай. Бошқача йўли йўқ.

У давом этди:

— Йўли бор! Менинг бўёқларим, уларнинг ранги сиз кўрганларга ўхшамайди. Мени тушунинг: бу ерда бутунлай бошқача. Бу бўёқчининг пақиридаги бўёқ эмас. Бу ердаги химия ҳам эмас, пигментлар ҳам эмас! Бу бўёқлар абадий, сўнмайдиган, жарангдор, улар устидан вақт ҳукмронлик қилолмайди. Бу бўёқларнинг ранги ҳеч ўзгармайди. Қаранг! Ахир бу қанотлар шаффоф, тиниқ!

Мен тикилиб қарадим, бари бир Думчевнинг гапини тушунмадим.

Думчев, абадий бўёқ, деяпти. Лекин капалак қаноти жуда нозик-ку. Капалаклар эса бир неча кун ёки бириники ҳафта яшайди, холос.

Мен хилма-хил рангли, нурафшон театр пардаси, ёки, Думчев айтганча унинг уйи «девори» олдида туриб,

унинг сўзларини тинглар ва бу сўзлар юракдан айтилаётганини сезардим-у, лекин ишнинг моҳияти мен учун қоронғи эди.

Аммо Думчевнинг свози шунақаям самимий эдики, «бу ерда хато йўқ!» деб ўйладим. Кейин фаҳмлаб қолдим: «Йўқ, бу ҳам хато. Бўёқ абадий бўлолмайди! У қанотлар шаффоф, тишиқ деярли-ку. Чиндан ҳам улар нозик ва бўш. Йўқ, бу галати алдамчилик,—деб ўйладим.— У ўзини ўзи алдаяпти. Бу ёлғиз кишининг, Бўлиқ Утлар Ўлкасида қолиб кетган кишининг алданиши».

Думчев менга қараб кутиб турарди. Мен нимадир дейишим керак эди.

— Ҳеч ақлимга сизмаяпти, нега бу бўёқлар абадий бўларкан? Бўёқнинг доим ранги ўчади.

Утлар тебранар, энгашар, ҳар қачонгидек шовиллар эди. Думчев энди менга қарамасди. Шовиллаб турган қалин ўтлар орқасида фақат ўзига кўринаётган безакларни томоша қилаётгандек узоқ-узоқларга тикилиб турарди. У гапирарди, гаплари ташвишли ва ғамгин эди:

— Нима қилиш керак? Бу ердаги бўёқлар гулларни кидан бошқача эканлигини одамларга қандай тушунтирай? Сарик қоқи, кўк бўтакўз, қип-қизил лолақизгалдоқ гуллаб бўлгач қуриydi. Бу ерда эса бошқача, бутунлай бошқача! Қандай тушунтирсам экан? Бу ерда бўёқлар табиати бошқача. Менинг деворим бўёғи сўлимайди, сўнмайди! Ҳеч қачон! Театрда оркестр кучайиб борувчи товушлар бўронини ҳосил қилади... Аммо бўёқ кучаймайди-ку? Эҳ, фанер ва картонга туширилган баҳорнинг декоратив «яшиллиги». У оркестр музикасига мувофиқ ўзгарадими? Йўқ! Бўёқлар абадий қотиб қолган...

Мен уни тинглаб туриб ўзимча: «Инсоннинг алданиши! Ўзи кўрмаётган ва сезмаётган хато!» дедим.

Утлар тобора бўғинроқ шовиллар, Думчевнинг уйи олдидаги ажойиб парда эса тобора ёрқинроқ ва жонлироқ перлаб, товланар эди.

Унинг ҳар бир сўзини эшитдим ва эслаб қолдим.

— Буларнинг ҳаммасини одамларга тушунтириш керак. Ана ўшанда бўёқлар товланиб, инсон кўзини ўйнатади, меҳнат қилишда, яшашда унга ёрдам беради, унга музика ва қўшиқ каби далда беради, юпатади, руҳлантиради. Киринг! Менинг уйимга кириг!—деб тугатди гапини Думчев ва дарвозанинг бронза табақаларини катта очди.

Ёнимиздан чумоли чоғиб ўтиб кетди. Думчев унга қаради-ю кутилмаган ташвиш билан қиличини — ари найзасини чиқариб чумоли томон ташланди ва бақирди:

— Нима бўлди?! Нима бўлди?!

Унинг овозидан ташвишга тушгани, ҳайрон бўлаётгани сезилиб турарди. Мен нима гаплигини тушунмай, Думчевнинг ёнига югурдим.

— Бўлиқ Утлар Улкаси нотинч,— деди Думчев ва чумолининг антенна-мўйловига диққат билан тикилиб туриб, овозининг борица бақириб санай бошлади:— Беш, ўн, йигирма... Уҳ-ҳў! Ана фалокат!

Кейин у бошқа бир чумолини тўхтатиб, яна санай бошлади:

— Беш... Ун... Уттиз... Антенна қирқ марта қимирлади!

— Бу қанақа ғалати ҳисоб?

— Бекиниш керак!

Думчев қўлимдан ушлади.

— Чумолилар айтяпти... шивирлади у.

— Нима деяпсиз?! Нима деяпсиз!

— Тезроқ уйга!— деб қичқирди Думчев!— йўқ, йўқ, бу ёққа эмас, сиз кирган уйга, у ер остида чуқур жойлашган.

Биз югуриб кетдик. Аммо кимдан қочяпмиз? Мен йўл-йўлакай савол бера бошладим. Бу кулгили, шу билан бирга бемаъни эди.

— Нега қочяпмиз?

— Утлар нотинч.

— Нима бўлди?

— Илдизга қоқилиб кетманг. Чумолилар менга ғоят ташвишланишаётганини айтишди.

— Чумоли ҳам гапирадими?

— Қўлингизни беринг... Ҳамма ҳашаротлар каби гапиради.

— Лекин чумоли бошқа-ку? У визилламайдиям, сайрамайдиям!

— Қўриш керак...

— Қўриш дейсизми?

— Қўриш — демак улар нима ҳақда гапираётганини тушуниш керак.

— Аниқроқ гапирсангиз бўлмайдими?

— Уннга, ўннга! Уйга етай деб қолдик. Антенна қи-

мирлаши тезлигини кузатиш керак, неча марта қимирлаганини санаш керак...

— Арифметик тилми?!

— Худди ўзи, у содда ва равшан. Энг оддий суварак ҳам «мен чарчадим, дам оляпман» демоқчи бўлса, антеннасини атиги беш марта силкитади. Янги инни текшираётганда эллик беш марта силкитади. Оч қолса — ўттиз олти марта. Турли ҳашаротларнинг ўз сўзлашиш жадвали бор... Орқага! Орқага! Дарёга!

— Нима бўляпти?.. Бўлиқ Утлар Ўлкасига нима бўлди?..

### ЯНА ЖУМБОҚЛАР

Гўё қаердадир момақалди роқ гулдиради-ю, у тобора кучайиб, бизга яқинлашмоқда. Яқин жойда қарсиллаш, шовқин ва гуриллаш эшитилди. Ўт-дарахтлар энгашарди. Қанайдир улкан устулар пайдо бўлди. Улар кўтарилар, ўт устига тушар ва яна кўтарилар эди. Одамлар келяпти! Улар қадам босишяпти!

Сабзавот базасининг мудирни Черникова менинг кийимларим тўнка ёнида қолганини Ченскга хабар қилганга ўхшайди. Профессор Тарасевич, доцент Воронцова ва студентлар меҳмонхонага бориб, менинг ғойиб бўлганимни билишган-у, бу ердаги кийим меники ёки меники эмаслигини аниқлагани келишган.

Ниҳоят улкан устулар узоқда кўринмай қолди. Бўлиқ Утлар Ўлкасининг ҳар томонга тумтарақай бўлган аҳолисининг ташвишли шитирлаши, одамлар оёғи остида қуруқ ўтларнинг қарсиллаб синиши тўхтади.

Атрофда ҳамма тиңчланди.

Биз дарров дори яшириб қўйилган халикодома инни томон жўнадик.

Кечиккан Гиналар дарёсига келдик, ундан сузиб ўтишимиз керак эди. Аммо дарёни ҳам, қирғоқни ҳам таний олмай қолдик. Қирғоқда улкан чуқурлар ва янги кўллар пайдо бўлибди. Бир жойда дарё ўзанини ўзгартириб, тошиб кетибди, бошқа жойда қутилмаган равишда бурилибди — буларнинг ҳаммаси одамлар ўтганида ҳосил бўлган эди.

Биз солга югурдик, аммо у ерга қапишиб кетган, кўтариб бўлмасди.

Сол ёнида қандайдир улкан яшил кўприк пайдо бўлибди.

Бу ерда кўприк қандай, қаердан пайдо бўлди? Бу кўприк оддий яшил бир шох! Одам уни синдирган-у, тасодифан тушириб қолдирган. У дарёга кўндаланг бўлиб тушган. Балки шу одам ўз оёғи билан солимизни топтаб юборгандир.

Биз шох — узун яшил кўприкдан нариги қирғоққа ўтдик. Халикодома инига қанча яқинлашганимиз сайин, синган ўт-дарахтлар шунча кўн учраб, йўлимизни тўсарди. Ин олдида эса ўтлар ерга топтаб ташланган эди. Одамлар бу ерда тўхтаб маслаҳатлашишган, кейин олға юришган бўлса керак.

Халикодоманинг цемент ини ўрнида вайрона уюмини кўрдим. Бўшашиб, Думчев халикодома инини фиръавилар пирамидасига таққослаганини эсладим. Биз нига яшириб қўйган дори соққа қани? Уни кимдир оёғига ёпиштириб олиб кетган. Қим? Бари бир эмасми?

Қандай оғир кун! У ерда, тепаликлар тизмасида гўнғўнғизлар думалатиб кетган дори соққачани тополмаслигимизни тушунган эдим. Энди эса, халикодоманинг мажақланган ини олдида иккала дорини бутунлай йўқотганимизга ишонч ҳосил қилдим. Ҳа, бутунлай!

Москвада тонг отади, газеталар майин шитирлаб эшигимга қоқилган яшил почта қутисига тушади. Аммо бу газеталарни мен ўқимайман...

Қадрдон кишиларим телефондан қўнгироқ қилишади. Бекорга овора бўлишади.

Кечқурун жимжитликда театр пардаси кўтарилади. Бундай дақиқаларда мен ҳамиша томошабинларнинг иссиқ нафасини сезиб тураман, улар менга қарашини кутаман, уларнинг туйғуларини билиб олишга ҳаракат қиламан. Наҳотки буларнинг ҳаммасидан маҳрум бўлсам?!

Қандай бемаънилик! Қандайдир ўргимчаклар ва пашшалар билан олишувда ҳалок бўлиш...

Ачиниш, ўзимга ачиниш ҳисси бутун вужудимни қамраб олди.

Думчев шошилтирарди: қоронғи тушгунча дарёдан ўтиб, унинг уйига етиб олишимиз керак. Лекин мен анчагача бу жойдан кета олмадим, ҳамон ниманидир кутардим.

Орқага қайтаётганимизда ўтлар менга у қадар душманлик қилмаётгандек туюлди. Уларнинг учи шивирлаб, менга: «Умидсизланма, умидсизланма!» деяётгандек бўлди.

Дарёнинг нариги қиргоғига ўтганимизда қоронғи тушиб қолган эди. Биз чарчагандик. Қоронғида Думчевнинг уйига бориш қийин бўлганидан қирғоқда қоп-кўрпада ухламоқчи бўлдик. Тун. Думчев қоп-кўрпада у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилаётганини эшитиб ётибман. Менинг ҳам уйқум келмаяпти. Негадир халикодоманинг мажақланган ини ёнида эзилган ўт-ўланлар устида осмон қандай қорамтир, қизил тус олганини, қандай даҳшатли сукунат ҳукм сурганини эсладим.

Ўзимга «Бўлиқ Утлар Ўлкасида абадий қоламан!» дердим. Аммо нима учундир фикрларим ва кечинмаларим бу сўзлар маъносидан узоқ ва фарқли эди. Меҳмонхонага ҳақ тўламаганим учун негадир ўзимни ноқулай сезардим. Бунинг устига ўзимни профессор Тарасевич олдида айбдорман деб ҳис қилардим — ахир у институт ремонтни ҳақида қайғуриши керак, бунинг ўрнига мени қидиради ва ғойиб бўлганим тўғрисидаги гапларга вақтини сарфлайди. Тун — Кечиккан Гиналар дарёси қиргоғида тун жуда секин ўтарди.

Атроф жимжит. Фақат тепамда юлдузлар ялтирайди. Осмонда секин сузиб бораётган оғир ва турли шаклдаги булутларнинг чети ёришиб турибди. Кўнглим эса гаш.

Қирғоқда қоп-кўрпа ичида ётиб ухлашга, фикримни бир жойга тўплашга уриндим, лекин хаёлим ўтган кунлардаги гоҳ у, гоҳ бу воқеага кўчарди. Думчев ёнимда ётар, одатига кўра ўз-ўзи билан гаплашарди.

Мен ичимда айтаётган гаплар билан Думчевнинг аниқ ва қаттиқ айтаётган гаплари ўзаро диалогга ўхшаб кетарди. Думчевнинг гаплари менга эшитилиб турарди.

— Одамлар ўз оёқлари остига қарамагани, Бўлиқ Утлар Ўлкасини ўрганмагани учун кўп нарсадан маҳрум бўлишди.

Мен эса унинг гапларини эшитиб туриб ўйлардим: «Агар диққат билан қаралса, бутун Бўлиқ Утлар Ўлкаси бемаъниликдан иборат: фақат инстинктлар, инстинктлар, инстинктлар».



Думчев. Энг оғири ақлли одамда ақл интизоми етишмагани. Меҳмонининг камчилиги ана шунда!

Мен. Албатта! Думчев кундалигини қайта ёзиб чиқиши кераклигини ўзим тушунмаяпманми? Лекин уни одамларга қандай стказиш керак? Ҳа! Ахир бу ерга яна одамлар келади-ку, мени қидиришади. Ана ўшанда эҳтимол, эҳтимол... Йўқ, кундаликни тезда ёзиб бўлмайди. Мени эса тез орада қидирмай қўйишади.

Думчев. Меҳмонни Бўлиқ Ўтлар Ўлкасида кимдир ёки нимадир қўрқитиб юбориши унча даҳшатли эмас. Лекин мен у ўзининг қўрққанидан ваҳимага тушиб қолади, деб қўрқаман.

Мен. Думчев нега бушақа галати гапиряпти, лекин унинг гаплари мазмуни тушунарли. Қани энди Думчев билан энг оддий стулда ўтириб, аччиқ чой ичсак, телефон жиришлаганини, дикторнинг овозини эшитсак ва Бўлиқ Ўтлар Ўлкасини эсласак, фақат эсласак!

Думчев. Эртагаёқ меҳмонга, сиз олиб келган ва йўқотиб қўйган нарса бизга ёрдам беради деб айтишим керак.

Мен. Сергей Сергеевич нима ҳақда гапиряпти? Ахир иккала дори бутунлай йўқолди-ку.

Думчев. Тажриба, яна бир марта тажриба...

Шу ерга келганда ўзимни тута олмай, Думчевдан овоз чиқариб сўрадим:

— Сергей Сергеевич, тушунтириб беринг, аниқроқ айтинг! Ахир мен олиб келган нарса йўқолди-ку?

Думчев мен томонга ўгирилиб, хотиржам жавоб қилди:

— Шошилманг! Эртага мен тажриба ўтказаман... Хайрли тун!

— Хайрли тун, Сергей Сергеевич,— деб жавоб қилдим, ҳеч нарсани тушунмай ва бошқа ёнбошимга ағдарилдим.

Кечиккан Гиналар дарёси тўлқинланиб оқар, унинг сувларида ой нури нотинч силкинарди.

Тун сукунатида Думчевнинг «Ўтган минутлар ҳавоси...» деган гаплари қулоғимга чалинганда кўзим илинган эди.

«Ўтган минутлар ҳавоси»— қанақа галати гап? Мен қулоқ сола бошладим. Мана. Думчев яна қалбидан чиқариб, зўр ҳаяжон билан «Ўтган минутлар ҳавоси...» деб такрорлади.

— Сергей Сергеевич, бу қанақа жумбоқ? «Ўтган минутлар ҳавоси» нимаси?

Булултар орасидан тўлин ой чиқди ва у менга жуда узоқ, ғоят узоқда бўлиб кўринди. Ҳаётимда ҳеч қачон бунчалик узоқдаги ойни кўрмаган эдим.

— Сергей Сергеевич!

Думчев жавоб бермади. Олдига бориб, устига энгашдим. У бир текис, секин нафас оларди. У гўдакдек тинч ухлаётган эди.

Қайтиб келиб, қоп ичига кирдим. «Ўтган минутлар ҳавоси» деган ғалати сўзлар нимани англатишини эрталаб Думчевдан сўраш керак.

Мен ҳам уйқуга кетдим.

### ЕР ОСТИ ЯУЛИ

Кеч уйғондим. Аллақачон тонг отган эди.

— Хайрли тонг, Сергей Сергеевич!— дедим.

Ҳеч ким жавоб бермади. Енимда хумча ва қошиқ турганини кўрдим. Хумчада ҳар кунги оддий овқатимиз бор эди. Ерда эса тошлардан «Кеч қайтаман» деган сўзлар териб ёзилганини кўрдим. Нонушта қилиб, кута бошладим. Дарахт-ўтлар ҳали ҳам ерга қапишиб ётибди. Кеча менга Бўлиқ Ўтлар Ўлкасида ҳаёт бутунлай тугаганга, сўнганга ўхшаб туюлганди. Ҳозир эса атрофимда ҳамма нарса овоз чиқараётганини, аввалгидек шитирлаётганини, жаранглаётганини, қимирлаётгани ва учаётганини кўриб ажабландим.

«Думчев қаёққа кетганйкин?— деб ўйладим.— Мен кеча эшитган сўзлар — «Ўтган минутлар ҳавоси»ни қандай тушуниш керак? Думчев бу сўзларни тушида айтмадимикин?»

Ўлкан қўнғир қанотли капалак қирғоққа ожизлик билан уриларди. Унинг қанотлари синган эди. Сув уни тобора узоққа оқизиб кетарди. Мана дарёда оёғи катта ва боши хумдай қандайдир махлуқ пайдо бўлди. Махлуқнинг бўйни остидан ниқоб кўтарилди. Ниқоб гўё ошиқ-маъшуққа ўрнатилгандек орқага тушди. Ниқобнинг ўткир тирноқлари сузиб бораётган ҳашарот танасига ёпишди ва ниқоб яна ўз жойига қайтди — ўлжа махлуқнинг ҳалқумига келтирилди. Мен Думчевнинг варақларидан бирндаги ёзувини эсладим. Унда Думчев

ниқобли махлуқни нинначининг личинкаси деб атайди. Гулдаста ичидан топилган биринчи микроёзувда эса Думчев бундай ёзган эди: «Нинначи личинкаси сувни отиб чиқариш туфайли ҳаракат қилади. Катта байрамлар ва халқ сайллариди отиладиган мушак ҳавога учган каби. Шу ҳаракат принципи ёрдамида одамлар ҳаво кемаларини Ердан Ойга олиб борадилар...»

Мана, нинначи личинкаси сузиб кетди. У майин ҳаракат қиларди: У оёқларини ҳаракатга солмас, фақат ичига сув ютиб, қайта чиқариб юборарди.

Вақт ўтиб борапти. Думчев ҳалиям қайтиб келмади.

Бошқа бир ниқобли мавжудотни беихтиёр кузати бошладим. Мана у дўнгликка сузиб келди. Бир дақиқа қимирламай турди. Нима бу? Кийим алмаштиришни намоёниш қилишимми? Бу хунук махлуқнинг елкасидаги териси ёрилиб кетди. Ёриқ пайдо бўлди. Тери икки томонга ажралди. Ёриқдан бутунлай бошқа махлуқ чиқди: кўзлари катта, қорни ингичка ва ихчам, қанотлари юпқа ва рижимланган. Бу ёғи нима бўлади?

Тонг кўёши илиқ ва ҳатто бир оз иссиқ эди. Нинначининг ёш, титроқ қанотлари пушти нурдан жонланиб, аста-секин ёзила бошлади, унинг кўк ранги зумрад каби товланди. Нинначи ҳозиргина кўз олдимида пайдо бўлди. Яна бир оз вақт ўтгач унинг қанотлари кучга киради. Шундан сўнг нинначи баланд-баландларга енгил ва улугвор парвоз қилади.

Албатта мен Бўлиқ Утлар Улкасини ўрганмасам ва Думчевнинг изланишлари, топилмалари ва кашфиётлари ҳақида одамларга хабар қилмасам, балки томоша қилиб, ўйлаб, хотирлаб ўтираверсам у ҳолда меннинг ҳаётим тез орада ҳақиқий ҳаёт бўлмай қолади, балки ердаги ҳақиқий одам ҳаётига чизилган карикатурага ўхшаб қолади. Қанча вақтимни нақадар ёмон, кўнгилсиз ва исрофгарчилик билан ўтказган эканман. Бир вақтлар кўп кунларим бекор, арзимас ишлар билан ўтиб кетарди!.. Утлар Улкасида икки кишининг саргузаштлари ҳақида ёзиб, фильм қилинса эди!

Ғалати шитирлаш диққатимни тортди. Ёнимдан, синган ўт-дарахтлар орасидан қурт ўтиб борарди. Энди баъзи ҳайвонларни бир амаллаб танийдиган бўлиб қолдим. Яқиндагина шунақа қуртни бўғма илон деб ўйлагандим. Лекин ҳозир мени «бўғма илон»нинг боши иккиталиги ҳайратга солди. Бир бош олдинга қарар, ик-

кинчи бош қўйруғида ўсган бўлиб, босиб ўтилган йўлга қарарди. Бу Думчев тажриба ўтказган ҳайвонлардан бири эканини дарров тушундим. Унинг «Хирургия майдони»ни эслаб, «бўғма илон» орқасидан юрдим. Бирдан у ерга кириб кетгандек ғойиб бўлиб қолди. Шу дақиқа дарахтлар орасида, уларнинг илдизи ёнида катта думалоқ тешик устида сал кўтарилиб турган тош плитага кўзим тушди. Плита майда тошлар ва қум зарраларидан тайёрланганини, улар бир-бирига мустаҳкам цементланганини кўрдим. Плита атрофига сиртмоқ солинганини кўриб, кўпроқ ажабландим. Сиртмоқни тортиб, чуқурдан арқон нарвонни чиқардим. Думчевнинг ишимкин?! «Қуртлар ва пишиқ иллар, арқонлар эшадиган бу ўлкада одам арқон-нарвон ясаганига ажабланмаса ҳам бўлади»,— дедим ўзимга. Арқон-нарвонни тушириб, чуқурга туша бошладим. Қанча пастга тушсам, атроф шунча ёруғроқ бўларди. Мана қудуқ тубига тушдим. Кенг йўлкадан кета бошладим. Мен Думчевнинг ёзувли варақларини топган уйи қандай ёритилган бўлса, бу ер ҳам шундай ёритилган эди. Меҳнатсевар хўжайин ер остининг ҳар жой-ҳар жойига чирнидилар ва ёритувчи ҳашаротларни қўйганга ўхшайди. Ёруғ хира бўлишига қарамай, йўлканинг икки томонида омборлар, камералар, қазноқлар жойлашганини кўрдим. Эшик ўрнига ипак парда осилган.

Кўтарилиш, тушиш жойлари, кутилмаган муюлишлар, думалоқ заллар — ҳамма жойда майин, текис ва хира, ёруғ. Бино ҳавоси ҳидли ва ўткир моддалар билан йўғрилган.

Кейин, шу сатрларни ёзаётганимда китоблардан ва энтомологлардан ҳашаротлар чиқиндисини химиявий таркиби нақадар хилма-хил эканлигини билиб олдим. Аллақачондан бери маълумки, уховертка — уйнинг зах жойларида яшовчи айри думли кичик ҳашаротда креозот топилган. Усач балиқнинг безида салицил кислота, айрим қуртларда соляная кислота, бошқаларида чумоли кислотаси борлиги аниқланган. Шуниси маълумки, ҳашарот пилладан чиқадиган вақт келганда ўювчи тезак — кучли ишқор чиқаради ва у билан пиллани тешади. Баъзи ҳашаротлар ўзидан мой кислотаси, бошқалар шавель кислотаси чиқаришини, баъзи ҳашаротларда эркин йод, азот билан этилхиноннинг кислородли бирикмаси топилганини ҳам билиб олдим.

Буларнинг ҳаммасини кейинчалик китоблардан ва мутахассислардан билдим. Кўп турли ҳашаротларнинг ҳидли безлари ажратмалари ҳали ўрганилмагани ва уларга ном берилмаганини ҳам билдим.

Аммо ўшанда, ертўлада хилма-хил ҳидларни сезган бўлсам ҳам, фақат йод билан эфир ҳидинигина ажрата олдим.

Бир камерадан қандайдир гўланинг учи чиқиб турарди. Мен уни айланиб ўтаётиб қарадим-у, ҳайрон бўлиб қолдим. Яна зарҳал ҳарфли олти қиррали таниш гўла. Менинг қаламим! Гўла арқон билан боғланган эди. Думчев бу ерга «ЗМ» қаламимни нега, нима учун судраб келдйкин?

Мен тезроқ юрдим. Йўлка кенгая бошлади. Унинг охирида кенг ва нишаб зипани кўрдим. Зинадан юқорига кўтарилиб, жуда танишдек туюлган бинога кириб қолдим. Ҳа, мен бу ерда бўлганман! Хоналардан биринда, эски тўнка тагида Думчевнинг ёзувли варақларини топганман.

Мана гап нимада экан! Думчев ўз уйидан Кечиккан Гиналар дарёсига хандақ қазиган экан!

Бир хонадан иккинчисига ўтиб, менга орқасини қилиб ўтирган Думчеви кўриб қолдим. У нимадир ёзаётган эди.

Қогоз варақларига ва Думчевнинг қўлига совуқ оч ҳаво ранг нур тушиб турибди. Ана, у ёзишдан тўхтади. Уни чақирмоқчи бўлгандим, аммо у ҳорғинлик билан бошини қўлига қўйди. Нима ҳақда ўйлаяпти у? Мен ёдига солиб қўйган фанердан ясалган кичик уйи — дадил ва шижоатли тажрибалар ўтказган уйи ҳақида ўйламаяптимикин? Унинг кўз олдида ёрқин ва ранг-баранг жануб ярмаркаси кун, у, ёш, дадил ва жасур йигит парвоз қилиш учун минорага кўтарилаётгани яна номоён бўлмадимикин?

Мана у ўрнидан туриб, чириндини чироқ каби қўлига олди-да, ертўлага туша бошлади.

Мен унинг орқасидан юрдим.

### **ЎТГАН МИНУТЛАР ҲАВОСИ**

Думчеви жиддий ўйлардан чалғитгим келмай, орқасидан жим боравердим. Гўё мен Думчеви кузатиб юргандек бўлдим. Албатта бу яхши эмас.

У бир зинапоядан иккинчи зинапояга секин ва ҳорғин қадам қўйиб, улкан ертўласига туша бошлади.

Ертўлада гоҳ у, гоҳ бу камера олдига келиб, шойи пардани кўтарарди. Бактерияларнинг майин нурида қазноқларда хилма-хил рангдаги шойи қоплар борлигини, уларнинг огзи арқон билан маҳкам боғлаб қўйилганини кўрдим.

Ҳар бир қоп қандайдир газ билан тўлдирилган-у, ҳозир шипга учиб қетадигандек эди. Аммо қоплар қовиқларга боғлаб қўйилганди. Қуртларнинг оддий пилласи қандайдир газсимон модда билан тўлдириб қўйилган — бунинг ҳеч даҳшатли ёки ажабланарли жойи йўқдек эди. Аммо ер ости лабиринти, жондорлар — бактериялар билан ёритилган камералар ва газ солинган қоплар, уларни хўжайинларга хос диққат-эътибор билан текшираётган одам — буларнинг ҳаммаси мени ҳаяжонга солди.

Мана у тахлаб қўйилган қоплар устига ўтирди-да, йўлка охирига қаради, сўнг нур таралиб турган камераларга, омборларга, қазноқларга, йўлакка хотиржамлик билан кўз югуртирди ва гапира бошлади:

— Йўқ, мен ақлдан озган, тентак эмасман! Шунга қарамай бу қопларни тўлдириб турган газларни «Ўтган минутлар ҳавоси» деб атайман! Инсоният минг-минг йиллар давомида дақиқага «тўхта» деб буюриши билан унга қулоқ солишини орзу қилиб келган. Аммо орзу орзулигича қолаверди: минглаб йиллар йўқликка ўтиб кетди, уларнинг орқасидан асрлар иши бордек шошилди, ойлар ва йиллар уларни қувлаб югурди, аммо инсон ўз умрини узайтиришга ҳеч қачон, ҳеч қачон қодир бўлмади, дақиқаларни тўхтата олмади. Қадимги дунёнинг бадарга қилинган ва Пушкин куйлаган шоири Овидийнинг «Бизнинг танамиз ўзгаради, эртага кечаги ва бугунгидек бўлмаймиз», деган сўзлари ўзгаришсиз қолаверди. Аммо шунга қарамай халқлар эртактар, мифлар, афсоналар, қўшиқлар ва сагалар яратди. Уларнинг қаҳрамонлари вақтни енгади, уларда одам касалликдан фориг бўлади, қари ёш бўлади.

Мен одамлар орасида яшадим, халқларнинг бу ижоди ҳақида ўйладим. Бир вақтлар халқ эртактар тўқиган учар гиламни одамлар яратаётганини кўрдим. Мен ўзим ҳам учар гилам ясаб, унда парвоз қилдим. Ун

саккизинчи аср медиклари электрга катта умид боғлаган эдилар. Аммо электромедицина ҳамма касалликларни даволовчи универсал воситага айланмади, ҳайвонлар магнетизми эса уйдирма бўлиб чиқди. Ҳатто ўн тўққизинчи аср фани ҳам «оби ҳаёт» ҳақидаги вазифани ҳал қилолмади. Орзу-эртақларгина қолди. Мен қидирдим, ўйладим, тажрибалар ўтказдим. Афсоналарда ўлмас, абадий ёш маъбудалар амброзия билан овқатланиб, нектар ичиши ҳақида айтилади. Узоқ яшаш ва касалликлардан фориғ бўлишнинг сирини мана қаерда, дедим ўзимга. Ҳамма ган овқатланишда! Шундан сўнг «амброзия» — ўсимликлар гулчанги ва нектар — ўсимликлар чиқарадиган шарбат хоссаларини ўргана бошладим. Она асалари оддий асаларига нисбатан негиз эллик-етмиш баробар узоқ яшашини батафсил ва узоқ ўргандим.

Аммо вақтни енгиш учун энергия керак. Халқ оби ҳаёт ҳақида эртақ тўқиётганда қандай энергияни орзу қилган? Вақтни енгиш учун қандай энергияни ишга солиш керак?

Ломоносов моддалар ва ҳаракатнинг сақланиш қонунини кашф этди. Бир турдаги энергия иккинчи турдаги энергияга айланишини фан биледи. Энергия миқдори ўзгармай қолаверади. Фақат унинг шакли ва хусусиятлари хилма-хил. Аммо Фауст орзу қилгандек, дақиқани тўхтатиш, ўтган йилларни қайтариш, қариллик касалликларидан қутилиб, яна ёш бўлиш учун одам машина қисмларини айланттирувчи механик энергияга мурожаат қиладими?

Ўзгариш... Ўзгариш... Ўзгариш!..

Ҳашаротларнинг ўзгаришида, метаморфозасида пақадар улкан куч яширинган! Ўзи ясаган воронка тубига яшириниб олиб, ёнидан ўтиб кетаётган чумолиларга қум отадиган чумоли шери ниначига ўхшаган учувчи ҳашаротга айланади. Ўн олтита оёғида ўрмалаб юрадиган қурт қувноқ парвоз қилувчи чиройли капалакка айланади. Сувда ракета двигатели каби ҳаракат қилувчи ниначи личинкаси улуғвор ниначига айланади! Ўзгариш... ўзгариш... ўзгариш!

Ҳашаротларнинг ўзгариш жараёнига — тухумдан личинка чиққандан тортиб катта ҳашарот пайдо бўлгунгача ўзгаришларни микроскоп ойнаси орқали кўрганим йўқ. Мен шу ерда, Бўлиқ Утлар Ўлкасида, ёлғиз

асаларилар, чумолилар инида яшадим, ёввойи асаларилар инида қишладим.

Мен микроскоп-одам эдим. Шу сабабли ҳамма метаморфоза жараёнлари қандай ўтишини кўрдим. Менинг кўз ўнгимда ҳашаротлар бир шаклдан иккинчисига айланди. Ҳашаротларнинг турли ўзгариши даврида ферментларни тўплладим. Бу ерда, ертўлада ётган қопларимда, илгари ҳаёт ижодкорлик қилган пилла-қопларда ҳозир моддаларнинг қудратли кучи сақланыпти. Бу ерда яшаган биринчи йилимдаёқ ҳашаротлар инстинкти формуласини туздим ва енгилмас бўлиб қолдим. Аллақачоноқ ҳашаротлар тараққиёти тезлигининг ўзгариши тенгламасини ҳал қилганман ва уларнинг ўсишини тезлатиш ёки секинлатишни ўрганиб олдим, уларнинг организмни ўз хоҳлаганимча ўзгартира оладиган бўлдим.

Аммо инсон-чи? Одам организми ташқи кўринишидан жуда содда, аслида эса олам каби мураккаб, океан каби теран.

Ертўлада мислсиз энергия запасларини сақлаб келдим ва сақлаяпман, уларни хасис рицар каби қўриқлаяпман. Лекин одам дақиқаларга «тўхта!» деб буюра олиши учун уни бу энергия билан қандай қуроллантириш керак? Ана шуни билмасдим. Умидимни уздим. Аммо бу умидсизлик узоқ чўзилмади. Яна қидириб, ўйлай бошладим, тадқиқ этдим. Инсон ҳарилликни ўзидан узоқлаштира олиши, ўтиб бораётган минутларни ўзига бўйсундира олиши учун ертўламада сақланаётган метаморфоза фермент-гормонлари инсон организмга қандай қилиб мисли кўрилмаган қудрат бахш этини тўғрисида яна ўйлай бошладим.

Мана энди, куддалигимни тиклаганимдан кейин, буюк сир калити қаердадир ёнгинида, бутунлай ёнимда турган бир пайтда — энди бу ерга одам келди ва у ўзи билан одамлар орасига қайтиш учун тажриба ўтказишга ёрдам берадиган нарсани олиб келди... Нима қилиш керак? Шу ерда қолиб, тадқиқот, изланиш ва мулоҳаза қилишни давом эттириб «Ўтган минутлар ҳавоси» сирини очайми? Аммо меҳмонни — қўрқоқ ва ожиз одамни ўз ёнимда қолдира оламанми, атрофда ҳамма нарса фалокат билан таҳдид қилиб турувчи ўлкада қолдира оламанми? Қандай йўл тутиш керак? Одамлар орасига сирни очмай туриб, «Ўтган минутлар



ҳавоси» ҳақидаги хотиралар билангина қайтаверайми?

Ҳамма нарсани қолдирайми? «Утган минутлар ҳавоси» сирини очишдан воз кечайми? Хайр, Бўлиқ Утлар Улкаси, деб кетаверайми? Вазифани охиригача ҳал қилмай — бўш пиллаларни қолдириб, бу ердан абадий кетайми? Ёмғирли, зерикарли кузда ёзги дачадан кетаётганда кераксиз буюмлар, синган яшиқлар, бўш банклар ва синган идишларни ташлаб кетгандек мен ҳам қолдириб кетайми? Нима қилай?

Думчев иккала қўлини ёзганини, севимли ўйинчоғини йўқотиб қўйган ёш бола қўлларини ёзгандек митти одам митти қўлларини ёзганини кўрдим. «Нима қилиш керак?»

Мен токчага ўхшаш жойда деворга суяниб турардим... Думчев жим бўлиб қолди. У чуқур ўйга толиб, камераларни айланиб чиқа бошлади. Менинг эса... жойимдан қимирлашга ҳолим йўқ эди. Оёқларим титрарди. Менда ҳамма нарса — ҳайронлик (одамлар орасига қандай йўл билан, қандай қилиб қайтамыз деб ҳайрон бўлиш) Думчев кашфиётларидан қувониш, инсон заковати билан фахрланиш ва ташвиш, ташвиш... — ҳаммаси қоришиб кетди.

Ниҳоят Думчевнинг олдига бориш учун бир қадам қўйдим. Лекин у тўсатдан ўзига ёт шошқалоқлик билан бир камерадан иккинчисига, бир омондан бошқасига югура бошлади. У ажойиб моддалар билан тўлдирилган қопларни ушлаб кўрар, силар эди. Думчев уларни меҳр билан саралар, бир жойдан иккинчи жойга эҳтиёт қилиб кўчирарди. Шунинг учун ҳам: «Думчев бу ердан ҳеч қаёққа кетмайди!» деб ўйладим.

Мана у йўлак ўртасида тўхтади. Унинг бутунлай ўзгариб кетган овозини эшитдим:

— Уйга кетаман! Одамлар орасига кетаман!

Бу сўзларни йиғидан ўзини зўрға тийиб турган кишидек гапирди. Секин ёнига бориб қўлидан ушладим-да:

— Мен шу ерданман! — дедим.

Шу дақиқа ёнимизга нимадир тушди. Шифт тебраниб кетди. Тошлар туша бошлади.

— Упириляпти! — деб қичқирди Думчев.

Кечиккан Гиналар дарёсига чиқиш учун йўлакдан югуриб кетдик. Лекин уринишимиз бефойда кетди.

— Йўл йўқ! Шифт босиб қолибди! Орқага!

Биз югурдик. Минутлар узайиб кетгандек эди. Қаер-дадир тепамизда гувиллаш эшитилди. Бактерия — чироқлар нури хиралашмади. Бу майда жонли мавжудотлар ертўладан чиқиб олишимизга бор кучи билан ёрдам бераётгандек эди. Зинадан Думчевнинг уйига кўтарилганимизда у ерда тутун ҳиди келаётганини сездим. Нафас олиш қийинлашарди. Аммо биз Думчевнинг уйдан қочиб чиққанимизда эгилган, синган ва чалкашиб кетган дарахт-ўтлар устимида ташвишли штирлай бошлади. Тўнка соясида ётган улкан оқ трубкадан тутун чиқарди. Чидаб бўлмас иссиқ юзимизга урилди.

— Папирос!— деб бақирди Думчев.— Одамлар келишган — сизни яна қидиришибди! Кимдир ёниб турган папиросини ташлабди!

Биз тутундан ўтлар орасига кириб яширинишга уриндик. Тутун ер бағирлаб тарқаларди. Биз дарё томонга ўтиб олишга уриниб кўрдик. Лекин қуруқ хашакларни ўт олди. Олов йўлимизни тўсиб қўйди.

— Орқага! Ертўлага!— деб бақирди Думчев.

Мен бўйсундим. Думчевнинг плашидан ушлаб, қўлим билан кўзларимни беркитиб, тутундан нафасим бўғилиб чошиб кетдим.

Думчев ёзилган варақларни шошилиб қопга тиқиб, боғлаб, менга узатгани эсимда. Хоналар аста-секин тутунга тўлиб борарди. Бактериялар ёғдуси сўнарди. Биз пардаларни тушуриб, ҳамма тешикларни беркитдик.

Ертўлага туша бошладик. Нима учун тушяпмиз? Думчев мени йўлакдан бошлаб борарди. Нима бўлишимизни билмасдим. Йўлакдаги сукунат ва Думчевнинг қаттиқ қўли мени анча тинчлантирди. Мен унга бўйсунардим. Бир тахмосга кирганимиз эсимда, у таранг тортилган пардани четга сурди. Биз кичик хонага кириб қолдик. У ёритилмаган, йўлакдангина бу ерга ёруғ тушиб туради, лекин Думчев яна пардани тортиб қўйди.

— Бу ерга ўтиринг!— деди у.

Менга нотаниш бўлган тетиклантирувчи ҳидни сездим.

Қоронғиликдан Думчевнинг хотиржам, равон овози эшитилди:

— Хотиржам нафас олинг. Ахир жуда чарчагансиз!

## БҮЁЁҢЛАР СИМФОНИЯСИ

### ТУШИММИ ЕКИ УНГИММИ

Ботиб бораётган қуёш нуридан қандай қилиб яхшироқ пана бўлсам экан? Яна шунақаям уйқум келяптики! Мен бошимни буриб кафтим билан кўзларимни тўсдим. Аммо нур қўлимни қиздирар, бармоқларим орасидан ўтарди. Бошқа ёнбошимга ағдарилдим. Уйқум келяпти. Бирдан эсимга тушиб кетди—ёзилган варақлар солинган қоп қани? Тутун кириб турган тўнка остидаги уйда Думчев қопни менга берган эди. Наҳотки тушириб қўйган бўлсам? Дарров уйқум қочиб кетди. Атрофга қараб, қопни қидира бошладим. Бу қандай юз берганини, нега мен ёнғиндан қочиб борган ертўлада эмас, бу ерда эканлигимни эслашим керак.

Ҳаммаси Думчевнинг тўнка остидаги уйда тутун ҳиди келганидан бошланди. Ташқарига қочиб чиқиб, улкан оқ трубкадан тутун чиқаётганини кўрдик. Папирос! Кимдир охиригача чекмай ташлаб юборган оддий папирос. Бир вақтлар мен ўзим ҳам шунақа оқ труба — папирос чекардим. Қани энди ҳозир бир чексам! Аммо қоп қаерда қолди?

Ана, ўтлар орасида қандайдир папирос қолдиғи ётибди. Буни қандай тушуниш керак? Нега олдимда куйган труба эмас, оддий папирос қолдиғини кўряпман? Ана, қолдиқ ёнида хашаклар куйган. Оддий куйган хашак. Бутунлай гангиб қолдим: бу папирос қолдиғини тушимда кўряпманми ёки Бўлиқ Ўтлар Ўлкасидаги ёнғин, тутун, чидаб бўлмас иссиқ ва ундан қочиб, Думчев иккаламиз ертўлага тушганимиз тушимда бўлдимми?

— Хайрли кеч!— Думчевнинг овози эшитилди.

— Хайрли кеч!— дедим-у, «ёниб кетган ўлкада қандай хайрли кеч бўлиши мумкин?» деб ўйладим.

— Сиз шудринг тушган ўт устида ётибсиз. Туринг, туринг.

Нима бўлди ўзи? Яна бутунлай чалкашлик. Ертўла, камералар, пардалар, ёруғ қуртларнинг милтиллаши қани?

Шубҳа йўқ! Бўлиқ Утлар Улкасини кутилмаган саргузаштлар билан бирга тушимда кўрдим. Албатта, у жуда узоқ ва жуда ғалати туш, лекин ҳар ҳолда туш эди. Ахир, мана бармоғимда чумоли ўрмалаб кетяпти, мен уни тушириб юборишим мумкин! Чумоли ини-чи? Мени қароқчи чумолилар судраб кирган чумоли инини эсласам баданим жимиралиб кетади. Аммо чумоли инини ҳам тушимда кўрдим. Ҳаммаси равшан. Лекин Думчев-чи? У ҳам тушми?

Сергей Сергеевич, мана, олдимда турибди... Мен ундан кўзимни узмайман.

Ўзим эса ўйлайман: «Бўйи ҳам меники билан барабар! Кеча ҳам шунақа эди. Уни биринчи марта даҳшатли «шаҳар» — ари инда кўрганимда ҳам шунақа эди».

Думчев менга диққат билан қаради.

— Эшитяпсизми?— у кўкариб кўринаётган дарахтзорни кўрсатди.— Кимдир рю-рю-рю-рю, деб бизни чақиряпти.

Мен қулоқ солардим, тикилиб қарардим, атрофим шу қадар ғаройиб эдики, ҳеч нарсага тушунмасдим.

Рю-рю-рю.

Эсимга тушди! Сайроқи ўрмон қуши қизилтўш ёмғир олдида шунақа сайрайди.

Қизилтўш, қушларнинг сайраши! Мен энди Бўлиқ Утлар Улкасида эмасман! У ерда қизилтўшнинг сайрашини эшитмаган бўлардим! У ерда белоён ўт-ўланлар ўрмони тўхтовсиз шовилларди, у ерда чигиртканинг тинмай чириллаши қар қиларди.

Еки буларнинг ҳаммаси тушмикин? Бу қизилтўшнинг сайрашини ҳам тушимда эшитяпманмикин?

— Рю-рю-рю...— деб сайрайди қизилтўш.

Тўнка, оддий тўнка ёнидаги яшил дўнгликка, Думчевнинг ёнига ўтирдим. Япроқларнинг таниш ва оромбахш шитирлашини эшитдим, янги ўрилган пичан ҳидидан тўйиб нафас олдим.

Фароғат, сукунат ва қандайдир ёрқин қувиқлик мени қамраб олди. Болалигим оламига қайтмадиммикин, сиренгул пастаккина деразани тақиллатиб, уй ичига кириб мени уйғотмадимикин?

### ЯХШИ ТАНИШ КОСТЮМ

Думчев ёнимда узоқ вақтгача ўйланиб ўтирди. Тўсатдан ўрнидан туриб, тўнка илдиэлари ёнида ниманидир қидира бошлади. Думчев ҳали ҳам ҳақиқий бўйини сезмай, бир вақтлар тўнка остига қурган уйи эшигини қидиряпти деб ўйлаб ваҳимага тушдим. Тўнка ёнидаги ўтлар эзилган, топтаб юборилган эди. Думчевнинг ертўласи бутунлай босиб қолган бўлса керак. Буни Думчевнинг эсига солиб қўйиш керак, аммо мен шошилмадим: у ниманидир қидириб, қўли билан ерни пайпаслар, титкилар эди.

— Мана, топдим!— деб хитоб қилди Думчев.— Қаранг!

Қуртнинг кичкина, кўзга зўрга кўринадиган пилласини кўрдим. Пилла ипак чилвир билан маҳкам боғланган эди. Гап бу ёқда экан! Бу саёҳати ҳақидаги ёзувларини солган пилла-қоп, қўлимга тутқизган ўша қоп эди.

Биз гоҳ бу пиллага, гоҳ бир-биримизга индамай қараб турардик. Думчев туғунни ечди. У кафтида варақлар солинган пилла ва кичкина ипни ушлаб турарди. Шу пайт ана шу ип унинг қалбида икки дупёни—икки ҳаётни: Бўлиқ Ўтлар Ўлкасидаги ўтмиш ҳаёти билан варақачалар солинган қоп оғзини маҳкамлаб, эндиги қадам қўядиган ҳаётини боғлаб турганини тушундим. Ахир бу варақачалар унинг Бўлиқ Ўтлар Ўлкаси сирлари ҳақидаги ҳикояларига дебоча бўлади.

Узим-чи? Бу ип ва қурт пилласига қанчалик кўп тикилганим сайин, чалкашиб кетган таассуротларим равшанлашаётганини шунча кўпроқ сеза бошладим. У ерда, Ченскда доцент Воронцованинг микроскопи ёрдамида бу пилла ичида сақланаётган варақачаларни яна ўқийман. Қўнглим ёришиб қувониб кетдим. Энди фақат бир нарсга тўғрисида—Думчевнинг аста-секин ҳаётга қайтишига қандай ёрдам бериш тўғрисида ўйлардим.

Тўнкадан сал нарироқда кимнингдир яхшилаб тахланган кул ранг катак-катак костюми ётарди. У менга жуда танишга ўхшади. Боғланган галстук эса тўқ кул

ранг бўлиб, қизил чизиги бор. Ипига тугун тушган қўнғир ботинка ҳам таниш кўринди.

Бу костюмни бир вақтлар кимнингдир эгнида кўрганман. Кимнинг эгнида кўрувдим? Ботинкага қараб, дарё бўйидаги солни эзиб ташлаган одимловчи устунларни эсладим.

— Бу улкан одамнинг костюми,— дедим.

— Ҳа, гигант одамнинг костюми! Биласизми, Бўлиқ Утлар Ўлкасида сизга ипак қурти ипагидан шойи шим қилиб бераман, психея сизга пахтали куртка тўқиб беради. Биз плаш кийиб юрамиз. Тўхтаг! Бу нимаси? Балки ўзим ҳам адашаётгандирман... Гоҳ ҳамма одамлар каби бўлиб қолганимни англаяпман, гоҳ бу сезгини йўқотиб қўяпман. Тушунмай қолдим...— Думчев ўрнидан сапчиб турди:— Гумбурлаш! Бу қанақа гумбурлаш?— У қафтлари билан кулоқларини беркитди.

Ҳа, қандайдир узук-юлуқ товуш келяпти. У менга таниш, бу товушни бир вақтлар эшитганман. Утлар орасида бароқ дум кўринди. Ит. У вовиллаётган эди. Анави ерда эса устига похол ёпилган қандайдир шийнон. Мен у ерга бориб тош зинадан пастга туша бошладим... Майдонча. Стол. Иккита стул. Стол устида эзилган тунука бидон турибди. Тўхтадим. Ичкаридан чироқ ушлаган одам қўли чиқиб келди ва қаршимда пахталик кийган жуда таниш аёл пайдо бўлди. Бароқ думли малла ит ҳам шу ерга сакраб чиқди.

Шундан кейин ҳаммаси ёдимга тушди! Ҳаммасини тушундим!

— Салом, ўртоқ Черникова! Мен қайтиб келдим!— деб бақирдим сезиниб.

— Бу қанақаси? Яланғоч одамми?

Ертўладан отилиб чиқиб кетдим. Орқамдан итнинг жаҳл билан вовиллаётгани эшитилди.

### КУППА-КУНДУЗИ ҚАРОҚЧИЛИК

— Думчев! Сергей Сергеевич! Қаердасиз?

Жимлик. Итнинг вовиллаши тинди.

Мана, буга қимирлаб, ораси очилди ва Думчев шивирлаб сўради:

— Нима, гуриллаш тиндими?

— Итнинг вовиллашими? Ҳа, тинди!

— Йўқ, вовиллаш эмас, гуриллаш.

— Бу итнинг вовиллаши! Бу ерда район умумий овқатланиш идорасининг базаси бор.

— Мени тушунинг, ишончим комилки...

Думчев гапани охирига етказмади — ит бизга қараб югуриб келарди. Мен ердан шох олиб, пўписа қилдим. Ит думини қисиб, вовиллаганча эгаси олдига қайғиб кетди.

— Бу ит менга олдин қадимий улкан ҳайвонларга ўхшаб кўринди,— деди Думчев.— Сиз эса уни шох билан ҳайдаяпсиз... У қочиб қолди! Шундан кейингина тушундим: гуриллаш—гуриллаш эмас, вовиллаш экан, иккиламиз эса...

— Жим! Қулоқ солинг!

У ерда, умумий овқатланиш идорасининг базасида Черникова ити билан овозининг борича гаплаша бошлади. Биз қулоқ солдик.

— Манавини қара! Тушуняпсанми, Жингалак? Янги ордер дафтарини олиб келиш учун шаҳарга боришим керак, менга эса шу ердан қимирламай кийимни пойлаб тур, деб буюришган. Сабзавот олгани келиб қолинса-чи? Қвитанциясиз сабзавот бериб бўладими? Кейин кимга қанчадан берганинг ҳақида жавоб бер, ҳисоб бер. Одамлар ғойиб бўлиб қолган кишини бир неча кун қидиришди! Дарахтзорни кезиб чиқишди. Мен уларга: «Қидирманглар. У худди шу ерда, кўз олдимда ниманидир ютди-ю... дарров бирдан эриб кетди, ғойиб бўлди... Узим бу ҳақда шаҳарга хабар қилдим», дедим. Менга эса: «Ундай бўлса, шу кийимни қўриқлаб тур,» дейишди. Тўнка устидан олиб, яхшилаб тахлашди. «Тегма. Қўриқла. Бу ерга ўргатилган ит келади. Москвада бу итни ҳамма билади, оти Эльфа. У кийимни ҳидлайди-да, дарахтзорда, вайронада истаган одамингни топиб беради», дейишди менга. Мана энди шу ерда турибман! Бу қанақа кўргилик?! Мен кимман — умумий овқатланиш идораси давлат базасининг мудириманми ёки бировлар кийимига қоровулманми? Яна яланғоч одамлар юрибди... қўрқитяпти...

Черникова жим бўлди.

— Гражданка,— деб қичқирдим.— Кийимини қайтариб беринг!

— Сеникимми?

— Меники. Костюмни бу ёққа, бута ичига ташланг. Сиз тескари қараб туринг, мен ўзим оламан!

— Менга қўриқлаш буюрилган! Ким керак бўлса ўргатилган Эльфа ит қидириб топади.

— Илтимос қиламан, ўртоқ Черникова...

— Сўраб овора бўлма! Менга бир қадам ҳам жилма деб буюришган!

— Ҳа майли, ўргатилган ит келишини кутаман.

Думчев иккаламиз бир-биримизга қарадиг-у, дарров тушундик.

— Қелишяпти! Олиб келишяпти!— деб бақирдим буталар орасида туриб.

— Ким? Нимани?— деб сўради Черникова.

— Итни олиб келишяпти! Ўргатилган ит Эльфани!

— Қани? Қаерда?

— Ҳув ана! Қаранг! Муюлишнинг нарёғида...

Черникова бир неча қадам юрди, қўлини соябон қилиб, узоққа тикилди.

Мен буталар орасидан чиқиб, кийимларимни олдим-у, орқамга югурдим.

Орқамдан:

— Бу қароқчилик! Куппа-кундузи қароқчилик!— деган овоз эшитилди.

Лекин биз ундан узоқлашиб, шийпонга яқинлашиб қолган эдик.

Мана менинг костюмим! Лекин ҳозир икки кишига битта костюм! Биз кийимни бўлашиб олдик. Пиджак билан шимни Думчевга узатдим. Менга эса... Менинг кўринишим ҳаддан ташқари «спортчасига» эди. Думчев хурсанд, ҳали замон кулиб юборадигандек эди. Мен эса хахолар, кўзларимдан ёш чиқиб хахолар эдим...

— Рю-рю-рю,— ёнимизда қизилтўш сайрар эди.

Биз севишиб, буталарни топтаб борардик.

Қўрқиб кетган майна тишмай чақ-чақ-чақларди.

Итнинг вовиллаши ҳам, қизилтўшнинг рю-рюлаши ҳам, майнанинг чақиллаши ҳам менга қандайдир қадрдон куйнинг оҳангидек туюларди.

### ЭСКИ УЙ ОСТОНАСИДА

Ҳозир, шу сатрларни ёзаётиб, Ченскка қандай қайтиб келганимизни хотирлар эканман, ўша соатларда бизни қамраб олган қувноқ ва ёрқин туйғуларни сезаётгандекман. Кенг ва катта костюмимни кийиб олган



Думчевнинг қиёфаси нақадар кулгили эканлигини, менинг нақадар бемаъни «спортча» қиёфамни, бир-биримизга қараб қувноқ кулганимизни эсладим.

Кечгача дарахтзорда бекиниб ўтирдик, сал қоронғи тушиши билан йўлга чиқиб, шаҳар томон юрдик.

Эслатиб қўяйки, Утлар Улкасига, хавф-хатар оқими-га тушиб қолган пайтимда Думчевга бу ерда юз берган ўзгаришлар, воқеалар ҳақида гапириб беролмаган, уни таништира олмаган эдим.

Биз бировларнинг уйлари деразалари ёнидан секин борардик. Деразалар очиқ, узуқ-юлуқ гаплар, кулги эшитиларди. Думчев тез-тез тўхтаб, ҳайрон бўлиб қулоқ соларди. У ҳаётга қайтган бўлса ҳам, фикри-хаёли, туйғулари, кечинмалари билан ҳали Бўлиқ Утлар Улкасидан ажралмаган эди.

Мана, бир онла аъзолари катта кўк абажур остидаги стол атрофида кечки чойга тўпланган. Баланд стулчада оқ-сарик қизча ўтирибди, қўлларини силкитиб нималарнидир бидирляпти, қолганлар эса унинг гапларини эшитиб кулишади.

Думчев атрофга алаңлар, қулоқ солар, тўхтар ва одамларнинг юзига, уйларга, дарахтларга тикиларди... У ўз шаҳрида турганига ишонмасди.

Радиодан берилаётган «Ватанимнинг узоқ соҳилларига» романси очик деразадан эшитилгач, Думчев тепага қаради. Музика билан қўшиқ, бўйи баравар деразадан эмас, гўё осмоннинг қаеридандир эшитилаётгандек эди. У тўхтаб қулоқ солиб турди-да, қўлини қўлимдан тортиб олиб олдинга юрди.

— Қаёққа кетяпсиз?— мен Думчевга стиб олдим.

— У орқамиздан қувлаб келяпти!

— Ким?

— Куйлаётган кўринмас одам.

Яна Думчевнинг қўлидан ушладим.

Бу чиндан ҳам унга жуда ғалати туюлиши мумкин эди: радио у Бўлиқ Утлар Улкасида яшаётганда одатга айланган эди-да.

Бизнинг кетимиздан, ёнгинамиздан романсинг янги сўзлари эшитиларди: «Ғойиб бўлди учрашувнинг бўса-си...»

Қўшиқ сўзларининг давомини бир дераза иккинчиси-га узатар, иккинчиси уни давом эттирарди: «...Энди сендан кутаман у бўсани!»

Сўзлар ҳам, музыка ҳам биз билан баравар юрарди. Радио нима эканлигини Думчевга ётиғи билан ба-тафсил тушунтирдим.

— Ҳа, ҳа,— деди у.— Тушундим! Тушундим!

Уша замони Бўлиқ Утлар Улкасида ҳам радио бор деб ишонтира бошлади. У ҳатто қандайдир капалакни мисол келтирди. Унинг мўйлови антенна вазифасини ўтар экан. Ушанда Ченск кўчаларидан кетаётганимизда Думчевдан унинг: «...ўзингиз билан бирга олиб келган ва йўқотган нарсангиз ёрдам бериши керак», деган сўзларни маъносини сўрашим керак, деган фикр миямга ўрнашиб олганини ҳозир эсладим. Бу сўзларни у Кечиккан Гиналар дарёси бўйида, тунда, бўйни қайтарадиган иккинчи дори ҳам биз учун абадий йўқолганига ишонганимиздан кейин айтган эди.

Мана энди биз Ченскдамиз! Бўлиқ Утлар Улкасидан чиқиб кетишимизга нима ёрдам берди?

Ана, дераза орқасида сочлари ҳурпайган икки бола харита устига энгашиб олибди; бири харита устида тез қалам юрғазиб, иккинчисига ниманидир исботламоқда. Униси эса эътироз билдирар, муҳим иш билан банд кишидек қалам учини чиқарарди.

— Саёҳатга тайёрланишяпти,— дедим мен.

Думчев бунга жавобан фақат бир сўз айтди:

— Графит!..

Бўлиқ Утлар Улкасида тез-тез бўлганидек, ҳозир ҳам Думчевга ҳайратланиб қарадим.

Лекин у шу заҳоти жавоб берди:

— Сиз, чоғимда, ҳалиям мени тушунмаётганга ўхшайсиз. Тажрибам, сўнгги тажрибам муваффақиятли чиқиши, бахтсизлик юз бермаслиги учун менга реакцияни секцилатувчи актив бўлмаган модда зарур эди. Графит чағги зарур эди. Сиз қоғозчи арнлар шахри ёнида тушириб қўйган қаламдан графит олдим. Тажриба яхши чиқди. Кўриб турибсизки, биз ҳозир Бўлиқ Утлар Улкасида эмас, Ченскда, одамлар орасидамиз.

Унинг гапини охиригача эшитиб улгурмадим, биз Полина Александровна Булай яшайдиган уйга етиб келдик.

У ҳам бир вақтлар шу ерда яшаган. Мана, эски, қий-шайган пешайвон. Эмалланган оқ тахтача ялтираб турибди. Зинадан пешайвонга чиқиб, эшикни тақиллатмоқчи бўлдим. Лекин тақиллатмадим.

— Сергей Сергеевич, нега тўхтаб қолдингиз? Ахир биз етиб келдик!

Лекин у пешайвондан бир неча қадам нарида турар, қимирламас эди.

Пастга тушиб, унинг қўлидан ушладим.

— Мана етиб келдик!

Думчев жим турарди. Бу жимлик бир неча минут чўзилди. Мен кутиб турардим.

Кейин у Бўлиқ Утлар Улкасидаги каби бирдан ўзи билан ўзи гаплаша бошлади.

— Нимани кутяпсан? Ўз уйнинг остонасида турибсан-ку! Уяляпсанми? Қўрқяпсанми? Эҳтимол...

Арининг ҳалокат тўла инига тушишга қўрқмаган, бир зарб билан йиртқич бешиктерватарни қулатган бу жасур овчи, ўз уйининг қийшайган пешайвони олдида турибди ва... киришга юраги бетламаяпти.

Вақт ўтиб боради. Ниҳоят Думчев пешайвонга секин ва оҳиста кўтарилди.

Эшикни тақиллатмоқчи бўлиб яна қўлимни кўтардим.

— Керакмас!— Думчев қўлимдан ушлади.— Сабр қилинг... Мен... мен ҳали ўзимни босиб олганим йўқ.

У қаттиқ ҳаяжонланарди — буни кўриб, тушушиб турардим.

Шаҳарга аста-секин сукунат тушарди. Чироқлар ўчарди.

Думчев эса менинг елдимда ўзини оқлаётгандек бўларди:

— Ҳозир... яна бир оздан кейин дадил бўламан...

Атроф жимжит. Гўё менга Думчевнинг юрак уриши эшитилаётгандек эди.

Мен ҳамон кутардим.

— Ҳа майли, бари бир, тақиллатинг!— деди Думчев қандайдир бўғиқ овоз билан.

### **СКРИПКА ЯНА КУЙЛАЙ БОШЛАДИ**

Тақиллатганимдан кейин эшикни Полина Александровна очди.

Қўшниси ўз хонаси эшигидан мўраллади.

— Мана биз келдик!— дедим гўё Полина Александровнанинг топшириғи билан хиёбонга югуриб бориб, Думчевни чой ичишга чақириб келгандек содда ва табиий сўхангда.

Полина Александровна бирдан жавон четини ушлаб қолди. У Думчевнинг юзига тикилиб туриб шивирларди:

— Йўқ, йўқ! Бўлиши мумкин эмас!

Ҳамма жим эди. Гўё уйга довдираш, ҳаяжон ва ташвиш кириб, ҳаммани асир қилиб олгандек эди. Шу пайт кўринишим ғалатилиги эсимга тушиб кетди...

Бепарволик билан кулишни, қандайдир ҳазил қилишни хоҳласам-да, ўзимни ноқулай сезардим, ҳамма сўзлар сохтадек туюларди.

Ҳаммамизни ноқулай аҳволдан қўшни аёл қутқарди:

— Самовар! Энди самовар қўйиш керак! Мен ўзимникини қўяман... Марҳамат, азиз меҳмонлар!

Мен ундан миннатдор эдим.

Ғалати кийимимизга ҳеч ким эътибор қилмади.

— Энг муҳими — Сергей Сергеевичдан ҳеч нарсани сўраманг! — деб Полина Александровнани огоҳлантириб қўйишга улгурдим. — Уни эҳтиёт қилинг! Вақти келиб, қаерда бўлганини ўзи айтиб беради. Ҳозир сўраманг.

Қўшни аёл Думчев билан мени лаборатория эшиги томон бошлаб бораркан, жуда илиқ ва меҳмондўстлик билан гапирарди:

— Менинг самоварим тез қайнайди. Кўмирнинг ўзи соз, ўтиннинг нами оз! Дарров қайнайди! Ҳозир келтираман!.. Полина Александровна, сизга нима бўлди? Шунча кутиб, кутиб, энди чой билан меҳмон қилгингиз ҳам келмаяптими! — энди унинг овози пастдан эшитиларди.

Лаборатория эшиги орқамиздан ёпилди.

Думчев жавонни жуда эҳтиёткорлик билан очиб, эски костюмини олди. Кийинишда унга ёрдамлашиб юбордим. Шу вақт ичида у бир оғиз ҳам гапирмади. Фақат атрофга алангларди.

Булай лаборатория эшигини аста тақиллатди. Кирди-да, индамай, столга дастурхон ёза бошлади.

Қўшни аёл самовар келтирди. Чой ича бошладик. Қанддонда қисқич бор эди.

Думчев уни қўлига олиб:

— Шоҳдор қўнғаз! — деди.

Полина Александровна билан қўшни аёл ҳайрон бўлиб менга қарашди. Лекин мен индамадим.

Қаердандир гудок эшитилди.

— Пароходда келган бўлсангиз керак-а? — сўради қўшни аёл.

— Пароходда дедингизми?— Думчев қайтариб сўради.— Пароходда... Демак ҳамон буғми? Ишначи личинкаси эса — ракета двигатели...

Булай ва қўшни аёл яна унга ажабланиб қарашди.

Самовар совиб қолди. Қўшни аёл иситиш учун олиб чиқиб кетди.

У Полина Александровнадан қўрқмайдиган бўлиб қолганга ўхшайди. Бунинг устига ҳамиша Полина Александровнага ғамхўрлик қиларди, энди эса меҳмонларни деб югуриб юрибди.

Думчев ҳаммамизга қаради:

— Сукунат учун раҳмат!— деди у.— Мен ўрганиб қоламан... Дарров эмас, лекин нормал масштабга ўрганиб қоламан!

— Қандай масштаб?— сўради Булай.

— Керакмас, мендан ҳеч нарсани сўраманг! Урганиб қоламан... Менга жуда қийин... Савол берманг.— Думчев бешини қуйи солди.

Ниҳоят у ўрнидан туриб, лабораторияда юра бошлади. Осма жавонча олдига келиб, уни очди, шприцни қўлига олди, уни узоқ томоша қилиб туриб:

— Қовоғари...— деди.

Мен тушундим: шприц нинаси ҳам қовоғари найзаси каби ичи тешик.

Думчевнинг гапларига қулсқ солиб туриб ўйлардим: «Думчев маана энди уйда, одамлар орасида, лекин ҳамон Бўлиқ Утлар Ўлкасида яшовчилар инстинктга мувофиқ ишлари билан кўз олдида турибди». Унга эътироз билдирайми? Йўқ! Унинг ўзи ҳадемай инсон ясаган асбобларни қўлига олади. Инсон бу асбоблар билан қандай мўъжизалар яратяпти, қандай ажойиб буюмлар ясаяпти! Буни Думчевнинг ўзи тушуниб олади. Ана шундан кейин гўнқўнғиз, қовоғари ва шоҳдор қўнғизни эслайди-да, кулиб: «Ўз ўйларим билан нақадар кулгили эканман!» дейди.

Уни диққат билан кузатиб туриб, қадамлари дадиллашиб, одамларнинг оддий одимларига ўхшаб бораётганини сездим.

У скрипка филофини ушлаб кўрди. Скрипкани олиб елкасига қўйди. Лекин чалмади. У нима ҳақда ўйляпти?

Секин куйлаётган овоз эшитилди. Қим куйлаётганини дарров била олмадим.

Полина Александровна бурчакдаги курсида деворга суяниб ўтирганча эшитилар-эшитилмас қилиб куйларди:

Бўрон, зулмат осмонни тутар,  
Қор учқуни айланар қуюн.

У гўё ўзи билан ўзи гаплашаётгандек қўшиқ айтарди. Бу қўшиқ эмас, балки хотира...

Яқиндагина бўлгандек эди: узун малла соч, соябони кенг, кўк лента тақилган похол шляпа. Соқин баҳор оқшоми. Сирень гуллаган. Қиз орқасига қараб-қараб кетяпти. Ёш Думчев деразадан унинг орқасидан қараб турибди ва шу куй янграмоқда...

Дарчамизни келиб қоқди —  
Дам кеч қолган йўлчидай юпун...

У куйлаган сари Думчевнинг юзи ёришарди. Унинг тартибни бузилган кечинмалари орасига гўё қандайдир жонли тузатишлар кираётгандек, бу тузатишлар кечинмаларни яна тартибга солаётгандек эди.

У асабий бир ҳаракат билан қўл чўзиб, камонни торларга тегизди.

Бу қўшиқни, аллақачон унутилган бу куйни у янгидан ўрганаётган эди. Мана ҳозир севимли қўшиқ унинг ҳаётга қайтишига ёрдам беради.

Қўшиқ тобора аниқ ва тиниқроқ эшитиларди.

Думчев скрипкада бу қўшиққа тобора дадилроқ жўр бўла бошлади.

Булайнинг кўзлари узоқ-узоқларга тикилган, юзларида кўз ёши думаларди.

Узимни тутиб туролмай эшик томон юрдим.

Қўшни аёл эшик кесакисига суянгача унсиз йиғларди.

## ЯНА МЕҲМОНХОНАДА

Булай, Думчев ва Авдотья Васильевна билан жим, фақат бош ирғаб хайрлашганимда ярим тун бўлиб қолганди.

Уйдан чиқиб, таниш пешайвонда узоқ турдим.

Бир муҳим, ғоят муҳим нарсани эслашим керак... Лекин нима ўзи?

Меҳмонхона йўлини яхши билардим. Лекин ҳозир атрофда ҳамма нарса нотаниш туюларди. Қаёққа қараб юриш кераклигини аниқлаб олгунимча анча алашглаб турдим.

Бир-икки қадам қўйдим-у, тўхтадим.

Девор устидан кўчага осилиб турган барглarning бўғиқ шитирлаши мени қўрқитиб юборди. Нима бу? Бирдан ўзимни яна Бўлиқ Утлар Улкасида юргандек ҳис қилдим. Кимнидир қидиришим, қутулишим керак. Тезроқ! Тезроқ! Вужудимни ташвиш ва хавотир қуршаб олди...

Кейин ўзимга келиб, секин юра бошладим. Осмон мусаффо, юлдузлар чарақлайди. Кичик шаҳарнинг осойишта туни. Қандай сукунат! Лекин нима учундир бу сукунатни галати шовқин, товушлар, шитирлаш ва жаранглашлар бузаётгандек эди. Ҳозир, Чепскда ҳам эҳтиёт бўлиш, хавф-хатар яқинлиги сезгисидан қутула олмаган эдим. Мен тўхтадим ва гўё кўзга кўринмайдиган бўлиб қолиш, ўзимни фалокатдан сақлаш учун бир дақиқа деворга ёпишдим. Ҳушимга келиб йўлимда давом этдим, лекин бирдан яна тўхтадим.

Эртага Думчев кўчага чиққанда ўзи кўнликмаган, унга янги бўлган дунёда ҳоли нима кечаркин?

Мен Бўлиқ Утлар Улкасида озгина вақт бўлдим-у, шунга қарамай сокин шаҳарчага кўника олмаяпман. Бу ерда деразалар орқасида одамлар хотиржам ухлаётганига ишонини қийин. Ҳаммаси менга бошқача туюляпти.

Думчевнинг ҳоли нима бўларкин?

Мен меҳмонхонага борардим, атроф жимжит, юлдузлар сокин нур сочарди. Ёнгинамда хўроз қичқирди, кучук вовиллади. Думчев ҳақидаги ташвишли ўйларим тарқала бошлади.

Эдимда: меҳмонхона эшигини очиб, тўхтаб туриб қолдим. Матбос эдим. Ахир мен жўнаб кетаман. Думчев билан хайрлашаман...

Меҳмонхона навбатчиси калитни узатмоқчи бўлди-ю, менга қараб, қотиб қолди. Калит қўлида қолаверди. Ниҳоят тилга кирди:

— Сизмисиз?! Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас! Сиз йўқолиб қолгансиз-ку!

— Мен шаҳардан ташқарида эдим. Бу ердан унча узоқ эмас,— ўнгайсизланиб жавоб бердим.— Огоҳлан-тириб қўймаганим учун кечиринг...

— Лекин бу ерга келиб сизни қидиришди-ку! Ғалаговур бўлиб кетди... Бунақа қилиш яхши эмас... Огоҳлантириб қўйиш керак!

Меҳмонхонанинг ўша хонаси. Стул устида эски чамадоним турибди. У гилофига солиниб; тугмалари қадаб қўйилган. Мен Москвага кетмоқчи бўлгандим-да. Дераза ортида эса ўша... бу ерга гулдаста ирғитишгандагидек сокин тун. Қўшни деразадан ҳозир ҳам тўрт бурчак ёруғ ерга тушиб турибди. Ҳаммаси аввалгидек. Ҳаммаси аввалгича эмас, бошқача: шу вақт ичида мен Бўлиқ Утлар Улкасида бўлдим!

Стул устида профессор Тарасевичдан келган хат мени бир неча кундан буён кутарди.

«Ҳурматли Григорий Александрович! Мени область конференциясига чақирдишяпти. Учраша олмаслигимиздан гоят афсусланаман. Райпишчеторгда ишлайдиган Черникова фамилияли бир аёл унинг кўз олдида «эриб», ғойиб бўлиб қолганингиз ҳақида шаҳарда миш-миш тарқатиб юрибди. Қандай бемаъ依илик! Ҳаммасини ўзингиз тушунтириб берасиз, деб умид қиламан. Черникованинг гапига кўра, кийимингиз нима учундир шийпонча олдида қолган экан, шу сабабли ҳар эҳтимолга қарши деб қидирувни ташкил этишга ёрдам бердим ва сиздан қаттиқ ташвишланган ҳолда жўнаб кетяпман. Салом билан, сизнинг Тарасевичингиз».

### УЙ ҚУРИЛЯПТИ, ҚУШИҚЛАР ЯНГРАЯПТИ

Тун ўтди. Анча кеч уйғониб, меҳмонхонанинг ёруғ хонасига кўз югуртирдим-да, яна ташвишлана бошладим: Думчевга нима бўлдикин?

Ўша замони уникага жўнадим, лекин бир кўчага келганимда Думчевни кўриб қолдим. У дунёдаги ҳамма нарсани унутгандек, муюлишда ҳеч нарсани сезмай, монтаж қилинаётган кўп қаватли уйга қараб турарди.

Узоқроқда Полина Александровна билан қўшниси туришарди. Улар Думчевдан кўз узишмасди. Қўшниси ишора қилиб, ёнига чақирди. У эрта тонгда кўча эшик тақиллаганини эшитганини ва Думчев чиқиб кетаётганини кўриб қолганини билиб олдим. Сергей Сергеевич ҳали чой ичмаганидан ташвишланиб, у Полина Алексан-



дровнани уйғотибди. Иккаласи унинг орқасидан йўлга чиқишибди. Уни чақирмоқчи бўлишибди-ю, ботинишолмабди. Бирдан у мана шу уй олдида тўхтабди, шундан буён турган экан. Турган жойида томоша қилар, тикилар экан. Бу ерда нимага қарайди? Наҳотки катта уй қуришаётганини кўрмаган бўлса?

Думчев бир жойда узоқ қимирламай турди.

Кейин ўзидан норози бўлгандек, қандайдир сабрсизлик билан кузатиш жойини ўзгартира бошлади.

...Тонгги мусаффо осмонда цемент қоришмаси тўла бункерли кран хартуми сузарди. «Уй-жой қурилиши ярим йиллик планини муддатидан олдин бажарамиз!» деган сўзлар ёзилган улкан қизил алвон энгил шабадада гоҳ ҳилпирар, гоҳ деворга ёпишиб қолар, гоҳ юқорига— осмонга қараб талпинарди. Бошқа уйнинг очиқ деразасидан атрофга қўшиқ сўзлари тарқаларди:

... тошлардан, сариқ қумлоқдан...

Жумла бўлиниб қолар, қатъият билан чалинган куй эшитилар ва яна ҳаммаси қайтадан бошланарди:

... тошлардан, сариқ қумлоқдан...

Қўшни уйдаги қўшиқчи «Сув парилари» операсидан Наташа ариясини ўрганар, соф ҳавода унинг баланд овози жарангларди.

Қўшиқчи жим бўлди. Бўёқчи қизларнинг дераза тоқчаларида туриб, деразани очиб-ёпиб, ромларни бўяётиб куйлаётган қўшиқлари эшитила бошлади. Қўшиқ сўзлари ғамгин бўлса ҳам, қизлар беғам ва ҳатто қандайдир шаккоклик билан куйлашардики, бундан кўнгил қувончга тўларди.

Осмонда эса, тонгги мовий, баланд осмонда бункерли кран хартуми сузиб юрарди. Мана кран қурилиш бўйлаб юра бошлади. Симарқонлар пастга тушди. Ана, яна юқорига кўтариляпти. Хартум қурилиш — ҳавозасиз янги қурилиш устида тинмай айланарди.

Ёнида Думчев турган бир қаватли уй олдида бир йигит ва икки қиз келди. Ҳовли эшигидан кирмай, йигит ортида ясин ва атиргуллар ўсиб ётган пастак девор устидан энгашиб туриб чақирди:

— Оля, Оля, тезроқ! Серёжа қайиқда кутяпти. Соат ўн иккига борамиз деб келишувдик-ку!

— Ҳозир!— кимдир жарангдор овоз билан жавоб қилди.

Йигит ва қизлар ҳовли олдидаги скамейкага ўтиришди.

Думчев уларнинг олдига борди. Йигит ўрнидан туриб, Думчевга жой берди. Аммо Думчев ўтирмади. У ёшларни ўрганарди. Улар нақадар бахтиёр кулишяпти! Гапириб туриб нақадар хушнуд кулишяпти!

Эшик очилиб, ҳовлидан оқ кўйлак кийган, қўлида мовий рўмол ушлаган Оля чиқди. Қиз куйлай бошлади:

Куйлайлик, дўстлар,  
Ахир, эртага юриш...

Ҳамма кўшиққа жўр бўлди, бир-бирларининг қўлидан ушлаб, кўчадан чопиб кетишди.

Думчев уларнинг орқасидан узоқ қараб қолди.

Кўшиқчи куйларди, бўёқчи қизлар куйлашарди. Оля ва унинг дўстлари кўшиги узоқдан эшитиларди.

Тонгги осмонда бункерли хартум бутунлай шаффофдек бўлиб қолди. У баланд осмонда енгил, текис ва қувноқ сузарди.

Ниҳоят Думчев ўзига келиб, уй томон юрди.

Биз унинг орқасидан борардик. Лекин у бизни сезмасди. У ўзи билан ўзи гаплашарди:

— Қуйлашяпти! Ҳамма куйлаяпти! Қизиқ! Уй-чи? Чипта кавуш кийган жулдур гишт терувчилар — бу уйнинг қурувчилари қаёққа кетди? Механизмлар... Бунинг устига ҳамма кўшиқ айтади... Бунақа шодлик қаердан келди? Буларнинг ҳаммасини қандай тушунмоқ керак...

Думчев ўзига ўзи шундай дерди. Узоқда эса кўшиқчи аёл яна куйлай бошлади:

Шўх сув оқар... оқар ирмоқдан...

### «ЧИН ҚАЛБИМДАН РАҲМАТИ»

Думчев лабораторияни ичидан беркитиб олиб, у ердан чиқмади. Биз уни безовта қилмасликка келишдик. Шу тариқа кун ўтди.

Саргузаштлардан жуда чарчадим. Москвага қайтиш ҳам керак эди.

— Сергей Сергеевич ғалати нарсалар ҳақида гапиряпти — уни тушунмаяпман, — деб шикоят қилди Булай.—

Айтинг-чи, шу йиллар давомида Сергей Сергеевич қаерда эди? У қаердан қайтиб келди?

Аммо мен жавоб беришга шошилмадим. Чунки Думчев билан ҳозироқ, бугун ёки эртага яна бир йўлни босиб ўтишимиз керак эди. У билан бирга ўн йилликлар йўлидан — ҳамма одамлар босиб ўтган йўлдан ўтишимиз, уни ҳаётга олиб киришим керак эди. Бунинг учун тўғри сўзлар топа билиш, кўп нарсаларни тушунтириш керак.... Шу ўн йилликлар давомида юз берган ҳамма нарсаларни у кўради, тушунади. Шундан кейин Булай Бўлиқ Утлар Улкаси ҳақида эшитаверсин. Ҳозир эса ҳар қандай гап ва савол фақат ташвишга солади уни.

Эртаси куни кечга яқин Думчев лабораторияси эшигини тақиллатдим. Ченскдан кетадиган вақтим бўлган эди.

Думчевнинг юзида кутилмаган табассумни, ҳатто болаларга хос бир оз шўх табассумни кўриб, гоаят ажабландим. Бу табассум гоҳ лабларида яширинар, гоҳ кўзларининг порлашида намоён бўларди. Янги ҳаёт билан дастлабки танишиш унинг юзини ёритгандек эди.

— Дўстим!— деб бошлади Думчев,— шунақа ҳаётни кўрдим, эшитдим ва сездимки, таърифланга сўз тополмайман!

— Шунинг учун ҳам ҳузурингизга келдим. Сергей Сергеевич! Ҳали сиз кўрадиганларнинг ҳаммасини тезроқ тушуниб, сезиб олишингизга ёрдам беролсам керак.

— Яхши ниятингиз учун раҳмат, лекин мен гимназиянинг қолақ ўқувчиси эмасман...

Мен уни тушундим: Бўлиқ Утлар Улкасида у одамларсиз, ёлғизликда узоқ, жуда узоқ, ҳеч қандай ёрдамсиз яшаган ва ҳамма нарсани ўз фаҳм-фаросати билан англаб олишга ўрганиб қолган эди.

— Сиз мени тушунмадингиз, Сергей Сергеевич. Олдингизда мутлақо янги ҳаёт...

— Ана шу ҳаётга бошқаларнинг ёрдамисиз киришга уриниб кўрмоқчиман. Ўзим тушуниб олишни хоҳлайман. Ҳаммасини тушунишни, ҳаммасини сезишни хоҳлайман. Бу ерда менинг гурурим, ор-номусим ўртага қўйилган!.. Думчев гап мавзусини бутунлай бошқа томонга буриб юборди.— Биласизми, Григорий Александрович, бугун қанақа кун?

— Жума...

— Мен уни сўраётганим йўқ. Бугун менинг ҳаётим

даги энг қувончли ва ёрқин кун! Мен яна ёза бошладим, Бўлиқ Утлар Улкасида яшаган узоқ йилларим кундалигини тиклайман. Шамол варақма-варақ совуриб, учириб кетганларни — ҳаммасини янгилайман ва қайта ёзиб чиқаман. Мана қаранг — у катта стол устида ярим доира қилиб тахлаб қўйилган узун, энсиз варақларни кўрсатди. — Олимлар дунёси кузатишларимни ҳисобга олиб, хулосаларимга амал қилсин.

— Кундаликни узоқ, жуда узоқ ёзасиз. Мен эса қайтиб кетишим керак. Ченскда яна бир ёки икки кун тураман. Шу вақт ичида заявка-мақола ёзиб берсангиз. Унда кундалигингизнинг асосий моҳиятини қисқа, жуда қисқа баён қилинг, фикрларингиз йўналишини белгилаб олинг ва асосий кашфиётларингизни кўрсатинг. Мен «Фан ва техника» журнаliga бериб қўяман.

— Нима дедингиз? Заявка? Мен бу сўзни тушунмайман. Мен патент ҳақида ёки авторлик гувоҳномаси ҳақида қайгураётганим йўқ.

Мен унга эринмай тушунтирдим. Сергей Сергеевич ҳам нима демоқчи бўлганимни тушунди.

— Ҳа, ҳа... конспект... Конспект тузиш керак.

«Конспект» сўзида Думчевнинг ўзигагина тушунарли чуқур маъно бордек, бу сўз унинг оғзидан нима учундир алоҳида ифодали бўлиб эшитилди. Унинг кўзлари нақадар қувонч ва илҳом билан порларди!

— Раҳмат! Чин қалбимдан раҳмат!

Думчевнинг заявка ёзиб бўлишини кутиб, Ченскдан кетишни кечиктирдим.

Орадан бир-икки кун ўтди. «Думчев конспектини ёзиб тугатгандир» деб ўйладим.

Бир куни кечга яқин унинг олдига кирдим. Думчев Бўлиқ Утлар Улкаси ҳақида, унинг ажойиб аҳолиси тўғрисида, уларнинг ажойиб шакллари ҳақида гапира бошлади. У ўз кузатишлари олимларнинг техникага кўп янгилик киритишларига ёрдам беради деб умид қиларди.

— Шу куну тунларда конспектининг турли вариантларини, тўғрироғи, бутунлай бошқача конспектларни ўйладим. Лекин эртага энг муҳимларини танлаб оламан, албатта таплаб оламан. Менинг хулосаларим ва қоидаларим техниканинг бир қанча тармоқларида бутунлай янги йўл очиб беради, деб умид қиламан. Яна бир-икки кундан кейин ҳаммаси тайёр бўлади, — деди у менга.

Думчев ўз лойиҳасида хабар берадиган кашфиётнинг муҳимлигига шубҳа қилмасдим, албатта.

Бир неча кундан кейин яна Думчевнинг олдига кирдим.

— Дўстим!— деди у қатъият билан.— Бутун Бўлиқ Утлар Улкаси кашфиётга тўла, уларнинг ҳаммаси ҳали ўрганилмаган. Миямда жуда кўп лойиҳалар бор. Ҳаммаси, ҳаммаси ҳам бир хилда муҳим. Мен қандай консепт ёзай? Фақат бир йўли қоляпти у ҳам бўлса, одамларга индамай бу ўлкани кўрсатиш. Ва умуман ҳеч нарса ёзмаслик!

Минорали уйдан чиқиб кетаётганимда Думчев ўз кузатишлари ва кашфиётлари орасида ботиб қолгандек туюлди менга. Думчевдан инсон организмга ажойиб таъсир қилувчи ғаройиб ферментлар тўғрисида, ўша моддаларни бу ерда тайёрлаб бўладими ёки йўқми, шу ҳақда сўрамаганимга жуда ачиндим. Наҳотки дунё бу кашфиётдан беҳабар қолаверса? Менинг саволим уни ташвишга солиб қўяди, деб қўрқдим: ажойиб метаморфозанинг газсимон ферментлари сақланаётган ертўла босиб қолган, кўмилиб кетган, ҳаммаси тамом бўлган эди-да.

### КОНСПЕКТДАГИ БЕЛГИЛАРИМ

Бир неча кундан кейин Думчев конспектининг икки нусхасини олдим. У йирик ҳарфлар билан авайлаб кўчирилган эди. Булай кўчириб ёзган бўлса керак.

Думчев эса ҳамон такрорларди:

— Бу конспектдан дунё кўп янгиликларни билиб олади! Сиз одамлар орасига қайтишимга ёрдам бердингиз! Бунинг учун раҳмат! Аммо жасоратингиз улғуворлигини ҳозир, менга ёрдам қўлини чўзаётганингизда айниқса кучлироқ сезиб турибман. Сиз Бўлиқ Утлар Улкасидаги кашфиётларимни одамларга топширасиз, бунинг учун раҳмат!

У «раҳмат, раҳмат»ни кўп ва тез-тез такрорлар, ўнғайсизланар, ҳамда ҳаяжонда эди. Унинг ишига фаол ёрдам бераётганим учун қандай миннатдорчилик билдиришни билмасди:

— Бир нусхаси шахсан ўзингизга,— деди у.

Нима учундир конспектни меҳмонхонанинг дим хонасида ўқигим келмади. Тонг отишини кутиб, ҳаммасига

тушуниб етиш учун кутубхонадан китоблар, справочниклар ва луғатлар олдим-да, боққа бордим.

Катта, суянчиғи орқага энгашган скамейкага китобларни қўйиб, ўқишни бошламоқчи бўлдим.

Яшил чигиртка сакраб оёғимга чиқди ва яна бир сакраб, ўтлар орасида гойиб бўлди. Мен ўз хотираларимдан кулдим. Шундай яқингинамда болаларнинг овози эшитиларди.

— Сехрли таёқча!

— Ердам бер!

— Топдим! Чиқавер! Бир! Икки! Уч!

Аммо мен ўқишга берилиб кетдим, энди болалар овози жуда узоқдан эшитиларди:

— Топ-дим! Топ-дим!

Думчевнинг конспекти кутилмаган тарзда бошланарди:

«Илм аҳли! Менинг бўлажак кундалигим конспектини ўқиётганингизни кўриб турибман. Баъзиларингиз, узоқдан кўрадиганларингиз кўзойнак тақдирингиз, яқиндан кўрадиганларингиз кўзойнагингизни олиб қўйдирингиз. Баъзилар бир жуфт кўзойнак тақди, бошқалар иккинчи кўзойнакни чўнтагига солиб қўйди.

Кўзойнакни қўйинг! Хехлаган кўлингизга боринг. У ерда такомилроқ нарсани топасиз. Сузғич қўнғизни ушланг. У сув билан ҳаво чегарасида, яъни ҳам сувда, ҳам ҳавода яшайди. Аммо қўнғизнинг ҳаводаги кўзига тушган нур бошқача синади, сувдан ўтиб тушган нур эса бошқача — камроқ синади. Қўнғизнинг ҳар кўзи иккига бўлинган. Ярми тепада, ҳаводагини кўрса, ярми пастда бўлиб, сув ичидагини кўради. Кўз яримларининг фокус масофаси ҳар хил. Қўнғиз сувда сузиб юрганда юқоридаги ярми ҳавони кузатади, пастки қисми сувни кузатади.

Кўзойнагингизни ташлаб юберинг! Сузғич қўнғизни текширинг! Икки фокусли кўриш органи принципидан фойдаланинг! Узингизга икки фокусли шишадан кўзойнак ясаб олинг!»

Шу ерига қалам билан ёзиб қўйдим:

«Кечикди! Москвада кассир менга темир йўл билетини узатаётиб, кўзойнаги орқасидан ғалати қилиб қаради. Мен қизиқиб қолдим. Кассир оддий икки фокусли кўзойнак, деб тушунтирди. Бундай кўзойнакни ҳар қандай дорихонадан сотиб олиш мумкин!»

Думчевнинг бу таклифи эскирган эди, албатта. «Эҳтимол, бу ёғида бирор янги, кутилмаган таклиф чиқиб қолар», деб ўйладим. Бир неча сатрни ўқимай ташлаб кетиб, бошқа жойида тўхтадим.

«Одамлар! Сиз тоғларда туннель қазияпсиз, тупроқдаги турли жинслар орасидан ўтяпсиз. Дарахтхўр қуртдан ўрганинг! Улар ёғоч қатлами қаерда қалин, қаерда юқалигини қандай сезишини ўрганинг!»

Шундан кейин Думчев торедо новалис деган ёғочни ўядиган шиллиқ ҳақида ёзади:

«Бу ёғочхўр шиллиққа эътибор беринг. Қичкина қуртга ўхшаган бу шиллиқ эгилган пластинка билан қопланган ва энг қаттиқ ёғочни ҳам осонгина ўйиб киради. У ёғочни қандай ўйишини албатта ўрганинг. Ёғочни ўйиш учун торедо новалисга ўхшаган аппарат ясанг».

Варақ четига шубҳаларимни ёзиб қўйдим:

«Қизик маслаҳат, лекин ёғочни ўйиш учун янги парма яшаш гоёсини бу ёғочхўр инсонга ўргата олмаса керак».

Думчев ёзади:

«Қурувчи, тежам билан қуришни асаларидан ўрган! Иннинг ҳар бир деворидан икки марта фойдаланилади. Омборни олти қиррали қилиб қуриш афзаллиги бу ерда яққел кўзга ташланади. Қурилиш материали нақадар тежалган, бунинг устига нақадар мустаҳкам! Худди ана шу мум (ин қурилиш материали)нинг вазни унинг ичига тўлдирилган асалдан олтмиш баравар енгил».

Ёнига ишонч билан ёзим:

«Архитекторларга олти қиррали ячейка қуришни тавсия этишдан нима фойда? Архитектор фантазияси асаларидан ўрганишга муҳтож эмас.

Энг ёмон архитектор ҳам уй қуришдан олдин мясида унинг планини яратади. Сўнг, агар керак бўлса, бу лойиҳани ўзгартиради, яхшилайти. Асалари эса ҳамниша инстинкт билан «қуради». Агар ячейка тешиб қўйилса, асал оқиб кетади. Аммо асалари бу тешик ячейкага асал ташийверади ва ниҳоят бўш инга тухум қўйиб, устини беркитади. Кўр-кўрона инстинкт! Асалари битта тешикчани асал билан тўлдириш учун неча марта қатнаш зарур бўлса, тешигига ҳам шунча марта қатнайди».

«...Мум вазни унга тўлдирилган асалдан олтмиш баравар енгил». Бу жуда соз! Аммо мум инсон учун деворбоп қурилиш материали бўла оладими? Ғалати таклиф!

Думчев ёзади:

«Иисон, ўз уйингни совуқдан сақлашни ўрган! Бешиктерватар модаси тухум қўяётиб, уни ўзидан тўхтовсиз ажратиб турадиган алоҳида суюқлик билан ўрайди. Ичида ҳаво пуфакчалари бўлган бу масса тухумни ҳаддан ташқари иссиқдан ва совуқдан сақлайди. Бу суюқликни текшириб ўрганинг!»

Менинг эътирозим:

«Гап иссиқлик изоляцияси ҳақида кетяпти. Ахир ҳаво изоляция материали эканлиги аллақачондан бери маълум. Яқинда бир техник ҳавонинг термонизсляция материали эканлигини ҳисобга олиб, пеношишанинг алоҳида турини яратди. Бу материал энгиллиги ва говаклиги жиҳатидан пўкакдан устун туради. Бундай массани олиш учун шиша массасида говак структура ташкил топишини тартибга солиб туриш усулини топиш керак эди. Сир шундаки, шиша массасида газли говаклар бир хил тақсимланиши керак».

«Бешиктерватар кўпигида айрим говакларнинг бир текис жойлашиши сирини қидиришга не ҳожат!»— деб ўйладим.

Думчевнинг конспектини ана шундай хижолатбозлик билан ўқир ва ўзимга берилган нусхасига «Кечикди! Кечикди!» деб белги қўяр эдим.

Кўнглим борган сайин ғаш бўла бошлади. Наҳотки Думчевнинг бутун умри бефойда ўтган бўлса? Бунга ўзи ишонч ҳосил қилгач, аҳволи нима кечаркин? Москвадан унга қандай жавоб қилишаркин? Ахир у Бўлиқ Утлар Улкасида туриб ҳозирги замон фанига қарши чиқяпти.

Энди у ёғини ўқишим қийинлашди...

### КЕЧИКДИ КЕЧИКДИ

Хиёбон нақадар ғала-говур ва ранго-ранг. Жарангдор ёш овозлар, қизларнинг гулдор кўйлаклари. Улар хиёбонга кириб келишди, ундан ўтишди. Атроф жимиб қолди. Бсғ ичкарисидан икки таниш овоз эшитилди. Уларни танийман. Бу Лена билан Павел.

— Сўнги коптокни тўр олдидан қайтардим. У ҳал қилувчи тўп эди. Ҳатто ракета жаранглаб кетди!

— Бугун дам ол. Эртага ярим финал учрашуви бошланади.



— Дам олиб ўтириб хат ёзаман. Жуда кичкина, микроскопик хат ёзаман!

— Ҳалиги... Москвадан келган одам гугурт қутисида келтиргандагиданми?

— Эсингдами? Дижонваль... Эратосфен...

Кулги эшитилди. Улар кетишди.

Мен яна ўқий бошладим.

Думчев ёзади:

«Сув ўргимчаги — аргиронета водолаз қўнғироғи қурилиши принципини кўрсатиб беради. Лекин бу ҳақда айтиб берувчи бошқа ҳайвонлар ҳам бор. Ботқоқ пашшаси личинкасини топинг. Унинг ўзи сув ичида, думи эса сувдан чиқиб туради. Нега? Нафас олиш учун. Сув кўтарилса, дум ҳам узаяди. Бу личинканинг думи икки ҳаво найчаси, шаффоф қобиқли икки каналдир. Бу найча кутилмаган тарзда қисқаради. Бунда ўрганишга арзирли нарса бор. Шундай асбоб ясаб, денгиз тубига тушинг!»

Менинг ёзувим:

«Бу ҳақда Думчевнинг кундалик билан қилган саёҳати ҳақидаги ёзувларидан ўқиган эдим. Тўғри, яқинда нашр қилинган водолазларнинг денгиз тубига тушиши ҳақидаги китобда скафандр бевосита шу личинкага таққосланади. Автор личинка ва скафандрни таққослар экан, аниқ техник терминлардан фойдаланади.

Автор личинканинг думи сувда перископ каби тортилишини, личинка думи ташқи шаффоф қобиқдан иборат бўлиб, учиди «юлдузсимон втулка», ҳамда ичида ҳаво сўриб олинадиган иккита найча борлигини айтади.

Уша китобда водолазлар худди шу ҳашарот каби нафас олиш учун ҳавони сўриб олиш техник усулидан фойдаланишлари айтилади.

Яна личинка думидаги найча водолаз шлангасига жуда ўхшашлиги, уларнинг цилиндрсимон шакли спираль қовурға билан ёпишгани учун эзилмаслиги айтилади».

«Ўхшашлик!— деб ўйладим мен.— Скафандр кашфиётчиси личинкадан маслаҳат сўраб ўтирмаган бўлса керак».

Думчев Бўлиқ Утлар Улкасида неча ўн йиллар ўрлашиб қолди, ўз кузатишларида ўрлашиб қолди. Ҳаёт эса давом этарди. Ҳар бир ихтирочи ўз ихтиросини яратар экан, бошқаларнинг изланишларини ҳисобга олади,

бошқа кишилар билан тажриба алмашинади, фан-техника ютуқларини ўрганади. Думчев эса одамлардан ҳашаротдан ўрганишни талаб қилади.

Ҳа, ҳа! «Ўргимчакдан ўрган!— дейди у конспектида. Кўприк қуришни, ип тайёрлашнинг янги усулини... ўргимчакдан ўрган!»

Думчевнинг бу тезисларини тушуниб етишга ҳаракат қилдим.

«Ўргимчак устунсиз кўприк қуришни ўргатади,— деб ёзади Думчев.— Бундай кўприк ҳам арзон, ҳам пухта. Запжирга осилган кўприк».

Ғалати таклиф! Ахир одамлар аллақачонлардан бери запжирли кўприк қуришяпти! Ўргимчакдан ўрганмай ҳам қуришяпти.

Рост, бир справочникдан ҳазилга ўхшаш бир мақола-ни топдим: ҳақиқатан ҳам биринчи осма кўприкни қурган одам қуёшли куз кунларидан бирида боғда сайр қилиб юриб, йўлгага тортилган ўргимчак инини кўриб қолган эмиш. Шундан кейин темир запжирли осма кўприк қурсам бўларкан, деган фикрга келган эмиш.

Думчев ёзади:

«Ун еттинчи асрдаёқ одамлар газлама тайёрлаш учун ўргимчак ипидан фойдаланишга уриниб кўрганлар. Лекин гап ўргимчак тўридан кўйлак қилиб бўлмаслигида эмас. Аммо ўргимчакдан ип тайёрлаш жараёнини ўрганинг!»

Шундан кейин Думчев кашфиётчиларга ип олиш жараёнини такрорлашни таклиф қилади, мен ўргимчак инига тушиб қолганимда буни кузатгандим.

Энциклопедияга қараб, Думчевнинг конспекти четига ёзиб қўйдим:

«Кечиккан таклиф! 1890 йилдаёқ биринчи сунъий ипак фабрикаси ишга туширилган эди».

Ана шуларни ёзар эканман, сунъий ипак тайёрлаш технологиясига қизиқдим ва ўргимчакни ёки жонли машинани сунъий ипак машинаси билан таққослаш ғоят қизиқарли, деган хулосага келдим.

Ўргимчак сўгалларидаги тешикдан чиққан ёпишқоқ суюқлик ҳавода қотиб ипга айланади.

Машина ўргимчакнинг шу ип йигириш жараёнини такрорлайдими? Машинада суюқ эритма ингичка капилляр найчалар — фильердан қисиб чиқарилади ва ҳавода дарҳол ипак ипга айланади.

Берилиб кетис, бу икки жараёниши аниқроқ қиёслашга уриндим ва ёзиб қўйдим.

«Йигирув машинаси ва ўргимчак!

**Ўргимчакда** — ўргимчак сўғали — без. У менга бир вақтлар калта йигирув найчалари чиқиб турган улкан ўсимтага ўхшаган эди. Бу найчаларнинг учиди ўргимчак ажратма безларининг найчалари бор.

**Машинада** — ўттиз-қирқ атмосфера босим-билан тру-бопроводга узатиладиган йигирув эритмаси тешиги 0,05 дан 0,1 миллиметргача бўлган найчаларга — фильерга итарилади. Баъзан айрим найчалар кўп тешикли (эллик-дан ортиқ) платина қалпоқ кийдирилган битта пай билан алмаштирилади.

**Ўргимчакда** — алоҳида ип шаклида чиқаётган ёпиш-қоқ масса ҳавода бир-бирига ёпишиб, битта пишиқ ип ҳосил қилади.

**Машинада** — босим билан чиққан йигирув эритмаси ҳавода қотиб ингичка ип ҳосил бўлади ва урчуққа ўра-лади (қуруқ усул).

**Ўргимчакда** — орқа жуфт оёғи ипни бошқа парсалар-га ёпиштирмай тортиб туради.

**Машинада** — олинган ип эмалланган алоҳида найза-ча ёрдамида урчуққа йўналтирилади.

Кичкина эмалли вилкалар ёрдамида бир неча ип бит-та қилиб бирлаштирилади.

Ҳа! Лекин сунъий ипак тайёрлашнинг бу усули эски-риб қолди. Жуда кўп техника янгиликлари бор. Йиги-рув эритмаси босим билан чиқарилгандан сўнг махсус суюқлик — тикловчи ваннадан ўтади ва кейин қота бош-лайди, ўралаверади. Шундай қилиб, инсон яратган ма-шина аллақачон ўргимчакдан ўзиб кетди. Сунъий ипак тайёрлаш жараёнининг ўргимчакнинг ип йигириш жара-ёнига ўхшашлиги тобора камайиб борапти».

Нега бот бирдан жим бўлиб қолди? Овозлар эшитил-маяпти. Шамол китоблар ва справочникларни варақла-япти.

Осмонда шошқалоқ кул ранг булутлар сузиб юрибди, бир-бирига қўшиляпти. Мана қора булут осмонни қоп-лаб олиб, пастлаб сузяпти.

Ҳаво совиб, шамол эса бошлади. Қетиш керак...

Меҳмонхонада Думчевнинг конспектини ўқиб тугат-дим. Бу ёғида кутилмагандан ҳам баттар ва жуда ғала-ти қсидалар, исботлар бор эди.

Думчевнинг фикрича, инсон қуроли тарихи Бўлиқ Утлар Улкасидан бошланади. Қадимги одам қурол ясашни ҳашаротлардан ўрганган эмиш.

Думчев бу фикрни исботлаш учун инсон ўз қуролининг ҳамма турларини бир вақтлар икки принцип — ясси кесувчи ва ўткир пона принциплари бўйича тайёрлаган деган фикрни айтади. Ҳашаротларнинг қирра тишли жағи (ясси кесувчи) дан ўрганиб, одам пичоқ, қилич ясаган эмиш. Найза ва ханжар ясашни (ўткир пона принциплари) шоҳдор қўнғиздан ўрганган эмиш.

Бронза қўнғизлар учун, деб ёзади Думчев, асалари-лар кўрқинчли эмас. Майли, чақаверсин! Унинг қаттиқ хитин қисбидан ўтмайди!

Одам буни кўриб, ўрганиб, найза зарбидан сақлайдиган қалқон ясаган эмиш. Бронза қўнғиз одамга ўзингга мен каби зирх ясаб ол, деб ўргатган эмиш.

«Ғалати мулоҳаза, — деб ёзиб қўйдим четига. — Ҳеч қачон, қазилмада ҳам, ғорлардаги ва қоялардаги суратларда ҳам қадимги одам ёрдам сўраб ҳашаротлар дунёсига мурожаат қилганини кўрсатувчи на бир из, на бир ишора топилмаган.

Дастлабки қуроллар — хонаки болта ёки қўпол йўнилган тош, камон ва ўқ, найза — буларнинг ҳаммаси ҳайвонлар олами «техника»сига сира ўхшамайди».

Думчев конспектида ҳашаротлар ўз вазнидан бир неча баравар оғир бўлган юкни қандай қилиб судраши, итариши ва жойидан жилдириши ҳақида ҳикоя қилади. У ҳашаротларнинг ўядиган, тирнайдиган, кесадиган, ушлайдиган мосламалари тўғрисида гапиради. Мана буни-си қизиқарли...

Ўқишда давом этаман — бу ёғи ҳашаротларнинг чидамлилиги тўғрисида.

Бўлиқ Утлар Улкасида яшовчилар овқатсиз ойлаб яшаши, йиллаб қотиб туриши мумкин. Хочли ўргимчак овқат емай, узунлиги етмиш икки метрли тўр ясайди, аммо бу тўрга ҳам ўлжа илинмаса, бошқа жойда янги тўр ясайди.

Думчевнинг бўлажак асарининг — Бўлиқ Утлар Улкасида йиллаб йиллик умри сарфланган ва яна бир неча йилни талаб қилувчи асарнинг конспектини ўқиш қайғули ва оғир эди. Вақти келиб, асар ёзиб бўлинади ва ўшанда бу асар: «Инсон, техникани ҳашаротдан ўрган!»

деган мутлақо тасодифий ва кулгили ғояга асосланганлиги равшан бўлиб қолади!

Думчевнинг ҳамма маслаҳатлари ва «кашфиётлари» кечикиб қолган!

Конспект қандай галати бошланган бўлса, шундай мурожаат билан тугарди:

«Олимлар! Бугун ўз асарларингизни папирус ёки пергаментга эмас, балки ёғоч массасидан тайёрланган қоғозга ёзясиз. Шунинг учун унутмангки, ёғоч толаларидан қоғоз тайёрлаш мумкинлигини одамларга қоғозчи арслар айтиб берган. Ўша кундан буён қоғоз тайёрлашга маблағ сарфлашдаги жуда катта тежамкорлик фан ва билимларнинг тарқалишини кўп марта кўпайтирди».

### КУТИЛМАГАН ТАШРИФ

Хайҳот! Бўлиқ Утлар Улкасининг Думчев пардасини кўтарган ҳамма сирлари, бу ўлкада яшовчиларнинг Думчев аниқлаган инстинкт жумбоқлари ва унинг ҳамма кашфиётлари, буларнинг ҳаммаси менинг олдимда «Инсон, техникани ҳашаротлардан ўрган!» деган мавзудаги мажруҳ бир рўйхат тарзида намоён эди.

Нима бўлди? Думчев Бўлиқ Утлар Улкасида кўп нарсани кашф ва ихтиро этганини қўрганман. У одамларга кўп янгиликларни айтиб бериши мумкинлигига ўзим ишонч ҳосил қилганман. Ўша ўлкада яшовчилар инстинктни инсон ақл-заковатига қандай бўйсундирганининг гувоҳи бўлганман. Буларнинг ҳаммаси ғойиб бўлгандек эди. Ўз конспектида Думчев қандайдир тасодифий билимларнинг итоаткор қулига айланиб қолганди. У менга «миямда конспектларнинг минглаб варианты бор, ҳаммаси ҳам муҳим» деб эсанкираганини эсладим. У пайсалга селиб, кечиктириб келди... Асосийларни иккинчи даражалилардан ажрата олмади. Лойиҳани Думчев танлаб олгани йўқ, балки лойиҳалардан бири — энг тасодифийси Думчевнинг хаёлини қамраб, уни ўзига бўйсундириб олган.

Менимча, бутун гап шундаки, Думчев Бўлиқ Утлар Улкасида ёлғизликда одамлар билан гаплашишга минглаб марта тайёрланган ва хаёлан бу суҳбатнинг лойиҳаларини, вариантларини ва янги-янги редакцияларини тузган. Шу тариқа айтилмаган вариантлар ва вариантнинг вариантлари кўпайиб, уни бўға бошлаган. У қанча

кўи сукут сақласа, Утлар Улкасида топганларини шунча кам англаган ва энг муҳимини ажратиб ололмайдиган бўлиб қолган. Унинг учун ҳамма кашфиётлари ва кузатишлари барабар қадрли ва аҳамиятли эди.

Вариантлар инсон фикрини ўзига бўйсундирган эди.

Мана энди қалбларни титратувчи симфония ўрнига бир-бири билан боғланмаган бир неча такт эшитляпти.

«Хатслар конспекти!» Бу сўзларни Думчев қўлёзмасининг муқовасига ёзиб қўйдим.

Афсус ва надомат!

Етар! Қайтиш керак. Яна буюмларимни чамадонга жойлай бошладим. Албатта Думчев нотаниш ўлкага саёҳат қилган жасур одам, лекин у ўз топилмалари, кашфиётлари, режалари ва таклифлари ўрмони ичида ўзи адашиб қолган.

Мана, қоронғи тушяпти... Кутубхона бекилмадимкин? Китобларни топширишга улгуришим керак. Буюмларни кейин жойлайман.

Меҳмонхонадан чиқдим, қўлёзманни эса стол устида қолдирдим.

Қўлёзманни паришонхотирлик қилиб қолдирдимми? Эътиборсизликданми? Шошилганимданми? Бари бир эмасми? Аммо ўз эътирозларимни четига ёзиб қўйган конспектни стол устида қолдириб, ўзим кутубхонага кетганим учунгина нохушлик юз берди.

Ёмғир томчилаб турарди. Кўчада сдамлар кўринмасди. Осмонни қалин қора булутлар қоплаб олган. Ҳаво нам ва шамол эсиб турибди. Қайғули, маъюс фикрлар мени чулғаб олганди.

Думчевга Москвадан нима деб ёзмаман?

Унинг қўлёзмасини редакцияга топширайми? Ахир унда кашфиёт йўқ. Нега ҳам ўйламай-петмай, қалб эҳтироси билан Думчевни умидвор қилиб қўйдим, руҳлантирдим? Нега унинг заявкасини журналга олиб бориб бермоқчи бўлдим? Думчев менга ишонди.

У ўз кашфиётлари билан фанда тўнтариш ясашига ишснади. Қўлёзманни эса редакциядан унга қайтариб юборишади. Балки унга: «Сиз ҳашаротлар дунёси инстинкти формаларини инсон ақли билан яратилган техникага қизиқарли қилиб қиёслагансиз. Аллақачон кашф этилган нарсаларни қайта кашф этиш ўрнига болалар учун қизиқ китоб ёзинг», деб жавоб қилишар.

Бир ёзувчининг сочлари оқарган, юзи сарғайган чол ҳақидаги ҳикоясини эсладим. Уша чол бир вақтлар узоқдаги бир шаҳарда тентираб юрар ва ўнлаб йил давомида мен ҳисоблашнинг бутунлай янги усули ва методини кашф этдим, деб исботлашга уринар экан. Лекин ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмас экан. Бир куни бошқа жойдан келган студент-математик унинг ёзувини олиб, чол қадим вақтлардан маълум бўлган логарифмлар жадвалини «кашф этганини» кўрибди.

Чол студентнинг гаплари тўғрилигига зўрға ишонибди. Унга узоқ миннатдорчилик билдириб, уйига кетипти. Уша куниёқ унинг ўлигини топишибди. Чолнинг тарихи ана шундай.

Китобларни топшириб, кутубхонадан чиққанимда бутунлай қорсини бўлиб қолганди. Осмонда булутлар паст осилиб турибди. Меҳмонхонага етишимга икки квартал ва бир муюлиш қолганди. Мен кейин билдим: ўша соатда Думчев менинг олдимга шошилиб келаётган, қувноқ ва бахтиёр шошилиб келаётган экан, ammo биз дуч келмабмиз.

Думчев мени меҳмонхонада тополмабди. Шундан кейин мен кутмаган ва ўйламаган воқеа юз берибди.

Уша куни Думчевга нима бўлганини Булайдап билиб олдим.

Шундан кейин Сергей Сергеевич, одатдагидек Полина Александровнанинг ҳамроҳлигида уйдан чиқибди ва мактабнинг янги биноси олдидан ўтаётиб тўхтабди. Бу ерга янги бўялган ва яшил шоҳлар билан безатилган юк машинаси келибди. Болалар қувноқ бақириниб, шовқин солиб, кулишиб югуриб чиқишибди:

— Машина келди! Бизни олиб кетгани машина келди! Походга чиқамиз!

Буларни гапириб бераётганида Булайнинг юзида гоят ҳайратланиш сезилиб турарди:

— Сергей Сергеевич нега тўхтади? Кўзини узмай қарагани-қараган, сира қараб тўймайди. Пионерлар лагерга кетаётганини ҳеч кўрмаган одамдек.

Шу ерда айтиб қўяй, Сергей Сергеевич қаердан келганини Полина Александровна ҳали ҳам билмаган эди. Савел бериб, уни безовта қилишни истамаганди. Мен эса гапириб беришга улгурмаган, бу ҳақда қандай қилиб айтишимни билмаган эдим.

Сергей Сергеевич повча, оқ-сариқ қиз чиқиб:

— Смирно! Байроқни олиб чиқишга тайёрлан!— деб команда берганини кўриб турган.

Дарҳол саф тортган ва қўлларини кўтариб салют бериб турган болалар олдидан икки фанфар ва бир барабан садолари остида байроқни, зарҳал ҳарфлар битилган ва ҳилпираб турган қизил байроқни олиб ўтишаётганда Сергей Сергеевичнинг юзи деярли шавқ-завқни акс эттириб турарди.

У болаларнинг кўзига, нурли, жонли ва дадил — қўнғир, кўк ва кул ранг кўзларига қарарди. Бу кўзлар ўз писнер байроқларини гурур билан кузатиб қоларди.

Кейин байроқни машинага ўрнатишди ва дарров ҳаммаси аралашиб кетди, шовқин кўтарилди, кулги жаранглади. Болалар бир-бирини қувиб ва ўзиб, ҳар томондан машинага ёпирилиб чиқа бошладилар. Шофёр кичкинтойларни машинага кўтариб чиқариб қўя бошлади.

Лекин бир қиз, кичкинагина қиз:

— Мен ўзим! Мен ўзим!— деб қичқирди.

Қиз гилдиракка тез ва чаққон оёқ қўйиб, бортдан энгашиб чиқиб олди, унинг иккита қилиб ўрилган сочи ва кўк юбкаси кўтарилиб кетди. Қиз бир сакраб фанфарали бола ёнига ўтирди-да, болаларга мағрур қараб қўйди.

Шундан кейин Сергей Сергеевич ҳам ўзини тутолмай кулиб юборди ва болаларга қўл силкитди.

Шофёр сигнал берди. Болалар қўшиқ бошлашди. Машина муюлишда ғойиб бўлди.

Кейин Думчев уйга қайтди. Йўлда у индамади. Бу гал ҳаяжонланаётган бўлса ҳам ўзи билан ўзи гаплашмади.

У индамай лабораторияга кирди-ю, ичидан беркипти олди.

Кейин кутилмаганда мипорасидан тушди:

— Мен тан олишим керак — муҳимини, энг муҳимини ўзим тушуна олмайман...— деди у Полина Александровнага.

У ғоят ўнғайсизланарди, креслога ўтириб, ўйланиб қолди. Шундан кейин Полина Александровна билан қўшни аёл Авдотья Васильевна ётиғи билан, нимани тушунмаяпсиз, деб сўрай бошлашди.

— Мен уй қандай қурилаётганини, у тез кўтарилаётганини кўрдим, одамларни эса у ерда деярли кўрмадим. Бундан ажабланмадим. Кўчаларда от аравалар ўрнида жуда кўп машиналарни кўрдим. Тушундим. Ҳайрон бўл-



мадим. Мана энди... Айтинг-чи, бу қўшиқлар қаердан келди? Бу шодлик қаердан келди? Болалар ҳам, катталар ҳам... Эрталаб ҳам, кечқурун ҳам... Бошқа одамлар!

— Буни нимасига ҳайрсн бўласиз? Нимасини тушунмайсиз, Сергей Сергеевич?— деди Авдотья Васильевна қўлларини ёзиб.— Бунинг нимасига ажабланасиз, Сергей Сергеевич?— деб такрорлади у ва сакраб турди:— Вой, сут тошиб кетди!

Шундан кейингина Полина Александровна шу узоқ йиллар давомида Сергей Сергеевич Робинзон каби ҳеч кимни учратмай, қандайдир номаълум мамлакатда яшаганини тушунди. Аммо қайси мамлакатдалигини сўрашга ботинмади.

Янги ҳаётни тушуниб етиши учун ҳали кўп нарсани, жуда кўп нарсани билиб олиши керак!

Полина Александровна ўша куни у кўрган пионерлардан бешлади ва шу йиллар ичида нималар юз берганини ҳикоя қилишга ўтди.

Сергей Сергеевичнинг юзини чуқур табассум, қувонч ўзгартириб, ёритиб юборди. Полина Александровна унга қараб, бирдан бу табассумни эслади. Сергей Сергеевич бир вақтлар худди шундай табассум билан унинг олдига келган ва скрипка учун ёзган пьесасини эшитишни сўраган эди. Пьесани чалишдан олдин бундай деганди:

«Узоқларга кетувчи кенг чўл йўлини тасаввур қилинг. Ёз. Туш пайти. Ҳаво иссиқ. Барча жондорлар жимиб қолган, яширинган. Чўлда қуруқ, иссиқ ҳаво узоқ туриб қолса, шунақа сукунат бўлади. Аммо бу сукунат таранг бўлиб турибди. Мана, узоқдан гуриллаш эшитилди, момақалдироқ яқинлашмоқда. Момақалдироқ бўлишини олдиндан сезиб, олдин қандайдир товушлар эшитилади. Қўнғироқ овози. Сукунат портлайди. Овозлар қўшилиб, хор ҳосил бўлади. Момақалдироқ авжига чиқади. Овозлар хори уни табриклайди ва момақалдироққа қўшилиб кетади. Мана, момақалдироқ ўтиб кетди. Тантанали хор эса давом этади. Чўл ҳаётбахш ёмғирда ювинди. Ҳамма нарсага жон кирди. Хор аста-секин сўниб боради. Фақат яқин, жуда яқин жойда чўл қуши қувноқ сайрайди».

Полина Александровна бир вақтлар Сергей Сергеевич ўз скрипка пьесасини чалганда юзида пайдо бўлган табассумни жуда кўп йиллар ўтгач яна кўрди.

Булай ҳикоя қилиб бераётган нарсаларнинг ҳаммасини Сергей Сергеевич шу қадар қувонч билан, қизқиш би-

лан тинглардики, бу ҳикоядан хаёлида ҳамниша яшаб келган ва ўз хаёлларида қадим-қадим вақтлардаёқ азиз бўлиб қолган энг таниш, яқин ва жонажон нарсаларни билиб олаётгандек эди. Унинг юзлари майинлашиб, ёришиб борарди, у севинч билан шивирларди:

— Биладан! Ҳаммасини тушунаман... Биладан!..

Унинг «Биладан!» деганларида ишонч шу қадар зўр эдики, Полина Александровна: «Сергей Сергеевич қандайдир қилмасиз мамлакатда кўп йиллар яшадим деб ҳазил қилмадимикин?» деб ўйланиб қолди.

Думчев Булайнинг ҳикоясини эшитиб, узоқ вақт қи-мирламай ўтирган креслосидан ҳаяжон билан турди.

— Энди тушундим!— хитоб қилди у.— У ердан... мен кўп йиллар яшаган... Бўлиқ Утлар Улкасидан бирга қай-тиб келган дўстим шулар ҳақида гапирмоқчи бўлмаган-мидикин? Мен-чи! Унга қулоқ солмадим, тушунмадим, Бўлиқ Утлар Улкасида уни хафа қилиб қўйдим!

Полина Александровна қўлларини силкитди:

— Қанақа ўлка?

Лекин Думчев эшитмади.

— Меҳмонхонага кетдим! Кечирим сўраб, икки оғиз гапириб келаман.

Шу тариқа биз йўлда учрашмадик.

Бу вақтда чамадонни олиб, вокзалга жўнаш учун меҳмонхонага кетаётган эдим.

«Буюмларни чамадонга жойлашни унутмаслик керак. Қўлёмзани... иккала нусхасини... чамадоннинг энг тагига солиш керак» — меҳмонхонага етай деганда эсимга тушди.

Ёмғир кучайиб кетди. Денгиз томондан туман оқиб келмоқда.

Меҳмонхонага етиб келдим. Қалит қутидаги жойи-да кўринмади. У эшикда турибди. Эшикни очдим-у, қотиб қолдим.

Чироқ ёниб турибди. Жимжит. Лекин Думчевнинг қўлёмзаси қани? Қўлёмза стол устида йўқ эди. У го-йиб бўлганди.

### РОМАН УҚИЁТГАН ҚИЗ

— Уртоқ навбатчи! Менинг хонамга ким кирди?

Жавоб бўлмади. Қиз ўқишда давом этарди.

Яқинроқ келиб, китоб бетига кафтимни қўйиб, бекит-дим.

— Ҳа, бу сизмисиз!..— ниҳоят қиз китобдан кўз узиб менга қаради.— Бу роман қандай ажойиблигини билсангиз эди!

— Хўш, менинг хонамга ким кирди?

— Ким кирди деяпсизми? Мен еттинчи хона калитини Москвадан келган граждонга бердим... У кетмоқчи бўлар, тайёрланар эди, лекин ҳали ҳам кетгани йўқ. Кейин яна «Мен кетяпман!» деди — яна қайтиб келди..

— Сиз менинг ҳақимда гапиряпсиз! Мен кутубхонага кетган эдим, калитни сизга топширгандим. Ҳозир қайтиб келдим, калит эшикда турибди. Калитни кимга бердингиз? Уни ким сизга қайтариб бермади?

— Вой, ҳали у сизмасмидингиз? «Герцогиня ажойиб мовий кўзлари билан тикилди: Виконт! Машъум сўзларингиз оҳангида...»

— Хонамга ким кирганини билмайсизми?

— Кечиринг!.. Ёдимга тушди! Олдингизга бир қария келганди... Калитни унга бердим. Нима коридорда кутиб ўтирсинми? Жуда хушмуомала. Бунақалар ҳеч ёмонлик қилмайди.

Мен қўл силтаб, хонага қайтиб келдим ва шундагина стол устида ётган хатни кўрдим.

«Дўстим!

Биласизми, ҳузурингизга нақадар хурсанд бўлиб, деярли югуриб келаётган эдим. Қалбимда нақадар қувончли байрам эди! Бунинг устига конспектимга бир-икки варақ қўшиб қўймоқчийдим. Аммо меҳмонхонада навбатчилик қилаётган хоним менга жуда паришонхотирдай туюлди ва варақларимни унга қолдириб кетгим келмади. Хонангизда стол устида қўлөзмамни кўриб, янги варақларни унга қўшиб қўяётганимда четига ёзиб қўйган эътирозларингизга кўзим тушди. Уни ўқиб, бир дақиқа умидсизлика тушдим. Аммо ўзимни тутиб олдим. Менинг конспектимда хато йўқ! Бўлиқ Утлар Улкасида чакана сирларни очмадим, озмунча кашфиёт қилмадим. Лекин шулардан қалбимга яқинларини, қимматлиларини, фан учун энг муҳимларини танлаб олдим.

Эҳ, йигитча! Сиз ва Сизнинг авлодингиз — менинг ёшлик даврим нақадар қийин давр бўлганини биласизми? Нақадар ёлғиз сезардим ўзимни!

Сўнг узоқ йиллар Бўлиқ Утлар Улкасида қолиб кетдим...

Мен кўп яшамайман. Қариб қолдим. Аммо ҳозир ёлғиз бўлишни истайман. Ёлғизлик руҳий тетиклантиради. Хуллас, тез орада кўришолмаймиз. Сизнинг ҳам кетадиган вақтингиз бўлди... Хайр!

Мен сизни севиб қолдим.

Сизнинг Сергей Думчевингиз».

Мен Думчев олдига жўнадим, деярли югуриб кетдим. Аммо лабораторияда ҳеч ким йўқ эди. Печкада ўтин ёниб тугаяпти. Печка ёнида куйган бир варақ қозғоз. Думчевнинг конспектидан қолган нарса шу бўлса керак. Полина Александровна пастда, ўз хонасида экан.

— Сергей Сергеевич зонтикни олиб, қаёққадир шошилиб чиқиб кетди. У яна сизнинг олдингизга кетди, деб ўйлагандим. Биринчи марта борганда сизни тополмаган экан. У қаерда? Туман шунақаям қалинки! Бунинг устига ёмғир ёғаяпти.

#### ТУМАНДА УЧРАШУВ

Бу тун денгиз устига туман тушди. Қандай зим-зиё тун! Нам, совуқ, ҳамма ёқ пилч-пилч лой. Шариллаб ёмғир ёғаётганидан илмий ходимлар посёлкасига борадиган йўл кўринмайди.

Нега Думчевни қидириб, бу ёққа жўнадим? Буни ўзим ҳам билмайман. Балки Думчев шу йўлдан шаҳарга қайтгани учундир.

Думчев ёлғиз бир ўзи бўлмоқчимми? Майли. Аммо бу шаҳарнинг на янги кўчаларини, на шаҳарга борадиган йўлни билмайдиган кекса киши туманда, ёмғир остида бир ўзи...

Думчевнинг қўлёммасига шунчалик бепарво қараганимдан ташвишланиб, умидсизланиб, қийналиб, лекин у шу ўртада, ёнимда, шу йўлда деган умид билан, сўнгги умид билан шошиламан, қидираман, чақираман:

— Думчев! Думчев!..

Плашим ва костюмим ивиб кетди, ёқамдан ичимга сув оқиб кирапти.

— Мен эса ҳамон қидираман, чақираман:

— Думчев! Думчев!

— Ҳой! Қим чақираётган?

Туманда арава мени босиб кетишига сал қолди. Аравада икки киши ўтирибди. Суриштириб билиб олдим: қишлоқ хўжалик техникуми ўқувчиси Коля Сенцов ва шаҳар касалхонаси санитари.

— Шу йўлда кекса кишини кўрмадингизми?— деб сўрадим улардан.

Шундан кейин Коля қўйидагиларни айтиб берди:

— Ҳозир сиз билан бўлганидек, икки соатча олдин бир кишини туманда бостириб кетишимга сал қолди. Стрелка — отим дарров тўхтади. Ҳалиги одам четга чиқди. Электр фонарни ёқиб, зонтик тутган кекса, паст бўйли кишини кўрдим. Химия ўқитувчимизга ўхшайди. Фақат у кўзойнак тақади.

«Гражданин, ўтиринг, олиб бориб қўяман!»— дедим унга.

У аравага чиқди. Секин юрдик. Қўп юрмаёқ ҳалиги гражданин аравадан тушмоқчи бўлди. Унга ёрдам бердим.

«Раҳмат, йигитча,— деди у.— Мен етиб келдим».

«Қаерга етиб келди?— деб ўйладим.— Ёмғир ёғиб турибди. Бу ерда эса ҳеч қандай уй йўқ». Ҳалиги гражданин қаёққадир бурилиб кетди, кейин яна қайтиб келиб, йўлдан кета бошлади... Мен унинг ёнида кетавердим, аммо у мени сезмади. Овозини чиқариб ўзи билан ўзи гаплашяпти. Кейин йўлдан қаёққадир бурилди-да, яна йўлга қайтиб келди.

«Бу қанақаси бўлди? Шундай зимистонда, ёмғир ёғиб турганда у нимани қидиряпти?»— деб ўйладим.

«Гражданин, сизни яна элтиб қўйишим мумкин!»— дедим унга.

У аравага ўтирди, бирга кетдик.

«Бир соатдан кейин посёлкага етиб борамиз,— дедим.— Уша ерда исиниб оласиз».

«Мен у ерга бормайман. Нарироқда тушиб қоламан. Шийпончани қидираман».

«Бунақа ёмғирда қайси шийпончани қидиради?»— деб ўйладим ва кулиб юбормоқчи бўлдим-у, лекин бирдан ёдимга тушди.

«Сиз дарахтзор орқасидаги шийпончани қидиряпсизми? У бутунлай вайрон бўлган-ку. У ёққа кундузи ҳам ҳеч ким бормайди. Ҳозир эса тун, ёмғир ёғиб турибди».

У эса нуқул туманга тикилади. Шундан кейин касал одамни олиб кетаётганимни тушундим. Балки профес-

сәрдир? Елкаларини брезент билан яхшилаб ўраб қўйдим. Яна йўлга тушдик. Профессор узоқ жим ўтирди, кейин ўзи билан ўзи гаплаша бошлади. Қандайдир бўлмаган мамлакатдаги ажойиб ҳайвонлар ҳақида гапирди. Кейин яна жим бўлиб қолди.

Ёмғир кучайди. Мен аравадан сакраб тушиб, унинг оёғига пичан солинган қопни қўйдим, елкасидаги брезентни тўғрилаб қўйдим.

«Раҳмат, йигитча! Ота-онангиз сизни яхши тарбиялабди».

«Ота-онам йўқ,— дедим.— Улар ёшлигимда ўлиб кетишган».

«Унда сизни ким тарбиялаган?»

Мен унга тушунтирдим:

«Болалар уйда катта бўлдим. Кейин ҳунар билим юртида. Ҳозир эса техникумда ўқияпман. Умуман комсомол тарбиялади».

«Ким, ким? Ким тарбиялади?— сўради у:— Тушунмайман...»

«Тезроқ юриш керак,— деб ўйладим,— бу одам ростдан ҳам касал экан».

Аравадан тушиб, айилни тортдим, ёпқични тўғриладим. Аравага қайтиб келсам, менинг гражданим йўқ!

Шундан кейин ўзимга-ўзим: «Қоля, бошингдан айрилсанг ҳам беморни қидириб топиб, касалхонага олиб бор», деб буюрдим.

Стрелкани орқага, шаҳарга буриб, тўғри касалхонага ҳайдадим. Аравага санитарни чиқардим-у, орқага қайтдим... Энди ўша профессорни қидириямиз. Атрофни қидириб чиқдик. Энди дарахтзордан излаш керак...— деб тугатди Коля Сенцов ўз ҳикоясини.

Тумаи тарқади. Лекин ёмғир гоҳ тўхтар, гоҳ яна қуяр эди.

Коля билан санитарни дала йўлида қолдириб, кутиб туришни буюрдим. Ўзим чироқ билан хиёбондан югуриб кетдим. Ҳа шу атрофда шийпонча бўлиши керак. У ерда биз кийинганмиз. Кеч киришини кутганмиз...

Хиёбон! Қоронғида унинг охири йўқдек кўринади.

Думчев адашиб қолган, чарчаган, бирор жойда ухлаб ёки йиқилиб қолган бўлса-чи?

Мана акас дарахти. У шийпончага кираверишни тўсиб турибди. Мен шохни зарб билан итардим, устимга ёмғир томчилари тўкилди... Фонарим столнинг ним-

чириган устуну ва скамейкаларни ёритди. Ҳеч ким йўқ...

Тезроқ райпишеторг базасига бориш керак! У балки ўша ердадир!

Нақадар сокичлик! Фақат томчилар шийпончанинг тешик томини тақиллатади. Бу нимаси? Менга шундай туюлмадимкин? Уф тортиш эшитилгандек бўлди.

Атрофга қарадим. Фонар нури акас ёнидаги устунга тушди, унинг орқасида, устуннинг орқасида Думчев турарди.

— Сергей Сергеевич!

У устун орқасидан қаради-ю, дарров тескари ўгирилди.

Мен у томон шошилдим:

— Сергей Сергеевич!

Унинг қўлидан ушладим. Қўли совуқ, муздек эди. Унинг бутун вужуди қалтирарди. Иситма. Думчев менга қарамасди. Мен Коля Сенцов билан санитарни чақирдим. Улар олдимизга югуриб келишди. Санитар тезда пахталигини ечиб, Думчевга кийгизиб қўйди, елкасига брезент плашини ташлади. Думчев индамай бўйсуниб тураверди. Коля унинг қўлтиғидан ушлади. Биз юра бошладик. Санитар фонар билан йўлни ёритиб борарди. Баъзан чироқ нури Думчевнинг юзига тушарди: юзи ҳорғин, ранги оқарган, аммо кўзлари узоқларга қатъий ва диққат билан тикилиб боқарди. Ҳамма жим эди. Шу тарзда дарахтга от боғлаб қўйилган йўлга чиқдик.

— Касалхонагами?— деб сўради Коля Сепцов.

Мен унга энгашиб, секин дедим:

— Сергей Сергеевич уйда бўлгани яхшироқ.

Арава қўзғалди. Атроф зимистон. Энди ҳорғин ва майдалаб ёғаётган ёмғир йўл четидаги дарахтлар барглари шитирлатарди. Арава йўлдан шаҳарга секин ва бамайлихотир борарди.

### ГУЛЛАР МАЙДОНЧАСИ

Мен икки кундан буён Москвадаман. Иш, ташвиш, учрашувлар, юмушлар, телефон қўнғироқлари — ҳаммаси шу шовқин ва гуриллашга қўшилиб кетди. Бу гуриллаш бундан бир неча кун олдин бўлган воқеаларни мендан узоқлаштириб юборди.

Бу аллақачон бўлган эди! Умуман бўлганмиди?

Туманда кетаётган арава... Коля Сенцов ва санитар... Қоп-қора катта йўл, ярим вайрона шийпонча... Унда эса Думчев. Ёмғирда бир ўзи ёлғиз турибди. Кейин яна арава ғилдирагининг йўлда тиқирлаши... Ушанда Думчевни тундаёқ Полина Александровнанинг ихтиёрига топширдик. Саҳарда эса ундан Сергей Сергеевич бир оз шамоллаганини билдим. У фақат бир нарсани — лабораторияга, унинг олдига ҳеч кимни киритмасликни сўраган.

Мен ўша замони Булай билан хайрлашдим. У менинг Москвадаги адресимни ёзиб олди.

Кейин Тарасевичнинг олдига кирдим. У область конференциясидан қайтиб келмаган экан. Унга ҳам адресимни қолдириб, ўша куни кечқуруноқ поездга ўтириб, Москвага жўнадим...

Метро олди қандай гавжум ва чароғон! Гул сотувчилар ярим доира ясаб туриб олишган.

Ҳали август қуёшининг жазирама иссигида пастак сопол тувакларда қип-қизил наргислар оловдай кўрилади. Столларга қоқилган таёқчаларга тайёр гулдасталар боғлаб қўйилган. Улар қирққулоқ билан безатилган. Ҳар бир гулдастан георгинлар қизил, оч қизил, сариқ рангда мағрур бош кўтариб турибди. Аммо марваридгулнинг оппоқ соққалари гулдаста ичига яшириниб, пана бўлмоқчидай, лекин бари бир улар кўриниб турибди ва гулдаста бундан мулойим ва содда гўзаллик кашф этяпти.

Август гуллари! Бўёқларингиз нақадар ёрқин ва хилма-хил! Лекин куз яқин. Кузда ёмғир ёггач, улар... сарғайиб, сўлийди...

Худди шу ерда, шу дақиқада, шу майдончада, шу гул тўла саватлар олдида тўсатдан, бу рангларнинг жонли ёлқинини эсладим.

Бўлиқ Утлар Улкаси!.. Ушанда мен мис қўнғиз қанотидан ясалган дарвоза мана ҳозир очилади, деб кутардим. Олдимда эса девор эмас, балки улкан театр пардаси, у менга мутлақо таниш бўлмаган бўёқлар билан товланарди.

Ҳа! Уша бўёқларнинг кучида, ёрқинлигида, жилвадорлигида ва хилма-хиллигида қандай куч яширинган? Нега Думчев бу бўёқлар абадий бўёқ, ранги сира ўчмайди, деди?



Бунда... бу ерда қандайдир кашфиёт яшириниб ётган бўлса-чи? Ахир, бўлиши мумкин-ку... Ким билади!

Думчевнинг конспектини нега дарров «хатолар конспекти» дедим-а? Кекса кишини хафа қилиб қўйдим. Заявка ёзишга кўникмаган одамни зўрлаб чакки қилдим. Заявка! Ҳатто бу сўзнинг талаффузи ҳам унга ёт эди. Мен уни йўлдан адаштирдим. Ўзим Думчевга нима билан, қандай ёрдам бердим?

Мана, масалан, у менга ёзлик уйи олдида ўзи қурган деворнинг ғаройиб бўёқларини кўрсатди. Улар ҳақида, буюк кашфиёт ҳақида гапиргандек қизишиб гапирди. Бу ҳақда кимга айтсам экан? Текшириш, сўраб-суриштириш керак...

Қалгановга мурожаат қилсам бўлмасмикин? У — физик. Ёруғлик, ранг ва бўёқ проблемалари унинг соҳаси. Газеталарда у ҳақда ёзишганини кўп ўқиганман.

Ҳа, улгурсам бугуноқ институтга, Қалгановнинг олдига бораман. Кинога олишдан, репетициядан кейин бораман.

Киностудия павильонида декорацияга тушиб турган юпитерлар ёруғида Думчевнинг бўёқлари ҳақида ўйлашда давом этдим. Репетиция вақтида томоша залида қора абажурли ёлғиз лампа ёниб турган режиссёр столи ёнида ўтирганимда ва саҳнадаги актёрлар луқмасигина бузиб турган сукунатда ёритувчилар софитлар рангини қандай танлашгани ва декорацияни қандай ёритишганига қараб туриб, яна Думчевнинг гапларини эсладим.

«Эҳ, театрда фанер ва картонга чизилган баҳор сабзаси! У оркестр музыкаси билан бирга ўзгарадими? Йўқ! Бўёқ абадий ўзгармайди...»

Репетиция кундуз соат тўртда тугади. Қалгановнинг олдига боришга улгураман!

## ЭНГ АВВАЛО — ТАЖРИБА!

Дмитрий Дмитриевич Қалгановнинг ҳузурига кириб борганимда Москванинг жўшқин куни ҳали тугамаган эди. У ходимлари билан суҳбатлашиб бўлгунча кутиб туришимни сўради. Уларнинг қандайдир мураккаб физик проблема ҳақидаги гапларини эшитдим-у, аммо тушунмадим.

Физикнинг юзи нимаси биландир менга Наполеонга қарши жанг қилган қаҳрамон Ермоловнинг машҳур портретини эслатди.

Аммо физик Қалганов жангчи эмас, балки олим ва у ўн тўққизинчи асрда эмас, ҳозирги замонда яшайпти. У ҳарбий эмас. Лекин бу қатъий ва амирона қўл ҳаракатлари, шошқалоқлик сезилмайдиган бу ҳаракатлар... Бошини буриши ҳам нақадар улуғвор! Юзи катта ва жиддий, деярли дағал. Овози момақалди роқдек...

Унга қараб туриб: «Бунақа одам, албатта, илмий проблемалар, лойиҳалар, фикрлар ва таклифлар гирдобида тартиб ўрнатади, ўз илмий хўжалигида хўжайинларга хос пухта тартиб ўрната олади», деб ўйладим.

— Хоҳланг — ишонинг, хоҳланг — ишонманг, буларнинг ҳаммасини фантастик қисса деб ҳисобласангиз ҳам майли...— Қалганов ёнидаги креслога ўтиришни таклиф қилгач, Думчев ҳақидаги ҳикоямин ани шундай бошладим.

Олдин у қандайдир жиддий ва очик кўнгиллик билан тинглаб турди. Лекин Думчев бир вақтлар биринчи парвозини намойиш қилган ва уддабурро савдогар ҳалокатли томоша учун пул тўплаган ярмарка ҳақида гапира бошлаганимда Қалгановнинг кўзларидан ўт чақнаб кетди ва шартта ўгирилиб, деразадан нимагадир тикилди.

Кейин менга гапира бошлади:

— Қанчадан-қанча халқ таланглари йўқ қилиб, мажаклаб ташланган! У лаънати давр эди! У давр Циолковскийни ҳамма ҳисоблари билан чордоқда яшашга мажбур қилган, Мичуринни озгина ер билан чегаралаб қўйган.

Қалганов жим қолди.

Мен Бўлиқ Утлар Улкасида қидириб топган Думчев, ўз таъбири билан айтганда, техник «мақсадга мувофиқликни» турли ҳашаротлардан ўрганишни қатъий таклиф қилганини ҳикоя қила бошлаганимда Қалганов ҳаяжон билан креслодан туриб кетди:

— Шунақа денг! Шунақа денг!— деб такрорларди у.

— Ҳайрон бўляпсизми?— сўрадим мен.

— Йўқ, нега! Нимасига ҳайрон бўламан? Инсон қадим вақтлардан бери табиатнинг буюк лабораториясига назар солиб келган, уни бекорчи бир қизиқиш билан ўрганмаган. У барча ибратли нарсаларни сезиб, ундан фой-

даланган, ўзига хизмат қилдирган. Инсон бундан кейин ҳам табиатни бошқариш учун уни қатъият ва изчиллик билан ўрганеди, унинг янги-янги қонунларини кашф этади. Фан табиатни эгаллаб, уни ўзига бўйсундириб, уни ўзгартириб борар экан, тайёр намуналарга кўр-кўрона, механик тарзда тақлид қилмайди. Табиат намуналаридан ўрганишда ҳеч қандай гуноҳ йўқ! Бошқача бўлиши мумкинми?!

«Калгановдан энг муҳими тўғрисида тезроқ сўраш керак», деб ўйладим. Шундан кейин Бўлиқ Утлар Улкасида Думчев мени ёзлик уйига олиб боргани, мен эса девор бўёқларидан ҳайратга тушиб, туриб қолганимни ҳикоя қила бошладим. Девор оддий, капалаклар қанотидан ясалган эди.

Ана шу девор ажиб ёрқинлик ва гўзаллик кашф этиб, бўёқлари лов-лов ёнар, товланар эди, Думчев эса бу қанотларга табиат ранг бермаганини, улар рангсиз шаффоф тангачалардан иборатлиги, уларда рангли ҳоллар тарзидаги ранг пигментлари йўқлигини гапирган эди.

— Айтинг-чи, Думчевнинг гапини қандай тушунмоқ керак? Ахир улар рангсиз бўлса, бўялмаган бўлса, қандай қилиб хилма-хил рангда товланади? Қандай тушуниш керак? Ахир бу бўлмаган гап!

— Йўқ, бўлмаган гап эмас, жуда тўғри кузатув,— деди Калганов хотиржамлик билан.

— Тўғри кузатув? Думчев адашмаганми? Рангсиз — тиниқ нарса ранг-баранг товлана оладими?

— Мени тушунишингиз, капалакларнинг тиниқ, рангсиз қанотлари қандай қилиб ранг-баранг товланишини билиб олишингиз учун энг соддасидан бошлайман. Нур ва ранг нима эканлигидан бошлайман.

Ҳар қандай жисм бўшлиққа электромагнит тўлқинлари кўринишида энергия чиқариб туради. Бу тўлқинлар узунлиги жисмнинг ҳароратига қараб бир неча ўн микрондан бир микроннинг миллиондан бир бўлагигача бўлади.

Тўлқинлар тебраниш частотасига қараб электр, инфра қизил, ёруғлик, ультра бинафша, рентген ва бошқа тўлқинларга ажратилади. Бизнинг кўзимиз фақат ёруғлик тўлқинларини сезади. Биз кўрадиган оқ ёруғ рангли нурларнинг мужассами эканлигини Ньютон исботлаб берган.

Ёруғлик нури қандай қилиб ёйиб кўрсатилганини билсангиз керак.

Ньютон стол устига шиша призмати қўйган. Қуёш нури призмага тушиб, камалакнинг етти рангида ёйилган. Бу қизил, тўқ сариқ, сариқ, яшил, зангори, кўк ва би-нафша ранглар. Етти ранг ўртасида кескин чегара йўқ, бир ранг аста-секин иккинчисига ўтади. Масалан, сариқ ва яшил ранглар ўртасида барг каби яшил рангни фарқ қилишади. Яшил ва зангори ранглар ўртасида денгиз яшиллиги каби ранг бор.

Ёруғлик тўлқинларининг ҳар хил тебраниш сонига ўзининг ранги тўғри келади.

Маълумки, жисмларнинг ўз ранги йўқ. Улар нурни акс эттиради, синдиради ва сингдиради.

Қора буюмнинг ранги қанақа? Бу буюм устига тушадиган ёруғлик нурлари сингиб кетади, буюмнинг сатҳи ҳеч қандай нурни акс эттирмайди.

Кўк ранг ўзи нима? Кўк бўёқ. Буюмнинг сирти спектрнинг ҳамма ранглари ўзига сингдириб, ютиб, фақат кўк рангни акс эттиради. Бизга эса бу буюм кўк бўлиб кўринади.

Физика ёруғлик ва ранг табиатини аня шундай изоҳ-лайди.

Капалаклар қанотини қоплаб олган тиниқ ва бутунлай кўринмайдиган тангачалар ёруғликни алоҳида тарзда, ўзига хос равишда ўтказадиган тиниқ пластинкалар йиғиндисига ўхшайди. Бу пластинкалар ёки тангачалар қалинлиги турлича бўлиб, турли узунликдаги ёруғлик тўлқинлари билан ўлчанади. У ёки бу пластинка шу тўлқинга хос, аммо томошабиннинг қараш нуқтасига боғлиқ бўлган рангга бўялади.

Мана сизга бир мисол, у плёнка қалинлигига қараб рангнинг ўзгаришини равшан кўрсатади. Бу совун пуфаги. Болалар совун пуфагидаги рангларнинг товланишига маҳлиё бўлишади. Рангларнинг бу рақси, ўзгариши тасодиф, кутилмагандек бўлиб туюлади. Аммо бу ерда рангларнинг ўзгаришида қатъий қонун бор. Совун пуфаги пуфланаётганда унинг қобиғи қалин бўлгани учун ранги бўлмайди. Мана пуфак катталашади — қобиғи юпқа бўлиб қолди ва унинг сатҳида хилма-хил бўёқлар рақси бошланади. Аслида совун қобиғи бўялмаган, унда ранг пигментлари йўқ.

**Аммо** ҳамма капалакларнинг қаноти бунақа эмас. Пигмент бўёқли капалаклар ҳам бор, бу бўёқлар айниб, куйиб кетади. Ҳатто бир группа капалаклар борки, уларда бўёқ пигменти ҳам, айрим тиниқ тангачалари ҳам бор.

Сизнинг Думчевингиз ёруғлик нурлари — фақат ёруғлик нури ажабланарли ранглар ҳосил қиладиган қанотларни танлаб олган. У сизнинг эътиборингизни қанотида ранг пигментлари йўқ капалакларга қаратган.

Ўзимдан ўзим хафа бўлиш (моҳиятига етмай туриб, Думчевга енгилтаклик билан муомала қилганим учун) ҳаяжон ва қувонч туйғулари билан аралашиб кетди.

— Демак Думчевнинг фикри тўғри экан-да? Демак у ҳақ — бундай бўёқлар абадий, улар ҳеч қачон айниб кетмайди!

— Ҳа, ҳа!— шошилиб жавоб қилди Қалганов.— Унинг кузатишлари ва хулосалари тўғри! Бундай сатҳда бўёқлар рақси абадий қолади, у тамом бўлмайди. Ерга ҳамиша қуёш нури тушиб туради, капалаклар қанотидан ўтиб турли-туман ранглар ҳосил бўлади.

Креслодан туриб, ҳаяжон билан гапира бошладим:

— Бугуноқ ёзиб юбораман, Думчевни хурсанд қиламан! Бу ерда одам тақдири ҳал бўляпти, инсон қисмати!

Қалганов хотиржамлик билан:

— Катта кетманг!— деди.— Албатта ерга қуёш ҳамиша нур сочиб туради. Аммо капалаклар бир неча кун, бир неча ҳафта яшайди, холос, уларнинг қаноти эса шу қадар нозикки...

— Ҳа! Бу ерда абадийлик нима қилсин!— дедим хафа бўлиб ва креслога ўтирдим.

— Шунга қарамай, жуда тўғри фикр, нозик кузатув. Бўёқлар... юпқа, тиниқ тангачалардан ўтган нурдан ҳосил бўладиган бўёқлар... Одам ҳеч қачон бундай бўёқдан фойдаланган эмас. Мен Думчевнинг кузатишларини ҳисобга оламан. Капалакларнинг нозик қанотлари... Аммо институтимиз тангачалардан мустаҳкамроқ плёнкани қидиради. Мен олдин айтгандим: табиатга кўр-кўрона тақлид қилиш кулгили... Бу ўринда Думчев соддалик қилган. Аммо кузатишлар — ижодий тушуниб етилган кузатишлар!.. Эҳ!.. Ўз вақтида қилинган ўткир, аниқ кузатиш нималигини биласизми? Қолтушадаги биология станцияси нештоқига учта сўз ёзилган. Бу сўзлар: «Кузатувчанлик, кузатувчанлик, кузатувчанлик». Бу Иван

Петрович Павловнинг севимли шиори. Ҳа, ҳа, мен синаб кўраман, текшириб кўраман! Ушандан кейин айтаман. Энг аввало — тажриба! Қўнғироқ қилинг, хабар олиб туринг. Мен хурсанд бўламан.

### БОЛХОНКАДА ТУНДА

Кремль минорасидаги соат ярим кечага занг урди, метро станциясида эса гул тўла сават турибди. Ёнида сотувчиси ҳам бор.

Сал ўтмай Москва тонггача тинчланади, салқин ва ёзга хос сергак сукунат қўйнида бир оз хотиржам бўлади. Бу сукунат анчадан буён шаҳарга кириб келяпти, аммо уни минглаб хитоблар, чақирришлар, бақирришлар чўчитиб юборарди, кулги ва қўшиқлар қўрқитиб юборарди... Кўча ва майдонларнинг гувиллаши уни тўхташга мажбур қиларди. Шунга қарамай сукунат босиб, қуйилиб келарди. Мана энди етиб келди.

Тун.

Метро дарвозаси устида ўткир учли «М» ҳарфи ёрқинроқ ёнади. Ҳозир у ердан, пастдан сўнгги поездлар ўтади. Энди, тунда, эрталаб ва кундузгидек, поездларни йўғон мрамор устунлар — поялар кутиб олади. Ҳар бир поядан қудратли гул чиқиб туради. У юқорига интилади ва яширин, майин нур қўйнида беш қиррали ажойиб юлдуз шаклида шифтда сузиб юради.

Ана шу гуллардан ташкил топган қатор устунлар улуғворлик, соддалик ва олижаноблик ҳақида унсиз сўзлайди.

Метрога кириладиган ва чиқилладиган арк орқасида, юқориди дарахтзор, донмо соя-салқин бўладиган Гоголь хиёбони қорайиб кўринади. Сув дўкони яхши ёритилган, аммо у берк. Сўнгги поездга шошилаётган йўловчиларнинг оёқ товуши аниқроқ эшитилади.

Ана, метродан ёш йигит югуриб чиқди. Атрофга аланглади. Гул солинган сават олдига келди. У кўзойнак таққан, қўлтиғига қитоб қистириб олган. Гулдаста сотиб оляпти. У гоҳ кўча муюлишидаги соатга, гоҳ ҳали замон ёниладиган метро эшигига сабрсизлик билан қарайди. Бирортасини кутяптими? У қўлини туширди, гул ерга тегиб турибди. Бирдан пастга югурди ва ёпилаётган эшик орқасида ғойиб бўлди. Метро павильони олдидаги май-

дон бўшаб қолди. Эшик ёпилди. Сотувчи гулларни саватга жойлаяпти. Ана, у ҳам кетди.

Атроф жимжит. Мен эса шошилмайман. Эртага яна Қалгановнинг олдига боришимни ўйлаяпман. У менга қандай жавоб қиларкин? Бораман-у: «Эсингиздами, Думчевнинг абадий бўёқлари...» дейман.

Чироқларнинг сутсимон оқ шарлари майдончани майин ёритиб турибди.

Шу дақиқа кўз олдимда даҳшатли, ёввойи Бўлиқ Утлар Улкаси намоён бўлди: шамол силкитаётган ўтларнинг қудратли, гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб турадиган, лекин поёнсиз, тўхтовсиз гувиллаши намоён бўлди. Яна Думчев ҳам... Кўр ва кўп кўзли, бадбашара ва заҳарли жонли машиналар орасида ёлғиз ўзи! Ҳар бир қадамда фалокат. Аммо инсон, унинг мағрур заковати ғалаба қилди.

Уйга қайтиш керак. Кеч бўлди.

Мана, Волхонкага ҳам келдим. Фанлар академияси институти катта ҳовлиси панжараларининг гулдор сояси асфальт устида қимирламай ётибди. Осмонда тўлин ой. Нафис санъат музейининг олпоқ устунларини кимдир кўкиш бўёқ билан суваб чиққандек. Музейнинг тиниқ шиша томи қорайиб кўринади. Катта эшикка борадиган йўлнинг четларидаги тамаки гуллари бирдан оқариб, очилиб кетди.

Волхонка сукунатда, у ой нурига чўмилган. Енгил шабада гуллаётган тамаки ҳидини келтиради. Ёлғиз ўсган арғувон сояси асфальт йўлка узра чўзилиб ётибди. Барглари билинар-билимас тебранади. Тунги нур ва соялар ўйинида бу барглари сояси шу қадар енгил, нозик ва ўзгарувчанки, бу бир оз мудраётган соя гул устига қандай қилиб оёқ босиш мумкин, дея тўхтаб қоласан.

Атроф жимжит. Москва устида тун сузиб юрибди...

Мана уйимга етдим. Почта қутисида газета... битта... иккита... хат.

Кейин телефон қўнғироғи жиринглади, бутунлай жераксиз қўнғироқ. Яна қўнғироқ жиринглади — буниси орзиқиб кутаётганим эди.

Очиқ дераза ойшасини ким оҳишта тирнаяпти? Бу қўшнимизининг мушуги бўлса керак. Қоп-қора, кичкинагина оқ «галстуги» бор. Қўшнилариининг деразаси берк, мушук карниздан оҳишта менинг деразамга ўтди. Очиқ дераза

роми халақит беряпти. Унинг уйга киришига ёрдамлашиб юбордим.

— Кириг, меҳмон, кириг! Ҳаво айниб қолди, ёмғир ёгади — оёқларингиз ҳўл бўлиши мумкин. Кириг, меҳмон!

Мушук стол устига чиқиб, бўтакўз гули солинган стакан ёнига хотиржам жойлашиб олди.

«Сиз, бўтакўзлар, кундузи кўм-кўк эдингиз, энди, чироқ ёруғида бинафша ранг бўлиб қолдингиз. Баъзиларингиз, гуллаб бўлаётганларингиз... оқариб кетибсиз. Сизларни четроққа суриб қўяман, бўлмаса мушук шунақаям талтайиб ётибдики, стаканни туртиб, столдан тушириб юбориши мумкин».

Оқарган бўтакўзларга тикиламан, мени ташвишли, ғамгин ўйлар қамраб олади: «Эртага физик бўёқларнинг абадийлиги ҳақида нима деркин? Думчевга нималарни ёзаман?»

Очиқ деразага Москва дарёсидан салқин шамол урилади. Ҳовли бутунлай қоронғи. Осмонни қора булутлар қоплаган, майда ёмғир дераза тоқчасини аста черта бошлади.

Ҳадемай куз бошланади.

### **ЙУҚ, АДАШИШ ЭМАС, КАШФИЁТИ**

Физик Қалгановнинг олдидан уйга жуда кеч қайтаётган эдим. Москванинг эски кўчалари сукунатда. Дарвозалар устидаги лампочкалар тунука соябон остидаги уй номери ва ярим доира шаклида ёзилган кўча номларини ёритиб турибди.

Одамлар аллақачон уйқуга кетишган. Уйлارнинг деразалари қоп-қора.

Кўпинча шу кўчаларда, шунақа ярим тунда кўнглим ғаш бўлиб кетади: қора, бўш, бегона деразалар менга, бўш кўчалардан ўтиб бораётган ёлғиз йўловчига қандайдир душманлик билан қараб турарди — қадам товуши билан уларнинг қисқа муддатли оромини бузардим-да!

Аммо ҳозир деразалар мени чироқларнинг қора ойнадаги хира акси билан қувноқ ва меҳрибон кутиб олаётгандек эди. Чунки ҳозир Думчев учун қувончли хабар олиб борардим.



Мен Қалгановнинг кабинетига кирганимда, у ким биландир телефонда гаплашаётган эди. Бир дақиқага суҳбатни бўлиб, мен билан саломлашди-да:

— Гапимиз сизга тааллуқли. Қулоқ солинг!— деди.

Шундан кейин Қалганов яна гаплаша бошлади.

— Нима? Йўқ, йўқ! Бу кундузги ёруғ эмас, метро даҳлизини ёритиб турадиган кундузги ёруғ чироқ эмас. Бу бўёқ... Нима? Эшитганман дедингизми? Қоронғида девор ва кўйлақлар турли рангда нур сочганини кўрганмисиз? Лекин бу бутунлай бошқа нарса. Девор, стул, кўйлақ... уларнинг бўёғига кадмий ва рух тузи аралаштирилса ва ультра бинафша нур билан нурлантирилса, нур соча бошлайди. Бу люминесценция. Мен бутунлай бошқа нарса ҳақида гапиряпман. Қандай тушунсам бўлади, дейсизми? Мана бундай... Ҳеч қачон капалакни қувлаганмисиз? Совундан пуфак учирганмисиз? Совун пуфагидаги хилма-хил ранглари бир эсланг. Аммо совун пуфаги плёнкаси дарҳол ёрилиб кетади. Капалак тангачалари эса... уларга тегмаган яхшироқ — жуда нозик. Аммо совун пуфагининг ғоят пишиқ плёнкасини ёки капалакнинг ғоят пишиқ тангачаларини кўз олдингизга келтиринг. Мен махсус пластмассадан шунақа пишиқ тиниқ масса олмоқчиман... Нима? Қўлимдан келмайди, деб ўйлаяпсизми? Совун пуфагидек ёрилиб кетадими?— Қалганов хахолаб кулиб юборди.— Мен физик эканлигимни унутиб қўйибсиз. Фақат тажрибага ишонаман. Топаман. Синаб кўраман. Текшираман. Сизга кўрсатаман... Нима? Ахир самолёт конструктори ҳам ўз аппарати қаноғини қуш патидан ясамайди-ку. Ҳа, тушунганга ўхшайсиз! Бу нимага керак деб сўраяпсизми? Бу бинолар учун янги, мислсиз қоплама материал... Нима? Орзу? Орзуни ҳақиқатга айлантиришга уриниб кўраман!

Қалганов телефонда ким биландир хайрлашиб, менга мурожаат қилди:

— Ноёб техника билан жиҳозланган лаборатория-мизда қалинлиги бир микроннинг ўндан бири билан ўлчанадиган составни (Ҳидиряпман, назаримда шундай материални топдим. Капалак тангачалари... совун плёнкаси... Биз ғоят тиниқ ва бағоят пишиқ плёнка олдик. Ундан ҳар хил катталиқдаги жуда юпқа плёнкалар кўпдан кўп ясалади. Физик рассом ва архитектор билан

бирлашади. Ана ўшандан кейин қарабсизки, уй-рўзгор буюмлари, бинолар ҳар биримизнинг олдимизда кама-лак ранглари билан товланади.

Мен эса: «Мана, Думчевнинг кузатувлари текширил-япти, мана, у ҳақ бўлиб чиқди! Балки, унинг конспекти-ни «хатолар конспекти» деб атаб, ўзим хато қилгандир-ман?!» деб ўйладим.

Кабинет эшигини тақиллатишди. Қалгановнинг ассис-тенти — новча, рангпар, босиқ одам кирди ва кул ранг кўзлари билан менга хотиржам, узоқ тикилди-да, таъзим қилиб, шошилмай катта чарм диван четига ўтирди.

Қалганов билан ассистент пишиқ қоплама материал тўғрисида гаплаша бошладилар. Мен эса қандай қилиб Думчевни хурсанд қилиш тўғрисида ўйлардим. Эртагаёқ бир кунга Ченскга самолётда учаман.

Қалганов ва ассистент суҳбатни давом эттиришарди. Мен эса Думчев билан бўлажак учрашувимни тасаввур қилардим. Ёнимдагиларнинг эса, электролиз... электро-лиз билан қоплаш... металл сатҳидаги занг... лак билан қопланган...— деган айрим сўзларигина қулоғимга чали-нарди...

Ассистент чиқиб кетди.

— Мен Думчевга хат ёздим,— деди Қалганов,— уни табрикларим ва миннатдорчилик билдирдим.

— Хатни менга беринг. Эртага эрталаб Ченскга учиб кетяпман.

— Жуда соз! Оқ йўл!— Қалганов бирдан қаттиқ ку-либ юборди.— Ростини айтинг, Бўлиқ Ўтлар Ўлкасини шунчаки... қизиқарли бўлиши учун ўйлаб чиқаргансиз! Думчевингиз оддий ҳаваскор — энтимолог. Табиатнинг кузатувчиси...

Мен индамадим ва хайрлаша бошладим. Қалганов кабинетдан чиқди.

— Сизни кузатиб қўяман,— деди у менга.

Институтнинг тинч, ёруғ коридоридан ўтдик. Ойна-ванд эшик енгил очилди. Қалганов зинапоядан бир неча поғона пастга тушиб тўхтади. Хиёбондаги дарахтлар-дан онда-сонда ёмғир томчилари тўкиларди. Кенг Москва кўчаси кимсасиз эди.

Хайрлашиб жўнаш учун Қалгановга қўлимни чўз-дим. Аммо қўлимни у кенг ва илиқ кафтида ушлаб ту-риб қолди.

— Нимани ўйлаяпсиз. Дмитрий Дмитриевич?— деб сўрадим секин.

У ўзига келгандек сесканди:

— Хаёл суряпман... Фақат хаёл суряпман...— деди у қўлимни қўйиб юбормай.— Мен бўлажак Москвани, ёруғлик нурига бурканган, бўёқлар симфониясига ўралган Москвани кўриб турибман. Вақти келиб ишчилар Москва биноларини ҳанузгача мисли кўрилмаган қоплама материал билан безашни тугаллайдилар.

Биласизми, композитор Скрябин: «Ҳар бир товушга хос ранг бор. Товушлар тус билан нур сочади... бемоль оҳангдошлиги металлга ўхшаб ярқирайди, диэз оҳангдошлиги бундай ярқирамас ҳам ранги тўқроқ ва ёрқинроқ...» деганда уни тентак деб аташган.

Скрябин ўз симфониясининг ранглар симфонияси жўрлигида ижро қилинишини истарди.

Нима бўпти! Товушлар симфонияси бўлганидек, ранглар симфонияси ҳам бўлиши мумкин. Аммо бу симфонияни — ранглар симфониясини физик-композитор оркестрлаштиради. У ана шу партитурани ёзади. Бу чинакам қуёшли симфония бўлади! Қуёш шаҳри симфонияси! Москванинг ҳар бир кўчаси кўз олдимизда ўзининг такрорланмайдиган ранглар ансамбли билан намоён бўлади.

Биринчи ёруғлик нури тушиши биланоқ Москва ранглари куйлай бошлайди, «товуш чиқаради». Улар товланади, худди товуш, музыка каби пасайиб, деярли тинади, эриб кетади. Ва яна порлайди. Москва — Қуёш шаҳри! Бу бўёқлар абадий! Одоқсиз! Чунки ер юзига ҳамиша нур тушиб туради. Москва симфониясига жавобан шу қуёш нурлари остида дунёдаги барча шаҳарларда ёруғлик симфонияси янграйди. Бу музыка, қуёш нури яратган ва физикларимиз бошқариб турадиган бу музыка коинотда қуёш нур сочиб турар экан, ёруғлик тўлқинлари оқиб турар экан, ҳамиша янграйверади!

## ДОКЛАД БУЛМАДИ

Палатада бемор ёнида кўк абажурли чироқ ёниб турибди. Сергей Сергеевич Думчев касал.

Аэродромдан тўғри Булай ҳузурига шошилдим. Яхши таниш бўлган минорали уйга қувонч билан енгил нафас

олиб кирдим. Шундан кейингина нима бўлганини билдим.

Илмий ходимлар посёлкасида Думчев доклад қилиши керак эди. Буни Думчевнинг ўзи таклиф этган ва талаб қилган эди. У доклад мавзусини айтган: «Техника тараққиётида баъзи янги имкониятлар тўғрисида дастлабки ахборот». Доклад кунини ҳам ўзи белгиланган.

Думчев докладга ҳолдан тойган қиёфада, қандайдир эҳтирос кучи билан тайёрланган, уйқусизликдан кўзлари қизариб, китобларни ўқиган. У китобни қўйиб, бу китобга ташланган. У ҳамма фанлар эшигидан баравар кириб боришни истаган одамга ўхшарди.

— Сергей Сергеевич, докладни кейинга қолдирса бўлмайдами?— секин сўради Полина Александровна.

— Йўқ! Доклад кунини белгиланган. Белгиланган кунини ахборот маълум қилинади,— жавоб берди Думчев.

Уша кун келди. Бир кун олдин кечқурун Полина Александровна билан қўшни аёл Сергей Сергеевичнинг костюминини яхшилаб дазмоллаб, тартибга келтиришган.

Тинч ва ҳаво яхши кун эди. Думчев минора-лабораториядан тушди. Булай у билан бирга бориши керак эди.

Йўлга чиқишдан олдин Думчев Полина Александровнанинг тиш даволаш столида бир парча мумни кўриб қолади. Оддий мум парчаси!

— Мум!— хитоб қилади Думчев. — Мана ажойиб материал! Асаларилар уни ўз организмда ҳосил қилади. Ўз ахборотимни шу мум парчасидан бошлайман. Одамлар бундан икки-уч минг йил олдин Мисрда яратилган фаюм портретларига қўйил қоладилар. Қадимги рассом мумнинг нақадар чидамлилигини ҳисобга олгани учунгина сурат ҳозиргача сақланган. Мумдан шам ва этик мойи ясаллиши қанчадан бери маълум. Мен бўлган жойда эса,— мумдан бошқача фойдаланишларини кўрдим. Бу мен узоқ вақт яшаган Бўлиқ Утлар Ўлкасининг биринчи сабоғи.

«Тушунтирсангиз-чи, ахир Бўлиқ Утлар Ўлкаси нима ўзи?»— Булай шундай деб юборишига сал қолди. Лекин у индамади, Думчев учун ташвишли бўлган шу кунда уни савол бериб қийнагиси келмади. У бошқа хонага кириб, комоддан қўлқопини олди.

Полина Александровна қўлқопини кийиб кираётиб кабинет эшиги олдида қўрқиб тўхтаб қолди. Думчевнинг ранги оқариб кетган эди. У кичик думалоқ стол олдида қандайдир журнални ушлаб турарди. У журнални ўқир, овоз чиқариб қайта ўқир эди:

«...Майда ҳунармандчиликда мумдан аллавақтлардан буён фойдаланилади, медицинада эса, хирургия операциялари вақтида қон томирлари мум билан беки-тилади. Пўлат қуйиш ва химия саноати мумдан кенг фойдаланади. Шунингдек, пўлат сифатини ошириш учун ва оптик шишалар тиниқлигини кучайтириш учун мумдан фойдаланилади...»

— Пўлат... Оптик шиша... Одамлар мумни қўлланишнинг ўнлаб имкониятларини топишганга ўхшайди. Мен эса... Мен кечикдим. Ўз кашфиётларим билан кулгили бўлиб қолмайманми?

Думчев Полина Александровна ҳамроҳлигида уйдан индамай ва секин чиқди.

Пешайвон ёнида илмий ходимлар посёлкасидан юборилган енгил машина турарди. Ёш шофёр машина эшигини очиб, профессорни олиб кетгани келганини эҳтиром билан тушунтирди.

Думчев шофёрга миннатдорчилик билдириб, Полина Александровнанинг тирсагидан эҳтиёткорлик билан ушлади-да, пиёда кетишди. Унинг кийимлари дазмолланган. Крахмалланган кўйлаги ярқирайди, эски фасондаги қаттиқ ёқаси жағига тегиб турибди. Қўлида эса ҳассани маҳкам ушлаб олган.

Улар шу тариқа юришар, машина эса уларнинг орқасидан секин борарди.

Лекин Думчев безовта эди. Улар илмий ходимлар посёлкасига борадиган асфальт йўлга чиқишлари биланоқ Думчев гапира бошлади. Қим билан гаплашяпти? Полина Александровна биланми? Йўқ!

Думчев ўзи билан ўзи гаплашарди:

— Қулоқ сол! Сенинг мумни қўлланиш ҳақидаги ахборотинг эскириб қолган. Нима бўпти, майли! Мен бошқалари ҳақида гапирман. Биласизларми, Бўлик Утлар Улкасида қўлимнинг улкан, сизларга таниш бўлмаган сезгирлиги бор эди. Чунки у вақтда мен бошқача эдим. Бир куни ялтироқ қуртни ушлаб кўриб ҳайрон бўлиб қолдим: у совуқ эди, иситмасди. Ёритяпти-ю, иситмаяпти. «Бу ёруғликнинг янги манбаи!— хитоб қил-

дим мен. — Электростанцияларнинг нима кераги бор? Мана янги чироқ!» Нима? Бу ҳам эскирганми?.. Майли! Аммо Бўлиқ Ўтлар Ўлкасининг сабоқлари сон-саноксиз! Мен бутунлай бошқа нарса ҳақида гапираман. Мен медикман. У ерда мен тажриба ўтказдим. Сиз ҳашаротлардан жуда кам нарса — чумоли кислотаси ва асалари заҳаригина олгансиз. Мен сизларга Бўлиқ Ўтлар Ўлкасида яшовчиларни қандай қилиб ярамни даволашга мажбур қилганимни айтиб бераман... Ёки бўл-маса шиш... Куляпсизми? Бу ҳам эскирганми? Кечикдимми?

Думчев бирдан тўхтаб хитоб қилди:

— Полина Александровна, бу нима? Нима кечикди-ю, нима кечиккани йўқ? Қандай қилиб билиш керак буни?

«Нима кечикди-ю, нима кечиккани йўқ?» деган савол чамаси, унинг вужудини қамраб олганди. Бу сўзларни айтаётганда овозидан ташвиш ва алам яққол сезиларди.

Мана, у ўйланиб, жим бўлиб қолди. Кейин ишони билан.

— Нима бўлсаям, нима кечиккан-у, нима кечикмаганини билиб оламан. Ҳаммасини бошидан бошлайман! — деди.

— Сергей Сергеевич, — Полина Александровна деярли ялиниб гапирди, — уйга қайтмайликми?

— Йўқ, йўқ! — хитоб қилди Думчев тўхтаб. — Доклад бўлади! Кечқурун роппа-роса соат олтида!

Улар яна юриб кетишди.

Осмон эса баланд ва мовий эди. Денгиз томондан енгил илиқ шабада эсарди. Атроф тишч, хотиржам эди. Аммо Думчев чарчаганга ўхшарди.

— Машинада бора қолайликми? — таклиф қилди Полина Александровна.

Думчев, чарчаганим йўқ деб, рад этди. Улар яна йўлда давом этишди. Шу тариқа катта йўлдан дала йўли Райпишеторг базасига ажраладиган жойгача бо-ришди.

Шу ерга келганда Думчев тўхтади.

— Полина Александровна, мен ростдан ҳам бир оз чарчадим. Дам олсак яхши бўларди. Яқин жойда шийпонча бор.

— Қанақа шийпонча?

— Ёнимизда, дарахтзорнинг орқасида, чап томонда.  
— Жуда узоқ-ку!  
— Жуда яқин! Уша ерда, шийпонча олдида — Бўлиқ  
Ўтлар Ўлкаси. Шунча йил ўша ерда яшадим!  
— Сергей Сергеевич,— Полина Александровна энди  
ялина бошлади, — уйга қайтайлик!

Думчев бош чайқади:

— Доклад бўлади!

Полина Александровна йўл четида ётган гўла устига ўтирди. Думчев ҳам беихтиёр унинг ёнига ўтирди. У нима учундир шийпонча турган дарахтзор томонга қараб, индамай ўтирарди.

— Вақт бўлди!— деди у бирдан.

Ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, ҳоли етмади. Думчев гўла устига йиқилди.

### БҲЁҚЛАР СИМФОНИЯСИ

Мен касалхонанинг бемор Думчев ётган ёруғ палатасида ўтирибман. Врач ҳам шу ерда навбатчилик қил-япти.

Думчев алаҳлаётганда нималарни гапирганини фақат мен тушунаман.

У гоҳ ўзидан: «Чигирткага қора чигиртка калласи яхши ўрнашдими?» деб сўрайди. Гоҳ гулдор уйга меҳмонларни таклиф қилади-да, ўзи ўнгайсизланади: меҳмонлар гулдор уй ўрнига ковакни кўришади. Кейин бирдан ўзи тобора кичрайиб бораётгани, оёғи остидаги йўл кенгайиб, чўзилиб кетаётганидан аччиқ-аччиқ зорланади. У ўргимчакни чумоли шери инидан тортар, қутқаришга уринар ва: «Ҳалок бўляпти, дўстим, туям ҳалок бўляпти! Ёрдам беринглар! Ёрдам!»— деб бақирарди.

Тун ўтиб, қуёш чиққач, бемор тинчланиб ухлаб қолди.

Касалхонанинг бош врачлари — аёл (қўллари чаққон, дадил ва кучли — хирург бўлса керак) Думчев ҳақидаги ташвишли саволларимни диққат билан тинглаб бўлиб, жавоб берди:

— Беморни узоқ уйқу билан даволаймиз.

Думчев ҳақида, у мен учун нега қадрли эканлиги тўғрисида кўп нарса айтгим келарди. Аммо Бўлиқ Ўтлар Ўлкаси ҳақида гапирайми? Менга ким ишонади?

— Яна бирор нарсани сўрамоқчимисиз?— врач менга мурожаат қилди.

— Йўқ!

Мен Ченскда қолдим. Қасалхона яқинидаги посёлкага жойлашиб, Москвага бир неча телеграмма юбордим. Биттасини Ченскда бир неча кун қолишга мажбурман, деб театрга юбордим. Иккинчисини Қалгановга юбориб, Думчевнинг касал эканлигини маълум қилдим.

Ҳар куни касалхонага келардим:

— Бемор уйғонмадими?

— Йўқ, уйғонгани йўқ. Аҳволи ноаниқ.

Бу ташвишлардан чарчадим. Думчевнинг тузалишини кутиб, ўзим гувоҳ бўлган нарсаларга ишонмай яшардим.

Бир куни кечқурун беморни кўриб, касалхона корпусидан чиқаётиб, Думчев палатаси деразаси остида бир киши турганини кўриб қолдим. Қоронғида уни яхшироқ кўролмадим, лекин ҳалиги одам касалхона корпуси бўйлаб юриб кетганини, кейин яна орқага қайтиб, Думчев палатаси деразаси тагида тўхтаганини аниқ кўрдим. Бу аҳвол бир неча марта такрорланди. Бутунлай қоронғи бўлиб қолди ва мен бир оз ташвишга тушиб уйга қайтдим.

Думчев ҳамон ухларди. Яна бир куни оқшомда Думчев деразаси тагида ўша нотаниш кишини кўрдим. У ҳамон касалхона девори бўйлаб юрар, палата деразаси тагига қайтиб келарди.

Касалхонада менга бир қария беморнинг олдида қўйишни сўраганини, тунда бемор олдида навбатчилик қилишга рухсат этишларини илтимос қилиб роса ялинганини айтиб беришди. Аммо бош врач, касалхонада малакали медицина ходимлари етарли, бегоналарнинг ёрдами керак эмас, бемор етарли парвариш қилинапти, деб тушунтирибди.

Буни эшитганимдан кейин дарров нотаниш кишининг олдида бориб қўлини маҳкам қисдим. Бу кекса актёр, менга маълум ёзувларнинг автори эди.

Уч кундан кейин Думчев уйғонди. У ёнида Полина Александровнани, кекса актёрни, оқ тугунча ушлаб турган Авдотья Васильевнани кўрди.

Нимадан гап бошлашни билмай, ҳаммамиз жим турардик. Беморни кўргани ажратилган вақт шу тариқа



жимликда ўтиб кетиши мумкин эди, аммо Думчев бирдан Булайнинг юзига тикилиб қолди.

— Менга бирор нарса демоқчимисиз, Сергей Сергеевич?

— Мен хотирлаяпман...— деди Думчев дона-дона қилиб.— Ҳозир сиз, Полина Александровна, кўп йиллар аввалгидек устимга энгашдингиз. Денгиз, қулаб тушган учиш аппарати, мен эса қум устида... Бошимни кўтардим-у, сизни кўрдим.

— У вақтда мен ёш эдим.

— Ушанда қандай бўлсангиз, ҳозир сизни ўшандек кўриб турибман.

Полина Александровнанинг кўзига ёш келди. У билинтирмай, қўли билан кўз ёшини артди.

Думчев унинг юзига диққат билан тикилиб қараб турарди. Кекса аёлнинг кўзига қайта-қайта ёш келарди. Думчев унга меҳр билан қаради. Иккаласи ҳам жим эди.

Кеч кузда, ёмғир ва лойгарчилик пайтида кутилмаганда қуёш чарақлаб кетади. Бирданига бирор ўт-ўлап тутами ям-яшил бўлиб кўринади. У баҳор майсасига ўхшайди. Уни қўлинг билан ушлаб кўргинг, орасида ўтиргинг, тўйиб-тўйиб ҳидлагинг келади! Ҳаво илиб кетади. Ёмғир ҳам дадил ва шўх кўринади. Баҳор! Ҳовлида баҳор! Кузга шу баҳор илиқлиги учун миннатдорчилик билдиргинг келади.

Думчев билан Булайга қараб туриб шуларни эсладим. Аллақачон унутилиб кетган куй ва унинг қўшиқлари эсимга тушиб кетди:

Баъзан кеч кузакда бўлар  
Шундай кун, шундай соатлар...

...Палатада самолётнинг гуриллаши эшитилди. Думчев нима ҳақдадир сўради. Нимани? Эшитмай қолдим.

Булай қаттиқ ва аниқ қилиб тушунтирди:

— Москвадан самолёт учиб келди!

— Қанақа қилиб Москвадан келади? Ишонмайман! Шунча масофа...— деди Думчев.

Масофа? Самолёт учун қанча масофа экан? Москвагача ҳаммаси бўлиб...

— ...Москвагача мингдан зиёд, минг чақирим!.. Мен эса... Мен эса пиначи ва пашшадан ўрганишни...

. Бу сўзларни у жаҳл ва истехзо билан, ўзига аччиқ киноя билан айтди. Баъзан одамлар шундай киноя билан катта бахтсизликни яширадилар.

Ҳаммамиз боққа чиқдик. Бир оз скамейкада ўтирдим. Дарахтларнинг қисқа соялари бир-бирига улашиб кетган. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда беморларнинг халати кўзга чалинарди.

Кейин палатага қайтиб кирдик. Касалхона коридорининг қаеридадир гаплашишарди. Менга бу овоз танишдек туюлди. Мана, ҳаммаси тинди. Энди эса, овоз яқин жойдан эшитилди.

Палата эшиги катта очилди. Остонада физик Қалганов турарди. Унинг орқасидан кичкина чамадон кўтариб, ассистенти кирди.

— Салом, Сергей Сергеевич!— деди Қалганов ва бизга бош ирғади.

У стулни дадил, шартта суриб, Думчев каравоти ёнига ўтирди.

— Сиз кимсиз?— сўради Думчев.

— Физик Дмитрий Қалганов.

— Эслолмайман. Танимайман... Қалганов дедингизми?

— Мен сизга Москвадан совға олиб келдим.

— Қанақа совға?

— Уҳ-ҳў! Жуда шошқалоқ экансиз-ку! Бор дейман-у, кетиб қоламан!— Қалганов хахолаб кулди. — Қанақа совғалигини сираям тополмайсиз!

— Мен эшикни тўсиб чиқармай туриб оламан!— Қалгановнинг гапига Думчев ҳам кулиб жавоб қилди.

Қалганов чамадонни очди.

У бемор олдидаги стол, стул уетига, ҳатто каравотга қора қоғозга ўралган қандайдир енгил пакетларни қўя бошлади.

— Булар нима ўзи?

— Қоплама! Уйларнинг бўлажак қопламаси!

— Тушунмаяпман. Нима ҳақда гапиряпсиз?

— Сергей Сергеевич, бу қора қоғозга ўралган нарса нималигини биласизми? Бунда капалак тангачалари қалинлигидаги пластинкалар бор.

— Бўлмаган гап! Капалак тангачаси шунақаям юпқаки, оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Қўлга олишнинг эса мутлақо иложи йўқ!

— Тўғри, тўғри! Шунинг учун ҳам биз лабораторияда бу материалларнинг ойнадай силлиқ сатҳига ғоят пишқиқ, тиниқ состав қопладик.

— Қанақа қилиб?— Думчев жонланиб кетди.

— Қараб туринг! Мана бу рақамлар ёруғлик тўлқини узунлигини ва материал устига қопланган қатлам қалинлигини кўрсатади. Ҳар бирида «Д» ҳарфи бор. Бу— Думчев дегани. Бу қоплама материални сизнинг номингиз билан атаймиз.

— Куляпсизми? Бу таҳқирлашми, ҳазилми? Думчев кечикди! Энди унинг устидан, ўша Думчев устидан кулаверинг!— деди Сергей Сергеевич баланд овозда. Шундай деди-ю, шартта деворга ўгирилди.

— Ҳали шунақами?! — физик илиқ ва оддий кулди.

Бунга бир қаранг-чи...

У олиб келган намуналарни оча бошлади.

Рангдор нурлар ёнар, сўнар, яна порлар эди. Думчев кўз узмай қараб турарди. Бирдан у ниманидир эслагандек бўлди: намуналарни танлаб, ўрнини алмаштира бошлади. Кескин кутилмаган буёқлар, нотинч буёқлар палатада тартибсиз товланарди.

Мен Калгановга қарадим. У Думчевга мулойимлик ва сабр-тоқат билан кўмаклашарди. Ассистент намуналарни очиб, қандайдир рақамларни овоз чиқариб айтарди.

Калганов унга қулоқ солар, шу билан бир вақтда Думчевнинг қўл ҳаракатларини кузатиб, буёқлар ўйнига назар соларди.

— Шундай! Шундай!— дерди Калганов қувноқлик билан. — Энди ундай эмас. Қараб туринг!

У болага ёрдамлашаётгандек меҳрибонлик билан Думчевга оҳиста, хотиржам ва эҳтиёткорлик билан кўмаклашарди. Қаердадир эшик ёпилди ва менга палата янаям тинчиб қолгандек туюлди. Деворда қуёш нури акси аста жилади. Баъзан улар янги, кутилмаган буёқлар билан учрашар, қўшилиб кетар эди.

Кейин сукунатда яна физик билан ассистентнинг овози эшитилди. Улар секин гаплашишарди:

— Микроплар... рақам... минус... даража... тўлқинлар... қалинлиги...

Бу овозлар тингач, сукунат янада чуқурлашди.

Дераза остида ўтлар ичида чигирткалар қаттиқроқ чириллай бошлади. Қалтакесак қора хол билан қоп-

ланган сариқ-қўнғир елкасини қуёш нурига тутди, сирганиб, ўтлар орасида ғойиб бўлди.

Тўсатдан енгил шабада пардани титратди. Хонага ўтларнинг майин, нам ҳиди урилди. Бу ҳид юзларимизни силади. Шу дақиқа сукунат бузилди.

Думчев бирдан ўрнидан турди. У севинч билан табассум қилиб бизга қаради.

— Мана! Мана! — қичқирди у қувониб. — Қаранглар! Буни қаранглар!

Кўз олдимизда бўёқлар Бўлиқ Утлар Улкасидаги каби ёнар, товланар эди.

Думчев Қалгановнинг ёрдамида келтирилган намуналардан, нозик — капалак қанотларидан ясалган деворга ўхшаш ғаройиб, жонли бўёқлар бирикмасини ҳосил қилган эди.

— Мана, мана!..— деб такрорларди Думчев, унинг кўзлари порлаб, бизга дадил боқарди.

Физик синчковлик билан узоқ қараб турди, нималарнидир ҳисоблади ва ассистентга рақамларни айтиб ёздира бошлади.

— Шу бирикмани, шу гулни эсдан чиқарманг...

Кўз олдимизда ёрқин бўёқлар нур сочарди, улар палатани яшнатиб юборди. Ранглар товланар, аралашиб кетар, энди уларни бир-бирдан ажратиб бўлмас эди. Билинар-билинмас, оч ранглар кучли, тўқ рангларга айланарди, хира ранглар бир дақиқа пайдо бўларди-ю, ўша замони сўнар ва ловиллаган, кишининг баҳрини очувчи, ўчмас тус оларди.

Сукунатда ранг музыкаси товланарди, ранг ва бўёқларнинг улуғвор ва тантанавор, ёрқин ва мағрур симфонияси янграр эди.

Бундан ўн йилча бурун, Владимир Брагиннинг «Доктор Думчевнинг кашфиётлари» романининг биринчи нашри билан танишиб чиққанымдан сўнг, бу динамик ва ўзига хос асар ҳақидаги фикрларим «Новий мир» журналида босилиб чиқди. Унда мен илмий-фантастик роман жанрини бутун чоралар билан ривожлантиришимиз зарурлиги ҳақида ёзгандим. Бу жанрдаги китобнинг аҳамияти сабоқли эканлигидагина эмас, ёшларимиз кўп жиҳатдан илмий-фантастик ва илмий-саргузаштли адабиётларни ўқиб фикри кенгайди, бинобарин бу жанрдаги асарларга талабчан бўлмоғимиз керак. Ушанда мен В. Брагиннинг «Доктор Думчевнинг кашфиётлари» романи юқоридаги вазифаларга кўп жиҳатдан жавоб беради, деган фикрни баён қилган эдим.

Роман автори илмий-бадний адабиётнинг одатдаги приёмига асосланиб (масштабнинг ўзгариши), оригинал асар яратди ва бизни эптомология оламига олиб кирди.

Автор қаҳрамонларни афсонавий равишда юз-икки юз марта кичрайтириб, биз сезмай ёнидан ўтиб кетадиган ҳаётни кўриш ва сезишга имкон яратди. Бу чумоли, асалари, ари, капалаклар, қўнғизлар, шира бити каби турли ҳашаротларнинг, шунингдек ўтзорлар Ўлкасида яшайдиган турли ўргимчаклар ҳаёти ҳамда роман қаҳрамонлари учун Буюк Секин оқар дарёга айланган кичик жилғадири. Шу

тариқа В. Брагиннинг китоби ҳашаротлар ҳаётини уларнинг ўз муҳитида ўрганишга ёрдам беради. Бунинг қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши курашда катта амалий аҳамияти борлигини биламиз. Ҳашаротлар дунёсини яхши билгандагина шундай кураш олиб бориш мумкин. В. Брагиннинг улкан хизмати шундаки, у ана шу билимни ёш китобхонимизга бадий, қизиқарли шаклда тақдим этган.

Романнинг бош қаҳрамони Сергей Думчевнинг тақдири фожиали эканлигини автор яширмайди. Шу билан бирга, романда қаҳрамон ўтзорлар ўлкасини «ўзлаштириб олгани», ўз ақл-заковати билан бу ўлкада яшовчилар инстинкти устидан ғалаба қозонгани, ҳамма вақт хавф остида яшашига қарамай, изланиб, кашфиёт қилгани ҳақида ғоят зўр ифода кучи билан шоирона ҳикоя қилинади. Бу пишиқ оптимистик фикрни романнинг бошидан охиригача сезиш мумкин.

В. Брагиннинг китобида ўрганиш, билиш учун кўп материал бор, у бир қанча умумбиологик масалаларни кўтаради ва шу заҳоти техника тарихидан қизиқ-қизиқ маълумотларни эркин ҳикоя қилади.

Автор роман сюжетида биология ва техникага оид маълумотларни моҳирлик билан ўрнига қўйиб, турли фанларнинг ўзаро узвий алоқасини тушуниб олишда китобхонга кўмаклашади.

Бу илмий-бадий адабиёт жанрига қўл ураётган бошқа авторлар учун ижобий намуна хизматини ўташи мумкин. Шундай планда ёзилган китоблар табиатга материалистик дунёқарашни шакллантиришда ёрдам беради.

Сюжетнинг қизиқарлилиги, яхши берилган сабоқли материал, реализмнинг фантастика билан дадил боғлангани, оптимизм — буларнинг ҳаммаси «Доктор Думчевнинг кашфиётлари» номли истеъдодли романи санъатнинг фанга кириб келишидаги қизиқарли тажриба,

жиддий новаторлик тажрибаси дсб қараши-  
мизга имкон беради, бу новаторлик тажриба-  
сида илмий-бадий адабиётдек катта ва муҳим  
жанрнинг ўзига хос йўллари белгиланади.

Академик О. И. ОПАРИН

## МУНДАРИЖА

### БИРИНЧИ ҚИСМ

#### Бировнинг гулдастаси

Шундай қилиб, йўлга! . . . . .	3
Ташвишли шодлик . . . . .	6
Бировнинг гулдастаси . . . . .	10
Профессор Тарасевичнинг уч саволи . . . . .	13
Мулоҳаза ва шубҳалар . . . . .	15
Дижонваль барометри бор . . . . .	17
Боғичлар... ўргимчаклар . . . . .	20
Улик ўргимчак . . . . .	25
Тунги суҳбат . . . . .	30
Ҳикоя тугамай қолди . . . . .	35

### ИККИНЧИ ҚИСМ

#### Минорали уй

Уйқусиз дераза . . . . .	37
Янги таниш . . . . .	39
Икар ярмаркада . . . . .	43
Андрей Ғулайнинг хати . . . . .	49
Думчев лабораториясида . . . . .	53
Рефлекторли чироқ . . . . .	58
Ўринсиз уриниш . . . . .	61
Топдим! . . . . .	63
«Эҳтиётроқ бўлинг, гражданин!» . . . . .	68
Кекса актёр . . . . .	73
Фанердан қурилган уйча (Актёр хотиралари) . . . . .	76
Ғалати ҳисоблар ва рақамлар . . . . .	85
Ариларнинг қоғоз «шаҳри» . . . . .	88



## У Ч И Н Ч И Қ И С М

### Эски тўнка соясида

Кукун дори ва юмалоқ соққачалар . . . . .	91
Арқонлар, иплар мушкул аҳвол . . . . .	94
Эски тўнкадаги бутоқ . . . . .	96
Жонли циркуль . . . . .	98
Думалайдиган гумбаз . . . . .	101
Урмон шовиллайди . . . . .	102
Инсон қўли билан ясалган буюм . . . . .	104
Ниқоблўшлар ва найрангбозлар . . . . .	106
Ким кимни! . . . . .	108
Тунги гигантлар овга чиқади . . . . .	111
Шудрингли тонг . . . . .	113
Эски тўнка сояси . . . . .	115

## Т У Р Т И Н Ч И Қ И С М

### Думчаё ўз қўли билан ёзган тўртинчи саёҳати тарихи

Кундаликка сўзбoши ўрнида . . . . .	118
-------------------------------------	-----

## Б Е Ш И Н Ч И Қ И С М

### Одамни одам қутқаради

Кечиккан Гиналар дарёси қирғоғида . . . . .	171
Яна ариларнинг қоғоз «слаҳри» . . . . .	173
Одам, жазоб бери . . . . .	176
Чироқлар, чироқлар . . . . .	178
Учрашув . . . . .	180
Биринчи таассурот . . . . .	184
Аччиқ алам . . . . .	188
Сувда чўкмайдиган бўлганда . . . . .	192
Думчевнинг кутилмаган саволлари . . . . .	195
Тунлик учун таъзирини беришди . . . . .	201
Катта йўлда . . . . .	203
«Ламехуза қутқаради!» . . . . .	204
Техникўрлар, меҳмонлар, хўжайинлар . . . . .	206
«Ламехуза» сўзи маъноси . . . . .	207
Шаҳар дарвозаси олдида . . . . .	209
Сочма ўқ отиш . . . . .	211
Қумлоқ қиялик сирини . . . . .	212

## ОЛТИНЧИ ҚИСМ

### Утган минутлар ҳавоси

Жонли лаборатория . . . . .	214
Думчев менинг кўнглимни очмоқчи бўлгани . . . . .	218
Буюк кашфиётми ёки буюк адашиш? . . . . .	222
Яна жумбоқлар . . . . .	226
Ер ости йўли . . . . .	230
Утган минутлар ҳавоси . . . . .	233

## ЕТТИНЧИ ҚИСМ

### Бўёқлар симфонияси

Тушимми ёки ўнгимми? . . . . .	239
Яхши таниш костюм . . . . .	241
Куппа-кундузи қароқчилик . . . . .	242
Эски уй остонасида . . . . .	244
Скрипка яна куйлай бошлади . . . . .	247
Яна меҳмонхонада . . . . .	250
Уй қуриляпти, қўшиқлар янграяпти . . . . .	252
«Чин қалбимдан раҳмат!» . . . . .	254
Конспектдаги белгиларим . . . . .	257
Кечикди! Кечикди! . . . . .	260
Кутилмаган ташриф . . . . .	265
Роман ўқибган қиз . . . . .	270
Туманда учрашув . . . . .	272
Гуллар майдончаси . . . . .	275
Энг аввало — тажриба! . . . . .	277
Волхонкада тунда . . . . .	282
Йўқ, адашиш эмас, кашфиёт! . . . . .	284
Доклад бўлмайди . . . . .	287
Бўёқлар симфонияси . . . . .	291

**Брагин Владимир.**

Доктор Думчевнинг кашфиётлари Роман-эртак. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашридан Ҳ. Иброҳимов тарж. Т., «Ёш гвардия, 1976 (С).

304 с. (Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун).

**Брагин Владимир.** **Открытия Доктора Думчева.**

Р2

ИБ № 84

Урта ва катта ёшдаги болалар учун

*На узбекском языке*

Брагин Владимир Григорьевич

**ОТКРЫТИЕ ДОКТОРА ДУМЧЕВА**

(В стране дремучих трав)

Издательство «ЕШ ГВАРДИЯ» — Ташкент — 1977

Редактор С. Юнусов  
Рассом Т. Гамидов  
Расмлар редактори Қ. Алиев  
Техн. редактор Л. Буркина  
Корректор Ш. Шоумарова

Босмахонага берилди 21/VI—76 й. Босишга рухсат этилди 9/IX—76 й. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма листи 9.5. Шартли босма листи 15,96. Нашр. листи 15, 81. Тиражи 30000.

Детгизнинг 1959 йилги нашридан таржима қилинди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қомитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 39—76.  
ЎзССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент полиграфия комбинатида (Навоий кўчаси, 30) тайёрланган матрицадан 1-босмахонада босилди. Ҳамза кўчаси, 21.  
Заказ № 210/3030, Баҳоси 64 т. Қоғоз № 1.

Б  $\frac{70803 - 564}{356(06) - 77}$  — 153 — 76